ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 3

2026 йил 19 - 24 январь

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ

40. «Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 21 январдаги ЎРҚ-1115-сон Қонуни

ИККИНЧИ БЎЛИМ

41. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 январдаги ПФ-5-сон Фармони

42. «Ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги фаолиятини рақамлаштириш орқали сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 январдаги ПҚ-14-сон қарори

43. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 майдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокидаги «Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-242-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 20 январдаги ПҚ-18-сон қарори

44. «2026-2030 йилларда қон билан ишлаш хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 20 январдаги ПҚ-19-сон қарори

45. «Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 20 январдаги ПҚ-20-сон қарори

46. «Спорт курашларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 январдаги ПҚ-22-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

47. «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 20 январдаги 11-сон қарори

48. «Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 23 январдаги 23-сон қарори

49. «Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотларга хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 23 январдаги 26-сон қарори

50. ««Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 24 январдаги 27-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

51. “Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-95) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1733-3-сон)*

52. “Bojxona chegarasidan olib o‘tilayotgan avtotransport vositalarini bojxona rasmiylashtiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2156-7-son)*

53. “«Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-9-сон)*

54. “Tabiiy suv havzalari mahsuldorligini oshirishda baliqlantirish me’yorlari va texnologiyasining 9-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3103-2-son)*

55. “Shaxslarni ishsiz deb e’tirof etish va ularga ishsizlik nafaqasini tayinlash bo‘yicha elektron davlat xizmatini ko‘rsatish to‘g‘risidagi reglamentga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3472-1-son)*

56. “Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3756-son)*

57. “Нотариуслар томонидан ижро хатларини ёзиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3757-сон)*

58. “O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Elektron sog‘liqni saqlash” axborot tizimida yaratilgan “Elektron poliklinika”, “Elektron shifoxona”, “Elektron tibbiy karta” va “Elektron retsept” modullaridan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3758-son)*

59. “Qimmatli qog‘ozlar emissiyasi va emissiyaviy qimmatli qog‘ozlar chiqarilishlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 20-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2000-13-son)*

60. ““O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi tomonidan bajariladigan geodeziya va kartografiya ish turlarining ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 21-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2721-3-son)*

61. “Karantin ostidagi mahsulotni olib qo‘yish, qaytarib yuborish va yo‘q qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 21-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3191-4-son)*

62. “Kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari tomonidan jismoniy shaxslarga masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha minimal talablar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 21-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3759-son)*

63. “Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarlarini attestatsiyadan o‘tkazish hamda ularning faoliyat samaradorligini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ommaviy axborot vositalari uchun kontent tayyorlash markazi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 22-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3760-son)*

64. “Budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 24-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2634-9-son)*

65. “«Давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг харажатларини бўнаклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2877-1-сон)*

66. “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki obligatsiyalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 24-yanvar ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3080-2-son)*



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

QMMB: 03/26/1115/0063-son
21.01.2026-y

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 1 ноябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланилиш имкониятини ва уларнинг сифати юқори даражада бўлишини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга сунъий интеллект тушунчасига қонун даражасида таъриф бериш, ахборот ресурсларини яратишда ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари ишида сунъий интеллектдан фойдаланишга доир умумий қоидаларни белгилаш, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов берганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишнинг умумий асосларини белгилашга ҳамда ушбу соҳадаги ваколатли давлат органининг ваколатларини аниқлаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов берганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

QMMB: 03/26/1115/0063-son
21.01.2026-y

Ушбу Қонун сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишнинг умумий асосларини белгилашга ҳамда мазкур соҳада юзага келадиган муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган **«Ахборотлаштириш тўғрисида»**ги 560–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1–2, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда; 2021 йил, № 3, 217-модда, 4-сонга илова; 2024 йил, № 9, 960-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**сунъий интеллект** – инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилиш, шу жумладан мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуи»;

2) **4-модданинг иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сунъий интеллектни жорий этиш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ҳуқуқий, технологик ва иқтисодий асосларни белгилаш»;

саккизинчи, **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи**, **ўнинчи** ва **ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **6-модда**:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи**, **ўнинчи** ва **ўн биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«сунъий интеллект йўналишига инвестицияларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратади;

давлат органларининг маълумотларини сунъий интеллект асосида қайта ишлаш учун техник инфратузилмани шакллантиради;

сунъий интеллект йўналишида кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади»;

тўққизинчи – ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **ўн иккинчи – ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) қуйидаги мазмундаги **7^1-модда** билан тўлдирилсин:

«7^1-модда. Ахборот ресурсларини яратишда ҳамда ахборот тизимлари ишида сунъий интеллектдан фойдаланиш

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот

QMMB: 03/26/1115/0063-son
21.01.2026-y

тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт.

Инсоннинг ҳуқуқи ва эркинлигига алоқадор бўлган юридик аҳамиятга эга қарорларни қабул қилиш чоғида фақат сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимларининг хулосаларига таяниш мумкин эмас»;

5) **12^1-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш, уларни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш»;

саккизинчи – ўн учинчи хатбошилари тегишинча **тўққизинчи – ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар,

QMMB: 03/26/1115/0063-son
21.01.2026-y

№ 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар) **46^2-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш, уларни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, –

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуролларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

QMMB: 03/26/1115/0063-son
21.01.2026-y

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 21 январь
№ ЎРҚ–1115



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/5/0051-son
19.01.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «19» январь № ПФ–5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 июндаги “Бозор ислоҳотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–85-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, савдо тартиботларини янада соддалаштириш ва мамлакат транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **1-иловага** мувофиқ қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатлари **2-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.
4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/5/0051-son
19.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 январдаги ПФ–5-сон Фармонига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–94-сон Фармони:

(а) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Миллий транспорт коммуникациялари орқали халқаро ва минтақавий транзитни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида 7-иловага мувофиқ таркибда Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

миллий транспорт коммуникациялари орқали транзит ташувларини кўпайтириш ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика ҳудуди бўйлаб ўтувчи транзит йўлакларининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

транзит билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлаштириш, **транзит эркинлиги тамойили асосида** транзит тартиботларини **соддалаштириш** бўйича ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига **кўрсатма бериш**;

Жаҳон божхона ташкилоти тавсияларига мувофиқ транзит тартиб-таомилларини такомиллаштириш, транзит йўриқномаларини тасдиқлаш ва рақамли технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органларининг транзит йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

QMMB: 06/26/5/0051-son
19.01.2026-y.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатларнинг транзит ташувлари билан боғлиқ бўлган мурожаатлари, таклифлари ва сўровномаларини кўриб чиқиш ва ушбу ташкилотга аъзо давлатларни Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган транзит тартиботлари тўғрисида хабардор этиб бориш";

(б) 7-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 14 июндаги ПФ–94-сон Фармонига
7-илова

Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш
ТАРКИБИ

И.Р. Махкамов	–	транспорт вазири, *Идоралараро кенгаш раиси*
А.Ю. Мавлонов	–	Божхона қўмитаси раиси, *Идоралараро кенгаш раисининг ўринбосари*
А.Я. Хайдаров	**–**	**иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари**
Х.Ф. Тешабаев	**–**	**инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари**
М.А. Мадрахимов	**–**	**ташқи ишлар вазири ўринбосари**
А.Т. Раҳматуллаев	–	**ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари**
С.Э. Хусанов	–	Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари – Чегара қўшинлари қўмондони
Лавозими бўйича	**–**	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси**
И.К. Эргашев	–	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори
Б.Қ. Юсупалиев	–	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
З.Ғ. Нарзуллаев	**–**	**"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси**

QMMB: 06/26/5/0051-son
19.01.2026-y.

Ж.О. Умарходжаев – **“Uzbekistan Airports” АЖ бошқаруви раиси**

Ж.Ю. Турсунов – **Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раиси**

М.А. Омаров – **транспорт вазирининг биринчи ўринбосари, *Идоралараро кенгаш котиби***

Изоҳ.

Идоралараро кенгаш котибияти функциялари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига юкланади.

Идоралараро кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 октябрдаги “Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5262-сон қарорида:

(а) 1-банддаги ва илованинг номидаги “2024 йил 1 январга қадар” сўзлари “2027 йил 1 январга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) қуйидаги мазмундаги 1^1-банд билан тўлдирилсин:

“1^1. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–37-сон Фармонидан келиб чиқиб, 2024 йил 21 февралдан бошлаб амал қилади”;

(в) илованинг 15-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

15.	3402 (3402209000, 340211–340219 дан ташқари)	Сирти фаол органик моддалар (совундан ташқари); сирти фаол воситалар, ювиш воситалари (шу жумладан, ёрдамчи ювиш воситалари) ва таркибида совун мавжуд ёки мавжуд бўлмаган тозалаш воситалари (товар позицияси 3401 бўлган воситалардан ташқари)

”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 мартдаги “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни

QMMB: 06/26/5/0051-son
19.01.2026-y.

ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–115-сон қарори 13-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “8701 94 100” рақами “8701 92 900 0” рақами билан алмаштирилсин.

Изоҳ. *Ушбу илованинг 3-банди 2026 йил 1 февралдан бошлаб кучга киради.*

QMMB: 06/26/5/0051-son
19.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 январдаги ПФ–5-сон Фармонига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари

РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5564-сон Фармонига 2-илованинг 7-банди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги “Қимматбаҳо металлар муомаласини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6066-сон Фармонига 1-илованинг 7-банди.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3873-сон қарорига 3-илова.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 19 » январь № ПҚ–14

Ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги фаолиятини рақамлаштириш орқали сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида шахсга доир маълумотларни ҳимоялаш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–45-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда миграция ва персоналлаштириш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда соҳада рақамлаштириш жараёнларини изчил давом эттириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Устувор йўналишлар

1. Қуйидагилар миграция ва персоналлаштириш соҳасида **давлат сиёсатининг устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

(а) ички ишлар органлари миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларини босқичма-босқич **тезкорлик ва шаффофлик** тамойиллари асосида аҳолига янада қулай ва сифатли хизмат кўрсатувчи “**сервис бўлинмалар**”га айлантириш;

(б) миграция ва персоналлаштириш соҳасида **республика – вилоят – туман (шаҳар)** бўлинмалар фаолиятини ташкил этишни сифат жиҳатидан **янги босқичга кўтариш** ва улар самарадорлигини ошириш;

(в) миграция ва персоналлаштириш соҳасида кўрсатиладиган **давлат хизматларини рақамлаштириш**;

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

(г) шахсга доир маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини таъминлаш;

(д) соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали мавжуд ахборот тизимларида **ахборот хавфсизлиги** ва **киберхавфсизликни** таъминлаш.

II. Ташкилий чора-тадбирлар

2. Қуйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

(б) Ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича "йўл харитаси" **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, **2026 йил 1 майдан бошлаб эксперимент тариқасида** Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида биттадан туман (шаҳар) ички ишлар органлари миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларида **ўзига ўзи хизмат кўрсатиш** имконияти яратилган, **сунъий интеллект асосида фаолият юритадиган "Ақлли" миграция шохобчалари (Smart migration stations)** ташкил этилсин. Бунда:

(а) дастлабки босқичда "**Ақлли" миграция шохобчалари**да **3-иловада** келтирилган давлат хизматлари кўрсатилади;

(б) Ички ишлар вазирлиги томонидан ўзига ўзи кўрсатиладиган хизматлар турлари кенгайтириб борилади.

4. Ички ишлар вазирлиги (А.А. Ташпулатов) **2027 йил 1 майга қадар эксперимент натижасидан** келиб чиқиб, "Ақлли" миграция шохобчаларини республиканинг бошқа ҳудудларида, шунингдек, савдо ва кўнгилочар марказлар, туристик ҳудудларда ҳам ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

III. Аҳолига қулайликлар яратиш

5. Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг **қуйидаги таклифлари маъқуллансин**:

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

(а) 2026 йил 1 майдан бошлаб Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига Ўзбекистонга электрон кириш визаси асосида кириб келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг электрон визаларининг **амал қилиш муддатини** бир маротаба **30 кунгача узайтириш** ҳуқуқини бериш;

(б) чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган **тасдиқномани расмийлаштириш ваколатини** Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига ҳам бериш;

(в) ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларига чет эл фуқаролари таълим олаётган муассасалар ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларда **виза муддатини узайтириш, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш** учун корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан шартнома асосида миграция бўлинмасига **шаҳодатланган қўшимча штат бирликларини киритиш** ҳуқуқини бериш;

(г) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб талабалар ётоқхонасига жойлашиш бўйича шартнома тузиш билан бир вақтда талабаларни **турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг композит тартибини** жорий этиш;

(д) 2026 йил 1 февралдан бошлаб жисмоний шахсларга идентификацияловчи ID карталар биринчи маротаба расмийлаштирилганда унинг чипига киритиладиган **электрон рақамли имзо сертификатини бепул бериш** ҳамда фуқарони "Электрон ҳукумат" тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида **автоматик тарзда бепул рўйхатдан ўтказиш**.

IV. Миграция ва персоналлаштириш соҳасини рақамлаштириш

6. Департамент жисмоний шахсларнинг қуйидаги марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва доимий янгилаб бориш бўйича ваколатли орган ҳисобланади:

(а) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг **яшаш** ва **турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзили** тўғрисидаги маълумотлар;

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

(б) идентификацияловчи ID карта серияси, рақами, берилган жойи ҳамда берилган санаси ва тугаш санаси тўғрисидаги маълумотлар;

(в) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги маълумотлар;

(г) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

(д) Ўзбекистон Республикасига таклиф қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳақидаги, шунингдек, уларнинг виза муддати узайтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

7. Ички ишлар вазирлиги (А.А. Ташпулатов) **2026 йил 1 августга қадар сунъий интеллект технологиялари асосида:**

(а) миграция ва персоналлаштириш соҳасига оид электрон давлат хизматларини кўрсатиш, онлайн ҳуқуқий маслаҳат бериш, юкламаси кам бўлган миграция бўлинмалари ҳақида маълумот олиш имконини берувчи "Паспорт-виза" автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасининг **"Passport-visa" мобил иловаси**ни ишлаб чиқсин.

Бунда мазкур мобил илова орқали кўрсатилиши кўзда тутилган миграция ва персоналлаштириш соҳасига оид электрон давлат хизматлари дастлаб **Ягона интерактив давлат хизматлари портали**да йўлга қўйилади;

(б) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига риоя этилишини "Хавфсиз шаҳар" тизими орқали **аниқлаш ва мониторинг қилиш** имкониятини яратсин;

(в) миграция ва персоналлаштириш соҳасида бошқа шахснинг розилиги талаб этиладиган давлат хизматларини кўрсатишда уларнинг шахсини "Паспорт-виза" автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасининг "Face-ID" модули орқали масофадан туриб аниқлаш ва розилигини олиш имконини берувчи **"E-Rozilik" платформасини** ишга туширсин.

8. Белгилансинки, **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб қуйидаги давлат хизматларини **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ва **давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиш имконияти** яратилади:

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

(а) хорижда истиқомат қилаётган **ватандошлар** ва уларнинг **оила аъзоларини** Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш;

(б) фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг **биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун ариза юбориш;**

(в) мулкдор ёки турган жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг мурожаати асосида унинг турган жойи бўйича **рўйхатга олинганлигини бекор қилиш** учун ариза юбориш.

9. Ички ишлар вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** шахсга доир маълумотлар доимий янгиланиши ва хавфсизлигини таъминлаш, давлат хизматлари сонини ошириш ҳамда такрорланувчи маълумотларни бирлаштириш орқали ахборот ресурсларидан фойдаланиш қулайлигини ошириш мақсадида Персоналлаштириш марказининг маълумотлар базалари ва дастурий таъминотларини Ички ишлар вазирлигининг **“Паспорт-виза”** автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасига **бирлаштирсин**. Бунда:

(а) шахсга доир маълумотлар жамланган **“Ягона рақамли миграция” платформаси яратилади** (Digital migration platform);

(б) “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасини такомиллаштириш, қўллаб-қувватлаш, Департамент ва унинг қуйи тизимлари учун сервер, компьютер ва бошқа қурилмаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлиги ҳамда Персоналлаштириш марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Ички ишлар вазирлиги (З.К. Курбанов) Департаментнинг ахборот технологиялари ва телекоммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш ҳамда техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, барча ахборот тизимлари, дастурий таъминотлар ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ички ишлар вазирлиги (А.А. Ташпулатов) **уч ой муддатда**:

(а) миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланган учун маъмурий чора кўриш ваколатини беришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин;

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

(б) қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов белгилансин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

1-илова келтирилмайди

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 январдаги ПҚ–14-сон қарорига
2-илова

Ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш йўналишида					
1.	Миграция ва персоналлаштириш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) ва унинг ҳудудий бўлинмаларига Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларини бузган шахсларга нисбатан **маъмурий баённома расмийлаштириш ваколатини бериш**.	1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Қонун лойиҳасини вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил май	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Адлия вазирлиги **(Ташкулов)**, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномани** расмийлаштириш ваколатини бериш.	1. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Қонун лойиҳасини вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил май	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **(Захидов)**,

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
					манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномани бериш бўйича **электрон мурожаатларни кўриб чиқиш** тартибига ўзгартириш киритиш. Бунда мазкур хизматни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан бир вақтда Ички ишлар вазирлигига бериш ҳамда пул тушумлари тақсимотини қайта кўриб чиқиш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 86-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Қарор лойиҳасини белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **(Захидов)**, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Ички ишлар органларига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунга хилоф равишда **меҳнат фаолиятини амалга оширганлик** учун маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқини бериш.	1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Қонун лойиҳасини вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил май	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Адлия вазирлиги **(Ташкулов)**, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
5.	Хорижда истиқомат қилаётган **ватандошлар** ва уларнинг **оила аъзоларини** Ўзбекистон Республикасига **таклиф қилишни** расмийлаштириш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) **орқали мурожаат қилиш** бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини ишлаб чиқиш.	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил июнь	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Адлия вазирлиги **(Ташкулов)**, Давлат хавфсизлик хизмати **(Курбанов)**, Ташқи ишлар вазирлиги **(Саидов)**
6.	Фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун **ЯИДХП орқали мурожаат қилиш** бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини ишлаб чиқиш.	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил май	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Адлия вазирлиги **(Ташкулов)**, Рақамли технологиялар вазирлиги **(Шерматов)**, Давлат хавфсизлик хизмати **(Курбанов)**

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
7.	Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига Ўзбекистонга электрон кириш визаси асосида кириб келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг электрон визаларининг амал қилиш муддатини **бир марта 30 кунгача муддатга узайтириш** ҳуқуқини бериш.	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил август	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Адлия вазирлиги **(Ташкулов)**, Ташқи ишлар вазирлиги **(Саидов)**, Давлат хавфсизлик хизмати **(Курбанов)**
8.	Талаба ётоқхонага жойлашиш бўйича мурожаат қилганда таълим муассасаси ва ариза берувчи ўртасида шартнома тузиш жараёнида **ЯИДХП** орқали композит тарзда ўша ернинг ўзига турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини жорий этиш.	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил май	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Адлия вазирлиги **(Ташкулов)**, Солиқ қўмитаси **(Пулатов)**, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(Шарипов)**

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
9.	Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг **идоралараро электрон алмашинувини йўлга қўйиш**.	1.Республикамизга кириши тақиқланган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотларни юритиш ва Чегара қўшинларига электрон тарзда юбориш тизимини жорий этиш юзасидан тегишли идоравий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Идоравий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Идоравий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил июль	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Давлат хавфсизлик хизмати **(Курбанов)**, Ташқи ишлар вазирлиги **(Саидов)**
II. Амалий чора-тадбирлар йўналишида					
10.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида паспорт тизими ва бўлиш қоидаларини бузган шахсларни **Face-ID тизимлари орқали аниқлаш** амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Департамент ахборот тизимини **“Хавфсиз шаҳар” платформаси** билан **интеграция қилиш**.	1. Департаментнинг ахборот тизимини **“Хавфсиз шаҳар” платформасига** интеграция қилиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш. 2. Технологик йўриқнома асосида тизимларни интеграция қилиш. 3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида паспорт тизими ва бўлиш қоидаларини бузган шахсларни Face-ID тизимлари орқали аниқлаш ва ушлаш тартибини ишлаб чиқиб тасдиқлаш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил март 2026 йил май 2026 йил июнь	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
		4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида паспорт тизими ва бўлиш қоидаларини бузган шахсларни Face-ID тизимлари орқали аниқлаш ва ушлаш тизимини 2026 йил 1 августга қадар ишга тушириш.		2026 йил июль	
11.	Ички ишлар органларида миграция ва персоналлаштириш соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматларини ягона иловага бирлаштирган ҳолда **“PASSPORT-VISA”** мобил иловасини яратиш.	1. Мобил илова ва унинг модуллари ҳамда ишлаш тартиблари юзасидан ички регламентни ишлаб чиқиш. 2. Мобил илованинг техник топшириғини ишлаб чиқиш. 3. Техник топшириқ лойиҳасини тегишли экспертизадан ўтказиш. 4. Мобил иловани ишлаб чиқиш ва 2026 йил 1 августдан ишга тушириш.	ИИВнинг бюджетдан ташқари маблағлари	2026 йил февраль 2026 йил май 2026 йил июнь 2026 йил июль	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Рақамли технологиялар вазирлиги **(Шерматов)**
12.	Миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги давлат хизматлари белгиланган муддатларда кўрсатилиши ҳамда ташқи тизимлар билан маълумот алмашиш бўйича веб-хизматларни назорат қилиш мақсадида **“Паспорт-виза”** тизими доирасида **“Ягона мониторинг” модулини жорий этиш**.	1. Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларида давлат хизматлари кўрсатилишини назорат қилиб бориш мақсадида **“Ягона мониторинг” модулини жорий этиш**. 2. **Ягона мониторинг** тизими учун зарурий техник қурилмалар билан жиҳозлаш. 3. Дастурий таъминот учун техник топшириқ ишлаб чиқиш. 4. Техник экспертизадан ўтказиш.	Ички ишлар вазирлиги, Персоналлаш-тириш марказининг бюджетдан ташқари маблағлари	2026 йил август	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Рақамли технологиялар вазирлиги **(Шерматов)**

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
		5. “Ягона мониторинг” модулини жорий этиш.			
13.	Департаментнинг ҳудудий бошқарма, бўлим (бўлинма)лари биноларини **мукаммал таъмирлаш**.	1. Департаментнинг ҳудудий бошқарма, бўлим (бўлинма)лари бинолари ҳолатини тафтишдан ўтказиш. 2. Миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларининг таъмирталаб бинолари рўйхатини шакллантириб, таъмирлаш муддатлари белгиланган ҳолда режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Биноларни мукаммал таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш.	Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	2026 йил май 2026–2028 йиллар Алоҳида режага мувофиқ	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **(Норқулов)**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
14.	Ички ишлар вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил якунига қадар шахсга доир маълумотлар доимий янгиланишини таъминлаш мақсадида Персоналлаштириш марказининг маълумотлар базалари ва дастурий таъминотларини ИИВнинг “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуасига бирлаштиришни амалга ошириш.	1. Персоналлаштириш маркази ҳамда Департамент биносида жойлашган маълумотлар базалари, техника, дастурий таъминот ва бошқаларни хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов асосида босқичма-босқич бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ички ишлар вазирлиги, Персоналлаш-тириш марказининг бюджетдан ташқари маблағлари	2026 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Рақамли технологиялар вазирлиги **(Шерматов)**

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
15.	Шахсга доир маълумотлар жамланган “Ягона рақамли миграция” платформасини яратиш (Digital migration platform).	1. Платформа ва унинг модуллари ҳамда ишлаш тартиблари юзасидан ички регламентни ишлаб чиқиш. 2. Платформанинг техник топшириғини ишлаб чиқиш. 3. Техник топшириқ лойиҳасини тегишли экспертизадан ўтказиш. 4. Платформани ишлаб чиқиш ва 2027 йил 1 январдан ишга тушириш.	Ички ишлар вазирлиги, Персоналлаш-тириш марказининг бюджетдан ташқари маблағлари	2026 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Рақамли технологиялар вазирлиги **(Шерматов)**
16.	Талаба ётоқхонага жойлашиш бўйича мурожаат қилганда таълим муассасаси ва ариза берувчи ўртасида шартнома тузиш жараёнида **ЯИДХП** орқали композит тарзда ўша ернинг ўзига турган жойи бўйича рўйхатга олиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларини ИИВ ахборот тизимига интеграция қилиш.	1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларини Департаментнинг ахборот тизимига ўзаро интеграция қилиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш. 2. Техник топшириқ лойиҳасини тегишли экспертизадан ўтказиш. 3. Ахборот тизимларини интеграция қилиш ва ва 2026 йил 1 сентябрдан **ЯИДХП** орқали ишга тушириш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил май 2026 йил июль 2026 йил август	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Рақамли технологиялар вазирлиги **(Шерматов)**, Солиқ қўмитаси **(Пулатов)**, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(Шарипов)**

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Бажариш муддати	Масъул орган
17.	Фуқаронинг турар жойда рўйхатдан ўтказилганини бекор қилиш ёки рўйхатга олинганликни тиклаш бўйича суд қарорларини ички ишлар органларига фақат электрон шаклда юбориш.	1. Олий суднинг ахборот тизимини Департаментнинг ахборот тизимига ўзаро интеграция қилиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш. 2. Техник топшириқ лойиҳасини тегишли экспертизадан ўтказиш. 3. Ахборот тизимларини интеграция қилиш ва ва 2026 йил 1 сентябрдан йўлга қўйиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил май 2026 йил июль 2026 йил август	Ички ишлар вазирлиги **(Ташпулатов)**, Рақамли технологиялар вазирлиги **(Шерматов)**, Олий суд **(Исламов)**

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 январдаги ПҚ–14-сон қарорига
3-илова

“Ақлли” миграция шохобчалари орқали ўз-ўзига кўрсатиладиган хизматлар РЎЙХАТИ

Т/р	Кўрсатиладиган хизматлар номи
	Шохобчада расмийлаштириладиган хизматлар
1.	Ўзбекистон Республикаси фуқаросига идентификацияловчи ID картасини расмийлаштириб бериш ва идентификацияловчи ID картасини алмаштириш.
2.	Ўзбекистон Республикасида мулкдорни ўз уйига яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатга олиш.
3.	Мулкдор томонидан фуқароларни яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқариш.
4.	Ўзининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганликни ўзи бекор қилиш.
5.	Ўзбекистон Республикаси фуқароларини турган жойи бўйича рўйхатга олиш.
6.	Яшаш жойи бўйича маълумотнома бериш.
7.	Яшаш жойида рўйхатдан ўтиб яшовчилар тўғрисида маълумотнома бериш.
8.	Судланганлик ҳақида маълумотнома бериш.
	Ариза юбориш
9.	Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш учун ариза юбориш.
10.	Фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун ариза юбориш.
11.	Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш бўйича ариза юбориш.
12.	Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи бўйича рўйхатга олишга ариза юбориш.
13.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида ариза юбориш.
14.	Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг виза муддатларини узайтиришга ариза юбориш.

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 январдаги ПҚ–14-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3126-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3666-сон қарорида:

(а) 1-бандниng йигирма еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

(б) 1-иловада:

8-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўн бешинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

9-бандниng йигирма еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

11-бандниng 51-кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши тартибини оптималлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3836-сон қарорининг 9-банди тўртинчи хатбошисидаги “миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари” сўзлари “миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4079-сон қарорида:

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

(а) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига “Хорижга чиқиш паспорти” тизимини яратиш ва Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида жалб этиладиган хорижий мутахассисларга, давлат божлари ундирилмаган ҳолда кўп марталик визаларни белгиланган тартибда расмийлаштириш, бериш ва муддатини узайтириш, шунингдек, вақтинчалик рўйхатга қўйиш, яшаш жойида ҳисобга олиш ва унинг муддатини узайтиришга рухсат берилсин”;

(б) 1-иловада:

2-банднинг ўн бешинчи хатбошисидаги “Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигига (кейинги ўринларда – Персоналлаштириш агентлиги)” ва “миграция ва фуқароликни расмийлаштириш” сўзлари тегишлича “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаментига (кейинги ўринларда – Миграция ва персоналлаштириш департаменти)” ва “миграция ва персоналлаштириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Персоналлаштириш агентлигида” сўзлари “Миграция ва персоналлаштириш департаментида” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг иккинчи хатбошисидаги “миграция ва фуқароликни расмийлаштириш” сўзлари “миграция ва персоналлаштириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

29-бандда:

“а” ва “б” кичик бандларнинг иккинчи хатбошиларидаги “Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “миграция ва фуқароликни расмийлаштириш” сўзлари “миграция ва персоналлаштириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

иккинчи хатбошидаги “Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати органлари ва Персоналлаштириш агентлигига” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати органларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Персоналлаштириш агентлигига” сўзлари “Миграция ва персоналлаштириш департаментига” сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банддаги “Персоналлаштириш агентлигига” сўзлари “Миграция ва персоналлаштириш департаментига” сўзлари билан алмаштирилсин;

38-бандниng иккинчи хатбошисидаги “Персоналлаштириш агентлигининг” сўзлари “Миграция ва персоналлаштириш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

39-бандниng биринчи хатбошисидаги “Персоналлаштириш агентлиги” сўзлари “Миграция ва персоналлаштириш департаментининг Персоналлаштириш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

40^3-бандниng иккинчи хатбошисидаги “Персоналлаштириш агентлиги” сўзлари “Миграция ва персоналлаштириш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

56 ва 58-бандлардаги “миграция бўлинмасига” сўзлари “миграция ва персоналлаштириш бўлинмасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

57-бандниng учинчи хатбошисидаги “миграция бўлинмалари” сўзлари “миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

61-банддаги “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари” сўзлари “Миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 07/26/14/0053-son
20.01.2026-y.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ–4343-сон қарорининг 5-банди бешинчи хатбошисидаги “миграция ва фуқароликни расмийлаштириш” сўзлари “миграция ва персоналлаштириш” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПҚ–4756-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларни бажаришга масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатининг 32-позицияси “Тўловчилар номи” устунидаги “Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 ноябрдаги ПҚ–397-сон қарори билан тасдиқланган “Ватандош” гувоҳномаси ва “Ватандош” картасини расмийлаштириш, бериш ҳамда бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 10-банддаги “Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси” ва “(кейинги ўринларда – МваФРБ)” сўзлари тегишинча “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти” ва “(кейинги ўринларда – МваПБ)” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 16–18-бандлардаги “МваФРБ” қисқартмаси “МваПБ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

(в) 2-иловада:

1-босқич “Чора-тадбирлар” устунидаги “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси” ва “(кейинги ўринларда – МваФРБ)” сўзлари “Миграция ва персоналлаштириш департаменти” ва “(кейинги ўринларда – МваПБ)” сўзлари билан алмаштирилсин.

2 ва 3-босқич “Субъектлар” устунидаги “МваФРБ” қисқартмаси “МваПБ” қисқартмаси билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil «20» январь № ПҚ–18

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 майдаги “Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–242-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази янги мажмуасини Ислом тараққиёт банки томонидан молиялаштириш доирасида тиббий ва диагностик жиҳозлар билан ўз вақтида ва тўлиқ жиҳозлаш, шунингдек, онкология хизмати моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва тузилмасини такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 майдаги “Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–242-сон қарорига **иловага** мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилсин:

лойиҳани амалга ошириш учун Ислом тараққиёт банкидан 10 миллион АҚШ доллари миқдорида қўшимча қарз жалб этиш;

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази янги мажмуаси ҳамда унинг филиалларини жиҳозлаш учун қўшимча тиббий ва диагностика жиҳозларини харид қилиш;

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ва олиб кириладиган товар (хизмат)ларни Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод этиш.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–18-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 майдаги “Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–242-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Қуйидагилар:

Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш” лойиҳасининг I босқичида Республика ихтисослашган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларига 2016–2021 йиллар давомида умумий қиймати 22,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги даволаш, диагностика ҳамда радиотерапевтик тиббий жиҳозлар етказиб берилганлиги ва ишга туширилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ва Ислом тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ИТБ) ўртасида 2021 йил 4 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) молиялаштириш учун 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга жами 80 миллион АҚШ доллари миқдорида ҳадли ва агентлик келишувлари имзоланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ва ИТБ ўртасида 2025 йил 24 апрелда лойиҳани 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қўшимча маблағлар билан молиялаштириш учун ҳадли келишувга қўшимча келишув имзоланганлиги ва қарзнинг умумий миқдори 90 миллион АҚШ долларини ташкил этганлиги;

лойиҳанинг умумий қиймати 133,0 миллион АҚШ долларига тенг тузатиш киритилган техник-иқтисодий ҳисоби ишлаб чиқилганлиги ва ваколатли давлат органларида экспертизадан ўтказилганлиги, бунда 43,0 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар, шу жумладан, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш шаклидаги – 15,53 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишдаги улушини ташкил этиши;

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

лойиҳанинг II босқичини 2022–2027 йилларда амалга ошириш доирасида онкология муассасаларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ) янги мажмуаси ҳамда унинг филиалларини жиҳозлаш учун контрагент билан ўрнатилган тартибда имзоланган битим доирасида 200 турдан ортиқ тиббий жиҳозларни харид қилиш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Саратонни ўрганиш халқаро агентлиги билан имзоланган битимлар доирасида онкология хизмати салоҳиятини тубдан ошириш, саратонни бошланғич босқичларида аниқлаш ва ушбу йўналишда соҳа мутахассисларини ўқитиш ва тайёрлаш, онкология соҳасида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг электрон тизимини яратишга ҳамда Халқаро атом энергияси агентлиги мутахассисларини жалб қилган ҳолда, ядро тиббиётини жорий қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш, шунингдек, ИТБ қарзидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда битим расмийлаштирилган ташкилот лойиҳа доирасида тиббий ва диагностика жиҳозларини етказиб бериш учун тузилган шартномалар бўйича контрагент ҳисобланади;

Марказ, контрагент ва лойиҳани амалга ошириш гуруҳи юкларни қабул қилиб олувчилар ҳисобланади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказ учун янги мажмуа ва унинг филиалларида қурилиш ишлари якунланиб, лойиҳа доирасида етказиб бериладиган жиҳозларни қабул қилиш учун шароитлар таъминлангунга қадар уларни вақтинча сақлаш учун омборхона билан таъминлайди;

ИТБнинг қарз маблағларини қайтариш, шу жумладан, қўшимча ҳақ (устама) ва фоизлар, бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади”.

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

2. 3-бандда:

(а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ”;

(б) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳаси доирасида жалб этилаётган қарз маблағлари ҳисобига жиҳозлар ва хизматларни етказиб беришнинг манзилли тақсимоти 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин”.

3. 6-бандниng биринчи хатбошисидаги “Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Белгилаб қўйилсинки, лойиҳани бошқариш бўйича вазифалар “Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи) зиммасига юклатилади ҳамда унинг молиялаштирилиши лойиҳанинг тузатиш киритилган техник-иқтисодий ҳисобида кўрсатилган ИТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳиссаси ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда лойиҳани амалга ошириш даврида Лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг фаолиятини молиялаштириш бўйича йиллик харажатлар сметаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади”.

5. 8-бандниng биринчи хатбошисидаги “товарларга (хизматларга) тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади” сўзлари “товарлар (хизматлар) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод этилади” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 9-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили”.

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

7. 12-банддаги “Б.А. Мусаев” сўзлари “А.А. Худаяров” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 13-банддан “ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев” сўзлари чиқариб ташлансин.

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

9. 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)" лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

(минг АҚШ доллари)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами*	Жумладан:	
			ИТБ маблағлари	Ўзбекистон Республикаси улуши
1.	**Лойиҳанинг умумий қиймати ***	**133 000,0**	**90 000,0**	**43 000,0**
2.	**Капитал қўйилмалар қиймати, жами**	**117 470,0**	**90 000,0**	**27 470,0**
	жумладан компонентлар бўйича:			
2.1.	***1-компонент:*** Онкология хизматидан фойдаланиш имкониятини ошириш	105 270,0	80 000,0	25 270,0
2.2.	***2-компонент:*** Онкология хизматлари сифатини ошириш	4 982,0	4 982,0	-
2.3.	***3-компонент:*** Радиология, нур терапияси ва ядро медицинаси соҳасида соғлиқни сақлаш тизими имкониятларини мустаҳкамлаш	2 356,0	2 356,0	-
2.4.	***4-компонент:*** Лойиҳани бошқариш	1 170,0	903,0	267,0
2.5.	Кўзда тутилмаган харажатлар	3 692,0	1 759,0	1 933,0
3.	Инвестиция давридаги молиявий харажатлар	-	-	-
4.	Бошқа харажатлар, жами	-	-	-
5.	Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш шаклидаги, шунингдек, харид қилиш ҳамда етказиб бериш бўйича агент хизматлари учун қўшган ҳиссаси	15 530,0	-	15 530,0
6.	Муассасаларнинг қуввати	2 388 ўрин		
7.	Кутилаётган иш ўринлари сони	3 545 та		
8.	Инвестиция даврининг давомийлиги	60 ой		
9.	Қарзни қайтариш муддати	20 йил		
	жумладан, асосий қарз учун имтиёзли давр	5 йил		

**) Сўнгги қиймат кўрсаткичлари товарлар ва хизматларини етказиб бериш бўйича ўтказиладиган халқаро тендер савдолари натижаларига асосан аниқланади".*

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

10. 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)" лойиҳаси бўйича Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларини қайтариш, шу жумладан қўшимча ҳақ (устама) ва фоизларни тўлашнинг ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ

Лойиҳани амалга ошириш муддати – 5 йил
Жами фойдаланиш даври – 20 йил, шундан имтиёзли давр – 5 йил
Фоиз ставкалари – 1,85% + 10 йиллик ўртача SWAP қиймати*

(минг АҚШ доллари)

Тўлов даври	Имтиёзли давр фоиз кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда қарз миқдори	Маблағларнинг устама қиймати	Маблағларни қайтариш қиймати**
	99 785 434,65	27 534 820,15	
15.12.2027			4 244 008,49
15.06.2028			4 244 008,49
15.12.2028			4 244 008,49
15.06.2029			4 244 008,49
15.12.2029			4 244 008,49
15.06.2030			4 244 008,49
15.12.2030			4 244 008,49
15.06.2031			4 244 008,49
15.12.2031			4 244 008,49
15.06.2032			4 244 008,49
15.12.2032			4 244 008,49
15.06.2033			4 244 008,49
15.12.2033			4 244 008,49
15.06.2034			4 244 008,49
15.12.2034			4 244 008,49
15.06.2035			4 244 008,49
15.12.2035			4 244 008,49
15.06.2036			4 244 008,49
15.12.2036			4 244 008,49
15.06.2037			4 244 008,49
15.12.2037			4 244 008,49
15.06.2038			4 244 008,49
15.12.2038			4 244 008,49
15.06.2039			4 244 008,49
15.12.2039			4 244 008,49
15.06.2040			4 244 008,49
15.12.2040			4 244 008,49
15.06.2041			4 244 008,49
15.12.2041			4 244 008,49
15.06.2042			4 244 008,49
ЖАМИ			**127 320 254,80**

**) SWAP фоиз кўрсаткичи сўнгги ҳақиқий қарз маблағлари ўзлаштирилганидан кейин белгиланади;*
***) Ислом тараққиёт банки қарзининг ҳақиқатда ўзлаштирилган миқдори ҳамда санасидан келиб чиқиб ўзгаради".*

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

11. 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳаси доирасида жалб этилаётган қарз маблағлари ҳисобига жиҳозлар ва хизматларни етказиб беришнинг МАНЗИЛЛИ ТАҚСИМОТИ*

Т/р	Жиҳозлар номи	Онкология муассасалари														Жами сони	Нархи *(донаси учун)*	Сумма *(АҚШ долл.)*
		Қорақалпоғистон Республикаси филиали	Андижон вилояти филиали	Бухоро вилояти филиали	Жиззах вилояти филиали	Қашқадарё вилояти филиали	Навоий вилояти филиали	Наманган вилояти филиали	Самарқанд вилояти филиали	Сурхондарё вилояти филиали	Сирдарё вилояти филиали	Фарғона вилояти филиали	Фарғона 2 (Қўқон) филиали	Хоразм вилояти филиали	Республика маркази (янги мажмуа)			
Жами		**90**	**99**	**103**	**87**	**87**	**85**	**93**	**120**	**87**	**84**	**98**	**81**	**86**	**1648**	**2848**	**x**	**75 000 000,00**
1.	Чизиқли тезлаткич (6,10 МэВ) “FFF-функцияли”	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	3 012 519,22	3 012 519,22
2.	Чизиқли тезлаткич (6,10 МэВ)	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	2	2 043 685,39	4 087 370,78
3.	Контактли гамма-терапия (брахитерапия) ускунаси	-	1	-	1	-	1	-	-	-	-	1	-	1	-	5	363 904,00	1 819 520,00
4.	Рентгенотерапия ускунаси	1	1	1	1	1	-	1	1	1	-	1	1	1	1	12	225 379,17	2 704 550,04
5.	Магнит-резонансли томограф 1,5Т	-	-	1	-	-	1	-	1	1	1	-	-	-	2	7	1 143 100,00	8 001 700,00
6.	Кўп кесмали компьютер томографи (256 кесма)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1 170 582,00	1 170 582,00
7.	Кўп кесмали компьютер томографи (128 кесма)	1	-	-	1	1	-	-	-	-	-	1	-	-	1	5	526 400,00	2 632 000,00
8.	Ангиография тизими (гибрид)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	746 000,00	746 000,00
9.	Ангиография тизими	-	-	1	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	2	676 000,00	1 352 000,00
10.	Стационар рақамли рентген тизими (флюороскопия)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	14	223 817,00	3 133 438,00
11.	Стационар рақамли рентген тизими (радиография)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	107 500,00	322 500,00
12.	С-ҳалқали мобил рентген тизими (C-arm)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	16	59 389,04	950 224,64
13.	Кўп функцияли ультратовушли сканер (стационар)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4	17	35 059,00	596 003,00
14.	Кўп функцияли ультратовушли сканер (портатив)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	7	20	26 165,00	523 300,00
15.	Тана юзасини автоматик хариталаш тизими (дерматоскоп)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	100 525,55	100 525,55
16.	Наркоз-нафас бериш аппарати	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	6	32	19 087,03	610 784,96
17.	Наркоз-нафас бериш аппарати учун компрессорлар	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	0	26	2 329,72	60 572,72
18.	Наркоз-нафас бериш аппарати (юқори кўрсаткичли)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	8	8	44 937,50	359 500,00
19.	Сунъий нафас бериш аппарати	3	4	4	3	3	3	4	4	3	3	4	3	3	20	64	10 460,00	669 440,00
20.	Сунъий нафас бериш аппарати (болалар учун)	1	1	-	-	1	-	-	1	-	-	-	-	-	1	5	10 460,00	52 300,00
21.	Бемор монитори	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	7	72	1 825,29	131 420,88
22.	Бемор монитори (юқори кўрсаткичли)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	18	18	13 193,78	237 488,04

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

23.	Дефибриллятор-монитор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4	17	3 025,60	51 435,20
24.	Инфузия насоси	3	4	4	3	3	3	4	4	3	3	4	3	3	35	79	649,74	51 329,46
25.	Инфузия насоси (кимётерапия учун)	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	25	90	734,45	66 100,50
26.	Шприцли насос	4	5	5	4	4	4	5	5	4	4	5	4	4	33	90	624,38	56 194,20
27.	Ультратовушли хирургик диссектор/аспиратор	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	279 888,00	279 888,00
28.	Ультратовушли скальпель	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	63 600,00	127 200,00
29.	Кўп функцияли электрохирургия жиҳози (коагулятор)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	5	5	77 130,00	385 650,00
30.	Электрохирургия жиҳози (коагулятор)	2	3	3	2	2	2	3	3	2	2	3	2	2	13	44	29 697,95	1 306 709,80
31.	Хирургик лазер тизими (TUEB учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	95 159,20	95 159,20
32.	Хирургик лазер тизими (ЛОР учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	77 500,00	77 500,00
33.	Хирургик жиҳозлар тўплами	2	3	3	2	2	2	3	3	2	2	3	2	2	17	48	13 755,64	660 270,65
34.	Стернотомия моторли тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	58 750,00	58 750,00
35.	Хирургик аспиратор	2	3	3	2	2	2	3	3	2	2	3	2	2	13	44	1 291,00	56 804,00
36.	Операцион лампа (стационар)	2	3	3	2	2	2	3	3	2	2	3	2	2	18	49	3 175,00	155 575,00
37.	Операцион стол	2	3	3	2	2	2	3	3	2	2	3	2	2	13	44	5 887,50	259 050,00
38.	Кимётерапия учун махсус кресло	2	2	2	1	1	1	1	2	1	1	2	1	1	72	90	2 335,22	210 169,80
39.	Оториноларинголог иш ўрни (ЛОР-комбайн)	-	-	1	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	3	5	36 837,00	184 185,00
40.	Паст ҳароратли плазмали стерилизатор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	5	18	32 100,00	577 800,00
41.	Операцион микроскоп	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	266 333,33	798 999,99
42.	Офтальмологик операцион микроскоп	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	77 000,00	77 000,00
43.	Қон аутотрансфузияси ускунаси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	51 700,00	103 400,00
44.	Офтальмологик тирқишли лампа	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	3 459,00	6 918,00
45.	Офтальмолог иш ўрни	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	36 725,56	36 725,56
46.	Лазерли фотокоагулятор	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	56 595,27	56 595,27
47.	Офтальмологик хирургик жиҳозлар тўплами	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	30 000,00	30 000,00
48.	Хирургик бинокуляр лупа	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	5	5	5 248,70	26 243,50
49.	Видеоофтальмоскопия тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	8 991,39	8 991,39
50.	Кўз тубини кўриш номидриатик камераси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 142,00	15 142,00
51.	Болалар кўз тўр пардасини кўриш камераси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	58 710,84	58 710,84
52.	Лапароскопия тизими	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	15	86 670,00	1 300 050,00
53.	Лапароскопия тизими (юқори кўрсаткичли)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	6	6	112 433,33	674 599,98
54.	Ректоскопия тизими	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4	17	33 498,59	569 476,03
55.	Цисторезектоскопия тизими	1	1	1	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	2	6	30 538,00	183 228,00
56.	Видеоцисторезектоскопия тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	77 290,00	77 290,00
57.	Цистоуретроскопия тизими (болалар учун)	1	1	1	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	1	5	18 480,00	92 400,00
58.	Видеогистерорезектоскопия тизими	1	-	1	-	-	-	-	1	-	-	1	-	-	3	7	75 689,43	529 826,01
59.	Кам инвазив ЛОР операциялари учун жиҳозлар тўплами	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	86 870,00	86 870,00
60.	Видеоэндоскопия тизими (бронхо-, гастро-, дуодено-, колоно-)	1	1	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	9	33	96 971,00	3 200 043,00
61.	Ультратовушли видеогастроскопия тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	163 965,00	163 965,00
62.	Ультратовушли видеобронхоскопия тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	113 974,00	113 974,00

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

63.	Риноларингофиброскопия тизими	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	4	21 632,88	86 531,52
64.	Риноларингофиброскопия тизими (болалар учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	19 443,83	38 887,66
65.	Рақамли видеокольпоскопия тизими	-	-	-	1	-	-	1	-	1	1	1	1	-	1	7	20 400,71	142 804,97
66.	Қон газлари ва электролитлари анализатори	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4	17	19 029,41	323 499,97
67.	Автоматик гематологик анализатор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4	17	7 008,00	119 136,00
68.	Автоматик биокимёвий анализатор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4	17	15 203,40	258 457,80
69.	Оқимли цитофлуориметр ва унинг реагентлари	-	1	1	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	1	4	144 200,00	576 800,00
70.	Криостат ва унинг реагентлари (музлатиб кесиш жиҳози)	-	1	1	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	1	4	28 800,00	115 200,00
71.	Генлар амплификацияси детектори (OSNA)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	199 747,67	199 747,67
72.	Мембранали плазмаферез тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	134 136,50	268 273,00
73.	Автоматик гистологик процессор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	16	22 793,75	364 700,00
74.	Парафин қуйиш тизими	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	16	9 193,75	147 100,00
75.	Кесмаларни қуритиш столи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	16	1 109,90	17 758,40
76.	Лаборатория термостати	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4	17	4 816,27	81 876,59
77.	Ярим автоматик микротом	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	16	18 725,00	299 600,00
78.	Бинокуляр камерали микроскоп	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	7	20	4 900,00	98 000,00
79.	Музлаткичли центрифуга	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	16 350,00	49 050,00
80.	Биологик намуналарни музлатиб сақлаш тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	8 874,00	17 748,00
81.	Биочиплар сканери	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	234 687,00	234 687,00
82.	Конфокал лазерли микроскоп	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	340 000,00	340 000,00
83.	CO_2 инкубатор	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	10 410,00	10 410,00
84.	Ўта тоза сув олиш тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	9 440,00	9 440,00
85.	Паст ҳароратли музлаткич (-86°C дан паст ҳароратли)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	5 486,00	10 972,00
86.	Аналитик лаборатория тарозиси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	1 512,00	3 024,00
87.	Лаборатория вортекс-миксери	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	5	5	280,00	1 400,00
88.	Икки нурли спектрофотометр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	30 086,36	30 086,36
89.	Бир нурли люминесцент спектрометр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	32 109,00	32 109,00
90.	Атом-абсорбцион спектрометр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	134 863,54	134 863,54
91.	Суюқлик хроматографи	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	103 705,00	103 705,00
92.	Автоматик поляриметр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	38 949,45	38 949,45
93.	Ротацион буғлаткич	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	4 230,00	8 460,00
94.	Фракциялар коллектори	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	17 590,00	17 590,00
95.	Ламинар шкаф	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	9 539,08	19 078,16
96.	Буғли стерилизатор (автоклав), 75 литр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	20 200,00	40 400,00
97.	Буғли стерилизатор (автоклав), 100 литр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	44 593,50	133 780,50
98.	Қуруқ иссиқлик шкафи, 80 литр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	966,00	1 932,00
99.	Қуруқ иссиқлик шкафи, 250 литр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	6 285,00	12 570,00
100.	Лаборатория аквадистиллятори (10 л/соат)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	4 925,00	9 850,00
101.	Лаборатория бидистиллятори (4 л/соат)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	5 700,00	5 700,00
102.	Радиочастотали абляция тизими	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	16	19 800,00	316 800,00
103.	Термик абляция тизими (портатив)	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	1	5	11	72	3 300,00	237 600,00

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

104.	ОПВ аниқлаш учун автоматик лаборатория анализаторлари ва реагентлари (ОПВни аниқлаш тестлари – 500 000 дона)	2	2	2	1	2	1	2	4	2	1	2	2	2	5	30	89 333,67	2 680 010,00
105.	Паст ҳароратли музлаткичлар (тестларни сақлаш учун)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	15	2 132,00	31 980,00
106.	Рақамли маммография тизими (2D) (стереотактик биопсия ускунаси билан)	-	-	-	1	1	1	-	-	1	-	-	-	1	2	7	200 840,33	1 405 882,31
107.	Томосинтез функцияли рақамли маммография тизими (стереотактик биопсия ускунаси билан)	1	1	-	-	-	-	-	1	-	-	1	-	-	1	5	213 090,33	1 065 451,65
108.	Кўп каналли телефония тизимлари	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	16	2 109,88	33 758,08
109.	Кам инвазив эндоскопик амалиётлар учун симулятор	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	100 000,00	200 000,00
110.	Кимётерапия препаратларини марказлаштирилган тайёрлаш тизими (автоматик)	-	1	1	-	-	-	-	1	-	-	1	-	1	1	6	130 516,67	783 100,02
111.	Кимётерапия препаратларини марказлаштирилган тайёрлаш тизими (ярим автоматик)	1	-	-	1	1	1	1	-	1	1	-	1	-	-	8	41 375,00	331 000,00
112.	Саратонни рўйхатга олиш (Cancer-registry) дастури	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	194 150,31	194 150,31
113.	Маълумотларни сақлаш учун сервер	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	149 811,00	149 811,00
114.	Персонал компьютер	10	10	10	10	10	10	10	20	10	10	10	10	10	60	200	1 037,38	207 476,00
115.	Принтер, сканер	5	5	5	5	5	5	5	10	5	5	5	5	5	30	100	449,66	44 966,00
116.	Интернет-боғланиш учун ускуналар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	98 192,00	98 192,00
117.	Ахборот технологиялари ва видеоконференц алоқа тизими	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	16	13 363,25	213 812,00
118.	Интернет-боғланиш тизимлари ва уларни ишга тушириш	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	15	3 226,33	48 395,00
119.	Сервер шкафи, пилот серверлар ва бошқалар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	54 138,00	54 138,00
120.	Сервер	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 561,00	15 561,00
121.	Асосий контроллер (12 Тб ҳажмли 12 та диск)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	108 532,00	108 532,00
122.	Тиббий-ахборот дастурий тизими	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	15	6 779,06	101 685,90
123.	Циклотрон ва радиосинтез лабораторияси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	8 850 000,00	8 850 000,00
124.	Позитрон-эмиссион томограф (ПЭТ/КТ)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	2 285 235,93	2 285 235,93
125.	Бир фотонли эмиссион компьютер томографи (SPECT)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1 125 200,00	1 125 200,00
126.	Реанимация сумкалари (катталар учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	67	67	40,00	2 680,00
127.	Анестезиологик жиҳозлар, мобил (сунъий нафас бериш станцияси, монитор, механик буғлаткич билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	4	4	45 000,00	180 000,00
128.	Центрифуга (стол усти, ювиш учун стеллаж – кумб)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1 340,00	1 340,00
129.	Центрифуга (музлаткичли, стол усти)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	3 980,00	3 980,00
130.	Центрифуга (стол усти, микро, юқори тезликли)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1 260,00	1 260,00
131.	Центрифуга (қон банки учун, қон сумкаси)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 940,00	15 940,00
132.	Криохирургик ускуна (аравачаси билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	2 000,00	2 000,00
133.	Дефибриллятор-монитор (кардиостимулятор билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	4 500,00	4 500,00
134.	Дефибриллятор-монитор (портатив)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	40	40	3 200,00	128 000,00
135.	Сувни ионсизлантириш тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	4 600,00	4 600,00
136.	Электрокоагулятор, 400 Вт, 2 биполяр, монополяр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	15 750,00	31 500,00

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

137.	Буйраклар гемодиализи тизими (гемофильтрация ускунаси билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	14 245,00	42 735,00
138.	Сув тайёрлаш тизими (диализ учун, бир кишилик)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	19 425,00	58 275,00
139.	Стресс-тест тизими (жисмоний машқлар учун велотренажёр билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 000,00	15 000,00
140.	Қиздириб муҳрлаш мосламаси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	3 200,00	6 400,00
141.	Тромбоцитлар инкубатори (миксер билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	4 000,00	4 000,00
142.	Инфузион ҳажмли насос	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	80	80	1 200,00	96 000,00
143.	Инкубатор (ўзгарувчан ҳароратли)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	1 946,00	3 892,00
144.	Спектрофотометр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	19 800,00	19 800,00
145.	Сувли ванна (электротермик, қайнаш ҳарорати +90°С)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	600,00	600,00
146.	Кўзгу ойнаси (агглютинация)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	180,00	180,00
147.	Сувли ванна (электротермик)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	9	9	900,00	8 100,00
148.	Вена томирларининг жойлашишини аниқлаш тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	40	40	1 259,25	50 370,00
149.	Электрофорез, ванна ва қувват блоки жиҳозлари	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	2 205,00	6 615,00
150.	Ларингоскопия тўплами, ҳамширалар станцияси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	32	32	600,00	19 200,00
151.	Ларингоскопия тўплами OR (2 тутқичли), катталар учун мослашувчан пичоқлар билан (3 ёки 4)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	5	5	1 635,00	8 175,00
152.	Монитор (қон ҳажми мониторинги учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	3 200,00	9 600,00
153.	Монитор (ҳаётий зарур параметрлар, кўп параметрли, МРТ билан уйғун, пульсоксиметрли)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	25 000,00	25 000,00
154.	Монитор (ҳаётий зарур параметрлар, кўп параметрли, беморларни парваришлаш учун аксессуарлар билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	38	38	1 825,00	69 350,00
155.	Монитор, марказий станция, рангли, 16 ўринли	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	4	4	5 000,00	20 000,00
156.	Электромиограф, 10 каналли	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	18 000,00	18 000,00
157.	Электроэнцефалограф	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 000,00	15 000,00
158.	Босимли инфузия учун манжета 1000	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	25	25	174,56	4 364,00
159.	Босимли инфузия учун манжета 500	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	10	10	158,40	1 584,00
160.	Сфигмоманометр (мобил таянчда)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	81,00	162,00
161.	Сфигмоманометр (анероид, мобил ДТ)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	58	58	50,50	2 929,00
162.	Сфигмоманометр (анероид, мобил)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	49	49	13,50	661,50
163.	Аспирация тизими (юқори оқим қувурлари тизими билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	41	41	600,00	24 600,00
164.	Аспирация тизими (липэктомия учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	4 540,00	4 540,00
165.	Аспирация тизими (электрик, портатив, торакал дренаж найчаси билан – ГОМКО)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	1 300,00	2 600,00
166.	Шприцли насос (батарейкали)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	80	80	389,00	31 120,00
167.	Шприцли насос (беморларни озиқлантириш учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	25	25	570,84	14 271,00
168.	Шприцли насос (РСА)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	5	5	1 000,00	5 000,00
169.	Термометр (электрон, тимпаник)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	114	114	4,50	513,00
170.	Термометр (электрон, батарейкали)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	194	194	4,50	873,00
171.	Rh-фактор аниқлаш қутиси, ўзаро таққослаш тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	1 188,00	2 376,00

QMMB: 07/26/18/0071-son
23.01.2026-y.

172.	Мобил рентген тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	50 000,00	100 000,00
173.	Автоматик коагулометр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 000,00	15 000,00
174.	Микротўлқинли абляция тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	150 000,00	150 000,00
175.	МРТ-маммография учун ғалтаклар тўплами	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	25 000,00	25 000,00
176.	Контрастли маммография учун инжектор	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	20 000,00	20 000,00
177.	Инсуффлятор, бўр ва шейвер тўплами	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	55 000,00	55 000,00
178.	Небулайзер, компрессорли	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	19	19	200,00	3 800,00
179.	Морфологик ойначаларни автоматик бўяш ва қоплаш ускунаси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	120 000,00	240 000,00
180.	Кўп окулярли ўқув микроскопи	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	40 000,00	40 000,00
181.	CPR (юрак-ўпка реанимацияси) ўргатиш модели	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1 000,00	1 000,00
182.	Буғли стерилизатор 600 литрли (CSSD билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	187 400,00	374 800,00
183.	Буғли стерилизатор 900 литрли (CSSD билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	150 000,00	300 000,00
184.	Компьютер томографи (симулятор)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	358 400,00	716 800,00
185.	Буғ ва газ оқими анализатори (катталар, болалар ва чақалоқлар учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	40 000,00	40 000,00
186.	Бемор симулятори тўплами	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	30 000,00	30 000,00
187.	Видеоларингоскопия тизими	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	5 000,00	10 000,00
188.	Ультратовушли текшириш ускунаси (фиброскaнер билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	35 000,00	35 000,00
189.	Ультратовушли текшириш ускунаси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	35 000,00	35 000,00
190.	Аравачаларни ювиш машинаси (6000 литр)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	216 000,00	216 000,00
191.	Автоматик кесиш ва ёпиш қурилмаси (стерилизация учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	10 000,00	20 000,00
192.	Ёпиш қурилмаси (стерилизация учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	7	7	5 500,00	38 500,00
193.	Ротацион артерэктомия тизими (ROTA)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	10 000,00	10 000,00
194.	Томир ичи ультратовушли текшириш ускунаси (IVUS)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	30 000,00	30 000,00
195.	Томир ичи литотрипсияси ускунаси (IVL)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	30 000,00	30 000,00
196.	Атерэктомия ускунаси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	10 000,00	10 000,00
197.	Vitra 810 тизими учун ТТТ қурилмаси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 000,00	15 000,00
198.	Авторефрактокератометр	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 000,00	15 000,00
199.	Оптик когерент томограф	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	200 000,00	200 000,00
200.	Электрогенератор (камида 2200 кВт)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	45 000,00	45 000,00
201.	Қон халтачаларини чайқовчи ускуна (тарози билан)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3	6 000,00	18 000,00
202.	Қўлда бошқариладиган плазма экстрактори	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 000,00	15 000,00
203.	Центрифуга (гель ажратиш учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	17 002,50	17 002,50
204.	Инкубатор (гель карталари учун)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 000,00	15 000,00
205.	Тўлиқ автоматик сийдик анализатори	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	15 537,00	15 537,00

**) Лойиҳанинг якуний қиймат кўрсаткичлари лойиҳа-смета ҳужжатлари ва танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилади.*

***) Лойиҳани амалга ошириш жараёнида заруратга кўра Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхатга ўзгартиришлар киритилиши мумкин".*



QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 20 » январь № ПҚ–19

2026–2030 йилларда қон билан ишлаш хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётгани сабабли қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг имкониятларини янада кенгайтириш, даволаш муассасаларининг қон ва қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2026–2030 йилларда қон билан ишлаш хизматини янада такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида ҳар минг нафар аҳолига донациялар сонини **10 тадан 30 тагача** ошириш;

(б) қон маҳсулотларига эҳтиёжни **тўлиқ қоплаш** учун қон топширишлар (донациялар) сонини **1 миллионтагача ошириш орқали** тайёрланадиган қон захирасини амалдаги **150 минг литрдан 450 минг литрга етказиш**;

(в) беғараз қон **донорлари сонини 300 минг нафардан 900 минг нафаргача етказиш**;

(г) **“эҳтиёж – қайта ишлаш – етказиш”** занжирида бизнес жараёнларни **бошқариш тизимини жорий этиш**;

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

(д) илғор халқаро тажрибага асосланган **стандарт операцион жараёнлар**, **хавфсизлик баённомалари** ҳамда **скрининг усулларини** амалиётга жорий этиш орқали қон ва унинг таркибий қисмлари **хавфсизлигини таъминлаш**;

(ж) қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари ходимларининг **билимларини ошириш** ва замонавий технологиялар билан ишлаш **кўникмаларини ривожлантириш**;

(з) беғараз донорликни ривожлантириш, зарур қон захирасини шакллантириш учун тизим ташкилотларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**.

II. Қон билан ишлаш хизмати тизимини такомиллаштириш

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тизим йўлга қўйилади**:

(а) 2026 йил 1 октябрдан бошлаб:

(i) қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича барча техник ва тиббий жараёнларни тартибга солувчи **стандарт операцион жараёнлар** ҳамда **хавфсизлик баённомалари** амалиётга жорий қилинади;

(ii) "эҳтиёж – қайта ишлаш – етказиш" занжири доирасида **бизнес жараёнларини бошқариш тизими** жорий этилади. Бунда қон ва унинг таркибий қисмларига эҳтиёжни шакллантириш, тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, етказиш ва беморга қуйиш, таҳлил ва ҳисоботларни юритиш, сифат назоратини таъминлаш ва қон маҳсулоти муомаласини мониторинг қилиш инобатга олинади;

(б) 2027 йил 1 мартдан бошлаб "Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш" **ахборот тизими** жорий этилади;

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

(в) қон билан ишлаш хизмати ҳамда даволаш-профилактика ташкилотлари ўртасида **ўзаро алоқалар** йўлга қўйилади.

3. Белгилансинки, **2026 йил якунига қадар**:

(а) Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси (кейинги ўринларда – Платформа) доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи "Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш" ахборот тизими ишлаб чиқилади ва синовдан ўтказилади:

(i) қон ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида тизимлаштирилган маълумотларни юритиш;

(ii) қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлатиш билан боғлиқ барча жараёнларни автоматлаштириш;

(iii) ушбу ахборот тизимини электрон тиббий карта, лаборатория ахборот тизимлари ва тиббиёт ташкилотлари билан интеграция қилиш;

(б) Платформага қуйидаги имкониятларни берувчи янги функциялар киритилади:

(i) Платформа орқали қон ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатини назорат қилиш;

(ii) шошилинч тиббий ёрдам хизматлари билан интеграция қилинган ҳолда қон ва унинг таркибий қисмларига буюртма бериш;

(iii) тиббиёт муассасаларидаги қон ва унинг таркибий қисмлари захирасини онлайн кузатиш;

(iv) туғруқ муассасаларини қон ва унинг таркибий қисмлари, плазма ва эритроцитар масса захираси билан таъминлашни онлайн мониторинг қилиш. Бунда:

туғруқ муассасаларининг электрон ахборот тизимлари ва Платформа ўртасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилади;

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

ҳомиладорлик даврида қон ва унинг таркибий қисмларига шошилинч зарурат туғилганда қон билан ишлаш хизматини автоматлаштирилган хабардор қилиш тизими жорий этилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** қон билан ишлаш хизмати ташкилотларидаги барча жараёнларни, қон ва унинг таркибий қисмлари захираси реестрини ўз ичига олган “Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш” ахборот тизимини яратсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон маҳсулотларини **мажбурий тартибда икки босқичли** скрининг текширувидан ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

III. Беғараз қон донорлиги ҳаракатини янада ривожлантириш

6. 2026 йил 1 январдан бошлаб беғараз қон донорлиги ҳаракатини ривожлантириш мақсадида қуйидаги **тизим жорий этилсин**:

(а) ҳар ойда “Бирга ҳаётни сақлаймиз” миллий донорлик акцияси ўтказилади. Бунда мазкур акция доирасида **ҳар ойнинг бир ҳафтаси** мобайнида – қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида, **ҳар ойнинг уч ҳафтаси** мобайнида – таълим, даволаш ва бошқа ташкилотларда қон донорлиги ташкил этилади;

(б) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимига кирувчи вазирлик ва идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчилари ва ходимлари ўртасида **ҳар йили бир маротаба** донорлик кунлари ўтказилади;

(в) меҳнат жамоаларида **донорлик кунларини** ўтказиш йўлга қўйилади;

(г) умумий ўрта ва ўрта махсус, касбий ҳамда олий таълим ташкилотларида **донорлик бўйича маънавий-маърифий тадбир ва учрашувлар ташкил этилади**.

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда жамоат жойларида, шу жумладан, савдо шохобчалари (бозорлар, маркетлар ва бошқалар), таълим ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари, дам олиш зоналари, маданий, кўнгилочар муассасалар ҳамда олий таълим ташкилотларида **кўчма донорлик пунктларини** ташкил қилсин;

(б) туғруқда тиббий ёрдам кўрсатувчи ҳар бир муассасада **қон ва унинг таркибий қисмлари шошилинч захирасини** ташкил этсин ҳамда уни қон ва унинг таркибий қисмлари, жумладан, плазма ва эритроцитар масса захираси билан таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тегишли ҳудудларда беғараз қон донорлигини тарғиб қилувчи **ижтимоий ташқи реклама ва ахборот объектларининг** жойлаштирилишини таъминласин.

IV. Тадбирларни молиялаштириш

9. Белгилаб қўйилсинки:

(а) 2026 йилда Давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан мазкур қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун **308 миллиард сўм** маблағ йўналтирилади;

(б) ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади ва нархлар ўзгаришига қараб индексация қилиб борилади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Қуйидагилар:

(а) Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича **“йўл харитаси”** 1-иловага мувофиқ;

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

(б) Республика қон қуйиш маркази ва ҳудудий қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини таъминлаш учун **тиббий жиҳозлар рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

(в) 2026–2030 йилларда аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда хатлов натижасига кўра 2026–2028 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан республикадаги барча туғруқ муассасаларида қонни сақлаш ва ташиш учун совитиш қурилмалари, термоконтейнерлар ва ускуналар харид қилинишини таъминласин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) 2026–2030 йилларда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг **150 нафар** мутахассисларини нуфузли хорижий тиббиёт ташкилотлари ҳамда марказларига янги технологиялар билан ишлаш бўйича малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш чораларини кўрсин;

(б) давлат-хусусий шериклик асосида йилига **20 тоннагача** плазмани қайта ишлаш ҳажмига эга, “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” талабларига жавоб берадиган қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин. Бунда 10 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағлари жалб этилиши инобатга олинсин;

(в) тиббий жиҳоз ҳамда бошқа асбоб-ускуна ва товарлар, шу жумладан, автотранспорт воситалари харидини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин. Бунда биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини кўриб чиқсин.

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

13. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қўлланиладиган тиббий жиҳоз ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имкониятини ўргансин ва шу асосда дастур қабул қилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда қон донорлиги ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини ўтказсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–19-сон қарорига
1-илова

Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг **трансформациясини мувофиқлаштириш**.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини ислоҳ қилиш, шу жумладан, мазкур “йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда ишчи гуруҳ таркибига республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва бошқа даволаш-профилактика ташкилотлари вакиллари киритилишини назарда тутиш.	2026 йил январь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, “UZINFOCOM” МЧЖ, Республика қон қуйиш маркази
2.	Қон маҳсулотлари **хавфсизлигини таъминлаш**, қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари фаолиятидаги **жараёнларни стандартлаштириш**.	1. Қон билан ишлаш хизматидаги барча техник ва тиббий жараёнларни тартибга солиш ҳамда қон хизмати учун стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомаларини ишлаб чиқиш мақсадида соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Халқаро тажриба асосида қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва лаборатория текширувларини ўтказиш бўйича қон билан ишлаш хизматидаги барча техник ва тиббий жараёнларни тартибга	2026 йил январь 2026 йил май	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

		солиш учун қон хизматининг **стандарт операцион жараёнлар, хавфсизлик баённомаларини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомалари бўйича ходимларни **ўқитиш режа-жадвали** ва **дастурини** тасдиқлаш. 4. Стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомалари бўйича 1 ҳафталик (72 соатлик) **семинарлар ташкил қилиш** ва барча қон хизмати ташкилотлари ходимларини ўқитиш. 5. Қон хизмати ташкилотлари учун қўлланиладиган сарфлов воситаларини харид қилиш, қон ва қон препаратларини қайта ишлаш, лаборатория синовларини ўтказиш ва бошқа иш жараёнларига **стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомаларини жорий этиш**. Бунда зарур моддий-техника база шакллантирилиши, шу жумладан, ўз вақтида **харид қилиниши ва ўрнатилишини таъминлаш**.	2026 йил апрель 2026 йил май-август (режа-жадвал асосида) 2026 йил октябрь	Республика қон қуйиш марказининг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази
3.	Қон ва унинг таркибий қисмларига эҳтиёжни шакллантириш, тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, етказиш ва беморга қуйиш, таҳлил ва ҳисоботларни юритиш, сифат назоратини таъминлаш ва қон	1. “Эҳтиёж – қайта ишлаш – етказиш” занжири доирасида **бизнес жараёнларни такомиллаштириш**. 2. Янгиланган бизнес-жараёнлар бўйича ходимларнинг билимларини ошириш. 3. “Эҳтиёж – қайта ишлаш – етказиш” занжири доирасида **бизнес жараёнларни**	2026 йил январь-июль 2026 йил август-сентябрь 2026 йил октябрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

	маҳсулоти муомаласини мониторинг қилиш жараёнларини **бошқариш тизимини** жорий этиш.	**бошқариш тизимини** амалиётга жорий этиш.			
4.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларидаги **иш жараёнларини рақамлаштириш** ҳамда қон ва унинг таркибий қисмлари захираси реестрини яратиш.	1. Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси доирасида қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари фаолиятини рақамлаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари захираси реестрига қўйиладиган техник талабларни ишлаб чиқиш. 2. **“Қон маҳсулотларини электрон ҳисобга олиш ва юритиш”** электрон ахборот тизимини яратиш. Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси орқали қон ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатини назорат қилиш, эҳтиёжни шакллантириш, буюртма бериш, захирани онлайн кузатиш, қон ва унинг таркибий қисмлари реестрини шакллантириш имкониятини яратиш. Бунда қон билан ишлаш хизмати бўйича барча жараёнларни Республика қон қуйиш маркази томонидан мувофиқлаштириш ҳамда эҳтиёжлар асосида қон ва унинг таркибий қисмлари билан тиббиёт муассасалари узлуксиз таъминланишини назорат қилиш назарда тутилади. 3. “Қон маҳсулотларини электрон ҳисобга олиш ва юритиш” электрон ахборот тизимида ишлаш бўйича ходимларни **ўқитиш режа-жадвали ва дастурини тасдиқлаш**. 4. Режа-жадвал асосида ходимларни **ўқитиш**.	2026 йил якунига қадар 2026 йил декабрь 2027 йил январь-февраль	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, “UZINFOCOM” МЧЖ, Республика қон қуйиш маркази

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

		5. “Қон маҳсулотларини электрон ҳисобга олиш ва юритиш” **электрон ахборот тизимини жорий этиш**.	2027 йил март		
5.	Қон донорлиги ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида **тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш**.	1. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари билан ҳамкорликда беғараз донорлик акцияларини ўтказиш. 2. Жамоат жойларида, шу жумладан, савдо шохобчалари (бозорлар, маркетлар ва бошқалар), таълим ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари, дам олиш зоналари, маданий, кўнгилочар муассасалар ҳамда олий таълим ташкилотларида **кўчма донорлик пунктларини** ташкил қилиш. 3. Қон донорлиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш юзасидан **медиа-режа** ишлаб чиқиш. 4. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг кўламли ахборот-тарғибот ишларини амалга ошириш ва ёритиб бориш.	2026–2030 йиллар 2026–2030 йиллар (ҳар йили)	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
6.	Аҳоли орасида **беғараз донорлик акцияларини** ташкил этиш.	1. Аҳоли орасида беғараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантириш, донорларга сифатли хизматлар кўрсатиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш. 2. Ҳар чоракда **“Қон донорлиги ҳафталиги”** миллий акциясини ўтказиш режа-жадвалини туман (шаҳар) кесимида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаб бориш. 3. Давлат ташкилотларида “Қон донорлиги ҳафталиги”ни ҳар ойда режа-жадвалга мувофиқ ўтказиб бориш ҳамда мазкур йўналишда нодавлат ташкилотлар билан	2026–2030 йиллар Ҳар чоракда 2026–2030 йиллар	Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

		ҳамкорлик қилиш. 4. “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишонига сазовор бўлган шахслар ва кўп йиллар беғараз қон топшириб келаётган донорлар билан ёшлар ва талабалар учрашувларини ташкил этиш. 5. Жойларда ва ташкилотларда ўтказиладиган донорлик акцияларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.			
7.	Аҳоли орасида беғараз донорлик ҳамда кўчма донорлик пунктларини ташкил қилиш орқали қон захирасини кўпайтиришга ҳисса қўшиш учун **мотивацион дастурларни ташкил этиш**.	1. Аҳоли орасида беғараз донорлик ҳамда кўчма донорлик пунктларини ташкил қилишда иштирок этган давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотларга **“Қон хизматининг фахрий дўсти” сертификатини** бериш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. “Қон хизматининг фахрий дўсти” сертификати берилган давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлари вакилларини Бутунжаҳон донорлар куни байрамида тақдирлаш.	2026 йил февраль 2026–2030 йиллар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
8.	Қон йиғувчи **мобил гуруҳларнинг моддий-техника базасини кучайтириш**.	Қон йиғувчи мобил гуруҳларга **14 та** махсус жиҳозланган **автотранспорт воситаларини харид қилиш**.	2026 йил декабрь	Маҳаллий бюджет маблағлари **5 млрд сўм**	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

9.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини зарур **сарфлов материаллари билан таъминлаш**.	1. Қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган йиллик эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини қуйидаги сарфлов материаллари билан доимий таъминлаш: а) **лейкофильтрли гемоконтейнерлар**: 2026 йил – 600 минг дона; б) **ПЗР тест-реагентлари**: 2026 йил – 6 000 та тўплам; в) **ИХЛА тест-реагентлари**: 2026 йил – 600 мингта таҳлил учун.	2026 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари **64,8 млрд сўм** Давлат бюджети маблағлари **177,8 млрд сўм**	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		2. Қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган йиллик эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини қуйидаги сарфлов материаллари билан доимий таъминлаш: а) **лейкофильтрли гемоконтейнерлар**: 2027 йил – 700 минг дона; 2028 йил – 800 минг дона; 2029 йил – 900 минг дона; 2030 йилдан бошлаб – 1 миллион дона; б) **ПЗР тест-реагентлари**: 2027 йил – 7 000 та тўплам; 2028 йил – 8 000 та тўплам; 2029 йил – 9 000 та тўплам; 2030 йилдан бошлаб – 10 мингта тўплам; в) **ИХЛА тест-реагентлари**: 2027 йил – 700 мингта таҳлил учун; 2028 йил – 800 мингта таҳлил учун; 2029 йил – 900 мингта таҳлил учун;	2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

		2030 йилдан бошлаб – 1 миллионта таҳлил учун. 3. Гемоконтейнерларнинг хариди болалар ва катталар учун мўлжалланган ҳажмларда эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилишини таъминлаш.	2026 йилдан бошлаб	Ажратилган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
10.	Қон билан ишлаш хизмати **ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**.	1. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини **7 турдаги** (вирус инактиватор, қон сепаратори, рентген нурлатгич, 2 турдаги қон учун рефрижераторли центрифуга, паст ҳароратли (-40’C) музлаткич ва совиткичлар) **146 та** тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. 2. Республика қон қуйиш марказида давлат-хусусий шериклик асосида йилига **20 тоннагача** плазмани қайта ишлаш ҳажмига эга, “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” талабларига жавоб берадиган қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиш.	2026 йил 2027 йил 2026 йил 2026–2028 йиллар	Давлат бюджети маблағлари **60 млрд сўм** Давлат бюджети маблағлари **42 млрд сўм** “KfW” банки (Германия) грантлари **8 млн евро** Инвестиция маблағлари **10 млн АҚШ доллари**	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги
11.	Қон ва унинг таркибий қисмлари **логистикасини** такомиллаштириш.	1. Амалдаги қон ва унинг таркибий қисмлари логистикаси тизимини танқидий ўрганиш. Бунда чекка ва олис ҳудудлар, ҳудудларнинг ўзига хос шароитлари инобатга олинади. 2. Қон ва унинг таркибий қисмлари логистикаси тизимини такомиллаштириш бўйича соғлиқни сақлаш вазири буйруғини қабул қилиш. Бунда қон ва унинг таркибий қисмларини	2026 йил март 2026 йил апрель	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

		ташиш учун тиббиёт ташкилотларининг транспорт воситалари билан таъминоти, қон ва унинг таркибий қисмларини белгиланган талабларга мувофиқ хавфсиз ташиш шароитларини таъминлаш инобатга олинади.			
12.	Қон донорларидан қон ва унинг таркибий қисмларининг **давлат захирасини кўпайтириш**.	1. Қуролли Кучлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда беғараз донорликни ташкил этиш бўйича **қўшма қарор қабул қилиш**. 2. Қўшма қарор доирасида Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қон йиғувчи мобил гуруҳларнинг ташрифи бўйича йиллик режа-жадвалини тасдиқлаш ва ташрифларини ташкил этиш.	2026 йил март 2026 йил мартдан бошлаб режа-жадвал асосида	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура
13.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини **молиялаштириш усулларини такомиллаштириш**.	1. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини улар томонидан тайёрланадиган (йиғиладиган) қон ва қон маҳсулотлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини молиялаштириш усулларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил июль 2026 йил октябрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
14.	Қон билан ишлаш хизмати ходимларига моддий **рағбатлантириш чораларини қўллаш** тизимини такомиллаштириш.	2026–2030 йилларда аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомаларидан келиб чиқиб, қон билан ишлаш хизмати ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва уларга	2027 йил март	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

		фаолиятининг натижадорлигига қараб (KPI) моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш.			
15.	**Ҳудудий** қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари **фаолиятини такомиллаштириш**.	1. **Сирдарё** ва **Тошкент** вилоятларида қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари фаолиятини янги қуриб битказилган бино ва иншоотларда ташкил қилиш. 2. **Қорақалпоғистон** Республикаси қон қуйиш станцияси учун қўшимча бино қуриш. **Наманган** вилояти қон қуйиш станцияси учун биноларни қуриш ва реконструкция қилиш.	2026 йил январь 2027 йил декабрь	– 2027 йилда Давлат бюджетидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш учун ажратилган маблағлар **24,5 млрд сўм**	Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Наманган вилояти ҳокимлиги
16.	Қон билан ишлаш хизмати мутахассисларининг **касбий малакасини ошириш**.	1. Стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомаларини инобатга олган ҳолда йилига 30 тадан мутахассисларни ривожланган давлатларда малака оширишга юбориш (жами **150 нафар**). 2. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг ходимларини 6 турдаги янги тиббий технологияларда ишлашни ўргатиш (ҳар бир ҳудуддан 6 та шифокор ва 6 та ҳамшира-лаборант, жами 90 та шифокор ва 90 та ҳамшира-лаборант).	2026–2030 йиллар 2026 йил (режа-жадвал асосида)	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази
17.	Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.	Хорижий етакчи клиникаларнинг трансфузиология йўналишида фаолият юритаётган мутахассис ва экспертлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2026–2030 йиллар	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–19-сон қарорига
2-илова

Республика қон қуйиш маркази ва ҳудудий қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини таъминлаш учун тиббий жиҳозлар РЎЙХАТИ

Т/р	Ташкилот номи	Вирус инактиватор	Қон автоматик сепаратори	Рентген нурлатгич	Қонни қайта ишлаш учун рефрежираторли центрифуга	Қонни қайта ишлаш учун рефрежираторли центрифуга (ёпиқ тизимли)	Ўта паст ҳароратли музлаткич (-40°C)	Совиткич
1.	Қорақалпоғистон Республикаси қон қуйиш станцияси	1	1	-	2	1	2	2
2.	Андижон вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
3.	Бухоро вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
4.	Жиззах вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
5.	Қашқадарё вилояти қон хизмати маркази	1	1	1	2	1	2	2
6.	Навоий вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
7.	Наманган вилояти қон қуйиш маркази	1	1	1	2	1	2	2
8.	Самарқанд вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
9.	Сурхондарё вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
10.	Сирдарё вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
11.	Тошкент вилояти қон қуйиш станцияси	-	-	1	-	-	2	2

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

12.	Фарғона вилояти қон қуйиш маркази	1	1	1	2	1	2	2
13.	Хоразм вилояти қон қуйиш маркази	1	1	1	2	1	2	2
14.	Тошкент шаҳар “Қон препаратлари” илмий ишлаб чиқариш корхонаси	1	1	1	2	1	2	2
15.	Республика қон қуйиш маркази	-	2	-	4	2	2	2
ЖАМИ:		**13**	**15**	**13**	**30**	**15**	**30**	**30**

Изоҳ. *Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур рўйхатга ўзгартириш киритиш ҳамда эҳтиёждан келиб чиқиб, жиҳозларни бошқа қон билан ишлаш хизмати ташкилотига қайта тақсимлаш ваколати берилади.*

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–19-сон қарорига
3-илова

2026–2030 йилларда аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
1.	Донациялар, қон (плазма, тромбоцитлар) топширишлар сони	600 000	700 000	800 000	900 000	1 000 000
2.	Ҳар минг нафар аҳолига донациялар сони	10	15	20	25	30
3.	Беғараз қон донорлари сони	400 000	500 000	625 000	750 000	900 000
4.	Қон тайёрлашда мобил (сайёр) гуруҳларнинг улуши, *фоизда*	40	42	44	46	50
5.	Тайёрланган қон миқдори, *литрда*	250 000	300 000	350 000	400 000	450 000
6.	Альбумин, *литрда*	1 000	2 000	2 500	5 000	10 000
7.	Иммуноглобулинлар, *дозада*	2 000	3 000	4 000	6 000	12 000
8.	Гемотрансмиссив инфекциялар аниқланган қон ҳажмининг тайёрланган қон ҳажмига нисбати, *фоизда*	5	4,5	4,0	3,9	3,8
9.	Стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомалари бўйича қон хизмати ташкилотлари ходимларини ўқитиш, *фоизда*	100	-	-	-	-

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

10.	Қон хизмати ташкилотлари ходимларини ривожланган давлатларда малакасини ошириш, *сони*	30	30	30	30	30

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–19-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4592-сон қарорига 1-илованинг 15 ва 17-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” (“Почетный донор Республики Узбекистан”) кўкрак нишони тўғрисида”ги 202-сон қарорида:

(а) номидаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин;

(б) 1, 2 ва 3-бандлардаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин;

(в) 1-иловада:

номидаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банд, 2-бандниng биринчи хатбошиси, 3-банд, 3^1-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари, 4 ва 5-бандлардаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин;

(г) 2-илованинг номидаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 ноябрдаги 324-сон қарори билан тасдиқланган Қон билан ишлаш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандида:

(а) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“аҳоли орасида беғараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантириш, донорларга сифатли хизматлар кўрсатиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрадилар”;

QMMB: 07/26/19/0067-son
23.01.2026-y

(б) бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 2 октябрдаги 619-сон қарори билан тасдиқланган Касалликларни амбулатор шароитда даволашда дори воситалари харажатларини қоплаш бўйича реимбурсация дастури тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Реимбурсация дастурининг бюджети Жамғармадан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига ажратилган маблағларнинг 10 фоизигача миқдорида белгиланади".

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 694-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

(а) иккинчи хатбошида:

(i) "ва ҳудудий даражаларда" сўзлари "даражасида" сўзи билан ҳамда "2026 йил 1 январдан" сўзлари "2026 йил 1 июлдан" сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) "бошлаб" сўзидан кейин "давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда" сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ҳудудий даражада – имтиёзли беморларга, 2026 йил 1 июлдан бошлаб давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–311-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган аҳоли тоифаларига";

(в) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"республика даражасида — имтиёзли беморларга, 2027 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–311-сон қарори 3-бандининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган аҳоли тоифаларига".



QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 20 » январь № ПҚ–20

Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида

Аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий хизматларни янги босқичга олиб чиқиш орқали эрта ўлим ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш, беморларни соғломлаштириш ҳамда реабилитация қилиш тизимини яратиш, шунингдек, аҳолига кардиологик ва неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш, беморларни даволаш ҳамда реабилитация қилишнинг янги усулларини жорий қилишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар хавф омиллари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳақидаги маълумотларни кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

(б) 30 ёшдан ошган аҳолини ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича такомиллаштирилган мақсадли тиббий текширувлар билан тўлиқ қамраб олиш;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(в) шошилинч ҳолатларда юрак ва бош мия қон томирлари эндоваскуляр амалиётлари учун сарфлов воситалари ҳамда тромб эритувчи дори воситалари билан қамровни 100 фоизга етказиш;

(г) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлардан кейинги ногиронликни 30 фоизга, эрта ўлим ҳолатларини 15 фоизга қисқартириш.

II. Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш

2. 2026 йил 1 майдан бошлаб халқаро дастурлар (“Stent for Life” ва “Action Plan for Stroke”) асосида ишлаб чиқилган **Инфаркт ва инсультга қарши курашиш** миллий дастури (кейинги ўринларда – Миллий дастур) 1-иловага мувофиқ ҳудудларда босқичма-босқич амалиётга жорий этилсин.

3. Миллий дастур доирасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш, даволаш ва шошилинч ҳолатларда тиббий хизмат кўрсатиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи **тизим жорий қилинсин**:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида **30 ёшдан ошган аҳоли ўртасида йилига бир марта мақсадли тиббий текширувлар** ўтказилади;

(б) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларида туну кун фаолият юритувчи **инфаркт ва инсульт бригадалари** фаолияти йўлга қўйилади;

(в) ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилинч ихтисослашган **тиббий хизмат кўрсатиш алгоритмлари** амалиётга жорий қилинади;

(г) халқаро стандартлар асосида беморларнинг **клиник маршрутлари** (clinical pathways) ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(д) тез тиббий ёрдам бригадалари сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш имкониятига эга **телеметрик электрокардиограф** (кейинги ўринларда – Т-ЭКГ) ҳамда **мониторли дефибриллятор**лар билан таъминланади;

(ж) шифохоналар шошилинч ҳолатларда ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларда жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун **тромб эритувчи дори воситалари** ва **сарфлов воситалари** билан тўлиқ таъминланади;

(з) ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилинч стационар тиббий хизмат кўрсатишга нодавлат тиббиёт ташкилотлари жалб қилинади;

(и) давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида кўрсатилган шошилинч ва режали тиббий хизматлар **белгиланган тартибда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан молиялаштирилади**;

(к) шифохоналарда тиббий хизматлар тасдиқланган ташхислаш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколлар асосида кўрсатилиши устидан назорат **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** ва **Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси** томонидан амалга оширилади;

(л) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларига бириктирилган туман ва шаҳарлардан шошилинч ҳолатларда мурожаат қилган беморларга кўрсатилган тиббий хизматлар харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қопланади;

(м) шошилинч тиббий хизмат кўрсатишда белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолларда харажатлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан молиялаштирилмайди ҳамда хизмат кўрсатувчи тиббиёт ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

4. Миллий дастур доирасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни даволашда тиббий хизматлар халқаро стандартларга мувофиқ **вақт меъёрларига қатъий риоя этган ҳолда кўрсатилиши** таъминлансин. Бунда:

(а) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларга **"олтин соат" тамойили** асосида шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш ташкил қилинади;

(б) тез тиббий ёрдам хизмати томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар алгоритми ва беморнинг ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи муассасагача бўлган клиник маршрути **вақт меъёрлари асосида** ташкил қилинади;

(в) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда стационар тиббиёт муассасалари томонидан аҳолини мақсадли тиббий текширувлардан ўтказиш ва беморларнинг клиник маршрутларини ташкил қилишда **вақт меъёрлари** инобатга олинади.

5. Аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар хавф омиллари, уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш юзасидан қуйидаги тарғибот ишлари тизимли йўлга қўйилсин:

(а) **оммавий ахборот воситалари** ва **ижтимоий тармоқларда**:

(i) "**Ҳозироқ ҳаракатлан – ҳаётни сақлаб қол!**" мавзусида ижтимоий роликлар намойиш қилиш;

(ii) инфографика, анимация ва ҳаёти сақлаб қолинган беморлар ҳақидаги қисқа метражли видеороликларни жойлаштириш;

(б) **бозор** ва **савдо марказлари** яқинида билборд ва баннерлар ўрнатиш;

(в) **таълим ташкилотлари**, **йирик корхона** ва **ташкилотлар** ҳамда **маҳаллаларда**:

(i) инфаркт ва инсульт аломатларини аниқлаш бўйича тренинглар ташкил этиш;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(ii) маърузалар ва семинарлар ўтказиш;

(iii) “Angels Initiative” халқаро ташаббус ташкилотининг “FAST Heroes” дастури асосида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида ўқувчилар учун машғулотлар ташкил этилиб, уларга инсультнинг дастлабки белгилари ва тез тиббий ёрдамга мурожаат қилиш зарурлиятини етказиш;

(iv) оилавий шифокорлар ва ҳамшираларнинг иштирокида оммавий чиқишлар ташкил қилиш;

(г) “**Дақиқалар ҳаётни ҳал қилади**” мавзусида ҳудудларда тематик ҳафталиклар ташкил этиш;

(д) ёшлар ва талабалар ўртасида “**Инфарктга қизил карточка**” ташаббусини йўлга қўйиш;

(ж) ҳар йили **29 сентябрь** – **Бутунжаҳон юрак куни** ҳамда **29 октябрь** – **Бутунжаҳон инсультга қарши курашиш куни** муносабати билан қон босими, қанд ва холестерин миқдорини ўлчаш, инфаркт ва инсультда тез ёрдам кўрсатиш бўйича аҳолининг саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тадбирлар ўтказиш.

6. Қуйидагилар:

(а) Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури 2-иловага мувофиқ;

(б) Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш “йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ;

(в) Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастурини 2026–2030 йилларда амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2026 йил 1 мартдан бошлаб республика тиббиёт марказлари мутахассислари ҳамда хорижий экспертлардан иборат таркибда **ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни даволашда тиббий хизмат кўрсатишни мувофиқлаштирувчи кенгаш** (кейинги ўринларда – Кенгаш) фаолияти йўлга қўйилсин.

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

8. Белгилансинки, Кенгаш таркиби соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланади ва Кенгашга қуйидаги вазифалар юклатилади:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш бўйича ўтказиладиган мақсадли тиббий текширувларни мувофиқлаштириш ҳамда унинг натижаси асосида беморларни даволаш ишларини ташкил қилиш;

(б) беморларнинг клиник маршрути амалиётга жорий этилишини мувофиқлаштириш ва шошилинч тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларига услубий раҳбарликни амалга ошириш;

(в) Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар миллий реестри юритилишини ҳамда касалланиш динамикасини таҳлил қилиш орқали касалликни барвақт аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш ишларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(г) шошилинч ҳолатларда юрак ва бош мия қон томирлари эндоваскуляр амалиётлари учун сарфлов воситалари, тромб эритувчи дори воситалари ҳамда тиббий жиҳозларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш ва уларни тиббиёт муассасалари ўртасида тақсимлаш.

III. Рақамлаштириш

9. 2026 йил 1 апрелга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

(а) “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган ҳамда хавф гуруҳига мансуб аҳолининг электрон реестри юритилишини ҳамда индивидуал соғломлаштириш режаси шакллантирилишини таъминласин;

(б) тез тиббий ёрдам хизмати учун ЭКГ натижаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш ва уни ахборот тизими орқали юбориш ҳамда тез тиббий ёрдам бригадалари ва шифохоналар ўртасида реал вақт режимида маълумот алмашиш имкониятини яратсин;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(в) барча цереброваскуляр касалликларга хизмат кўрсатувчи стационар тиббиёт муассасаларида сунъий интеллект асосида инсультни ташхислаш имкониятини яратсин;

(г) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларни ташхислаш, даволаш, диспансер кузатувига олиш ҳамда йўналтириш жараёнларини ўз ичига олган клиник маршрутни рақамлаштирсин;

(д) тез тиббий ёрдам хизмати, ҳудудий шифохоналар ва республика тиббиёт марказларидан иборат телетиббиётнинг вертикал боғланиш тизимини амалиётга жорий этсин.

IV. Тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги **2026 йил 1 мартга қадар** Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида, **2026 йил 1 сентябрга қадар** босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда:

(а) тиббиёт бригадалари **оилавий шифокор** ҳамда **ҳамшираларини** – 30 ёшдан ошган аҳолини ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни эрта босқичларда аниқлаш юзасидан **мақсадли тиббий текширувлардан ўтказиш** ҳамда **FAST алгоритми** бўйича;

(б) **тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини** – ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни **ташхислаш** (инфарктда ЭКГ-телеметрия, инсультда FAST алгоритми ва бошқалар), беморларда **тромб эритувчи муолажаларни ўтказиш** ҳамда **шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш** бўйича;

(в) туман (шаҳар) марказий шифохоналари, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказлари **мутахассисларини** – ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларни **ташхислаш**, **шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш**, **даволаш** ҳамда **эрта реабилитация қилиш** бўйича;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(г) **вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларининг мутахассисларини** – ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни ташхислаш, шошилинч ҳолатларда жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, даволаш ҳамда эрта реабилитация қилиш бўйича қисқа ва узоқ муддатли малака ошириш курсларида ўқитилишини таъминласин.

V. Қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш

11. Белгилаб қўйилсинки, Миллий дастурни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ харажатлар қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 30 ёшдан ошган аҳоли ўртасида йилига бир марта ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш бўйича мақсадли тиббий текширувларни ташкил этиш – Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан;

(б) аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар хавф омиллари, уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш юзасидан тарғибот ишлари – Саломатлик ва стратегик ривожланиш институтига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан;

(в) тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш:

(i) тиббиёт бригадаси ходимлари ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар юзасидан мақсадли тиббий текширувлар ҳамда FAST алгоритми бўйича – тиббиёт олий таълим муассасаларига ажратилган маблағлар ҳисобидан;

(ii) тез тиббий ёрдам хизмати бригадалари ходимлари – Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(iii) туман (шаҳар) марказий шифохоналари, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказлари ҳамда вилоят ва республика даражасидаги шифохоналар ходимлари – “Angels Initiative” халқаро ташаббус ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ва шифохона маблағлари ҳисобидан.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

(а) Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида Миллий дастурни амалиётга жорий қилиш учун қуйидагиларга Давлат бюджетидан **бир ой муддатда** маблағ ажратилишини таъминласин:

(i) тромб эритувчи дори воситаларини харид қилиш учун – **5 миллиард сўм**;

(ii) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларини бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлашга – **2 миллиард сўм**;

(iii) Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилинч ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини стентлаш ва инсультда қон томир жарроҳлиги амалиётлари учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлашга – **14 миллиард сўм**;

(б) Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам бригадаларини 5-иловага мувофиқ Т-ЭКГ ускунаси ҳамда мониторли дефибриллятор билан жиҳозлашга **бир ой муддатда** Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан **22 миллиард сўм** йўналтирсин;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(в) **2026 йил 1 июлга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Миллий дастурни жорий қилишга Давлат бюджетидан қуйидаги миқдорларда маблағ ажратсин:

(i) тромб эритувчи дори воситаларини харид қилиш учун – **16 миллиард сўм**;

(ii) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларини бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлашга – **7,5 миллиард сўм**;

(iii) ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилинч ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини стентлаш ва инсультда қон томир жарроҳлиги амалиётлари учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлашга – **82 миллиард сўм**;

(iv) тез тиббий ёрдами бригадаларини Т-ЭКГ ҳамда мониторли дефибриллятор ускуналари билан жиҳозлашга – **135 миллиард сўм**;

(г) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетидан инсультни ташхислашда сунъий интеллектдан фойдаланишни ташкил қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

(д) 2027 йилдан бошлаб ҳар йили:

(i) Давлат бюджети параметрларида Миллий дастурда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун камида **280 миллиард сўм** маблағ режалаштирилишини таъминласин;

(ii) Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилинч тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини молиялаштириш учун маблағ ажратсин.

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги **бир ой муддатда**:

(а) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича халқаро клиник протоколлар, тиббий ёрдам кўрсатиш маршрутлари ҳамда стандарт операцион муолажаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

(б) Миллий дастурни амалиётга жорий қилиш, маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш, хорижий экспертларни жалб қилиш ва ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини доимий баҳолаб бориш бўйича халқаро ҳамкор ташкилотлар ҳамда хорижий тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик дастурларини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

(в) ўткир юрак-қон томир касалликлари ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга стационар тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун қўйиладиган талабларни тасдиқласин;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ҳудудий ва республика даражасидаги тиббиёт муассасаларининг беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган (триаж) туну кун ишлайдиган шошилинч қабул бўлимлари ҳамда тиббиёт муассасасида шошилинч ҳолатларда кўрсатилган тиббий хизматларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан молиялаштиришни ташкил қилсин;

(д) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг штат меъёрларини тиббий ёрдам кўрсатиш маршрутлари, ташхислаш ва даволаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяровга Миллий дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–20-сон қарорига
1-илова

Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастурини ҳудудлар кесимида жорий этиш муддатлари

Т/р	Ҳудуд номи	Муддати
2026 йил		
1.	Самарқанд вилояти	01.05.2026 йил
2.	Тошкент шаҳри	01.05.2026 йил
3.	Андижон вилояти	01.10.2026 йил
4.	Наманган вилояти	01.10.2026 йил
5.	Фарғона вилояти	01.10.2026 йил
2027 йил		
6.	Қорақалпоғистон Республикаси	01.01.2027 йил
7.	Бухоро вилояти	01.01.2027 йил
8.	Хоразм вилояти	01.01.2027 йил
9.	Жиззах вилояти	01.04.2027 йил
10.	Сирдарё вилояти	01.04.2027 йил
11.	Тошкент вилояти	01.04.2027 йил
12.	Қашқадарё вилояти	01.07.2027 йил
13.	Навоий вилояти	01.07.2027 йил
14.	Сурхондарё вилояти	01.07.2027 йил

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–20-сон қарорига
2-илова

Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий ДАСТУРИ

Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури (кейинги ўринларда – Дастур) халқаро дастурлар (“Stent for Life” ва “Action Plan for Stroke”) асосида ишлаб чиқилган бўлиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар профилактикасини жадаллаштириш, ўткир юрак инфаркти ва бош мия инсульти касалликларидан ўлим даражасини камайтириш ҳамда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

1. Дастур **2026 йил 1 майдан бошлаб дастлаб** Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида, **2026 йил 1 октябрдан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида, 2027 йилдан** эса босқичма-босқич барча ҳудудларда амалиётга жорий этилади.

2. Дастур доирасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

(а) юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни, ўткир юрак инфаркти ва инсульт касалликларини барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар:

(i) юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар асоратлари (инфаркт ва инсульт) хавфини барвақт аниқлаш мақсадида оилавий шифокорлар томонидан Европа кардиологлар жамияти тавсияси асосида 30 ёшдан ошган аҳолини икки босқичли оммавий ва селектив мақсадли текширувдан ўтказиш тизими йўлга қўйилади;

(ii) биринчи босқич (саволнома ўтказиш) натижасида аниқланган хавф гуруҳига мансуб аҳоли ўртасида қон босими, қондаги холестерин ва қанд миқдорини аниқлаш бўйича тиббий текширувлар ташкил этилади;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(iii) иккинчи босқич натижаси бўйича ўткир юрак инфаркти ва инсульт ҳолати юзага келиши хавфи юқори ва жуда юқори бўлган ҳамда ирсий мойиллиги бор (ота-онасида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўлган) аҳоли гуруҳлари ўртасида кўрсатмага кўра инструментал текширувлар (электрокардиография, ультратовуш текшируви ва доплерография, стресс-тест, тредмил тест, тана массаси индекси (BMI) ва тамаки чекиш статуси ва бошқалар) ўтказилади;

(iv) беморларда юрак ва бош мия қон томирларини режали ангиографияси ҳамда кўрсатмага кўра стентлаш амалиётлари бажарилади;

(б) **ўткир юрак-қон томир касалликларига "олтин соат" тамойили** асосида қуйидаги вақт меъёрлари бўйича шошилинч тиббий хизмат кўрсатишнинг алгоритмлари жорий қилинади:

(i) тез тиббий ёрдам хизматининг ҳудудий "Call-марказ"ларида туну кун фаолият юритадиган "Кардиология" маслаҳат постлари ташкил этилади ҳамда ЭКГ-телеметрия тизими жорий қилинади;

(ii) юрак-қон томир касалликларида тез ёрдам хизмати етиб келиб электрокардиограммани амалга оширгунгача бўлган вақт меъёри (EMS arrival-to-ECG time, FAST) – **10 дақиқагача**;

(iii) юрак-қон томир касалликларида биринчи тиббий мулоқотдан электрокардиограмма таҳлили ва "ST" сегменти кўтарилиши билан миокард инфаркти ташхисини тасдиқлашгача бўлган вақт меъёри (First Medical Contact-to-ECG interpretation) – **10 дақиқагача**;

(iv) юрак-қон томир касалликларида "ST" сегменти кўтарилиши билан миокард инфаркти ташхиси аниқлангандан кейин ҳудудий даражадаги шифохонага йўналтиришгача бўлган вақт меъёри – **10-15 дақиқагача**;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(v) “ST” сегменти кўтарилиши билан миокард инфарктида тез тиббий ёрдам хизмати томонидан беморни жарроҳлик амалиёти ўтказилиши лозим бўлган шифохонагача етказиш учун вақт меъёри – **90 дақиқагача**;

(vi) беморда “ST” сегменти кўтарилиши билан миокард инфаркти ташхислангандан сўнг ҳудудий даражадаги шифохоналарда жарроҳлик амалиёти бошлангунгача бўлган вақт меъёри – **120 дақиқадан 12 соатгача**;

(в) **ўткир цереброваскуляр касалликларга “олтин соат” тамойили** асосида қуйидаги вақт меъёрлари бўйича шошилинч тиббий хизмат кўрсатишнинг алгоритмлари жорий қилинади:

(i) цереброваскуляр касалликларда тез ёрдам хизмати етиб келиб “FAST” алгоритмини қўллагунгача бўлган вақт меъёри (EMS arrival-to-ECG time, FAST) – **10 дақиқагача**;

(ii) цереброваскуляр касалликларда “FAST” баҳолаш мезони асосида инсульт ташхиси аниқлангандан кейин туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларига йўналтириш қарорлари қабул қилишгача бўлган вақт меъёри – **10-15 дақиқагача**;

(iii) инсульт ҳолатларида тез тиббий ёрдам хизмати томонидан беморни туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларигача етказиш учун вақт меъёри – **60 дақиқагача**;

(iv) инсульт ҳолатларида туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларида инструментал текширув ўтказиш (компьютер ангиографияси), тромб эритиш терапиясини бошлаш ҳамда ҳудудий даражадаги шифохонага йўналтириш қарорларини қабул қилишгача бўлган вақт меъёри – **45 дақиқагача**;

(v) инсульт ҳолатларида шифохоналарда жарроҳлик амалиёти бошлангунгача бўлган вақт меъёри – **4,5-6 соатгача**;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(г) юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга қуйидаги ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатиш тизими жорий қилинади:

(i) туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказларида туну кун фаолият юритувчи **инфаркт ва инсульт бригадалари** фаолияти йўлга қўйилади, ушбу марказлар тромб эритувчи дори воситалари ҳамда инсультда инструментал ташхислаш учун дори ва сарфлов воситалари билан таъминланади;

(ii) ҳудудий даражадаги шифохоналарда навбатчилик бригадалари ташкил қилинади;

(iii) тез тиббий ёрдам бригадалари ва шифохоналар ўртасида маълумот алмашинуви йўлга қўйилади ҳамда тез тиббий ёрдам бригадалари учун телефон орқали шифохона қабул бўлимлари навбатчи шифокорлари билан тўғридан-тўғри боғланиш имкониятлари яратилади;

(iv) ҳудудий даражадаги шифохоналар ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни шошилинч ҳолатларда самарали даволаш учун тромб эритувчи дори воситалари ва сарфлов воситалари билан таъминланади;

(v) шифохоналарда ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни даволашнинг халқаро стандарт ҳамда клиник протоколлари амалиётга жорий қилинади;

(vi) ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни эрта реабилитация қилиш имкониятлари яратилади ҳамда асоратларнинг олдини олишга қаратилган реабилитация тадбирлари стационар шароитда касалликнинг 0-7 кунидан бошланади;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(vii) туман (шаҳар) марказий шифохоналарида реабилитация бўлимлари ташкил қилиниб, бемор махсус реабилитация дастурлари орқали соғломлаштирилади;

(viii) амбулатор реабилитация тадбирлари оилавий шифокорлар томонидан реабилитолог шифокорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинади ҳамда беморларнинг турмуш тарзини яхшилаш, фаолиятини тиклаш бўйича дастурлар асосида улар давомли соғломлаштирилади.

3. Тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш халқаро экспертларни жалб этган ҳолда босқичма-босқич қуйидагича амалга оширилади:

(а) оилавий шифокорлар томонидан 30 ёшдан ошган аҳоли орасида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар хавфини барвақт аниқлаш мақсадида уларда мақсадли текширувларини ўтказиш кўникмалари, шунингдек, инсультни эрта аниқлашда “FAST” алгоритмидан фойдаланиш тажрибаси шакллантирилади;

(б) тез тиббий ёрдам бригадаларининг инфарктда ЭКГ таҳлили ҳамда телеметриядан фойдаланиш, тромб эритувчи терапияни амалга ошириш, инсульт ҳолатларида эса “FAST” алгоритми орқали касалликни эрта ташхислаш кўникмалари такомиллаштирилади;

(в) туман (шаҳар) марказий шифохоналари, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказлари ҳамда ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасалари мутахассислари ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларни ташхислаш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, даволаш ҳамда эрта реабилитация қилиш бўйича қисқа ҳамда узоқ муддатли курсларда ўқитилади;

(г) ҳудудий даражадаги шифохоналар шифокорлари юқори технологияли жарроҳлик усуллари, жумладан, стентлаш ҳамда тромбэктомия амалиётларини бажариш бўйича тайёрланади (қайта тайёрланади);

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(д) республика марказларида тиббиёт ходимлари малакасини ошириш учун миллий клиник симуляция марказлари ташкил этилади;

(ж) ҳар йили камида 10 нафар нейроинтервенционист ҳамда нейрореаниматолог мутахассисларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш) мақсадида тиббиёт ходимлари Япония ва Европа Иттифоқи давлатларига ўқишга юборилади;

(з) Дастур жорий қилинган ҳудудларда маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш учун хорижий мутахассислар (нейроинтервенционист ва нейрореаниматолог) жалб қилинади.

4. Соҳага сунъий интеллектни жорий қилиш бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

(а) тез тиббий ёрдам хизмати томонидан ЭКГ натижаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш тизими жорий қилинади;

(б) стационар тиббиёт ташкилотлари томонидан инсультни ташхислашда сунъий интеллектдан фойдаланилади;

(в) барча даражадаги стационар тиббиёт ташкилотлари ўртасида телетиббиёт хизматларини жорий қилиш орқали инфаркт ва инсульт ҳолатлари ҳамда беморлар маршрути мувофиқлаштирилади.

5. Дастурни амалга ошириш натижасида 2030 йил якунига қадар қуйидаги асосий мақсадли кўрсаткичлар ва индикаторларга эришиш кутилмоқда:

(а) инфаркт ва инсультдан госпитал ўлимни 40 фоизгача, шифохонагача бўлган ўлимни 30 фоизгача қисқартириш;

(б) инфаркт ва инсультдан кейинги ногиронликни 30 фоизгача қисқартириш;

(в) “олтин соат”да шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш қамровини ўткир коронар синдром ҳолатларида 90 фоизгача ва ишемик инсульт ҳолатларида 20 фоизгача етказиш;

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

(г) тез тиббий ёрдам бригадаларини Т-ЭКГ ва мониторли дефибриллятор ускуналари билан тўлиқ таъминлаш;

(д) оилавий шифокорлар, тез ёрдам бригадалари шифокорлари, реабилитологлар ва ҳудудий шифохона шифокорларининг малакасини комплекс равишда ошириш, шу жумладан, ҳар йили камида 10 нафар мутахассисни хорижий тажриба асосида тайёрлаш (қайта тайёрлаш);

(ж) туман (шаҳар) марказий шифохоналарида реабилитация бўлимлари ташкил этиш, стационар ва амбулатор реабилитация тизимини тўлиқ йўлга қўйиш орқали инфаркт ва инсультдан кейинги реабилитация қамровини 100 фоизгача етказиш;

(з) ЭКГ натижаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш тизимини жорий этиш, инсульт ташхисида сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳамда барча даражадаги шифохоналар ўртасида телетиббиёт хизматини тўлиқ ишга тушириш.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йил якунида Дастурда белгиланган тадбирларнинг ижроси, эришилган натижалар ҳамда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таҳлилий маълумот ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилиб, жамоатчиликка эълон қилиб борилади.

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–20-сон қарорига
3-илова

Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1.	Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларига чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш маршрутларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.	**1.** Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, таълим муассасалари ҳамда соҳа мутахассислари (кардиолог, интервенцион жарроҳ, невролог ва нейрохирурглар ва бошқалар)дан иборат ишчи гуруҳни шакллантириш.	2026 йил январь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		2. Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича халқаро клиник протоколларни қабул қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш маршрутлари ҳамда вақт меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил март		Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		3. Дастлаб Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида, босқичма-босқич барча ҳудудларда тез тиббий ёрдам бригадалари ва тиббиёт муассасаларига тасдиқланган юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш маршрутлари, клиник протоколлар ҳамда стандарт операцион муолажаларни амалиётга жорий қилиш. Бунда тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан тромб эритувчи дори воситалари қўлланиши, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари томонидан инструментал текширувлардан ўтказилиши ҳамда кўрсатмага кўра Республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказларининг ҳудудий филиаллари ҳамда ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари томонидан шошилинч стентлаш ҳамда инсультда қон-томир жарроҳлиги амалиётларини йўлга қўйиш.	2026 йил майдан бошлаб		Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
2.	Аҳоли орасида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш.	1. Халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни эрта босқичларда аниқлаш имконини берувчи саволнома ва алгоритмларни тасдиқлаш. 2. Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни эрта босқичларда аниқлаш бўйича саволнома ва алгоритмларни амалиётда қўллаш юзасидан оилавий шифокорларни босқичма-босқич иш жойида ўқитиш. 3. 30 ёшдан ошган аҳолини оилавий шифокорлар томонидан юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувидан йилига камида бир маротаба ўтказишни бошлаш. 4. Аҳолида юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувларини ўтказиш, жумладан, коронарография усулида текширувларни ташкил этиш.	2026 йил март 2026 йил майдан бошлаб	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.	Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларга тиббий хизмат кўрсатишни тартибга солиш.	1. Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича халқаро клиник протоколлар асосида тиббиёт муассасалари томонидан тиббий хизмат кўрсатиш тартиби ҳамда ҳар бир ҳолат бўйича беморлар маршрути ва тиббий хизмат кўрсатиш алгоритмларини тасдиқлаш. 2. Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда беморлар маршрути ва тиббий хизмат кўрсатиш алгоритмларини Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури жорий қилинган ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларига жорий қилиш. 3. Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатувчи давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларини беморлар маршрути, клиник протоколлар ҳамда ташхислаш ва даволаш стандартларини инобатга олган ҳолда доимий белгилаб бориш.	2026 йил март 2026 йил майдан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
4.	Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.	**1.** Шошилинч ҳолатларда ЭКГ-телеметрия ҳамда FAST алгоритмидан фойдаланиш ва ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда тромболизис терапиясини ўтказиш бўйича тез тиббий ёрдам бригадаси тиббиёт ходимлари учун ўқув дастурларини халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш. **2.** Тез тиббий ёрдам бригадаси тиббиёт ходимларини: а) инфарктда ЭКГ-телеметрия ҳамда ЭКГ натижаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш, шифохонагача бўлган муддатда тромболизис терапиясини ўтказиш; б) инсультда FAST алгоритмидан фойдаланиш ҳамда тромб эритувчи дори воситаларини қўллаш бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсларида босқичма-босқич ўқитиш.	2026 йил февраль 2026 йил апрелдан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
5.	Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни ўтказган беморларнинг маълумотлар базасини шакллантириш.	**1.** “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимида ягона юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар реестрини юритиш имкониятини яратиш. **2.** Ягона юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар реестрининг Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури амалиётга жорий қилинган ҳудудлардаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, туман (шаҳар) марказий шифохоналари, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари, ҳудудий ва республика даражасидаги тиббиёт муассасалари ҳамда хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан юритилишини таъминлаш. **3.** Инфаркт ва инсультга қарши курашиш халқаро дастурлари (“Stent for Life” ва “Action Plan for Stroke”) доирасида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш тизимини жорий қилиш.	2026 йил апрель 2026 йил апрелдан бошлаб	Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		4. Халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури амалиётга жорий қилинган ҳудудларда юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини доимий баҳолаб бориш.			Соғлиқни сақлаш вазирлиги
6.	Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.	**1.** Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам бригадаларини электрокардиограмма натижаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш ҳамда телеметрия қилиш имконини берувчи электрокардиограф ҳамда мониторли дефибриллятор ускунаси билан таъминлаш.	2026 йил март	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари **22 млрд сўм**	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		2. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тез тиббий ёрдам бригадаларини электрокардиограмма натижаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш ҳамда телеметрия қилиш имконини берувчи электрокардиограф ҳамда мониторли дефибриллятор ускуналари билан таъминлаш.	2026 йил июлга қадар	Давлат бюджети **135 млрд сўм**	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
		3. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри шифохоналарини тромб эритувчи дори воситалари билан таъминлаш.	2026 йил март	Давлат бюджети **5 млрд сўм**	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
		4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шифохоналарни тромб эритувчи дори воситалари билан таъминлаш.	2026 йил сентябрга қадар	Давлат бюджети **16 млрд сўм** 2027 йилдан бошлаб ҳар йили **52 млрд сўм**	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		5. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлаш.	2026 йил март	Давлат бюджети **2 млрд сўм**	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
		6. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш учун зарур дори ва сарфлов воситалари билан таъминлаш.	2026 йил сентябрга қадар 2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети **7,5 млрд сўм** Ҳар йили **23 млрд сўм**	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
7.	Ҳудудий тиббиёт муассасалари мутахассисларининг малакасини ошириш.	**1.** Республика марказлари томонидан “Angels Initiative” халқаро ташаббус ташкилоти билан ҳамкорликда хорижий ва маҳаллий соҳа мутахассисларидан иборат мобил ишчи гуруҳларни шакллантириш.	2026 йил январь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		2. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларининг инфаркт ва инсульт бригадалари тиббиёт ходимларининг бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш усуллари бўйича малакасини ошириш.	2026 йил февраль	Халқаро ташкилотлар ҳамда ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	
		3. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудий даражадаги шошилинч ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасалари мутахассисларининг бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш усуллари бўйича ҳамда мураккаб стентлаш ва инсультда қон томир жарроҳлиги амалиётлари бўйича малакасини ошириш.			
		4. Барча туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларининг инфаркт ва инсульт бригадалари тиббиёт ходимларининг бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида инструментал ташхислаш усуллари бўйича ҳамда ҳудудий	2026–2027 йиллар		

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		даражадаги тиббиёт муассасаларида мураккаб стентлаш ва инсультда қон-томир жарроҳлиги амалиётлари бўйича малакасини ошириш.			
8.	Ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.	**1.** Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги ўткир юрак-қон томир ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилинч ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини стентлаш ва инсультда қон-томир жарроҳлиги амалиётлари учун зарур сарфлов воситалари билан таъминлаш. **2.** Ўткир юрак-қон томир ва бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳолатларида беморларга шошилинч ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини стентлаш ва инсультда қон-томир жарроҳлиги амалиётлари учун зарур сарфлов воситалари билан таъминлаш.	2026 йил март 2026 йил сентябрга қадар	Давлат бюджети **45 млрд сўм** Давлат бюджети **52 млрд сўм** 2027 йилдан бошлаб ҳар йили **205 млрд сўм**	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
9.	Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга туну кун ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш.	**1.** Тажриба-синов лойиҳаси доирасидаги туман (шаҳар) шифохоналари таркибида ташкил этилган туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларининг штат меъёрларини юрак-қон томир касалликларига тиббий ёрдам кўрсатиш маршрутлари, ташхислаш ва даволаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш. Бунда туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида Шошилинч қабул бўлими (Emergency department) ташкил қилиниши ва унда жарроҳ, нейрожарроҳ, терапевт, анестизиолог-реаниматолог (қизил ҳудудга), МСКТ шифокори ва ўрта тиббиёт ходимларидан иборат инфаркт ва инсульт бригадалари томонидан туну кун тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини яратиш. **2.** Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг ҳудудий	2026 йил февраль	Ҳисоб-китоблар асосида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		филиалларининг штат меъёрларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда тасдиқлаш.			
10.	Ҳудудий ва республика даражасидаги тиббиёт муассасаларида беморларга туну кун шошилинч тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш.	**1.** Ҳудудий ва республика даражасидаги давлат тиббиёт муассасаларида беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган (триаж) туну кун ишлайдиган шошилинч қабул бўлимларини ташкил қилиш. **2.** Ҳудудий ва республика даражасидаги давлат тиббиёт муассасаларида ташкил қилинадиган шошилинч қабул бўлимларини сақлаш харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қопланиши учун Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратиш. Бунда тиббий ёрдам кўрсатишда сарфланган дори ва сарфлов воситаларининг (марказлашган тартибда харид қилинган дори ва сарфлов воситаларидан ташқари) харажатлари уларнинг харид нархида қоплаб берилади.	2026 йил апрелдан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси
11.	Нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш.	**1.** Шошилинч тиббий хизмат кўрсатиладиган ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар рўйхатини тасдиқлаш. **2.** Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда кўрсатиладиган шошилинч тиббий хизматларнинг базавий нархларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. **3.** Нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш харажатларини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан базавий нархлар асосида қоплаб беришни ташкил қилиш.	2026 йил март 2026 йил июнь 2026 йил июлдан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
12.	Тиббий статистик маълумотлар юритиш тизимини такомиллаштириш.	**1.** Тиббий статистик маълумотлар юритиш тизимини такомиллаштириш бўйича халқаро экспертларни жалб қилиш. **2.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳамда халқаро тажрибада қўлланиладиган тиббий-статистик маълумотлар юритиш услубини амалиётга жорий қилиш.	2026 йил август 2026 йил якунига қадар	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси
13.	Аҳоли орасида тарғибот ишларини тизимли йўлга қўйиш.	**1.** Аҳоли орасида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг хавф омиллари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш юзасидан тарғибот ишларини доимий ташкил қилиш. **2.** Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали: “**Ҳозироқ ҳаракатлан – ҳаётни сақлаб қол!**” мавзусида ижтимоий роликларни ишлаб чиқиш ва оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали даврий намойиш қилинишини таъминлаш; инфографика, анимация ва ҳаёти сақлаб қолинган беморлар ҳақидаги қисқаметражли видеороликларни даврий жойлаштириш. **3.** Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг хавф омиллари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш юзасидан бозор ва савдо марказлари яқинида билборд ва баннерлар ўрнатиш.	2026 йил апрелдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
14.	Таълим ташкилотлари, йирик корхона ва ташкилотларда тарғибот ишларини ташкил қилиш.	**1.** Таълим ташкилотлари, йирик корхона ва ташкилотларда юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг хавф омиллари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, инфаркт ва инсульт аломатларини аниқлаш бўйича тренинглар, маърузалар ва семинарлар ўтказишни ташкил этиш.	2026 йил апрелдан бошлаб	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. Маҳаллаларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг оилавий шифокорлари ва ҳамширалар иштирокида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг хавф омиллари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, инфаркт ва инсульт аломатларини аниқлаш бўйича оммавий чиқишларни ташкил қилиш.			Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги
15.	Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни ўтказган беморларнинг реабилитациясини ташкил қилиш.	**1.** Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларда беморларни эрта ҳамда кечки реабилитация қилиш бўйича клиник протоколларни ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳ ташкил қилиш ҳамда хорижий тажрибага асосланган ҳолда реабилитация босқичлари, услублари ҳамда даволаш давомийлигини белгилаш. **2.** Туман (шаҳар) марказий шифохоналари ҳамда ҳудудий даражадаги шифохоналарда юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлардан кейинги эрта тиббий реабилитация қилиш тизимини жорий қилиш. Бунда қуйидагиларни таъминлаш: шифохоналар мутахассисларининг касалликдан кейинги эрта тиббий реабилитация қилиш бўйича босқичма-босқич малакасини ошириш; шифохоналарни зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. **3.** Эрта тиббий реабилитация харажатларини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳисобидан қоплаш тизимини жорий қилиш.	2026 йил февраль 2026 йил апрелдан бошлаб	– Ҳисоб-китоблар асосида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
16.	Барча ҳудудларда Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастурини босқичма-босқич жорий этиш.	2026 йил 1 октябрдан бошлаб босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида халқаро дастурлар асосида ишлаб чиқилган Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастурини жорий этиш.	Режа-жадвал асосида	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
17.	Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни даволовчи мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш.	**1.** Нейроинтервенционист ҳамда реаниматолог мутахассисларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш (қайта тайёрлаш) учун республикага хорижий ҳамкорларни жалб қилиш. Бунда: ўқитиш жараёнлари тизимли ва доимий ташкил этилишини таъминлаш; инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури жорий қилинган ҳудудларда маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш учун хорижий мутахассисларни (нейроинтервенционист ва нейрореаниматологлар) жалб қилиш. **2.** Ҳар йили камида 10 нафар нейроинтервенционист ҳамда нейрореаниматолог мутахассисларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш) мақсадида Япония ва Европа Иттифоқи давлатларига тиббиёт ходимларини ўқишга юбориш. Бунда ўқиб республикага қайтган мутахассисларнинг Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида тан олинадиган сертификатга эга бўлишини таъминлаш.	2026–2030 йиллар давомида	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
18.	Тез тиббий ёрдам ҳамда патологик анатомия хизмати фаолиятини такомиллаштириш.	Тез тиббий ёрдам ҳамда патологик анатомия хизматини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил апрель	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–20-сон қарорига
4-илова

Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастурини 2026–2030 йилларда амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Самарадорлик кўрсаткичлари	2025 йил	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
1.	Қон айланиш тизими касалликларидан ўлимнинг умумий улуши *(фоизда)*	57,6	57	55	53	51	49
2.	Инфарктда госпитал ўлим кўрсаткичи *(фоизда)*	11,3	11,0	10,0	8,5	7,5	7,0
3.	Цереброваскуляр касалликларда госпитал ўлим кўрсаткичи *(фоизда)*	8,0	8,0	7,6	7,2	6,8	6,5
4.	Ҳар 100 минг нафар аҳоли ўртасида инфаркт кўрсаткичи	65,3	68,0	70,0	60,0	55,0	50,0
5.	Ҳар 100 минг нафар аҳоли ўртасида инсульт кўрсаткичи	158,0	165,0	210,0	180,0	160,0	150,0
6.	Ҳар 100 минг нафар аҳолига тўғри келадиган инфарктдан ўлимлар кўрсаткичи	18,0	17,5	17,0	16,0	15,0	14,0
7.	Ҳар 100 минг нафар аҳолига тўғри келадиган ўткир бош мия қон айланиши бузилишидан ўлимлар кўрсаткичи	23,0	22,0	21,5	20,0	18,0	16,0
8.	Инфаркт ва инсультдан кейинги ногиронлик кўрсаткичи *(фоизда)*	85	80	75	70	65	60
9.	Инсульт ва инфарктда ўтказиладиган тромболизис муолажалари сони	1 500	2 500	4 000	5 000	6 000	7 000
10.	Шошилинч ҳолатларда ўтказиладиган стентлаш амалиётлари сони	4 000	5 000	6 000	7 000	8 000	9 000

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

11.	Шошилинч ҳолатларда ўтказиладиган бош мия қон томир жарроҳликлари сони	0	1 500	2 500	5 000	5 500	6 000
12.	“Олтин соат” ичида инфарктда ёрдам кўрсатилган беморлар улуши *(фоизда)*	60	65	70	75	80	90
13.	“Олтин соат” ичида инсультда ёрдам кўрсатилган беморлар улуши *(фоизда)*	1	3	7	10	14	18
14.	Инсульт ҳолатларида тромболизис ёки тромбэктомия билан қамров улуши *(фоизда)*	10	30	50	70	80	90

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–20-сон қарорига
5-илова

Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам бригадаларини Т-ЭКГ ускунаси ҳамда мониторли дефибриллятор билан жиҳозлаш
ТАҚСИМОТИ

Т/р	Ҳудуд номи	Т-ЭКГ ускунаси	Мониторли дефибриллятор
Самарқанд вилояти			
1.	Самарқанд шаҳри	21	18
2.	Каттақўрғон шаҳри	5	5
3.	Оқдарё тумани	7	6
4.	Булунғур тумани	11	8
5.	Жомбой тумани	11	7
6.	Иштихон тумани	18	12
7.	Каттақўрғон тумани	19	9
8.	Қўшработ тумани	7	6
9.	Нарпай тумани	3	8
10.	Пайариқ тумани	18	6
11.	Пастдарғом тумани	27	5
12.	Пахтачи тумани	7	8
13.	Самарқанд тумани	13	12
14.	Нуробод тумани	11	6
15.	Ургут тумани	40	11
16.	Тойлоқ тумани	13	7
Жами		**231**	**134**
Тошкент шаҳри			
1.	Учтепа тумани	21	-
2.	Бектемир тумани	8	3
3.	Юнусобод тумани	35	3
4.	Мирзо Улуғбек тумани	24	4
5.	Миробод тумани	12	2
6.	Шайхонтоҳур тумани	25	3
7.	Олмазор тумани	27	3
8.	Сергели тумани	14	2
9.	Яшнобод тумани	25	6
10.	Яккасарой тумани	9	3
11.	Янгиҳаёт тумани	14	3
12.	Чилонзор тумани	21	3
Жами		**235**	**35**

Изоҳ: *Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур рўйхатга заруратга кўра ўзгартириш киритиш ваколати берилади.*

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 январдаги ПҚ–20-сон қарорига
6-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ–2326-сон Фармонида:

(а) муқаддима ва 2-бандниг иккинчи хатбошиси “спорт,” сўзидан кейин “тиббиёт,” сўзи билан тўлдирилсин;

(б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Белгилансинки, Зулфия номидаги Давлат мукофотини бериш, унинг кўкрак нишонлари ва дипломини тайёрлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар мазкур мақсадлар учун Оила ва хотин-қизлар қўмитасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади”;

(в) 1-илованинг 1-банди биринчи хатбошиси ва 2-банди биринчи хатбошиси “спорт,” сўзидан кейин “тиббиёт,” сўзи билан тўлдирилсин;

(г) 2-илованинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, тиббиёт, ахборот технологиялари ва бошқа соҳалардаги энг нуфузли арбоблардан, ижодий уюшмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, таълим, маданият, тиббиёт ва спорт муассасаларининг таниқли вакилларидан ташкил топади ва унинг таркиби ҳар тўрт йилда учдан икки қисми янгиланиши назарда тутилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Мазкур Комиссия аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар”.

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4890-сон қарори 5-иловасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгашининг
ТАРКИБИ

Шарахметов Шахрух Шатурғунович	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими, *Кузатув кенгаши раиси*
Худаяров Асилбек Анварович	—	соғлиқни сақлаш вазири, *Кузатув кенгаши раиси ўринбосари*
Турахужаев Ҳалилилло Собиржонович	—	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси
Фазилкаримов Отабек Рустамович	—	иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
Лавозими бўйича	—	Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари
Ишанходжаев Камолиддин Нуриддинович	—	Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси
Эрматов Зохид Шавкатович	—	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори, *Кузатув кенгаши котиби*

Изоҳ: Кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 январдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–38-сон қарори 9-банди “а” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда 2028 йилга қадар республика даражасидаги барча даволаш-профилактика муассасалари миллий ёки халқаро аккредитациядан ўтказилиши назарда тутилсин”.

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги “Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–183-сон қарорига 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказининг кузатув кенгаши

ТАРКИБИ


1.	Ш.Ш. Шарахметов	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими, *Кузатув кенгаши раиси*
2.	А.А. Худаяров	—	соғлиқни сақлаш вазири, *Кузатув кенгаши раиси ўринбосари*
3.	Б.Ж. Аълоев	—	ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
4.	О.Р. Фазилкаримов	—	иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
5.	Ш.Х. Гуламов	—	инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг ўринбосари в.б.
6.	Н.У. Мухаммадиев	—	адлия вазири ўринбосари
7.	Д.К. Адилов	—	қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари
8.	А.А. Абдуқаюмов	—	Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори
9.	Т.У. Арипова	—	Иммунология ва инсон геномикаси институти директори
10.	Д.А. Агзамходжаева	—	Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари, *Кузатув кенгаши котиби*

Изоҳ: Кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–185-сон қарорига 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

“Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимларининг намунавий ташкилий тузилмаси



Изоҳ:

1. Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 15-21 нафар.

2. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимларининг чекланган сони 21 нафар этиб белгиланади.

3. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида бўлим тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

4. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ киритилади.

QMMB: 07/26/20/0072-son
24.01.2026-y.

5. Туман (шаҳар) тиббиёт бўлимларининг таркибий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–14-сон Фармонига мувофиқ белгиланади.

**) Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари – стационар шўъбаси бошлиғига ҳудудда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш вазифаси юклатилади.*

***) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланадиган штат меъёрлари асосида киритилади;*
туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ходимларининг умумий чекланган сонига киритилмайди;
ушбу ходимларга туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади".

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil «21» январь № ПҚ–22

Спорт курашларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда спорт курашларини янада оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш тизимини яхшилаш ҳамда миллий терма жамоаларнинг нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар спорт курашларини (юнон-рум, эркин ва аёллар кураши) ривожлантириш ва оммалаштиришнинг **асосий мақсадлари** ҳисобланади:

(а) спорт курашларини оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш ҳамда уларни профессионал спортчи сифатида тайёрлаш, мусобақаларнинг янги турларини жорий этиш;

(б) тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни **тайёрлаш**, **қайта тайёрлаш** ва уларнинг **малакасини ошириш** тизимини такомиллаштириш;

(в) спорт курашлари бўйича замонавий **спорт мажмуаларини** барпо этиш, мавжуд **моддий-техника базасини** мустаҳкамлаш, уларни доимий равишда **спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш**.

II. Ташкилий чора-тадбирлар

2. Қуйидагилар:

(а) Спорт курашларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ;

(б) 2026–2032 йилларда спорт курашларини ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

3. **2026 йилдан бошлаб** спорт курашлари бўйича қуйидаги мусобақалар мунтазам ўтказиб борилади:

(а) Ўзбекистон Республикаси **Президенти кубоги**;

(б) Бош прокурор кубоги;

(в) "**Ўзбекистон ботирлари**" турнири;

(г) Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчилари ва ходимлари ўртасида **кубок ва чемпионатлар**.

4. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатилган спорт мусобақалари 2026 йилдан бошлаб **Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси маблағлари** ҳамда **ҳомийлик хайриялари** ҳисобидан ўтказиб борилади.

III. Спортчиларни профессионал тайёрлаш ва улар захирасини яратиш

5. Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ҳузурида **Минтақавий спорт курашлари академиясини** (кейинги ўринларда – Академия) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Қуйидагилар Академиянинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

(а) илғор хорижий тажрибани ўзлаштириш ва халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда, спорт курашлари бўйича **спортчилар**, **тренерлар**, **ҳакамлар** ва **бошқа спорт мутахассисларини** замонавий, инновацион методикалар, илмий-таҳлилий ёндашув асосида **тайёрлаш тизимини жорий этиш**;

(б) Бирлашган кураш дунёси, Осиё спорт курашлари федерацияси ҳамда етакчи хорижий мамлакатларнинг спорт курашлари бўйича федерация (ассоциация)лари билан **ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш** ва **тажриба алмашиш** тизимини йўлга қўйиш;

(в) барча даражадаги спорт-таълим ташкилотларида ягона ёндашув асосида спорт курашлари бўйича **спортчиларни тайёрлашни ташкил этишга** кўмаклашиш.

7. Қуйидагилар Академия фаолиятини **молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

(а) Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси маблағлари;

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

(б) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

(в) халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

(г) қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Спорт вазирлиги ҳузуридаги кураш маҳорат мактабларида **миллий кураш ва спорт курашлари** бўйича спортчиларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилади;

(б) **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** ҳар бир туман (шаҳар)да **1 тадан** умумий ўрта таълим муассасаларида **спорт курашларига ихтисослашган спорт клублари** ташкил этилади ва кураш маҳорат мактабларига **бириктирилади**;

(в) спортчиларни замонавий **илмий-методик ёндашувлар** асосида тайёрлаш учун хорижий тренерлар ва мутахассислар жалб этиб борилади.

9. Белгилансинки, 2026 йилдан бошлаб Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон кураш федерациясига **ҳар йили жами 50 миллиард сўм** йўналтириб борилади. Бунда:

(а) мазкур маблағлар:

(i) Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ва Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятини **молиявий таъминлаш** ва уларнинг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**, шунингдек, **миллий терма жамоаларни тайёрлашни ташкил қилишга** сарфланади;

(ii) **жиноят натижасида давлатга етказилган зарар бўйича ундирувлар** ҳамда ундирилган **давлат божлари**, **жиноий ва маъмурий жарималар**, **давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар** ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни сотишга оид **ижро ҳужжатлари бўйича ундириладиган маблағлардан** (тақсимотдан аввал) ажратилади;

(iii) Спорт вазирлигининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Спорт курашлари ва миллий курашни ривожлантириш жамғармасида** жамланади ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон кураш федерациясининг сўровномасига асосан **грант сифатида** ажратилади;

(б) **маблағларнинг тақсимоти** Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича республика комиссияси томонидан белгиланади.

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Спорт курашларини **оммалаштириш** ва **кенг тарғиб қилишни ташкил қилиш** мақсадида:

(а) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

(i) ҳар бир туман (шаҳар)да камида биттадан умумий ўрта таълим муассасаларида спорт курашларига ихтисослаштирилган спорт клублар фаолиятини йўлга қўйсин. Бунда ушбу мактабларни **спорт инвентарлари билан жиҳозлаб бориш** мазкур қарорнинг 9-бандида назарда тутилган **маблағлар ҳисобидан амалга оширилади**;

(ii) 2026/2027 ўқув йилдан бошлаб **зарур инфратузилмаси мавжуд бўлган** умумий ўрта таълим муассасаларида спорт курашлари бўйича спорт мактабининг бошланғич тайёргарлик гуруҳлари учун ишлаб чиқилган режа асосида “Болалар учун кураш” дастурини жорий қилсин;

(iii) спорт курашлари клубларига эга бўлган ҳамда “Болалар учун кураш” дастури жорий этилган умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида спорт курашлари бўйича тизимли равишда спорт мусобақаларини ўтказиб бориш чораларини кўрсин;

(б) Спорт вазирлиги Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда жойларда спорт курашлари билан шуғулланаётган, шунингдек, мусобақаларда қатнашувчи барча **спортчилар тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириш** тизимини жорий этсин;

(в) Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда ёшлар, айниқса **уюшмаган ёшларни** спорт курашларига кенг жалб этиш ва иқтидорли спортчиларни **энг қуйи бўғиндан саралаб боришни** ташкил қилсин;

(г) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

(i) **ҳар йили** талабалар ўртасида спорт курашлари бўйича тизимли равишда **спорт мусобақалари** ўтказиб борилишини;

(ii) олий таълим ташкилотларида спорт курашлари бўйича **секция** ва **клублар** фаолияти йўлга қўйилишини ташкил қилсин.

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари спорт курашларини оммалаштириш мақсадида:

(а) ёшлар ўртасида туман (шаҳар) ва ҳудуд миқёсида мусобақаларни мунтазам равишда ташкил қилиб борсин;

(б) маҳаллий ўқув-машғулот йиғинлари ва спорт мусобақаларида ҳудудий спорт жамоалари иштирок этишини таъминласин.

12. Спорт вазирлигининг буюртманомалари (виза талабномалари)га кўра:

(а) Ташқи ишлар вазирлиги спорт курашлари бўйича жалб этиладиган хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин;

(б) Ички ишлар вазирлиги спорт курашлари бўйича жалб этиладиган хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига белгиланган тартибда кўп марталик визалар расмийлаштирилиши (узайтирилиши) ҳамда Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин;

(в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги спорт курашлари бўйича хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спорт вазири А.И. Икрамов ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси раиси Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

16. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 январдаги ПҚ–22-сон қарорига
1-илова

Спорт курашларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
1.	Спорт курашлари бўйича **спорт инфратузилмасини** яхшилаш.	1. Спорт курашлари бўйича ҳудудлардаги спорт иншоотларини хатловдан ўтказиш ҳамда спорт иншоотларининг жорий ҳолати ва таъмирга муҳтожлигини жойига чиқиб ўрганиш. 2. Ўрганиш натижаларига мувофиқ спорт курашлари бўйича спорт иншоотларини капитал таъмирлаш (реконструкция қилиш) бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Манзилли дастурга мувофиқ жойлардаги спорт курашлари бўйича спорт иншоотларини капитал таъмирлаш (реконструкция қилиш)ни амалга ошириш.	2026 йил март Манзилли дастурда белгиланган муддатларда	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Спорт вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
2.	Спорт курашлари билан **шуғулланувчиларнинг умумий сонини** ошириш.	1. Спорт курашлари билан шуғулланувчилар сонини таҳлил қилиш. 2. Илғор хорижий давлатлар (АҚШ, Япония, Туркия, Россия, Грузия, Озарбайжон ва бошқалар) тажрибасини ўрганган ҳолда спорт курашлари билан шуғулланувчилар сонини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил апрель	–	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Спорт вазирлиги
3.	Умумтаълим мактабларида **спорт курашларига ихтисослаштирилган спорт клублари** фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Ҳар бир туман (шаҳар)даги спорт курашларига ихтисослаштириладиган умумтаълим мактаблари рўйхатини шакллантириш. 2. Ҳар бир туман (шаҳар)даги биттадан умумтаълим мактабида спорт курашларига ихтисослашган спорт клубларини ташкил этиш.	2026 йил июнь 2026/2027 ўқув йили	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Спорт вазирлиги,

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

		3. Ушбу мактабларни зарур спорт инвентарлари билан жиҳозлаб бориш.	Доимий		Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
4.	**Қуролли Кучлар** тизимида **спорт курашларини** янада оммалаштириш ва ривожлантириш.	1. Қуролли Кучлар тизими ҳарбий хизматчилари ва ходимлари орасидан сифатли спорт захирасини шакллантириш. 2. Қуролли Кучлар тизимидаги спорт курашлари бўйича спорт секцияларини тренер ва спортчи лавозимлари билан тўлдириш, халқаро талабларга жавоб берадиган спорт анжомлари, жиҳозлари, спорт кийимлари ва экипировкаси ҳамда бошқа зарурий воситалар билан таъминлаш.	2026 йил июнь Доимий	Ижрочилар маблағлари	Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
5.	Ҳудудларда спорт курашлари бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (**селекция**) ишларини такомиллаштириш.	1. Ҳудудлардаги селекционерларни жалб қилган ҳолда иқтидорли ёшларни аниқлаш тизимини йўлга қўйиш. 2. Ҳудудларда хорижий ва маҳаллий мутахассислар иштирокида спорт курашлари бўйича ёш спортчилар билан маҳорат дарсларини ташкил қилиб бориш. 3. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва саралаб олиш ҳамда уларни профессионал спортчи сифатида тайёрлаш учун спорт-таълим ташкилотларига йўналтириб бориш.	2026 йил июнь Доимий	–	Спорт вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
6.	Спорт курашлари бўйича терма жамоаларнинг **нуфузли халқаро мусобақаларга** тайёргарлик кўриши ва унда муносиб иштирок этишини таъминлаш.	1. Спорт курашлари бўйича миллий терма жамоаларга малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш. 2. Нуфузли халқаро мусобақалар (*Олимпия ва Осиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, халқаро турнирлар*)га тайёргарлик кўриш режасини ишлаб чиқиш. 3. Режага мувофиқ терма жамоа аъзолари учун халқаро ва маҳаллий ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиб бориш. 4. Терма жамоа аъзоларининг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирокини таъминлаш.	2026 йил июль Доимий	Ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

7.	Спорт курашлари бўйича **ўқув режа** ва **ўқув дастурларини** такомиллаштириш ҳамда ушбу спорт турини ривожлантиришнинг **илмий-методик таъминотини** йўлга қўйиш.	1. Ўқув режа ва ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш. 2. Халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув режа ва ўқув дастурлари, махсус таълим дастурларини ишлаб чиқиш. 3. Давлат спорт-таълим ташкилотларида ишлаб чиқилган ўқув режалар ва ўқув дастурларини жорий қилиш.	2026 йил август 2026/2027 ўқув йили	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси
8.	Спорт курашлари бўйича спортчилар, тренерлар, ҳакамлар ва бошқа спорт мутахассисларини замонавий, **инновацион методикалар**, **илмий-таҳлилий** ёндашув асосида тайёрлаш тизимини жорий этиш.	**Минтақавий спорт курашлари академияси** фаолиятини йўлга қўйиш.	2026 йил март	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Спорт вазирлиги
9.	Миллий терма жамоаларни **илмий** ва **услубий жиҳатдан** таъминлаш тизимини такомиллаштириш.	1. Спорт курашлари бўйича миллий терма жамоалар учун илмий ва услубий қўлланмалар рўйхатини шакллантириш. 2. Рўйхатга мувофиқ илмий ва услубий қўлланмаларни такомиллаштириш. 3. Такомиллаштирилган илмий ва услубий қўлланмаларни Спорт вазирлиги тизимидаги олий таълим ташкилотларининг илмий кенгашларида кўриб чиқиш ва чоп этиш.	2026 йил август Доимий	Ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Спорт вазирлиги
10.	Спорт курашлари бўйича етакчи **хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини** ўрганиш ва амалиётга жорий этиб бориш чораларини кўриш.	1. Ўқув-машғулот жараёнларига жаҳоннинг етакчи мутахассисларини тизимли асосда жалб этиб бориш. 2. Миллий терма жамоа тренерлари ва бошқа мутахассисларини тажриба алмашиш мақсадида спорт курашлари ривожланган етакчи хорижий давлатларга юборишни йўлга қўйиш. 3. Спорт курашлари ривожланган хорижий давлатлар спортчилари иштирокида хорижий ва маҳаллий ўқув-машғулот йиғинларини ташкил қилиб бориш.	Доимий	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

11.	Миллий терма жамоаларни **тиббий** ва **тиббий-биологик** қўллаб-қувватлаш.	1. Спорт курашлари бўйича миллий терма жамоаларнинг тиббий ва тиббий-биологик воситалар билан таъминланганлик ҳолати ва эҳтиёжини ўрганиш. 2. Аниқланган эҳтиёжга кўра, спорт курашлари бўйича миллий терма жамоаларни тиббий ва тиббий-биологик воситалар билан таъминлаб боришни ташкил қилиш.	Доимий	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 январдаги ПҚ–22-сон қарорига
2-илова

2026–2032 йилларда спорт курашларини ривожлантириш бўйича МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида							Масъул ижрочилар
			2026	2027	2028	2029	2030	2031	2032	
1.	Спорт курашлари билан **шуғулланувчилар** сони	нафар	26 700	26 900	27 100	27 300	27 500	27 700	27 900	Спорт вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
2.	Спорт курашлари билан **шуғулланувчи аёллар** сони	нафар	1 500	1 600	1 700	1 800	1 900	2 000	2 100	Спорт вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
3.	Спорт курашлари бўйича **тренерлар** сони	нафар	1 070	1 090	1 110	1 130	1 150	1 170	1 190	Спорт вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
4.	Спорт курашлари бўйича **халқаро тоифадаги ҳакамлар** сони	нафар	13	15	17	20	23	26	30	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
5.	Спорт курашлари бўйича **терма жамоаларнинг** халқаро спорт **мусобақаларидаги** иштироки	сон	21	20	22	20	21	20	22	Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
6.	Спорт курашлари бўйича Ўзбекистонда ўтказиладиган **халқаро спорт мусобақалари**	сон	3	4	4	3	3	3	3	Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 январдаги ПҚ–22-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги “Таэквондо (WT) спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–337-сон қарорининг 6-бандида:

(а) биринчи хатбошида:

(i) “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги” сўзлари “Спорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) “Б.Курбанов” сўзлари “Ш.Халмухаммедов” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) учинчи хатбошидаги “2024–2025 йилларда” сўзлари “2024–2027 йилларда” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрдаги ПҚ–414-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини комплекс ривожлантириш дастурининг 44-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–449-сон қарорига 1-илованинг 9-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

9.	Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида замонавий моддий-техника ва ўқув-машқ базасига эга бўлган ҳудудий гимнастика спорт	1. Объект барпо этиладиган манзилни аниқлаш, тегишли ер майдонини ажратиш.	2023 йил апрель	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши *(Ф.Эрманов)*, Самарқанд вилояти ҳокимлиги *(А.Бобоев)*, Фарғона вилояти ҳокимлиги *(Х. Бозаров)*

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

	турларига тайёрлаш марказларини ташкил этиш.	2. Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тегишли ташкилотлар хулосасини олиш. 3. Объектни қуриш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш. 4. Қурилиш ишларини амалга ошириш учун танлов (тендер) эълон қилиш ва пудратчи ташкилотлар билан шартномаларни расмийлаштириш. 5. Қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш. 6. Бино ва иншоотларни замон талаблари асосида жиҳозлаш. 7. Амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларини қабул қилиш, назорат-ўлчовдан ўтказиш.	2023 йил май–июль 2026 йил декабрь	“Ўзавтосаноат” АЖ ҳомийлик маблағлари, ижрочилар маблағлари Ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон гимнастика федерацияси (*У.Розукулов*), Спорт вазирлиги (*М.Исмаилов*), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (*О.Фозилкаримов*), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (*Ш.Хидоятов*)

”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–149-сон қарорининг 3-бандида:

(а) қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2026 йил 1 февралдан бошлаб биологик намуналарни тўплаш ва тадқиқотлар (допинг-тестлар) ўтказиш бўйича махсус мосламалар ҳамда бошқа товар ва хизматларни харид қилишни (хорижий ва маҳаллий етказиб берувчилардан) “таклиф сўрови” харид қилиш тартиб-таомили орқали амалга оширади”;

(б) тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 ноябрдаги ПҚ–355-сон қарори билан тасдиқланган Миллий футбол маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 5-позицияси “Ижро муддатлари” устунидаги “2024–2025 йиллар давомида” сўзлари “2024–2026 йиллар давомида” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 июлдаги ПҚ–274-сон қарори билан тасдиқланган 2024–2026 йилларда волейбол спорт турларини ривожлантириш дастурининг 9-позицияси чиқариб ташлансин.

QMMB: 07/26/22/0069-son
23.01.2026-y.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 декабрдаги ПҚ–421-сон қарори билан тасдиқланган Жамоавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланишни ташкил қилиш ҳамда ушбу спорт турларини янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”нинг 6-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

6.	Тадбиркорлик субъектлари ходимларини жамоавий спорт турлари билан шуғулланишга тизимли жалб қилиб боришни йўлга қўйиш.	1. Тадбиркорлик субъектлари ходимларини жамоавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб боришга жалб қилиш. 2. Тадбиркорлик субъектларида жамоавий спорт турлари бўйича спорт клубларини ташкил қилишга кўмаклашиш. 3. Тадбиркорлик субъектларининг ўз ходимларининг жамоавий спорт турлари билан шуғулланишини ташкил қилиши бўйича тарғибот ишларини олиб бориш. 4. Ходимларининг жамоавий спорт турлари билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда жамоавий спорт турларига ҳомийлик маблағларини йўналтирганлик учун солиқ имтиёзларини тақдим қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. 5. Тадбиркорлик субъектларининг ходимларни спортга жалб қилиш бўйича рейтингини жорий этиш ҳамда уларнинг спорт клублари реестрини юритиш, шунингдек, ҳар йили эълон қилиб бориш тизимини йўлга қўйиш.	Доимий Доимий 2025 йил июнь 2026 йил апрель	Тадбиркорлик субъектлари маблағлари Ўзбекистон корпоратив спорт ассоциацияси маблағлари	Савдо-саноат палатаси (*Д. Ваҳобов*), Спорт вазирлиги (*А. Икрамов*), “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Савдо-саноат палатаси (*Д. Ваҳобов*), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (*И. Норқулов*), Спорт вазирлиги (*А. Икрамов*), Солиқ қўмитаси (*Ф.Пулатов*) Ўзбекистон корпоратив спорт ассоциацияси

”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1



УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

3 (1231)-son
47-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 20 » yanvar № 11 Toshkent sh.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 18 декабрдаги ПҚ–449-сон қарори ҳамда “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 декабрдаги ПҚ–449-сон қарорига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг йўл ҳаракати қоидалари бузилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича мурожаатлари **“ягона дарча”, “экстерриториаллик” ва “open space” тамойиллари** асосида **кўриб чиқилиши** белгиланган маълумот учун қабул қилинсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ бўлган транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш ёки “антиквар” автомототранспорт воситаси сифатида қайд этиш, шунингдек, умумий вазни (юки билан) 44 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари ҳамда конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган махсус транспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) жисмоний ва юридик шахсларнинг йўл ҳаракати қоидалари бузилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан **мурожаатлари** “ягона дарча”, “экстерриториаллик” ва “open space” тамойиллари асосида кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда – ЙҲХХ) ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг (кейинги ўринларда – ЯААТ) **“Ma’muriy amaliyot” модули масъул вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига интеграция қилинади**;

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир **маъмурий ишлар билан боғлиқ маълумотлар** ЙҲХХ ҳузуридаги Маъмурий амалиёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ва ҳудудий марказлар ходимлари томонидан ЯААТнинг **“Ma’muriy amaliyot” модули орқали олинади**;

б) **2026 йил 1 февралдан** бошлаб:

умумий вазни (юки билан) 44 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари ҳамда конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган махсус транспорт воситалари, юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксилар, шунингдек, “антиквар” автомототранспорт воситалари учун алоҳида серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари жорий этилади;

ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ бўлган транспорт воситаларидан фойдаланиш, уларни қайта рўйхатга олиш тақиқланади ҳамда улар давлат рўйхатидан чиқарилади (“антиквар” автомототранспорт воситалари бундан мустасно);

в) автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада автомототранспорт воситаси мулкдорининг манзилини кўрсатиш талаби бекор қилинади;

г) автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказишда қуйидаги ҳужжатларни **ваколатли органлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олиш** йўлга қўйилади:

автомототранспорт воситасининг олди-сотди шартномаси ва бошқа нотариал тасдиқланган битимлар;

“Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш” АЖ томонидан берилган аукцион баённомалари;

давлат улуши мавжуд корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган автомототранспорт воситаларига бериладиган электрон ҳисоб-маълумотлар;

автомототранспорт воситаси мулкдорининг маълумотлари (жисмоний шахс Ф.И.О., юридик шахс номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, манзили) ўзгарганини тасдиқловчи маълумотлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзавтосаноат” АЖ билан биргаликда автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишда талаб этиладиган ҳужжатларни ваколатли органлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олишни йўлга қўйиш юзасидан ахборот тизимларини интеграция қилишни таъминласин;

б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда**:

масъул вазирлик ва идоралар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишлар билан боғлиқ маълумотлар алмашинуви **фақат электрон кўринишда** “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида ЯААТнинг **“Ma’muriy amaliyot” модули орқали** амалга оширилишини йўлга қўйсин;

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишлар билан боғлиқ **ҳужжат** ва **маълумотлар** ЯААТнинг “Ma’muriy amaliyot” модули ёрдамида олинишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишилган ҳолда ЯААТнинг “Ma’muriy amaliyot” модули орқали йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни тасдиқловчи аудио, видео ёки фотодалилларни **судларга электрон шаклда юбориш**, шунингдек, судларга маъмурий иш ҳужжатларини Марказ ва ҳудудий марказлар масъул ходимлари томонидан **электрон рақамли имзо** орқали тақдим этиш тартибини жорий этсин;

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жисмоний шахснинг ўзига тегишли бўлган ҳайдовчилик гувоҳномаси маълумотларини реал вақт режимида тақдим этиш имконини яратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига Ички ишлар вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишлар билан боғлиқ барча ҳужжатлар алмашинувини фақат электрон кўринишда амалга ошириш, бунда судлар томонидан мазкур ишларни кўриб чиқиш натижалари ҳам электрон кўринишда ЯААТнинг “Ma’muriy amaliyot” модулига юборилишини таъминлаш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган хорижий автотранспорт воситалари, шунингдек, ушбу транспорт воситаларни бошқариб келаётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида ЯААТнинг “Ma’muriy amaliyot” модулига юборилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 июндан** бошлаб, белгиланган шаклдаги электрон тиббий маълумотномаларни, шунингдек, ҳайдовчиларнинг (ҳайдовчиликка номзодларнинг) соғлиғи транспорт воситасини хавфсиз бошқаришга монелик қилиши тўғрисидаги тиббий хулосаларни электрон шаклда “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ЯААТга юборилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги “Uzavtomotobelgi” давлат унитар корхонаси “Uzavtomotoservis” давлат унитар корхонаси этиб қайта ташкил этилсин ҳамда **фаолиятининг асосий йўналишлари** сифатида қуйидагилар белгилансин:

автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ишлаб чиқариш;

белгиланган тартибда аҳолини ҳайдовчилик ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномалари билан таъминлашни ташкил этиш, автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш (қайта ўтказиш) жараёнларида ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, бунда сервис ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ҳамда давлат хизматлари марказлари томонидан аҳоли ва автомототранспорт воситаларини ҳайдовчилик ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, давлат рақами белгилари билан таъминлаш фаолияти (асбоб-ускуналари)га сервис ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

Бунда юқоридаги барча йўналишлар бўйича тўловлар миқдорлари (ставкалари) “Uzavtomotoservis” давлат унитар корхонаси томонидан белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **бир ой муддатда**:

белгиланган тартибда “Uzavtomotoservis” давлат унитар корхонаси тузилмаси ва уставини тасдиқласин;

“Uzavtomotoservis” давлат унитар корхонасининг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш (пул таъминоти) тартиби ва шартлари, шу жумладан, тариф коэффициентлари ва уларни ошириш миқдорларини белгиласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “20” январдаги 11-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 123-бандида:

биринчи ва учинчи хатбошилардаги “маълумотнома-счёт” сўзлари “электрон ҳисоб-маълумот” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 январдаги 4-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари тўғрисидаги намунавий низомнинг 11^1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 мартдаги 116-сон қарорига 2-илованинг “Автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг тавсифи” бўлими ўнинчи хатбошисидаги “манзили” сўзи чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-банд қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“антиквар” автомототранспорт воситалари – ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ бўлган, асл ҳолати (ташқи кўриниши), тузилиши ва асосий агрегатлари сақланиб қолган автомототранспорт воситалари”;

4-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин;

“антиквар” транспорт воситалари”;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

5-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ бўлган транспорт воситалари (“антиквар” автомототранспорт воситалари бундан мустасно)”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларда кўрсатилган транспорт воситалари тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади”;

6-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи – саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Аукцион савдолари натижалари тўғрисидаги баённома асосида давлат рўйхатидан ўтказилаётган автомототранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – ЯААТ) “Автомототранспорт ҳисоби” модули орқали илгари рўйхатдан ўтказилганлиги (ёки ўтказилмаганлиги) текширилади.

Бунда автомототранспорт воситаси муқаддам ДЙҲХХ рўйхатидан ўтказилмаган бўлса (суд қарори асосида давлат фойдасига ўтказилган ёки ҳарбий тузилмаларга тегишли ҳарбий транспорт воситалари бундан мустасно), масъул ходим томонидан ҳолатга аниқлик киритилади.

Ноқонуний ҳолатлар аниқланган тақдирда, белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тергов органларига юборилади”;

8-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Автотранспорт воситаларига нисбатан тақиқ мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали аниқланади”;

16-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи – ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бунда автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказишда қуйидаги ҳужжатлар ваколатли органлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинади:

автомототранспорт воситасининг олди-сотди шартномаси ва бошқа нотариал тасдиқланган битимлар;

“Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш” АЖ томонидан берилган аукцион баённомалари;

давлат улуши мавжуд корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган автомототранспорт воситаларига бериладиган электрон ҳисоб-маълумотлар;

автомототранспорт воситаси мулкдорининг маълумотлари (жисмоний шахс Ф.И.О., юридик шахс номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, манзили) ўзгарганини тасдиқловчи маълумотлар”;

22-бандда:

қуйидаги мазмундаги “в^{1}” кичик банд билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

“в[1]) ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ бўлган транспорт воситалари тақдим этилганда (“антиквар” автомототранспорт воситалари бундан мустасно)”;

“д” кичик банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси” сўзлари “ЙҲХХ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

23-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг 5-банди (манзили) тўлдирилмайди”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

26-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими” сўзлари “ЯААТ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи – ўн учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бунда:

умумий вазни (юки билан) 44 тоннадан ортиқ бўлган, юридик шахсларга тегишли юк автомобилларига I, IA ёки IE, IAE типли, жисмоний шахсларга тегишли юк автомобилларига III, IIIA ёки IIIE, IIIAE типли “YUK” серияли РЎДРБ;

конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган юридик шахсларга тегишли махсус транспорт воситаларига I, IA ёки IE, IAE типли, жисмоний шахсларга тегишли махсус транспорт воситаларига III, IIIA ёки IIIE, IIIAE типли, “KON” серияли РЎДРБ;

юридик шахсларга тегишли “антиквар” автомобилларга I, IA ёки IE, IAE типли, жисмоний шахсларга тегишли “антиквар” автомобилларга III, IIIA ёки IIIE, IIIAE типли, “ANT” серияли РЎДРБ;

юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксиларга I, IA ёки IE, IAE типли, “TTT” серияли РЎДРБ берилади.

Автотранспорт воситаларининг сонидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги серияли РЎДРБларининг охирги ҳарфлари ўрнига бошқа ҳарфлар қўлланилиши мумкин”;

саккизинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

31-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Олиб қўйилган РЎДРБларини йўқ қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади”;

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

36-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “ҳисоб-маълумотнома” сўзлари “электрон ҳисоб-маълумот” сўзлари билан алмаштирилсин;

46-бандниng биринчи хатбошисидаги “Ягона автоматлаштирилган тизимига” сўзлари “ЯААТга” сўзи билан алмаштирилсин;

57-бандниng тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“автомототранспорт воситаси яроқсиз деб ҳисобланганда, шу жумладан, ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ бўлган транспорт воситалари (“антиквар” автомототранспорт воситалари бундан мустасно)”;

60-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“60. Яроқсиз автомототранспорт воситасини, шу жумладан, ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ бўлган транспорт воситаларини (“антиквар” автомототранспорт воситалари бундан мустасно) ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:”;

б) 3-иловада:

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Автоматлаштирилган ахборот тизимида танланган рақам комбинацияси дастур томонидан банд қилинмагани текширилиб, буюртма берувчи номига ягона оширилган тўлов учун инвойс шакллантирилади. Тўловни амалга ошириш учун жисмоний шахсларга ҳар бири 20 дақиқагача вақтдан иборат бўлган иккита имконият, юридик шахсларга эса 72 соат вақт берилади. Ушбу вақт мобайнида комбинация бошқа шахслар томонидан танланмаслиги учун тизимда вақтинча захирага олинади.”;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган вақт мобайнида танланган РЎДРБ комбинация учун ягона оширилган тўлов амалга оширилмаган тақдирда, айнан шу буюртма берувчига айнан шу рақам комбинациясини такроран банд қилиш Автоматлаштирилган ахборот тизими томонидан олти ой муддатга блокланади, тўлов амалга оширилмаган танланган РЎДРБ комбинацияси 12 соат мобайнида очиқ маълумотлар базасига қайтарилади”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Қамчиқ” довони орқали автомобиль транспортида юк ташишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 апрелдаги 268-сон қарори рус тилидаги матнининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Согласиться с предложением Министерства внутренних дел, Министерства транспорта Республики Узбекистан о запрещении перевозки грузов через перевал “Камчик” грузовыми автомобилями и автомобилями-тягачами, а также прицепами и полуприцепами, с момента выпуска которых прошло более 20 лет”.

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорида:

а) 1-иловада:

Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш паспорти 8-позициясининг “Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари” бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Т/р	Лицензия талаблари ва шартлари	Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар
1.	Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш учун ўқув автомототранспорт воситаларининг мавжудлиги:*	8 нафар таълим олувчига – тегишли “B” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси; 12 нафар таълим олувчига – тегишли “C” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси; 24 нафар таълим олувчига – тегишли “D” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.
2.	Автомототранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича таълим ташкилотига қўйиладиган талаблар (ушбу талаблар автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун татбиқ этилади):*	Ҳайдовчиликка номзодларни имтиҳондан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш учун электрон буюртма (мурожаат)ларни қабул қилиш тизимининг мавжудлиги; ҳайдовчиликка номзодларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, имтиҳонларни ўтказиш муддатларини белгилаш ва ҳайдовчиликка номзодларни ҳамда ЙҲХХ масъул ходимини олдиндан хабардор қилиш тизимининг шакллантирилганлиги; ҳайдовчиликка номзодларни назарий имтиҳондан ўтказиш учун ўқув дастурини қамраб олган электрон (анимацион) тест саволлари тўпламининг шакллантирилганлиги; имтиҳонларни ўтказиш тизимлари унумдорлигининг хизмат кўрсатиш ҳудуди (Қорақалпоғистон Республикаси,

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

		вилоятлар, Тошкент шаҳри)да имтиҳон топширувчилар сонига мувофиқлиги; Республиканинг барча ҳудудларида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида) филиалларнинг мавжудлиги; диспетчерлик (назорат) пункти ҳайдовчиликка номзодларнинг ҳаракатларини кўрсатиб турадиган компьютер ва мониторлар, автоматлаштирилган автодром тизимининг элементи сифатида ишлайдиган ахборотни доимий қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш ускуналари, овозли алоқа воситалари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиши; ҳайдовчиликка номзодларни идентификация қилиш, улардан назарий ва амалий имтиҳонларни инсон омилисиз, автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш, натижаларини баҳолаш, электрон баённомаларни шакллантириш ва узатиш бўйича ахборот тизимининг мавжудлиги; назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган махсус ҳимояланган сертификатларни шакллантириш, сертификатлар реквизитларини давлат хизматлари маркази ҳамда ички ишлар органларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этиш имкониятининг мавжудлиги; ўтказилган имтиҳон натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг таҳлилларини ЙҲХХга мунтазам тақдим этиб бориш; имтиҳонлар жараёнини ЙҲХХ ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан онлайн режимда назорат қилиш ҳамда жамоатчилик эътиборига видеотрансляция қилиш имкониятининг мавжудлиги; имтиҳонларни ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишга доир тартиб-таомиллар (мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш, кўриб чиқиш,

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

		имтиҳонларни ташкил этиш, ўтказиш, баҳолаш мезонлари, ахборот алмашинуви, иш юритиш ва бошқа маъмурий тартиб-таомиллар) ЙҲХХ билан 15 иш куни мобайнида келишилган ҳолда тасдиқланганлиги.
3.	Ҳайдовчиларни тайёрлаш таълим ташкилотининг ҳудудига қўйиладиган талаблар:*	тунги ёритгичлар ўрнатилганлиги; ичимлик сув ва канализация билан таъминланганлиги; ҳожатхона билан таъминланганлиги; автомототранспорт воситаларининг тоифа(лар) йўналиши бўйича амалий имтиҳонларни ўтказиш учун камида 18000 м2 ер майдонига эга бўлган, автоматлаштирилган автодром ва махсус жиҳозланган автомототранспорт воситаларининг мавжудлиги, уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги.
4.	Ахборот технологиялари билан таъминланганлик даражаси:*	аудио ва видеокузатув тизими мавжудлиги; назарий имтиҳонларни ўтказишнинг ошкоралигини таъминлаш учун видео ёзиб олиш тизими мавжудлиги; имтиҳонлар жараёнини ЙҲХХ ва унинг бўлинмалари томонидан онлайн режимда назорат қилиш ҳамда жамоатчилик эътиборига видеотрансляция қилиш имкониятининг мавжудлиги; ҳайдовчиликка номзодларни идентификация қилиш, улардан назарий ва амалий имтиҳонларни инсон омилисиз, автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш, натижаларини баҳолаш, электрон баённомаларни шакллантириш ва узатиш тизимларининг мавжудлиги; назарий имтиҳонларни ўтказиш учун 20 мбит/сек тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган камида 25 та компьютер техникаси билан жиҳозланган алоҳида кабиналарга ажратилган (оператор ва номзодлар махсус ойна билан ажратилган), шунингдек, техник воситалар (камералар) билан махсус жиҳозланган зал (хоналар)нинг мавжудлиги.
5.	Имтиҳон топширувчиларнинг максимал сони:*	гуруҳда — 24 нафар

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

6.	Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказувчи таълим муассасаси раҳбарига қўйиладиган талаблар:	коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун судланганлик ҳолати бўлмаслиги (судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган бўлмаслиги);
7.	Таълим муассасасининг устав жамғармаси минимал миқдорига қўйиладиган талаблар:*	БҲМнинг 150 000 бараваридан кам бўлмаслиги.

б) 2-иловада:

9-бандниng бешинчи хатбошисидаги “ДЙҲХХ автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимига” сўзлари “ЙҲХХХнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига” сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банддаги “назарий ҳамда амалий имтиҳонлар топширгунигача малака оширишлари шарт” сўзлари “малака оширишлари ҳамда назарий ва амалий имтиҳонлар топширишлари шарт” сўзлари билан алмаштирилсин;

58–62-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

63-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“63. Яроқсиз ҳолга келган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ушбу Низомнинг 57-бандига мувофиқ алмаштирилади”;

65-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

66-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“66. Йўқолган (ўғирланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа ҳолларда) миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликати ҳайдовчининг аризасига мувофиқ, масъул ходим томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ЙҲХХХнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилгандан сўнг имтиҳонларсиз берилади”;

67–70-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

76-банддаги “тиббий кўрикдан ўтиб,” сўзлари чиқариб ташлансин”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 июлдаги 514-сон қарорининг 3-банди еттинчи хатбошисидаги “унинг филиаллари” сўзлари “ҳудудий маъмурий амалиёт марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 сентябрдаги 747-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар, шунингдек, видеокузатув ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобиль қурилмалар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

тўғрисидаги низомнинг 8-бандидаги “маъмурий амалиёт инспектори” сўзлари “маъмурий амалиёт марказлари ходимлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 9 мартдаги 125-сон қарорида:

а) 3-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларига, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилади”;

б) 1-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ автомобиллар, электромобиллар (гибрид автомобиллар) ва уларнинг тиркамаларини (яримтиркамаларини), мотоцикл, электромотоцикл, мопед ва скутерларни, шунингдек, трамвай ва троллейбусларни (кейинги ўринларда – транспорт воситалари) мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди”;

2-бандниng учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жисмоний ва юридик шахсларга (давлат органлари ва ташкилотларига, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари бундан мустасно) тегишли бўлган барча (M, N, O, L) тоифадаги транспорт воситалари тадбиркорлик субъектлари томонидан техник кўрикдан ўтказилади.

Давлат органлари ва ташкилотларига, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан техник кўрикдан ўтказилади”;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши керак:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, махсус ҳамда йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун мослаштирилган транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари – бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганига олти йилдан кўп бўлмаган, юридик шахсларга тегишли барча тоифадаги ҳамда жисмоний шахсларга тегишли бўлган M2, M3, N ва O тоифадаги транспорт воситалари (мазкур бандниng “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари), шунингдек, ишлаб чиқарилганига ўн бир йилдан ўн тўрт йилгача (ўн тўртинчи йили ҳам) бўлган, жисмоний шахсларга тегишли M1 ва L тоифадаги транспорт воситалари (мазкур бандниng “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – икки йилда бир марта;

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

в) ишлаб чиқарилганига олти йилдан ортиқ бўлган, юридик шахсларга тегишли барча тоифадаги ҳамда жисмоний шахсларга тегишли M2, M3, N ва O тоифадаги транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари), шунингдек, ишлаб чиқарилганига ўн беш йил ва ундан ортиқ бўлган, жисмоний шахсларга тегишли M1 ва L тоифадаги транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта;

г) тиркамалар техник кўрикдан транспорт воситаси – шатакчи учун белгиланган муддатларда;

д) СТГ-3 турдаги газ баллонлари ўрнатилган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а”, “б”, “в” кичик бандларида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – уч йилда бир марта.

Ишлаб чиқарилганига ўн йилгача (ўнинчи йили ҳам) бўлган, жисмоний шахсларга тегишли M1 ва L тоифадаги транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) техник кўрикдан ихтиёрий равишда ўтказилади”;

14-банд ва 20-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат унитар корхонаси” сўзлари “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бобнинг номидаги “Давлат бошқаруви органлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига” сўзлари “Давлат органлари ва ташкилотларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат органлари ва ташкилотларига, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли, шунингдек, махсус ва хавфли юкларни ташиш учун мослаштирилган транспорт воситаларининг техник кўриги транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилган (вақтинча рўйхатдан ўтказилган) жойда ёки уларнинг мурожаатларига кўра экстерриториаллик тамойили асосида қуйидаги жойларда техник кўрикдан ўтказилади:

зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун хандақ (яма)ларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон билан қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда”;

30 ва 33-бандлардаги “давлат бошқаруви органлари ва” сўзлари “давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда” сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Троллейбуслар ва трамвайларнинг техник ҳолати фойдаланиш қоидаларига, стандартларига, йўл ҳаракати ва техника хавфсизлигига мослигини текшириш мақсадида техник кўрикдан ДЙҲХХ ходимлари томонидан троллейбус ва трамвай деполарида ўтказилади”;

QMMB: 09/26/11/0066-son
21.01.2026-y.

51^2-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Транспорт воситаларини техник ҳолатини текшириш жойлари ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланади.

Бунда тадбиркорлик субъектлари ёки бошқа ташкилотларга тегишли бўлган техник базалардан улар билан келишилган ҳолда фойдаланиши мумкин”;

1-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбошисидаги “биносида кенглиги” сўзлари “биносининг кириш қисмида” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Ишлаб чиқариш-техника базаси ҳудуди, хоналари ва унга кириш-чиқиш жойларига замонавий видеокузатув камералари ўрнатилган бўлиши керак”;

17-банднинг иккинчи хатбошисидаги “7,0 метрдан кам” сўзлари “6,0 метрдан кам” сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “кенглиги 0,9 метрдан кам бўлмаслиги керак” сўзлари “ кенглиги 0,9 метрдан, чуқурлиги 1,6 метрдан кам бўлмаслиги керак” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўллари инфратузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 11 октябрдаги 665-сон қарорининг 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 4 сентябрдаги 562-сон қарорининг 2-банди “в” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) барча давлат рақами белгиларини бериш учун ундириладиган тўловлар миқдорлари Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги “Uzavtomotoservis” давлат унитар корхонаси томонидан белгиланади. Бунда скутер, электромотоцикл ва электромобиллар учун давлат рақами белгиларининг тўловлари қолганларга нисбатан камайтирилган ҳолда белгиланади;”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 23 » yanvar № 23 Toshkent sh.

Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 23 майдаги ПҚ–190-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳолини сифатли ва ишончли маҳсулотлар билан таъминлаш, мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг маркировкалаш қоидаларига зид равишда импорт қилиниши, ишлаб чиқарилиши ва реализация қилинишининг олдини олиш орқали тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда мазкур тизимнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда – Солиқ қўмитаси) ўсимлик ёғини рақамли маркировкалаш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тажриба лойиҳаларини (кейинги ўринларда – тажриба лойиҳалари) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Айрим турдаги маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тажриба лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **олти ой муддатда**:

тажриба лойиҳаларини ишга тушириш, келгусида мониторинг қилишни, услубий қўллаб-қувватлаш ва лойиҳа иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш тизими жорий этилишини ва келгусида ушбу тизимдан фойдаланиш бўйича кенг тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 июлдан бошлаб**:

а) тадбиркорлик субъектлари томонидан рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар реализация қилинганда, электрон ҳисобварақ-фактураларни шакллантиришда қуйидагилар автоматик тарзда амалга оширилади:

лицензия (рухсат этиш ва хабардор қилиш ҳужжати) мавжудлиги, “Asl belgisi” ахборот тизимида рўйхатдан ўтганлиги ва рақамли маркировка кодлари тўғри акс эттирилишини текшириш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

маркировкаланиши лозим маҳсулотларни чакана савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига реализация қилишда улар рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни таъминловчи махсус қурилмалар билан жиҳозланганда, электрон ҳисобварақ-фактураларни шакллантириш;

б) рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар реализация қилинганда, онлайн назорат-касса техникасининг касса чекларида қуйидагилар автоматик тарзда амалга оширилади:

рақамли маркировка коди киритилганда, ушбу кодга бириктирилган товарларнинг маҳсулотлар ва хизматлар идентификация кодлари маълумотининг шаклланиши;

товарлар учун “Asl belgisi” МАТда мавжуд рақамли маркировка кодлари мажбурий акс эттирилишини белгилаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **уч ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “23” январдаги 23-сон қарорига
1-илова

Айрим турдаги маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган қадоқланган айрим турдаги маҳсулотларни (кейинги ўринларда – маҳсулотлар) рақамли маркировкалаш ва кейинчалик кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини (кейинги ўринларда – тажриба лойиҳаси) амалга ошириш тартибини, шунингдек, маркировка кодларини тақдим этиш ва маркировкалашда ҳаракатлар кетма-кетлигини ҳамда тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“Asl belgisi” МАТ – “Asl belgisi” маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими;

агрегирлаш – гуруҳланган ва (ёки) транспорт қадоғини очиш шартисиз товар айланмаси занжирини кузатиб бориш мақсадида идентификация коди билан яратиладиган истеъмол қадоғи, гуруҳланган қадоқ, транспорт қадоғи идентификация кодларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотларни сақловчи, гуруҳланган қадоқ ва (ёки) транспорт қадоғига босиб тушириш билан истеъмол қадоғининг биринчи даражали гуруҳланган қадоғига ва (ёки) транспорт қадоғига ҳамда биринчи даражали транспорт қадоқларининг кейинги даража транспорт қадоғига маҳсулотларни бирлаштириш жараёни;

агрегацияланган импорт коди – оператор томонидан шакллантириладиган ва божхона юк декларациясида кўрсатиладиган, ўзида ҳар бир маҳсулотнинг маркировка кодларини бирлаштирувчи маҳсулотларнинг алоҳида жамланмаси учун белгиларнинг такрорланмас кетма-кетлиги;

буюртмаларни бошқариш станцияси (ББС) – маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси ва “Asl belgisi” МАТ ўртасида маълумот алмашиш учун мўлжалланган ҳамда маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси томонидан маркировка кодларини олиш ва рақамли идентификация воситалари ёрдамида маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга юбориш учун фойдаланиладиган дастурий-техник восита;

ЖШШИР – жисмоний шахснинг шахсий индентификация рақами;

ИВ реестри – Рақамли идентификация воситалари (ИВ) реестри;

идентификация коди – маҳсулот намунаси рақамини ўз ичига олган рамзий кетма-кетлик;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

иштирокчилар рўйхати – тажриба лойиҳасида ихтиёрий иштирок этиш истагини билдирган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар рўйхати;

маҳсулотлар каталоги – рақамли маркировкаланадиган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни каталоглаштириш ва сақлаш учун жорий қилинган ҳамда маҳсулот маркировка кодининг ягона манбаи ҳисобланувчи "Asl belgisi" МАТнинг қуйи тизими;

маҳсулотлар – Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган ва тажриба лойиҳаси амалга оширилаётган маҳсулотлар;

маҳсулот коди – ахборот ресурсида маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан тавсифланган маҳсулот гуруҳига берилган ҳамда ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот турини белгилайдиган, "GS1 Uzbekistan" ассоциациясининг тегишли маҳсулот номенклатурасига мувофиқ логистика бирликларини ҳисобга олиш коди;

маҳсулотни маркировкалаш – маҳсулотларга истеъмол ва (ёки) гуруҳланган қадоққа рақамли идентификация воситаларини елимлаш ва уларнинг "Asl belgisi" МАТга киритилиши тўғрисида ишончли маълумотларни тақдим этиш;

маркировкалаш коди – идентификация ва текшириш кодлари тўплами;

маҳсулотларнинг истеъмол қадоғи – якуний истеъмолчига сотишга ёки маҳсулотларни бирламчи қадоқлашга мўлжалланган қадоқ;

маҳсулотларнинг гуруҳланган қадоғи – полимер плёнка ёки қоғозга ўралган ёхуд қоғоз лентага ўралган истеъмол қадоқларининг маълум сонини бирлаштирадиган қадоқ. Гуруҳланган қадоқларни охирги истеъмолчига реализация қилишга рухсат этилади;

маҳсулотларнинг транспорт қадоғи – жойдан жойга кўчиришда маҳсулотни шикастланишдан ҳимоялаш учун унинг сақланиши ва транспортда ташишда қўлланадиган ва мустақил транспорт бирлигини ҳосил қилувчи, қадоқланган истеъмол ёки гуруҳланган қадоқда, шунингдек, транспорт қадоғида маҳсулотларни бирлаштирувчи қадоқ;

маҳсулот айланмаси мониторинги – "Asl belgisi" МАТда маҳсулот айланмаси субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказилган маълумотлар асосида маҳсулотларнинг айланмаси ва ишлаб чиқарилишини таҳлил қилиш;

назорат-касса техникаси (НКТ) – фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал хотирадаги маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек, фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

оператор – “CRPT TURON” масъулияти чекланган жамияти “Asl belgisi” МАТни эксплуатация қилиш ва унга техник хизмат кўрсатишни, шу жумладан, рақамли маркировкалаш ва кузатиб боришни таъминлаш учун зарур бўлган барча таркибий қисмларни ўрнатишни ва созлаш ишларини амалга оширувчи юридик шахс;

рақамли идентификациялаш воситалари (ИВ) – икки ўлчовли штрих-код кўринишидаги ускунада ўқиладиган шаклдаги маркировкалаш коди;

СТИР – солиқ тўловчининг идентификация рақами;

тажриба лойиҳаси – идентификация воситалари ёрдамида маҳсулотни маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳаси;

тажриба лойиҳаси иштирокчиси – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ маҳсулот айланмаси субъекти номидан иш юритишга, шахсий кабинетда тажриба лойиҳаси иштирокчиси – бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришга ва рўйхатдан ўтказишга, ўз номидан электрон ҳужжатларни имзолаш ва (ёки) “Asl belgisi” МАТга юбориш ҳуқуқига эга бўлган маҳсулот айланмаси субъекти, шунингдек, ушбу шахслар учун берилган электрон рақамли имзо сертификатларидан фойдаланишга ваколатли шахс;

текшириш коди – тақлид режимида идентификация коди ва маҳсулот коди маълумотлари асосида оператор томонидан шакллантириладиган рамзий кетма-кетлик;

ТИФ ТН коди – Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасидаги коди;

фискал маълумотлар оператори – онлайн тартибда фискал маълумотларни қабул қилувчи, уларга ишлов берувчи ва уларни сақловчи Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар илмий-ахборот маркази” давлат унитар корхонаси;

электрон рақамли имзо (ЭРИ) – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда, махсус ўзгаришлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификациялаш имконини берадиган имзо;

электрон ҳисобварақ – фактура (ЭҲФ) – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган шакл бўйича расмийлаштирадиган, электрон ҳисобварақ-фактуралар айланмаси тизими операторлари орқали чиқариладиган ва олинадиган маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотилишини ва харид қилинишини тасдиқловчи электрон ҳужжат (жумладан, қўшимча ҳисобварақ-фактура ва тўғриланган ҳисобварақ-фактура).

3. Қуйидагилар тажриба лойиҳасининг иштирокчилари ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита);

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

б) манфаатдор вазирликлар ва идоралар;

в) маҳсулот айланмаси субъектлари:

маҳсулот ишлаб чиқарувчилар;

улгуржи савдо корхоналари;

чакана савдо ташкилотлари;

маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилувчилар;

г) оператор;

д) фискал маълумотлар оператори;

е) ЭҲФ-роуминг оператори.

4. Маҳсулотлар айланмаси субъектлари тажриба лойиҳасида ихтиёрий равишда қатнашадилар. Тажриба лойиҳасида иштирок этиш учун маҳсулот айланмаси субъекти операторга ушбу Низомга 1-иловада келтирилган аризани тақдим этади. Бунда иштирок этиш учун аризани қабул қилиш тажриба лойиҳасининг бошлангани билан чекланмайди.

2-боб. Маҳсулотлар айланмаси субъектларига қўйиладиган талаблар

5. Тажриба лойиҳасида иштирок этиш учун маҳсулот айланмаси субъектлари қуйидаги шартларни таъминлаши лозим:

а) маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва (ёки) импорт қилувчи:

ЭРИ мавжудлиги;

ишлаб чиқариш ва сақлаш жойлари Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган;

электрон ҳужжатларни яратиш ва ЭРИ билан тасдиқлаш, шунингдек, “Asl belgisi” МАТ билан ўзаро ҳамкорлик учун зарур ҳужжатларни қабул қилиш имконини берадиган компьютер тизимининг мавжудлиги (шу жумладан, маркировка кодларига буюртма бериш, маркировка кодлари ишлатилиши тўғрисида хабарнома, ЭҲФ);

хўжалик операцияларини бошқариш ва омборлар бухгалтериясини назорат қилиш, шунингдек, рақамли идентификация воситалари ёрдамида сканерлаш ва таниб олиш учун автоматлаштирилган тизимнинг мавжудлиги;

рақамли идентификация воситалари ёрдамида маҳсулотларни маркировкалаш учун керакли маркировка, сервер, телекоммуникация ва бошқа ускуналарнинг мавжудлиги, шунингдек, уларни кейинчалик “Asl belgisi” МАТга улаш имконияти мавжудлиги;

б) улгуржи савдо ташкилотлари:

ЭРИ мавжудлиги;

электрон ҳужжатларни яратиш ва ЭРИ билан тасдиқлаш, шунингдек, “Asl belgisi” МАТдан керакли ҳужжатларни қабул қилиш, шу жумладан, шахсий кабинет орқали ишлаш имконини берадиган компьютер тизимининг мавжудлиги;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

хўжалик операцияларини бошқариш ва омборлар бухгалтериясини назорат қилиш, шунингдек, рақамли идентификация воситалари ёрдамида сканерлаш ва таниб олиш учун автоматлаштирилган тизимнинг мавжудлиги;

в) чакана савдо ташкилотлари:

ЭРИ мавжудлиги;

электрон ҳужжатларни яратиш ва ЭРИ билан тасдиқлаш, шунингдек, “Asl belgisi” МАТдан керакли ҳужжатларни қабул қилиш, шу жумладан, шахсий кабинет орқали ишлаш имконини берадиган компьютер тизимининг мавжудлиги;

назорат-касса техникаси, шунингдек, рақамли идентификация қилиш учун сканерлаш ва таниб олиш воситаларининг мавжудлиги.

3-боб. Маълумотларни рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва аниқлаштириш, шунингдек, иштирокчини тажриба лойиҳасидан четлаштириш

6. Тажриба лойиҳасида иштирок этиш истагини билдирган маҳсулотлар айланмаси субъекти иштирокчилар рўйхатига маълумот киритиш учун операторга хабар беради ва қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда “Asl belgisi” МАТнинг веб-сайтида рўйхатдан ўтади:

а) маҳсулот ишлаб чиқарувчи тажриба лойиҳаси иштирокчиси:

маҳсулот ишлаб чиқарувчининг номи;

ишлаб чиқарувчининг СТИРи;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш бўйича тегишли тадбирлар амалга ошириладиган ишлаб чиқариш майдонлари, шунингдек, сақлаш манзиллари;

электрон почта манзили;

алоқа учун телефон рақами;

б) тажриба лойиҳаси иштирокчиси – улгуржи савдони ташкил этувчи:

улгуржи савдо ташкилотининг номи;

улгуржи савдо ташкилотининг СТИРи;

маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш ишлари амалга ошириладиган омборларнинг манзиллари;

электрон почта манзили;

алоқа учун телефон рақами;

в) тажриба лойиҳаси иштирокчиси – чакана савдо ташкилоти ёки якка тартибдаги тадбиркор:

чакана савдо ташкилоти номи;

чакана савдо ташкилотининг СТИРи/(ЖШШИРи);

маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш ишлари амалга ошириладиган омборлар ва савдо объектларининг манзиллари;

электрон почта манзили;

алоқа учун телефон рақами;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

г) тажриба лойиҳаси иштирокчиси – маҳсулотни импорт қилувчи:

маҳсулотни импорт қилувчининг номи;

маҳсулотни импорт қилувчининг СТИРи/(ЖШШИРи);

маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш ишлари амалга ошириладиган омборларнинг манзиллари;

электрон почта манзили;

алоқа учун телефон рақами;

д) оператор маркировка тизимида амалга оширилган ҳаракатларнинг электрон ҳисоб журналларини юритади, шунингдек, функционал буюртмачилар, назорат органлари ва бошқа иштирокчилар мурожаатлари асосида ушбу электрон ҳисоб журналларидан кўчирмалар беради.

7. Агар ариза ушбу Низомда белгиланган талабларга жавоб берса, оператор маълумотлар олинган пайтдан бошлаб:

маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни текширади;

маҳсулотлар айланмаси субъектини иштирокчилар рўйхатига киритади;

иштирокчи учун шахсий кабинетни очади;

маҳсулот айланмаси субъектининг иштирокчилар рўйхатига киритилгани ва шахсий кабинети очилгани тўғрисида хабардор қилади.

8. Ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маълумотлар кўрсатилиши, нотўғри маълумотлар тақдим этилиши ва (ёки) керакли маълумотлар тақдим этилмаслиги, шунингдек, оператор томонидан ЭРИ сертификатининг яроқсизлиги ёки тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига мувофиқ фаолияти тўхтатилгани тўғрисида маълумот олиниши маҳсулотлар айланмаси иштирокчисини тажриба лойиҳаси иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади.

Маҳсулотлар айланмаси субъекти рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорга нисбатан оператор билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали ёки суд орқали шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

9. Иштирокчилар рўйхатида маълумотлар маҳсулот айланмаси субъектлари – тажриба лойиҳаси иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ўзгартирилади.

10. Маҳсулот айланмаси субъекти – тажриба лойиҳаси иштирокчиси лойиҳа иштирокчисининг шахсий кабинети орқали тақдим этган аризасига биноан оператор томонидан ариза берилгандан сўнг беш иш куни давомида рўйхатдан чиқарилади.

4-боб. Маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш

11. Маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот каталогига киритиш учун тажриба лойиҳаси иштирокчиси – маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи “Asl belgisi” МАТ веб-сайтида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган аризани яратади:

маҳсулот номи;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

маҳсулот коди (штрих-коди);

маҳсулотни қадоқлаш тури;

маҳсулот тавсифи;

маҳсулотга рухсатномалар тўғрисида маълумот;

ТИФ ТН коди;

маҳсулотнинг суратлари;

оператор томонидан Қўмита билан келишилган ҳолда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

12. Аризада кўрсатилган маълумотлар ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган талабларга жавоб берган тақдирда, оператор беш иш куни ичида:

маълумотларни текширади (модерация);

тажриба лойиҳаси иштирокчиси ЭРИ орқали имзолангандан сўнг аризада тақдим этилган маълумотларни маҳсулот каталогига киритади;

тажриба лойиҳаси иштирокчиси – ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчини маҳсулотлар каталогига киритилгани тўғрисида хабардор қилади.

13. Маҳсулотлар тўғрисидаги маълумот ушбу маълумотни ўчириш, маҳсулотлар каталогида улар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ўзгартирилади.

5-боб. Маҳсулотларни рақамли маркировкалаш тартиби

14. Маҳсулот айланмасининг иштирокчилари мустақил равишда маркировкалаш ишларини амалга оширадилар ва ушбу Низомга мувофиқ “Asl belgisi” МАТга маҳсулотларни маркировкалаш тўғрисида маълумот тақдим этадилар.

15. Тажриба лойиҳаси даврида оператор маҳсулот ишлаб чиқарувчилар орасида тажриба лойиҳаси иштирокчиларига маҳсулотларни маркировкалаш учун рақамли идентификация воситаларини елимлаш тўғрисидаги маълумотларни “Asl belgisi” МАТга юбориш учун зарур бўлган ускуна ва дастурий таъминотни тақдим этади.

Тажриба лойиҳаси даврида оператор тажриба лойиҳаларида иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларига маркировка кодларини бепул тақдим этади.

16. Маҳсулотлар қуйидагича маркировкаланади:

а) тажриба лойиҳаси иштирокчиси ёрлиқ дизайнини ўзгартириш орқали оператор тавсиялари асосида рақамли идентификация воситаларини елимлаш жойини мустақил равишда белгилайди;

б) тажриба лойиҳаси иштирокчиси (ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи) операторга маркировка кодларини буюртма қилади;

в) ишлаб чиқарувчи рақамли идентификация воситасини:

тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш линиясида маҳсулот қадоғига елимланадиган, техник қурилмалар қадоғининг махсус белгиланган дизайн жойида ёки ёрликда (қарши ёрлиқ) қадоқлаш орқали;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

стикерни рақамли идентификация воситаси билан ёпиштирилган маҳсулот қадоқларга елимлаш орқали елимлайди;

г) импорт қилувчи маҳсулотни олиб киришда рақамли идентификация воситасини:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига маҳсулотни олиб киришдан олдин тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш линиясида қадоққа ёпиштирилган истеъмолчи ва гуруҳ қадоқларини ёки ёрлиқни (қарши ёрлиқ) махсус белгиланган жойга елимлаш орқали;

маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришдан олдин рақамли идентификация воситаси ёпиштирилган стикерни қадоққа елимлаш орқали ёпиштиради.

17. Агрегирлашни соддалаштириш мақсадида ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчининг қарорига биноан идентификация воситаси маҳсулот истеъмол ва гуруҳли қадоқларининг олд ёки ён қисмига ёпиштирилади.

18. Идентификация воситаларини қадоққа ёпиштириш ва ушбу мақсадлар учун ишлатиладиган ускуналарни танлаш лойиҳа иштирокчилари томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

6-боб. Маркировка кодига киритилган маълумотлар таркиби, маҳсулотни қадоқлашда рақамли идентификация воситаларини шакллантириш ва қўллаш тартиби

19. Истеъмол қадоқлари ва гуруҳли қадоқлардаги рақамли идентификация воситаси уч гуруҳдаги маълумотларни қамраб олган маркировка кодини ўз ичига олади. Биринчи ва иккинчи гуруҳ – маҳсулот идентификация коди, учинчи гуруҳ – текшириш коди маълумотларини ташкил этади. Бунда маҳсулотнинг истеъмол қадоқлари ва гуруҳли қадоқларнинг рақамли идентификация воситаси GS1 Data Matrix форматида икки ўлчовли штрих-код шаклида қўлланади.

20. Транспорт қадоқларини рақамли идентификация воситалари “Қадоқлаш. Юклаш, ташиш ва қабул қилиш учун штрихли коднинг чизиқли белгилари ва этикеткалардаги икки ўлчовли белгилар” Умумий талаблар стандарти талабларига мувофиқ бўлиши талаб қилинади.

21. Маркировка кодини рақамли идентификация воситасига тажриба лойиҳаси иштирокчиси – ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи, истеъмол, гуруҳ ёки транспорт қадоқларини бутловчи томонидан айлантирилади.

22. Штрих-код форматидаги рақамли идентификация воситалари қуйидаги талабларга жавоб беради:

а) истеъмол қадоқлари ва гуруҳли қадоқлар учун 0,25 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамдаги модул ишлатилади;

б) истеъмол қадоғининг рақамли идентификация воситаси 7x7 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамдаги махсус ажратилган контрастли жойга жойлаштирилади;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

в) гуруҳ қадоғининг рақамли идентификация воситаси қадоқнинг олд томонига ёки ён томонига жойлаштирилади ва агрегирлаш жараёнини ўтказиш учун мос ўлчамга эга бўлади;

г) идентификация воситасини бепарволик билан танлаш орқали қалбакилаштириш эҳтимоли паст ва ҳар қандай ҳолатда ўн мингдан биридан кам;

д) хатоларни аниқлаш ва тузатиш функцияси DataMatrix ECC200 га тенг ёки яхшироқ.

7-боб. Маркировка кодларини тақдим этиш

23. Маркировка кодларини олиш учун тажриба лойиҳаси иштирокчиси – маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи ББС орқали операторга маркировка кодларини олиш учун ариза юборади.

Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

маҳсулот каталогидан берилган маҳсулот коди;

сўралган кодлар сони;

қадоқлаш тури: истеъмол, гуруҳ;

бошқа маълумотлар.

24. Аризада кўрсатилган маълумотлар ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган талабларга жавоб берган тақдирда, оператор ариза қабул қилинган кундан бошлаб 4 соатдан кечиктирмай:

керакли миқдордаги маркировка кодларини шакллантиради;

тажриба лойиҳаси иштирокчисига – маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи маркировка кодлари рўйхатини тақдим этади;

тақдим этилган маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ИВ рўйхатига киритади.

“Asl belgisi” МАТ муомаладан чиқарилмаган маҳсулотлар қадоғига жойлаштирилган кодни қайта маркировкалашга йўл қўймайди.

25. Тажриба лойиҳаси иштирокчиси – маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи рақамли идентификация воситаларини жойлаштиришга тайёр бўлган пайтдан бошлаб:

а) ушбу Низомнинг 6-боби талабларига мувофиқ маркировка кодларини рақамли идентификация воситаларига ўзгартиради;

б) рақамли идентификация воситаларини маҳсулот қадоқларида елимлашни таъминлайди;

в) рақамли идентификация воситалари маҳсулот қадоқларида елимлангандан сўнг елимланган рақамли идентификация воситалари тўғрисидаги маълумотни “Asl belgisi” МАТга юборади.

26. Оператор тажриба лойиҳаси иштирокчиси – маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчидан ушбу Низомнинг 25-бандида назарда тутилган маълумотларни олганидан сўнг “онлайн” режимда маркировкалаш кодларининг тегишли ҳолатлари ИВ реестрида акс эттирилишини, шунингдек, ушбу маълумотларнинг тажриба лойиҳаси иштирокчилари учун очиқлигини таъминлайди.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

8-боб. Маҳсулотларни агрегирлаш, тажриба лойиҳаси доирасида уларнинг ишлаб чиқарилиши ва айланмаси мониторингини юритиш

27. Тажриба лойиҳаси иштирокчиси – маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи маҳсулотни гуруҳ ва (ёки) транспорт қадоқларига агрегирлаштиради, шундан сўнг "Asl belgisi" МАТга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган агрегирлаш тўғрисидаги ҳисоботни юборади:

яратилган гуруҳ ёки транспорт қадоғининг идентификация коди;

истеъмол, гуруҳ ва (ёки) транспорт қадоқларининг идентификация кодлари.

28. Агрегирлаш исталган даражада киритиш имкониятини назарда тутади:

биринчи даражали агрегирлаш – истеъмол қадоқларини бирлаштириш, масалан, маҳсулотларни гуруҳ қадоғига (блок);

иккинчи даражали агрегирлаш – гуруҳ қадоқларини транспорт қадоғига бирлаштириш, масалан, посилкада ёки қутида;

учинчи ва ундан кейинги даражали агрегирлаш – транспорт қадоқларини юқори даражадаги бошқа транспорт қадоғига бирлаштириш, масалан, брусок ёки контейнерга.

29. Оператор маълумотни олгандан сўнг унинг ИВ реестрида акс эттирилишини таъминлайди.

Маҳсулот айланмаси иштирокчиси "Asl belgisi" МАТга гуруҳли қадоқлаш ёки транспорт қадоқлаш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши "Asl belgisi" МАТга истеъмол қадоқлари тўғрисидаги маълумотларни беришга тенг ҳисобланади.

30. Маҳсулотларнинг айланмага чиқарилиши ва ҳаракатланишини назорат қилиш мақсадида:

а) маҳсулотни тажриба лойиҳаси иштирокчилари – маҳсулот айланмаси субъектлари ўртасида ўтказишда (қабул қилишда) дастлабки ҳужжат мазмуни асосида эгалик ҳуқуқи ёки реализация қилиш учун маҳсулотларнинг ўтказилишини тасдиқловчи битим қатнашчилари:

реализация қилинаётган маҳсулотларнинг маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ЭҲФ шаклида хабарнома яратиш;

кўрсатилган хабарномани ҳар икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан ЭРИ билан имзолаш;

б) роуминг оператори операторга ЭҲФ юборади.

31. Оператор ИВ реестрида хабарномада келтирилган барча маълумотларни кўрсатиб, тажриба лойиҳасининг бир иштирокчисидан – бошқасига маҳсулот айланмасига оид маҳсулотлар тўғрисида эгалик ҳуқуқини ўтказиш ҳолатини акс эттиради.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

9-боб. Маҳсулотларни муомалага киритиш, чиқариш ва мониторингини юритиш

32. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган маҳсулотлар қуйидагича муомалага киритилади:

а) тажриба лойиҳаси иштирокчиси – маҳсулотни импорт қилувчи:

олиб кирилаётган маҳсулотларни эркин муомалага чиқариш (импорт) учун божхона режимига жойлаштиради;

эркин муомалага чиқариш ёки қайта импорт қилиш мақсадида юк божхона декларацияси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай, “Asl belgisi” МАТга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳолда олиб кириш (импорт) тўғрисида электрон хабарнома юборади:

божхона органи томонидан эркин муомалага (импорт) чиқариш учун қабул қилинган юк божхона декларацияси тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилган идентификация қилиш қадоқлари кодлари тўғрисидаги маълумотлар;

б) оператор ушбу бандниng “а” кичик бандида назарда тутилган маълумотларни олганидан сўнг ИВ реестрида ушбу маҳсулот айланмага чиқарилганлигини акс эттиради.

33. Маҳсулотларни “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштириш учун импорт қилувчилар божхона юк декларациясида агрегацияланган импорт кодини кўрсатиши мумкин. Бунда ушбу ҳаракат қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) агрегацияланган импорт коди импорт қилувчининг талабномаси (тегишли маркировка кодлари акс эттирилган холда) бўйича оператор томонидан шакллантирилади;

б) агрегацияланган импорт коди божхона юк декларациясида акс эттирилади;

в) агрегацияланган импорт коди билан расмийлаштирилган божхона юк декларацияси божхона органи томонидан операторга юборилади.

34. Оператор тажриба лойиҳаси иштирокчиси томонидан тақдим этилган қуйидаги маълумотлар асосида маҳсулотларнинг муомаладан чиқарилишини назорат қилади:

а) чакана савдони амалга оширишда тажриба лойиҳаси иштирокчиси – чакана савдо ташкилоти:

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган назорат-касса техникаси билан боғлиқ бўлган техник воситалар орқали сотиладиган маҳсулотларни қадоқлаш учун елимланган рақамли идентификация воситасини сканердан ўтказади ва аниқлайди;

маҳсулот коди ва идентификация коди тўғрисидаги маълумотлар назорат-касса техникаси томонидан яратиладиган “касса чеки” фискал ҳужжатига киритилади;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

б) фискал маълумотлар оператори реал вақт режимида “Asl belgisi” МАТга маҳсулотларнинг чакана савдоси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон фискал ҳужжатлар (касса чеклари) тўғрисидаги маълумотларни узатади.

35. Оператор ИВ реестрида фискал маълумотлар операторидан олинган маълумотларга мувофиқ рақамли идентификация қилиш воситаси билан белгиланган маҳсулотлар айланмадан чиққанлиги тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради.

36. Маҳсулотлар чакана савдодан (ҳисобдан чиқариш) бошқа сабабларга кўра айланмадан чиқарилгандан сўнг ушбу маҳсулотларни ҳисобдан чиқарадиган маҳсулот айланмаси субъекти бўлган тажриба лойиҳаси иштирокчиси “Asl belgisi” МАТга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган маҳсулотни чиқариш тўғрисида хабарнома юборади:

айланмадан чиқарилаётган маҳсулотларнинг маҳсулот кодлари ва идентификация кодлари;

маҳсулотларни айланмадан чиқариш учун расмийлаштирилган ҳужжатнинг номи, санаси ва рақами;

маҳсулотлар айланмадан чиқарилган жой манзили;

маҳсулотларнинг муомаладан чиқарилиш сабаби.

37. Айланмага чиқарилган маҳсулотлар айланмаси мониторинги истеъмолчилар томонидан оператор тақдим этган бепул мобил илова орқали амалга оширилади.

38. Оператор истеъмолчига маҳсулот ишлаб чиқарилган жой, маҳсулотнинг қадоқланган жойи ва унинг ҳолати тўғрисида маълумот берилишини таъминлайди.

39. Агар истеъмолчи операторлан олинган маълумотлар ва маҳсулотларнинг ҳақиқий маълумотлари ўртасида тафовутни аниқлаган бўлса, у “Asl belgisi” ва “Soliq” мобил дастурлари орқали хабарнома юборади.

Оператор МАТ ушбу хабарномани қабул қилиб, қайд этилган ҳолатлар юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун расмий маълумотларни белгиланган тартибда алоқа каналлари орқали Қўмитага юборади.

10-боб. Тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг маълумот алмашинувини таъминлаш

40. Тажриба лойиҳасини амалга ошириш ва ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида оператор қуйидаги функцияларни бажаради:

иштирокчилар реестрини юритади;

маҳсулотлар каталогини юритади;

ИВ реестрини юритади;

тажриба лойиҳаси иштирокчиларига ушбу иштирокчилар ваколатига кирувчи “Asl belgisi” МАТ регистрларида мавжуд бўлган маълумотларни тақдим этади;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

маҳсулот истеъмолчиларига маҳсулотни истеъмол ва (ёки) гуруҳли қадоқлашнинг рақамли идентификация воситалари ва уларнинг ишлаб чиқариш ва айланма жараёнидаги ҳолати тўғрисида маълумотни беради.

41. Тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг оператор билан ўзаро алоқаси ЭРИ билан имзоланган электрон ҳужжатларни алмашиш орқали амалга оширилади.

42. Электрон ҳужжатлар алмашинуви тажриба лойиҳаси иштирокчисига тақдим этилган “Asl belgisi” МАТнинг “Шахсий кабинет” махсус маълумот хизматига мурожаат қилиш орқали амалга оширилади.

43. Электрон ҳужжатларга киритилган маълумотларнинг, шу жумладан, тажриба лойиҳаси иштирокчилари – маҳсулот айланмаси субъектлари томонидан Шахсий кабинетда яратилган маълумотларнинг мувофиқлиги автоматик равишда “Asl belgisi” МАТ воситалари ёрдамида текширилади.

44. Агар тажриба лойиҳаси иштирокчилари томонидан “Asl belgisi” МАТга нотўғри маълумотларга эга бўлган электрон ҳужжат тақдим этилган тақдирда, оператор аниқланган номувофиқликларни кўрсатган ҳолда тажриба лойиҳаси иштирокчисига ҳамда белгиланган тартибда алоқа каналлари орқали Қўмитага хабарнома юборади.

45. Агар тажриба лойиҳаси иштирокчилари томонидан тўғри маълумотлар тақдим қилинган бўлса, тажриба лойиҳаси иштирокчисига – маҳсулот айланмаси субъектига маълумотлар “Asl belgisi” МАТга киритилгани тўғрисида хабарнома юборилади.

46. Агар ушбу Низомда хабар беришнинг бошқа муддати назарда тутилмаган бўлса, ушбу бобда кўрсатилган хабарномалар оператор томонидан онлайн равишда тажриба лойиҳа иштирокчисига – маҳсулот айланмаси субъектига юборилади.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Айрим турдаги маҳсулотларни рақамли
маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича
тажриба лойиҳасини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

"Asl belgisi" маҳсулотларни
маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий
ахборот тизими операторига

Маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш бўйича
АРИЗА

1. Ариза берувчи _____

_____

(тадбиркорлик субъектининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИРи/ЖШШИРи)

2. Ариза берувчи жойлашган жой (почта манзили): _____

_____

_____

(жойлашган жойи (почта манзили), электрон почта, телефон рақами ва бошқалар)

3. Ариза берувчининг банк реквизитлари _____

_____

_____

"Asl belgisi" маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиб беришингизни сўрайман:

Рўйхатдан ўтиш учун тегишли маълумотлар:

Ташкилотнинг электрон почтаси: _____

Ташкилотнинг телефон рақами: _____

_____ _____ _____

(лавозими) *(имзо)* *(Ф.И.О.)*

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Айрим турдаги маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Айрим турдаги маҳсулотлар рақамли маркировкалаш ва кузатиш СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич. Субъектни рўйхатдан ўтказиш		
Тажриба лойиҳаси иштирокчиси	Зарур маълумотлар кўрсатилган аризани операторга алоқа каналлари орқали юборади ёки уни “Asl belgisi” маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимининг веб-сайтида (кейинги ўринларди “Asl belgisi” МАТ) шакллантиради.	Реал вақт режимида
Оператор	Агар ариза Низомда белгиланган талабларга мувофиқ бўлса: ▪ субъектни иштирокчилар реестрига киритади; ▪ иштирокчи учун шахсий кабинет очади; ▪ субъектга иштирокчилар рўйхатига киритилгани ва шахсий кабинет очилгани тўғрисида хабар беради. Хабарномада, шунингдек, иштирокчилар рўйхатидаги тажриба лойиҳаси иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларга берилган рўйхатдан ўтиш рақамлари кўрсатилади.	Ариза олинган вақтдан бошлаб 2 (икки) соатдан кўп бўлмаган муддатда
Оператор	Низом талабларига жавоб бермайдиган маълумот юборилганда ва/ёки зарур маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда, субъектни рўйхатдан ўтказишни рад этади.	Ариза олинган вақтдан бошлаб 2 (икки) соатдан кўп бўлмаган муддатда
2-босқич. Маҳсулотларни қайд қилиш		
Тажриба лойиҳаси иштирокчиси	Зарур маълумотлар кўрсатилган ҳолда маҳсулотларни қайд этиш бўйича аризани операторга алоқа каналлари орқали юборади ёки уни “Asl belgisi” МАТ веб-сайтида шакллантиради.	Реал вақт режимида
Оператор	Аризада кўрсатилган маълумотлар Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда:	Реал вақт режимида

	▪ аризада келтирилган маълумотларни маҳсулот рўйхатга киритади; ▪ тажриба лойиҳаси иштирокчисини маҳсулотлар рўйхатига киритилгани тўғрисида хабардор қилади.	
3-босқич. Маркировкалаш учун кодларни тақдим этиш		
Тажриба лойиҳаси иштирокчиси	Маҳсулотлар рўйхатига киритилган маҳсулотларни рақамли маркировкалаш учун кодларни олишга операторга алоқа каналлари орқали буюртманома юборади.	Реал вақт режимида
Оператор	Агар буюртманомада кўрсатилган маълумотлар Низом талабларига мувофиқ бўлса: ▪ керакли миқдордаги маркировка кодларини шакллантиради; ▪ тажриба лойиҳаси иштирокчиси – ишлаб чиқарувчи ёки маҳсулотларни импорт қилувчига ушбу кодларнинг рўйхатини тақдим этади; ▪ тақдим этилган кодлар тўғрисидаги маълумотларни ИВ рўйхатига киритади.	Реал вақт режимида
Тажриба лойиҳаси иштирокчиси	Операторга рўйхатдаги кодлар олингани тўғрисидаги тасдиқни юборади. Маркировка кодларини идентификация воситасига ўзгартиради. Идентификация воситаси маҳсулотларда қўлланилишини таъминлайди.	Маркировка кодлари рўйхати олинган вақтдан бошлаб реал вақт режимида
Тажриба лойиҳаси иштирокчиси	“Asl belgisi” МАТга маркировка кодларидан фойдаланилгани тўғрисидаги маълумотларни юборади (маҳсулот коди, идентификация коди, маркировкалаш санаси ва вақти, қўлланилган идентификация воситалари тўғрисидаги маълумотлар).	Маҳсулотларнинг қутиларида идентификация воситалари қўлланилгандан сўнг
4-босқич. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва айланиши мониторингини юритиш		
Тажриба лойиҳаси иштирокчиси (ишлаб чиқарувчи)	Маҳсулотлар агрегациясини амалга оширади. “Asl belgisi” МАТ орқали автоматик режимда операторга маҳсулот кодлари ҳамда янги гуруҳ ва транспорт пакетларини идентификациялаш, шунингдек, маҳсулот ва қадоқлаш кодлари рўйхати, шу жумладан, аввалги даражадаги қадоқлар (масалан, палетларни тузишда, унинг таркибига кирувчи қутилар рўйхати кўрсатилади) тўғрисидаги маълумотлар бўйича хабар беради.	Реал вақт режимида

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Тажриба лойиҳаси иштирокчиси (ишлаб чиқарувчи)	Мулкка эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини ёки маҳсулотларни сотиш учун берилганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжат асосида маҳсулотлар муомаласи субъектлари – тажриба лойиҳаси иштирокчилари ўртасида маҳсулотларни топшириш (қабул қилиш) вақтида битим тарафлари: ▪ маҳсулотларни топшириш (қабул қилиш) тўғрисида маҳсулот йўлланма варақаси шаклида билдиришнома тузади; ▪ томонларнинг ваколатли шахслари томонидан кўрсатилган билдиришномани имзолайди; ▪ топшириш (қабул қилиш) тўғрисида билдиришнома ва бирламчи ҳужжатнинг электрон нусхасини “Asl belgisi” МАТга юборади, шунингдек, маълумотни электрон ҳисоб-варақ фактура маълумотлари билан интеграция қилади.	Маҳсулотларга эгалик ҳуқуқи ўтгандан сўнг 72 (етмиш икки) соатдан кўп бўлмаган муддатда
Тажриба лойиҳаси иштирокчиси (импорт қилувчи)	Эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилгандан кейин операторга маҳсулотлар декларациясида кўрсатилган маҳсулотларни чиқариш тўғрисида қуйидаги маълумотларни тақдим этади: ▪ божхона органи коди; ▪ маҳсулот декларациясини рўйхатдан ўтказиш санаси; ▪ маҳсулот декларациясини рўйхатдан ўтказиш рақами; ▪ ТИФ ТН кодлари; ▪ қадоқларнинг маркировка коди; ▪ маҳсулотнинг келиб чиқиш мамлакати.	Реал вақт режимида
Оператор	Маълумотларни олгандан кейин уларни “Asl belgisi” МАТ реестрида акс этилишни таъминлайди.	Реал вақт режимида
5-босқич. Маҳсулотларни муомаладан чиқариш		
Тажриба лойиҳаси иштирокчиси	Маҳсулот коди ва идентификация коди тўғрисидаги маълумотларни назорат-касса техникаси орқали шакллантирилган “касса чеки” фискал ҳужжатга киритади.	Реал вақт режимида
Фискал маълумотлар оператори	Назорат-касса чекидаги сотилган ҳар бир бирлик бўйича назорат-касса техникасининг рўйхатга олинган рақами, сотилган сана, сотиш нархи, маҳсулот коди ва таркибидаги идентификация коди тўғрисидаги	Маҳсулотлар сотилган вақтдан бошлаб бир суткадан кеч қолмаган муддатда

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

	маълумотларни “Asl belgisi” МАТга узатади. Назорат-касса техникаси ишламай қолиши ҳоллари бундан мустасно.	
Оператор	Фискал маълумотлар операторидан олинган маълумотларга мувофиқ идентификация воситаси билан рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг муомаладан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни ИВ рўйхатида акс эттиради.	Реал вақт режимида

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “23” январдаги 23-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-бандниng бешинчи хатбошиси ва 30-бандниng биринчи хатбошисидаги “назорат-касса машиналари” сўзлари “назорат-касса техникалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги “назорат-касса машиналаридан” сўзлари “назорат-касса техникаларидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Рақамли маркировкаланган маҳсулотлар фақат нақд пулсиз шаклда банк ҳисобварақлари орқали улгуржи сотилади”;

11-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардаги “назорат-касса машинаси” сўзлари “назорат-касса техникаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “назорат-касса машинасининг” сўзлари “назорат-касса техникасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи – тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотларни чакана реализация қилишда:

маркировка коди киритилгандан сўнг онлайн назорат-касса техникасининг касса чеки шакллантирилади;

аввал фойдаланилган маркировка кодлари киритилганда, онлайн назорат-касса техникасининг касса чекини шакллантиришга йўл қўйилмайди”;

22-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “назорат-касса машинасини” сўзлари “назорат-касса техникасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банд қуйидаги мазмундаги учинчи – бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотларни чакана реализация қилишда:

маркировка коди киритилгандан сўнг онлайн назорат-касса техникасининг касса чеки шакллантирилади;

аввал фойдаланилган маркировка кодлари киритилганда, онлайн назорат-касса техникасининг касса чекини шакллантиришга йўл қўйилмайди”;

31-бандниng иккинчи хатбошисидаги “назорат-касса машиналаридан” сўзлари “назорат-касса техникаларидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

40-бандда:

биринчи хатбошидаги “назорат-касса машиналарини” сўзлари “назорат-касса техникаларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи – тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотларни чакана реализация қилишда:

маркировка коди киритилгандан сўнг онлайн назорат-касса техникасининг касса чеки шакллантирилади;

аввал фойдаланилган маркировка кодлари киритилганда, онлайн назорат-касса техникасининг касса чекини шакллантиришга йўл қўйилмайди”;

43-бандниng бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“жисмоний шахснинг шахсий индентификация рақами”;

46-банддаги “давлат солиқ инспекциясида” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 22-банди қуйидаги мазмундаги учинчи – бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотларни чакана реализация қилишда:

маркировка коди киритилгандан сўнг онлайн назорат-касса техникасининг касса чеки шакллантирилади;

аввал фойдаланилган маркировка кодлари киритилганда, онлайн назорат-касса техникасининг касса чекини шакллантиришга йўл қўйилмайди”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарорида:

а) 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси тўғрисидаги низом **2^1-иловага** мувофиқ”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекциялари (кейинги ўринларда – солиқ хизматининг ҳудудий органлари), Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси ва Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси (кейинги ўринларда – Ҳудудлараро инспекциялар) юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги ҳисобварақларига эга.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Қўмита тизимига кирадиган ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги ҳисобварақларига эга";

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"9. Қўмита тузилмасига қуйидагилар киради:

Қўмита марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари;

туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекциялари;

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси;

Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси;

юридик шахс мақомига эга бўлган тасарруфидаги ташкилотлари (кейинги ўринларда – тасарруфидаги ташкилотлар):

"Солиқ-сервис" АЖ;

"Янги технологиялар" илмий-ахборот маркази" АЖ;

"Ғазалкент соғломлаштириш маркази" давлат муассасаси;

"Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази" МЧЖ";

11-бандниng "м" кичик банди еттинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 14-бандниng 5-кичик бандидаги, 34-бандниng иккинчи хатбошисидаги, 2-параграф номидаги, 36, 37, 39, 41, 58, 65-бандлардаги, 38, 44-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги, 45-бандниng учинчи хатбошисидаги, 55-бандниng саккизинчи хатбошисидаги, 59-бандниng "б" кичик банди иккинчи хатбошисидаги "Ҳудудлараро инспекция" сўзлари тегишлича "Ҳудудлараро инспекциялар" сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандда:

22, 32, 33 ва 35-кичик бандлардаги "Ҳудудлараро инспекция" сўзлари тегишлича "Ҳудудлараро инспекциялар" сўзлари билан алмаштирилсин;

27-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"27) зарур ҳолларда марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмалар, Ҳудудлараро инспекцияларнинг тасдиқланган тузилмаларига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш";

в) қуйидаги мазмундаги 2^1-илова билан тўлдирилсин:

"Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарорига
2^1-илова

Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

1. Ушбу Низом Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси (кейинги ўринларда – Ҳудудлараро инспекция) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ҳудудлараро инспекция Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланади ва бевосита Қўмита раисига бўйсунади.

3. Ҳудудлараро инспекцияга рақамли маркировка қоидаларига риоя қилиниши бўйича солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш вазифаси юкланади.

4. Ҳудудлараро инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонунига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Қўмита қарорларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

5. Ҳудудлараро инспекция юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкага, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида ғазначилик ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга.

6. Ҳудудлараро инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ – "Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси", қисқартирилгани – "Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича инспекция";

б) рус тилида:

тўлиқ – "Межрегиональная налоговая инспекция по контролю за соблюдением правил цифровой маркировки", қисқартирилгани – "Инспекция по контролю за соблюдением правил цифровой маркировки";

в) инглиз тилида:

тўлиқ – "Interregional tax inspection for monitoring compliance with digital marking rules"; қисқартирилгани – "Inspection for monitoring compliance with digital marking rules".

7. Ҳудудлараро инспекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри Абай кўчаси 8-уй.

8. Ҳудудлараро инспекция томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек,

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий рақамли маркировка қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари учун бажариш мажбурий ҳисобланади.

2-боб. Ҳудудлараро инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Ҳудудлараро инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

рақамли маркировкаланган маҳсулотлар айланмасининг барча босқичларида тизимли назоратни таъминлаш;

назорат, баҳолаш ва хавф таҳлили соҳасида самарали усулларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириб бориш;

мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотлар турини босқичма-босқич кенгайтириш учун амалий тажриба-синов (эксперимент) тадбирларини ўтказиш;

халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни ўрганиш асосида рақамли маркировкалаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

мажбурий рақамли маркировкалаш тизими талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича профилактика ва тушунтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, жумладан, огоҳлантириш тизимини қўллаш;

Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизимини (кейинги ўринларда – маркировкалаш ахборот тизими) такомиллаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш асосида таҳлил-мониторинг тадбирларини амалга ошириш.

10. Ҳудудлараро инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) рақамли маркировкаланган маҳсулотлар айланмасининг барча босқичларида тизимли назоратни таъминлаш соҳасида:

маҳсулотларга рақамли маркировка қўлланилгани, унинг тўғрилиги ва ҳақиқийлигини барча босқичларда – импорт қилиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, улгуржи ва чакана савдо жараёнларида тизимли равишда назорат қилади;

маркировкалаш ахборот тизими орқали маркировкаланган товарлар ҳаракатини кузатиш асосида ҳуқуқбузарликларни аниқлаб, қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида солиқ тўловчиларга огоҳлантириш юборади;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ текширувларини ўтказади;

мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни импорт қилиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда, уларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бартараф этиш чораларини кўради;

солиқ назоратини амалга оширишда замонавий усулларни қўллайди ҳамда ташқи ва ички манбалардан келиб тушадиган маълумотларни таҳлил қилишнинг илғор автоматлаштирилган усулларини жорий этади;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

б) назорат, баҳолаш ва хавф таҳлили соҳасида самарали усулларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириб бориш соҳасида:

маркировкаланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчилар томонидан буюртма ва реализация қилинган маркировка кодларини таҳлил қилиш орқали товар қолдиқларини аниқлайди;

маркировкаланадиган маҳсулотларни реализация қилувчи улгуржи ва чакана савдо корхоналари томонидан харид қилинган маҳсулотлардаги маркировка кодларини онлайн назорат-касса техникалари (кейинги ўринларда – ОНКМ) ва электрон ҳисобварақ – фактура орқали реализация қилинган маҳсулотлардаги маркировка кодлари билан солиштириш орқали таҳлил қилади;

маркировкаланадиган маҳсулотларни реализация қилувчи улгуржи ва чакана савдо корхоналари томонидан маркировкани ўқиш қурилмалари (2D-сканер) орқали ОНКМ чекларида реализация қилинган маҳсулотлардаги маркировка кодлари акс эттирилгани ёки эттирилмагани ҳолатларини таҳлил қилади;

мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича солиқ хавфи даражасини баҳолаш учун мезонларни ишлаб чиқади;

в) мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотлар туркумини босқичма-босқич кенгайтириш учун амалий тажриба-синов (эксперимент) тадбирларини ўтказиш соҳасида:

айрим турдаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний олиб кириш (импорт қилиш), ишлаб чиқариш (шу жумладан, контрафакт маҳсулотларни) ва айланмасига қарши курашиш мақсадида мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотлар таркибига қўшиш юзасидан таклиф ишлаб чиқади;

тажриба тариқасида янги маҳсулот гуруҳлари бўйича рақамли маркировкалаш лойиҳаларини амалиётга жорий қилади ва мониторингини юритади;

солиқ солиш базасини кенгайтириш мақсадида маркировка тизими иштирокчилари ҳамда маҳсулот турлари тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлайди;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва олиб кириш (импорт қилиш) босқичида маркировкалаш жараёнларини тизимли ўрганади, таҳлил қилади ва ушбу жараёнларни оптималлаштиради;

г) халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни ўрганиш асосида рақамли маркировкалаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш соҳасида:

мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини ривожлантириш ҳамда унинг афзалликлари ва имкониятларини кенгайтириш бўйича халқаро тажрибани ўрганади;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида рақамли маркировкалаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

мажбурий рақамли маркировкалаш тизими жорий қилинган хорижий давлатлар билан ҳамкорликни (интеграцияни) йўлга қўяди ҳамда маркировка кодларини ўзаро тан олиш ишларини амалга оширади;

айрим турдаги маҳсулотларнинг рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини таҳлил қилган ҳолда, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

д) рақамли маркировкалаш тизими талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича профилактика ва тушунтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, жумладан, огоҳлантириш тизимини қўллаш соҳасида:

мажбурий рақамли маркировкалаш тизимининг афзалликларини тушунтириш бўйича йиллик медиа-режани ишлаб чиқади ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб боради;

рақамли маркировкалаш тизими талаблари ва қоидалари юзасидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва улар бўйича тушунтиришлар беради;

мажбурий рақамли маркировкалаш тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар бўйича ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини семинарлар, брифинглар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига етказиш бўйича ишларни амалга оширади;

солиқ тўловчини ёки унинг вакилини мажбурий рақамли маркировалаш қоидаларининг бузилгани ҳамда ушбу қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида расмий огоҳлантиради;

мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларига оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан, ушбу ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини аниқлайди ва бартараф этади, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширадиган ва унда иштирок этадиган бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларига оид ҳуқуқбузарликлар содир этган солиқ тўловчилар ҳисобини юритади, ушбу маълумотларни таҳлил қилади;

е) маркировкалаш ахборот тизимини такомиллаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш асосида таҳлил-мониторинг тадбирларини амалга ошириш соҳасида:

маркировкалаш ахборот тизими оператори билан биргаликда маркировкалаш ахборот тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлайди;

мажбурий рақамли маркировкалаш тизимининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш асосида таҳлил-мониторинг тадбирларини амалга оширади;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва олиб кириш (импорт қилиш) босқичида маркировкалаш жараёнларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ушбу жараёнларни такомиллаштириш ва рақамлаштиришни амалга оширади.

маркировкалаш ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва уни амалга ошириш чораларини кўради.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

3-боб. Ҳудудлараро инспекциянинг ҳуқуқлари

11. Ҳудудлараро инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) маркировкалаш ахборот тизими орқали маркировкаланган товарлар ҳаракатини кузатиш асосида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан масофавий солиқ текширувини ўтказиш;

2) солиқ тўловчилардан Ҳудудлараро инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни сўраш ва олиш;

3) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўловчиларнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоби ахборот тизимларидан, шунингдек, ҳисоб ҳужжатларидан фойдаланиш;

4) республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан Ҳудудлараро инспекция ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотлар, маълумотлар ва маълумотномаларни сўраш ва бепул олиш;

5) ваколатли органлардан солиқ тўловчиларга лицензия ва (ёки) бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар берилгани, шунингдек, уларнинг бекор қилингани, амал қилиши тўхтатилгани ёки тугатилгани тўғрисидаги маълумотларни талаб қилиб олиш;

6) ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда мансабдор шахслар ҳамда фуқароларга тушунтириш бериш учун уларни Ҳудудлараро инспекцияга белгиланган тартибда таклиф қилиш;

7) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларига оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда солиқ тўловчиларга нисбатан молиявий жарималар қўллаш;

8) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган ҳолатларда чет тилида тузилган ҳужжатларнинг давлат тилига таржимасини нотариал тасдиқланган ҳолда талаб қилиш;

9) Ҳудудлараро инспекция ваколатлари доирасида масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда шартнома асосида экспертиза тайинлаш, шунингдек, солиқ назоратининг шаклларини амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотлар, мутахассислар, шу жумладан, таржимонлар ва экспертларни жалб қилиш;

10) солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ назоратининг шаклларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун Қўмита марказий аппарати таркибий тузилмаларининг ходимларини жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ҳамда ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

11) назорат тадбирлари натижасида назорат объектлари мансабдор шахслари ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда, ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

12) давлат солиқ хизмати органларининг тизимидаги мавжуд ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш;

13) давлат солиқ хизмати органларининг ахборот-коммуникация технологиялари маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш;

14) фойдаланиш ҳуқуқи фақат Ҳудудлараро инспекция ходимларига бериладиган локал ахборот тармоқлардан фойдаланиш, ўзининг дастурий маҳсулотлари ва ахборот тизимларини яратиш;

15) фаолиятининг асосий вазифалари бўйича кўрсаткичлар бажарилишини ҳисобга олиб, Ҳудудлараро инспекция ходимларини Қўмита билан келишилган ҳолда моддий рағбатлантириш, алоҳида устамаларни белгилаш;

16) қонунчилик ҳужжатларига асосан давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасига кирадиган бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиш.

12. Ҳудудлараро инспекция қуйидагилар учун жавобгардир:

Ҳудудлараро инспекцияга юкланган функция ва вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

солиқ тўловчилар томонидан жарималарнинг Давлат бюджетига тушишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг солиқ солинадиган базасини кенгайтиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

Қўмитага киритиладиган ҳужжат лойиҳалари ҳамда таклифлар, шунингдек, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, натижалари ва оқибати;

давлат солиқ хизмати органларини ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши;

солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилишларини таъминлаш.

4-боб. Ҳудудлараро инспекция раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари

13. Қуйидагилар Ҳудудлараро инспекция бошлиғининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Ҳудудлараро инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Ҳудудлараро инспекцияга юкланган функция ва вазифаларнинг бажарилишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, Ҳудудлараро инспекция ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, қонунчилик талабларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

Қўмита Ҳайъати қарорлари, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

ўз ўринбосари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Ҳудудлараро инспекциянинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Ҳудудлараро инспекция фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

Ҳудудлараро инспекциянинг фаолиятини режалаштирилишни ташкил қилиш ҳамда инспекциянинг ва ўз ўринбосарининг ҳар чораклик ишлар режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ҳудудлараро инспекция тизимидаги кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Ҳудудлараро инспекциянинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Қўмита номенклатурасига кирадиган вакант лавозимларга таклиф этилган кадрлар, шунингдек, Ҳудудлараро инспекцияга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатини таъминлаш;

Ҳудудлараро инспекция бошлиғи ва ходимлари хизмат сафарларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига тўла мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

Ҳудудлараро инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга доир тизимли чоралар кўриш;

Ҳудудлараро инспекция ходимларининг Қўмита томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Ҳудудлараро инспекция фаолияти доирасида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Ҳудудлараро инспекция ходимларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Ҳудудлараро инспекция фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишнинг самарадорлиги, сифатлилиги ва очиқлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Қўмита раҳбариятига киритиш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Ҳудудлараро инспекция ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ташаббус кўрсатиш;

белгиланган тартибда раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказиш бўйича ишчи комиссияни ташкил қилиш, шунингдек, уларга белгиланган тартибда махсус унвонлар бериш тўғрисида таклифлар киритиш;

солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушадиган солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

14. Қуйидагилар Ҳудудлараро инспекция бошлиғи ўринбосарининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

бошлиқ вақтинча бўлмаганда, унинг вазифаларини мажбуриятлар тақсимотига мувофиқ тегишли буйруқ асосида бажариш;

Ҳудудлараро инспекциянинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан товарларни мажбурий рақамли маркировкалаш назорати юзасидан белгиланган кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлаш, шунингдек, товарларни маркировкалаш жараёнида агрегациялаш тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш ва қайд этилган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, Ҳудудлараро инспекцияда таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, қонунчилик талабларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар кўриш;

Қўмита Ҳайъати қарорлари, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, Ҳудудлараро инспекция бошлиғининг буйруқлари ва топшириқларининг ижросини таъминлаш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича бошлиққа таклифлар киритиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажриба, юқори даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш;

хизмат сафарларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига тўла мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш бўйича таклифларни Ҳудудлараро инспекция бошлиғига киритиш, функционал мажбуриятлар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Ҳудудлараро инспекция фаолияти доирасида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

15. Қуйидагилар Ҳудудлараро инспекция таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

таркибий бўлинмаларнинг товарларни мажбурий маркировкалаш назорати юзасидан белгиланган кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни мутасаддилик қиладиган Ҳудудлараро инспекция бошлиғи ўринбосарига киритиш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, Ҳудудлараро инспекция ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, таркибий бўлинмалар ходимларининг қонунчилик талабларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар кўриш;

Қўмита Ҳайъати қарорлари, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари, Ҳудудлараро инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, тасдиққа киритиш, уларда белгиланган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифаларнинг ижросини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

таркибий бўлинмалар фаолияти масалаларидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Ҳудудлараро инспекция раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш;

бошлиқ ўринбосарига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда таклифлар бериш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажриба, юқори даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

хизмат сафарларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига тўла мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлигини ва натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, натижалари бўйича зарур чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Ҳудудлараро инспекция фаолияти доирасида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушадиган йирик солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

5-боб. Ҳудудлараро инспекция раҳбарларининг жавобгарлиги

16. Ҳудудлараро инспекция бошлиғи:

Ҳудудлараро инспекцияга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган Ҳудудлараро инспекция жавобгарлиги соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

17. Ҳудудлараро инспекция бошлиғи ўринбосари:

Ҳудудлараро инспекциянинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари томонидан Ҳудудлараро инспекцияга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

мутасаддилик қилинадиган масалалар бўйича мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган Ҳудудлараро инспекция жавобгарлиги соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

18. Ҳудудлараро инспекциянинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларига юкланган вазифа ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ваколатига кирадиган масалалар бўйича мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган Ҳудудлараро инспекция жавобгарлиги соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

19. Ҳудудлараро инспекциянинг ходимлари:

ўз функционал вазифаларини бажармаслиги ёки тўлақонли бажармаслиги, ижро интизомини бузганликлари;

ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида солиқ тўловчиларга моддий ва маънавий зарар етказганликлари;

ўзларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажми камайгани ва солиққа тортиш базасининг пасайгани;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилганликлари;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

6-боб. Ҳудудлараро инспекция фаолиятини ташкил этиш

1-§. Ҳудудлараро инспекция раҳбарияти, ходимларини тегишли лавозимга тайинлаш ва ходимларнинг мақоми

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

20. Ҳудудлараро инспекциянинг штатдаги ходимлари сони Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

21. Ҳудудлараро инспекцияга Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

22. Ҳудудлараро инспекция бошлиғи:

Қўмита раисининг мутасаддилик қиладиган ўринбосарининг тавсиясига кўра Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланадиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади;

ўз фаолиятида Қўмита раисига бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

23. Ҳудудлараро инспекция бошлиғи бўлмаганда, унинг ваколатлари мажбуриятлари тақсимотига мувофиқ ўринбосари томонидан амалга оширилади.

24. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш функциялари:

Ҳудудлараро инспекциянинг таркибий бўлинмалари бошлиқлари Ҳудудлараро инспекция бошлиғининг тавсиясига кўра Қўмита раиси томонидан;

Ҳудудлараро инспекциянинг таркибий бўлинмалари бошлиқлари ўринбосарлари ва бошқа ходимлари Ҳудудлараро инспекция бошлиғи томонидан амалга оширилади.

25. Мавқеи, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари бўйича Ҳудудлараро инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари тегишли равишда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси бошлиғи ва ўринбосарига, Ҳудудлараро инспекциянинг ходимлари эса – Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси ходимларига тенглаштирилади.

26. Ҳудудлараро инспекциянинг мансабдор шахсларига махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш тартиби Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясининг мансабдор шахслари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-§. Ҳудудлараро инспекция ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан, шунингдек, бошқа республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги

27. Ҳудудлараро инспекция таркибий бўлинмаларининг Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорлиги Ҳудудлараро инспекция таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

28. Ҳудудлараро инспекция бўлинмаларининг Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорлиги ахборот алмашиш ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқ назоратининг шаклларини амалга оширишга асосланган.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

29. Ҳудудлараро инспекция таркибий бўлинмаларининг Қўмита марказий аппарати бўлинмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорлиги жараёнида вужудга келадиган тушунмовчиликлар Қўмита раисининг топшириғига мувофиқ унинг тегишли ўринбосарлари томонидан кўриб чиқилади. Ушбу кўриб чиқишда тушунмовчиликлар тартибга солинмаган ҳолатларда, улар бўйича қарор бевосита Қўмита раиси томонидан қабул қилинади.

30. Ҳудудлараро инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари ўзларининг вазифа ва функцияларини бажаришда республика в маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

7-боб. Ҳудудлараро инспекция фаолиятини баҳолаш

31. Ҳудудлараро инспекция фаолияти ҳар чоракда Қўмита томонидан баҳоланади.

32. Ҳудудлараро инспекция фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича Қўмита хулосаси:

Ҳудудлараро инспекция раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга интизомий жавобгарлик чораларини кўриш;

Ҳудудлараро инспекция фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш учун асос бўлади.

8-боб. Ҳудудлараро инспекция фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника билан таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

33. Ҳудудлараро инспекцияни молиялаштириш ва моддий-техника билан таъминлаш, жумладан, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан, Қўмитанинг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

34. Ҳудудлараро инспекция ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, махсус унвонлар, кўп йил хизмат қилганлик учун устама ҳақлар, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик учун тўловлар, устама, қўшимча ҳақлардан иборат бўлади ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Ҳудудлараро инспекция ходимларининг лавозим маошларига ойлик устама ва қўшимчалар амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиблар асосида тўланади.

35. Ҳудудлараро инспекция ходимларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан лавозим маошларининг 20 фоизи миқдорида махсус устама белгиланади.

36. Қўмитанинг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

маблағларининг Ҳудудлараро инспекция томонидан шакллантирилиши ва улардан фойдаланилиши Қўмита томонидан белгиланади.

9-боб. Ҳудудлараро инспекциянинг ҳисоботи

37. Ҳудудлараро инспекция бошлиғи Ҳудудлараро инспекциянинг фаолияти тўғрисида Қўмита раисига мунтазам равишда ҳисобот беради.

38. Қўмита раисининг ўринбосарлари Ҳудудлараро инспекция раҳбарларига юкланган вазифаларни самарали бажаришлари бўйича уларнинг фаолиятини доимий назорат қилиб борадилар.

39. Ҳар чораклик баҳолаш натижалари бўйича Ҳудудлараро инспекциянинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари ва ходимлари рағбатлантирилади ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлари учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

40. Ҳудудлараро инспекциясига ушбу Низомда белгиланмаган вазифа ва функцияларни юклаш, шунингдек, Қўмитанинг товарларни маркировкалаш назорати билан шуғулланувчи тегишли бошқармадан бошқа тузилмалар томонидан топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди.

41. Ҳудудлараро инспекция ходимларига таъсир кўрсатиш, шунингдек, уларни обрўсизлантириш, юкланган вазифа ва функцияларни бажаришига тўсқинлик қилиш мақсадида фаолиятига аралашиш тақиқланади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади";

г) 3-иловада:

5-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қўмита марказий аппаратининг ушбу банд биринчи ва иккинчи хатбошиларида санаб ўтилмаган мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари бўлимлари (шуъбалари) бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари солиқ органлари фаолиятини назорат қилиш ва шахсий хавфсизлик бўлимлари мансабдор шахслари, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси ва Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси бошлиқлари ва бошлиқлар ўринбосарлари, бўлимлар (шуъбалар) бошлиқлари ҳамда шахсий хавфсизлик бўлимлари мансабдор шахслари, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекциялари бошлиқлари белгиланган тартибда Қўмита раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланадилар";

17-банддаги "Солиқ-сервис" ДУКда" сўзлари "Солиқ-сервис" АЖда" сўзлари билан алмаштирилсин;

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарорида:

а) 1-илова қуйидаги мазмундаги 16^1-банд билан тўлдирилсин:

“16^1. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейинги уч иш кунидан кечикмай солиқ хизмати органларига балансида маркировкаланадиган товарлари мавжуд бўлган қолдиқлари тўғрисидаги хабарномани жўнатади”;

б) 2-илованинг 8-банди “а” кичик бандининг учинчи хатбошиси “мол-мулки” сўзларидан кейин “шу жумладан, рақамли маркировкаланадиган маҳсулотлар қолдиқлари” сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-бандда:

иккинчи хатбоши “реал вақт режимида узатишни таъминловчи ва қоғозга чоп этувчи” сўзларидан кейин “ёки уларни электрон шаклда юбориш функциясига эга бўлган” сўзлари билан тўлдирилсин;

ўн саккизинчи хатбошидаги “товарларнинг халқаро “GS1” ва бошқа глобал маълумотномалар тизимларидаги мантиқий бирликлар” сўзлари “маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**виртуал фискал модул** – оператор томонидан яратиладиган уникал рақам ва унга бириктирилган электрон рақамли имзо очиқ калит сертификати”;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлов терминали орқали қабул қилинган тўловлар учун харидорларга тўлов терминали чеки билан бирга, шунингдек, жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматларга электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилган тўловлар учун харидорларга онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг фискал чеки берилиши шарт.

Давлат реестрига киритилган онлайн-НКМ ва виртуал кассалар банк карталаридан тўловларни қабул қилиш тизимларига мажбурий уланиши, шунингдек, мажбурий равишда 2D сканер қурилмаси қўлланиши шарт.

Ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги қонунчиликда назарда тутилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтган ҳолда реализация қилиниши Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ чекланади.

Бунда ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтган маркировкаланган товарларни сотишга уриниш пайтида

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

2D сканер қурилмасининг онлайн-НКМ ёки виртуал кассага юбориладиган сигнали асосида харид чекларининг чоп этилиши чеклаб қўйилади";

7-бандда:

еттинчи хатбоши "солиқ тўловчининг индентификация рақами (СТИР)" сўзларидан кейин "/ жисмоний шахснинг шахсий индентификация рақами (ЖШШИР)" сўзлари билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбоши "Комитент (воситачи) СТИРи" сўзларидан кейин "/(ЖШШИРи)" сўзлари билан тўлдирилсин;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги бўйича ўлчов бирлиги";

ўн еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи – ўттиз учинчи хатбошилар тегишлича ўн еттинчи – ўттиз иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"12. Тадбиркорлик субъекти тугатилган, шунингдек, фискал модул яроқсиз ҳолатга келган, амал қилиш муддати тугаган, хотираси маълумотлар билан тўлган, ёхуд фискал модул ўрнатилган онлайн-НКМ ёки виртуал касса рўйхатдан чиқарилган ҳолларда, ушбу фискал модуллар тадбиркорлик субъекти томонидан ТХКМга тақдим қилинади.

ТХКМ яроқсиз ҳолатга келган, амал қилиш муддати тугаган, хотираси маълумотлар билан тўлган фискал модуллар ҳолатининг мувофиқлигини текшириб, амал қилиш муддати тугаган, хотираси маълумотлар билан тўлган ёки рўйхатдан чиқарилган онлайн-НКМ ва виртуал кассадаги чек маълумотларини операторнинг маълумотлар базасига юборилмай қолган қисмини юбориши шарт.

Рўйхатдан чиқарилган онлайн-НКМ ва виртуал кассанинг фискал модулини қайта ишлатиш ёки оператор маълумотлар базасига юборилган маълумотлар мувофиқлиги текширилиши учун фискал модул тадбиркорлик субъектига қайтарилади";

26-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Тадбиркорлик субъектини топиш имкони мавжуд бўлмаган тақдирда (рўйхатдан ўтган жойида, яшаш манзилида мавжуд бўлмаса ва бошқа ҳолларда), солиқ органи маълумоти асосида рўйхатдан чиқарилиши мумкин. Бунда рўйхатдан чиқарилган онлайн-НКМ ёки виртуал касса тўғрисидаги маълумотлар солиқ органи томонидан 24 соат ичида ахборот тизими орқали ТХКМга юборилади";

31-банддаги "шунингдек, онлайн режимига ўтгандан кейин 24 соат ичида" сўзлари чиқариб ташлансин;

38^1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"38^1. Илгари амалга оширилган ҳисоб-китобларга ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган ҳолларда, фойдаланувчи томонидан фискал чекка тузатиш киритилади.

Тузатувчи касса чеки фойдаланувчи томонидан илгари онлайн-НКМдан фойдаланмасдан ҳисоб-китоб қилган ҳолларда, онлайн-НКМдан фойдаланиш

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ёки онлайн-НКМдан ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда фойдаланилганда шакллантирилади.

Фискал чекка маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификация кодлари, маҳсулотнинг (товар, хизмат) ўлчов бирлиги, сони ва суммаси ва қўшилган қиймат солиғи суммаси бўйича тафовут аниқланган ойдаги қўшилган қиймат солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ тўловчилар учун тегишинча солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларигача тузатиш киритилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 257-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно";

55-банд "Тадбиркорлик субъектларини фискал модул" сўзларидан кейин "ёки виртуал фискал модул" сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 1а-иловада:

3-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"**виртуал фискал модул** – оператор томонидан яратиладиган уникал рақам ва унга бириктирилган электрон рақамли имзо очиқ калит сертификати";

4-банддаги "электрон рақамли имзоси" сўзлари "виртуал фискал модули" сўзлари билан алмаштирилсин;

12^1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"12^1. Белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилган электрон тижорат платформалари қонунчилик ҳужжатлари билан талаб этиладиган зарур маълумотлардан API орқали фойдаланиши мумкин";

12^3-бандда:

"а" ва "г" кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

"д" кичик банддаги "мазкур Низомда белгиланган онлайн-НКМ ва виртуал касса орқали шакллантириладиган" сўзлари "электрон фискал" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

3-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи – ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

"рақамли маркировкаланган маҳсулотлар реализация қилинганда, ушбу маҳсулотнинг маркировка кодини мажбурий акс эттириш талабини эълон қилиш, шунингдек, маркировка коди акс эттирилмаган тақдирда, чекни шакллантириш имкониятини чеклаш механизмига эга бўлиши;

касса чекида иккита бир хил маркировка кодларни (дубликатларни) акс эттириш имкониятини чеклаш механизмига эга бўлиши;

сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) номи, ўлчов бирлиги, миқдори тўғри акс эттирилишини таъминлаш";

ўн бешинчи – ўттизинчи хатбошилар тегишлича ўн саккизинчи – ўттиз учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн тўққизинчи хатбошидаги "24" рақами "48" рақами билан алмаштирилсин;

6-бандда:

олтинчи хатбошидаги "24" рақами "48" рақами билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи – ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“рақамли маркировкаланган маҳсулотлар реализация қилинганда, ушбу маҳсулотнинг маркировка кодини мажбурий акс эттириш талабини эълон қилиш, шунингдек, маркировка коди акс эттирилмаган тақдирда, чекни шакллантириш имкониятини чеклаш механизмига эга бўлиши;

касса чекида иккита бир хил маркировка кодларни (дубликатларни) акс эттириш имкониятини чеклаш механизмига эга бўлиши;

сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) номи, ўлчов бирлиги, миқдори тўғри акс эттирилишини таъминлаш”;

ўн иккинчи – йигирма тўртинчи хатбошилар тегишлича ўн бешинчи – йигирма еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

10-бандда:

иккинчи хатбоши “алоқа протоколларини, UZDST1092-2009” сўзларидан кейин “ёхуд ECDSA-256” сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги “UZDST1092-2009” сўзлари “криптографик” сўзи билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг 18-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорида:

а) 1-илованинг 2-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 23 майдаги ПҚ–190-сон қарорига 2-илованинг 4-бандидаги жарима қўлланилган тадбиркорлик субъектларига бир йил давомида қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўрни қопланмайди”;

б) 2-илованинг 10-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотларни реализация қилишда маркировка коди бириктирилмаган электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиришга йўл қўйилмайди”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 20 ноябрдаги 737-сон қарорида:

а) 3-бандниг иккинчи хатбошидаги “2021 – 2026 йилларда идентификация” сўзлари “Идентификация” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Белгилаб қўйилсинки:

рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни маркировкалаш мажбурияти ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар зиммасига юкланади;

рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи ҳамда чакана ёки улгуржи савдоси билан шуғулланувчи

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

корхоналарга, шу жумладан, маркетплейсларга маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимига уланиш мажбурияти юкланади.

Бунда улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан мажбурий рақамли маркировкаланган товарларни реализация қилишда чакана тарзда сотилишига йўл қўйилмайди;

рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарга мазкур маҳсулотларни фақат нақд пулсиз шаклда банк ҳисобварақлари орқали реализация қилишга рухсат этилади;

агрегацияланган импорт коди бўйича маълумотлар божхона юк декларациясида кўрсатилмасдан "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимига расмийлаштириш тақиқланади. Бунда маркировкаланмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотларига идентификация воситаларини божхона омбори ҳудудида елимлаш талаб қилинади;

рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни маркировкалаш тартиби жорий этилган санадан бошлаб ўн икки ой муддат ўтгандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур маҳсулотларни маркировкасиз сотиш тақиқланади;

маркировкаланмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида ваколатли органларни реал вақт режимида хабардор қилиш имкониятини берувчи дастурий маҳсулотлар ҳамда мобил иловалар жорий этилади;

рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар айланмасининг иштирокчилари (ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи, чакана ёки улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, шу жумладан, маркетплейслар) томонидан ушбу маҳсулотлар реализация қилинганда, электрон ҳисобварақ- фактураларда ва назорат-касса техникалари чекларида тегишли (рақамли маркировкаланадиган) маҳсулотлар ва хизматлар идентификация кодларини танланиши талаб қилинади;

рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар воситачилик ва (ёки) агентлик шартномалари доирасида реализация қилинганда, электрон ҳисобварақ-фактураларда ва (ёки) назорат-касса техникалари чекларида маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш мажбурияти комиссионер зиммасига юкланади";

10-бандда:

иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги "Давлат солиқ қўмитасининг" сўзлари "Солиқ қўмитасининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин;

"Бунда "Asl belgisi" МАТ оператори томонидан тегишли асбоб-ускуналарни эксплуатацияси учун ҳар ойлик тўловлар Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига тўлиқ йўналтирилади";

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

номидаги “2021 – 2026 йилларда идентификация” сўзлари “Идентификация” сўзи билан алмаштирилсин;

4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

4.	Маиший техника	8508110000, 8508190001, 8508190009, 8450111100, 8450111900, 8450119000, 8450120000, 8450190000, 8450200000, 8418102001, 8418102009, 8418108001, 8418108009, 8418211000, 8418215100, 8418215900, 8418219100, 8418219900, 8418290000, 8418302001, 8418308001, 8418402001, 8418408001, 8528491000, 8528498002, 8528498008, 8528591000, 8528599000, 8528722001, 8528722009, 8528723001, 8528723002, 8528723003, 8528723009, 8528724000, 8528726000, 7321111000, 7321119000, 8414600000, 8516601010, 8516601090, 8516605000, 8516607000, 8516608000, 8516609000, 8516101100, 8516310000, 8516400000, 8516500000, 8403109000, 8415101000, 8415109000, 8415810010, 8415810090, 8415820000, 8509400000, 8539100009, 8539500000, 8540810000, 8540890000	2022 йил 15 апрель

”.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарорида:

а) 3-бандниng учинчи хатбошисидаги “берилган” сўзи “учун тўловлар келиб тушган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

4-бандда:

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

қуйидаги мазмундаги қирқ тўққиз ва эллигинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги – маҳсулот ва хизматларга бириктирилган маҳсулот ва хизматларнинг идентификация кодлари юритиладиган каталог;

маҳсулот ва хизматларнинг идентификация коди (кейинги ўринларда – МХИК) – ҳар бир маҳсулот ва хизматларга бириктириш ҳамда уларни идентификация қилиш учун мўлжалланган 17 хонали рақамдан (ҳарфдан) иборат бўлган ноёб код”;

қуйидаги мазмундаги 49[1]-банд билан тўлдирилсин:

“49[1]. Маркировкалаш ахборот тизимига идентификация воситалари ёрдамида мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар тўғрисида батафсил маълумотлар белгиланган тартибда киритилмаган тақдирда, ушбу маҳсулотлар учун маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогида тегишли МХИКлари яратилмайди. Бунда Солиқ қўмитаси томонидан маркировкалаш ахборот тизимига тегишли маълумотлар киритилмаган маҳсулотларни МХИКларидан тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон ҳисобварақ-фактураларда ва назорат-касса техникалари чекларида фойдаланиш имконияти чекланади.

Рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар айланмасининг иштирокчилари (ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи, чакана ёки улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, шу жумладан, маркетплейслар) томонидан ушбу маҳсулотлар реализация қилинганда, электрон ҳисобварақ-фактураларда ва назорат-касса техникалари чекларида тегишли (рақамли маркировкаланадиган) МХИКлари танланиши талаб қилинади.

Рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар воситачилик ва (ёки) агентлик шартномалари доирасида реализация қилинганда, электрон ҳисобварақ-фактураларда ва (ёки) назорат-касса техникалари чекларида маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш мажбурияти комиссионер зиммасига юкланади”;

76-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“76. Маҳсулот чакана савдосини амалга оширувчи маҳсулотлар айланмасининг иштирокчиси унда ўрнатилган ва рўйхатга олинган назорат-касса техникаси билан боғлиқ бўлган техник воситалар ёрдамида (онлайн назорат-касса техникасининг сканерлаш воситалари ёки алоҳида ўрнатилган сканерлаш ускуналари) истеъмол ёки гуруҳланган қадоғини рақамли идентификация воситасини сканердан ўтказади, аниқлаштиради ва ҳар бир сотилган маҳсулотнинг истеъмол ёки гуруҳланган маркировка коди тўғрисидаги маълумотларни электрон фискал ҳужжатга киритади ва аниқлаштиради”;

79-бандда:

биринчи хатбошидаги “маркировкалаш ахборот тизимига қуйидаги маълумотларни тақдим этади” сўзлари “солиқ органларининг ахборот тизимлари орқали қуйидаги маълумотларни илова қилган ҳолда маркировка кодларини

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

айланмадан чиқариш юзасидан сўровномани юборади” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Юқоридаги сўровнома солиқ органларининг ахборот тизимлари томонидан инсон омилисиз белгиланган тартибда текширилиб маъқулланган тақдирда, сўровномада қайд этилган маркировка кодларини айланмадан чиқариш юзасидан тегишли маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимига тақдим этилади”;

80-бандда:

биринчи хатбошидаги “маркировкалаш ахборот тизимига қуйидаги маълумотларни киритади” сўзлари “солиқ органларининг ахборот тизимлари орқали қуйидаги маълумотларни илова қилган ҳолда маркировка кодларини айланмадан чиқариш юзасидан сўровномани юборади” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Юқоридаги сўровнома солиқ органларининг ахборот тизимлари томонидан инсон омилисиз белгиланган тартибда текширилиб маъқулланган тақдирда, сўровномада қайд этилган маркировка кодларини айланмадан чиқариш юзасидан тегишли маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимига тақдим этилади”;

еттинчи – ўн еттинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи – ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

81-бандда:

биринчи хатбошидаги “маркировкалаш ахборот тизимига маҳсулотнинг айланмадан чиқарилиши тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган хабарномани тақдим этади” сўзлари “солиқ органларининг ахборот тизимлари орқали қуйидаги маълумотларни илова қилган ҳолда маркировка кодларини айланмадан чиқариш юзасидан сўровномани юборади” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Юқоридаги сўровнома солиқ органларининг ахборот тизимлари томонидан инсон омилисиз белгиланган тартибда текширилиб маъқулланган тақдирда, сўровномада қайд этилган маркировка кодларини айланмадан чиқариш юзасидан тегишли маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимига тақдим этилади”;

95 ва 96-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“95. Қуйидагилар қонунчиликда мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан идентификация воситалари орқали рақамли маркировка қоидаларини бузилиши деб ҳисобланади:

рақамли идентификация воситаларисиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш, олиб кириш (импорт қилиш), сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш;

маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтмаган ҳолда рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш ёхуд реализация қилиш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

рақамли идентификация воситаларининг такрорий нусхаларидан (дубликат) фойдаланган ҳолда маҳсулотларни ишлаб чиқариш, олиб кириш (импорт қилиш), сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш;

сохталаштирилган (контрафакт) ёки илгари ишлатилган маркировка кодлари ёрдамида, шунингдек, маркировка кодларининг чоп этиш сифатини баҳолаш ҳақида ёки қўлланилиши (ишлатилиши) ҳақидаги маълумотларни Операторга юбормаган ҳолда ёхуд нотўғри (ёлғон ёки ҳақиқатга мос келмайдиган) маълумотларни юборган ҳолда рақамли маркировкаланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки олиб кириш (импорт қилиш);

маҳсулотларни ишлаб чиқариш (қадоқлаш) пайтида рақамли идентификация воситаларини сканерлаш талабларини ва (ёхуд) Операторга маркировка кодларини қўллаш тўғрисидаги ҳисоботни юбориш талабларини бузиш;

рақамли маркировкаланган маҳсулотларни агрегациялаш талабларини бузиш;

нуқсонли (брак бўлган) рақамли маркировкаланган маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш ёки сотиш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқариш ёхуд маркировкаланган маҳсулотларни қайта маркировкалаш талабларини бузиш;

реализация қилинган (сотилган) маҳсулотларнинг ҳар бир бирлиги учун маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган фискал ҳужжатни ва (ёки) электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш).

96. Қуйидагилар қонунчиликда мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган маҳсулотларни улгуржи сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш қоидаларини бузилиши деб ҳисобланади:

рақамли маркировкаланманган маҳсулотларни сотиб олиш, ташиш, сақлаш ёки реализация қилиш (сотиш);

маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтмаган ҳолда рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни қабул қилиш ёхуд реализация қилиш;

маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон ҳисобварақ-фактураларни қабул қилмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни сотиб олиш, шунингдек, реализация қилинган (сотилган) маҳсулотларнинг ҳар бир бирлиги учун маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган фискал ҳужжатни ёхуд электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш);

нуқсонли (брак бўлган) рақамли маркировкаланган маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш ёки сотиш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқариш талабларини бузиш;

рақамли идентификация воситаларининг такрорий нусхаларидан (дубликат) фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш”;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

қуйидаги мазмундаги 96^1 ва 96^2-бандлар билан тўлдирилсин:

“96^1. Қуйидагилар қонунчиликда мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган маҳсулотларни чакана савдоси билан шуғулланувчи ва умумий овқатланиш соҳасидаги корхоналар томонидан идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш қоидаларини бузилиши деб ҳисобланади:

рақамли маркировкаланманган маҳсулотларни сотиб олиш, ташиш, сақлаш ёки реализация қилиш (сотиш);

маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтмаган ҳолда рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни қабул қилиш ёхуд реализация қилиш;

маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон ҳисобварақ-фактураларни қабул қилмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш;

нуқсонли (брак бўлган) рақамли маркировкаланган маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш ёки сотиш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқариш талабларини бузиш;

рақамли маркировкаланмаган маҳсулотларни сақлаш, ишлатиш ва (ёки) маҳсулот муомаласининг бошқа субъектига ёхуд охирги истеъмолчига реализация қилиш (сотиш);

рақамли идентификация воситаларининг такрорий нусхаларидан (дубликат) фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш;

маҳсулот муомаласининг бошқа субъектига реализация қилинган (сотилган) маҳсулотларнинг ҳар бир бирлиги учун маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган фискал ҳужжатни ёхуд электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш);

маркировка кодини муомаладан олиб ташлаш учун электрон фискал ҳужжатга ҳар бир сотилган товар бирлигининг маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни киритмасдан, рақамли маркировкаланган маҳсулотни якуний истеъмолчига реализация қилиш (сотиш).

96^2. Қуйидагилар қонунчиликда рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни воситачилик ва (ёки) агентлик шартномалари доирасида реализация қилинганда, идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади:

а) комиссионер томонидан:

маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтмаган ҳолда, рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни қабул қилиш ёхуд реализация қилиш;

комитентдан маркировка коди акс эттирилишини талаб қилмаган ҳолда, маҳсулотларни харидорларга реализация қилиш (сотиш) ёки етказиб бериш;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

реализация қилинган (сотилган) маҳсулотларнинг ҳар бир бирлиги учун маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни электрон ҳисобварақ-фактураларда ва (ёки) назорат-касса техникалари чекларида акс эттирмасдан маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш);

б) комитент томонидан:

маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтмаган ҳолда, рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни қабул қилиш ёхуд реализация қилиш;

рақамли маркировкаланманган маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш);

сохталаштирилган (контрафакт) ёки илгари ишлатилган маркировка кодлари ёрдамида маркировкаланган маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш), шунингдек, комиссионерга электрон ҳисобварақ-фактураларда ва (ёки) назорат-касса техникалари чекларида акс эттириш учун маркировка кодлари тўғрисида нотўғри (ёлғон ёки номутаносиб) маълумотларни тақдим этган ҳолда маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш)";

в) 3-иловада:

3-бандниг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Тамаки маҳсулотларининг турлари Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламент билан белгилаб берилади";

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"7. Тамаки маҳсулотлари айланмасининг чакана савдоси билан шуғулланувчи иштирокчилар (чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари):

а) тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси билан боғлиқ фаолият амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

б) бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюслар, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар чакана савдоси билан шуғулланувчи тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчиси тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси билан боғлиқ фаолият амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

в) тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлардан сотиб олишга доир маълумотларини маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

г) тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси бўйича маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

д) маркировкаланмаган тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (охирги истеъмолчига) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича кўрсатилган қолдиқлар сотувдан чиқарилишини таъминлайди;

е) тамаки маҳсулотлари айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади";

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

г) 4-иловада:

2-бандда:

учинчи хатбошидаги “оператор томонидан тақдим этилувчи” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши “гуруҳланган қадоғига маҳкамланувчи, рақамли идентификациялаш воситасини” сўзларидан кейин “қайта ишлатиш, нусхалаш ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

14-бандда:

иккинчи хатбошидаги “14x14 миллиметрдан” сўзлари “7x7 миллиметрдан (гуруҳланган қадоғига – 10x10 миллиметрдан)” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Истеъмол қадоғини (пиво маҳсулотларидан ташқари) стикер ёрдамида маркировкалашга фақат декор ёки бошқа усуллар билан безатилган ва ёрлиғи (этикетка, контрэтикетка) бўлмаган истеъмол қадоқ учун рухсат этилади”;

18-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи – бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Рақамли идентификация воситаларини қўлловчи (чоп этувчи) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар операторга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган рақамли идентификация воситаларини қўллаш (чоп этиш) сифати тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар, унда “Ахборот технологиялари. Автоматик идентификация қилиш ва маълумотларни тўплаш технологиялари. Чоп этиш сифатини баҳолаш учун штрих-код белгилар тестларининг спецификацияси. Икки ўлчовли белгилар” (“Information technology – Automatic identification and data capture techniques – Bar code print quality test specification – Two-dimensional symbols” стандартига мувофиқ рақамли идентификация воситаларини қўллаш (чоп этиш) сифати тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Рақамли идентификация воситаларини қўллаш (чоп этиш) сифати С ёки ундан юқори синфга мос келиши керак. Рақамли идентификация воситаларини қўллаш (босиб чиқариш) сифати дастурий - аппарат комплекслари (техник кўриш воситалари) ёрдамида баҳоланиши керак.

2026 йил 1 июлдан бошлаб алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш (қуйиш) ҳамда алкоголь маҳсулотларининг истеъмолчи ва (ёки) гуруҳли қадоқларига рақамли идентификация воситаларини қўллаш вақтида ишлаб чиқарувчи маркировка кодларини қўллаш (фойдаланиш) тўғрисида ҳисобот тузади ва операторга юборади. Ҳисоботда алкоголь маҳсулотларини маркировкалаш учун амалда қўлланадиган маркировка кодлари рўйхати, шунингдек, ушбу маҳсулот ишлаб чиқарилган (қуйилган) сана бўлиши керак.

Импорт қилувчи томонидан истеъмолчи ва (ёки) гуруҳли қадоқлаш учун рақамли идентификация воситалари қўлланилганда, маркировка кодларини қўллаш (фойдаланиш) тўғрисидаги ҳисобот маҳсулотларни эркин муомала (импорт) режимида божхона расмийлаштирувига тақдим этишдан кечиктирмасдан операторга юборилади”;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

19-бандниng “в” кичик банди қуйидаги мазмундаги ўн биринчи – ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“носоз рақамли идентификация воситаларини олиб қўйиш, ҳисобдан чиқариш ҳисоботини шакллантириш;

электрон ҳисоб-фактуралардан фойдаланиш имконияти;

сотиб олиш жараёнлари ва назорат-касса техникасининг ишлаши билан мувофиқлиги;

омбор операцияларини бажариш (кўп даражали маҳсулотни қадоқлаш, жўнатиш, намуна олиш, қайта қадоқлаш, ҳисобот бериш)”;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплекси ривожланиши сервис-провайдер томонидан ишлаб чиқарилади.

Рақамли маркировкалаш тизимига дистрибуция, матбаа ва валидация дастурий-аппарат комплексини улаш учун сервис провайдерлар оператор билан шартнома тузадилар”;

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Сервис-провайдер дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплексини мазкур Низом талабларига асосан мустақил равишда ишлаб чиқиши ва ундан фойдаланиши шарт”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарорида:

а) 1-илованинг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Солиқ хавфи даражаси юқори бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ аудити тайинланади. Бунда маҳсулотларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлиги натижасида юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчига (солиқ агентига) нисбатан масофавий солиқ текшируви ўтказилиши мумкин. Солиқ хавфи даражаси ўрта ва паст бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ органлари томонидан Солиқ кодексида назарда тутилган бошқа солиқ маъмурчилиги тадбирлари қўлланади”;

б) 2-иловада:

5-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“масофавий солиқ текшируви”;

қуйидаги мазмундаги 8^1-банд билан тўлдирилсин:

“8^1. Масофавий солиқ текшируви – мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш соҳасида солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) томонидан ўз мажбуриятларини бажариши ёки бажарилмаслиги тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган текширув ҳисобланади”;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

19-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўттизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“масофавий солиқ текширувида солиқ тўловчилар томонидан идентификация воситалари орқали рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни импорт қилиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш қоидаларига риоя этилиши текширилади”;

ўттизинчи хатбоши ўттиз биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

20-банд қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“масофавий солиқ текшируви бошлангунга қадар:

солиқ тўловчини ёки унинг вакилини мажбурий рақамли маркировалаш қоидаларининг бузилгани ҳамда ушбу қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида огоҳлантириш бериш”;

ўн иккинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 7-боб билан тўлдирилсин:

“7-боб. Масофавий солиқ текширувини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

1-§. Масофавий солиқ текширувини ўтказиш

$24^{1}{}^{3}$. Масофавий солиқ текшируви мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари солиқ органларининг ахборот тизими орқали аниқланганда ўтказилади.

$24^{1}{}^{4}$. Масофавий солиқ текшируви беш кундан кўп бўлмаган муддатда ўтказилади.

$24^{1}{}^{5}$. Масофавий солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилади.

$24^{1}{}^{6}$. Масофавий солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда солиқ тўловчининг номи, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозими, текширувларни ўтказиш муддати ва мақсадлари кўрсатилади.

Масофавий солиқ текшируви тадбиркорлик субъектларини хабардор қилмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни текшириш кунида хабардор қилган ҳолда ўтказилади.

$24^{1}{}^{7}$. Масофавий солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган сана ушбу текширувни ўтказиш муддатининг бошланиши деб ҳисобланади.

$24^{1}{}^{8}$. Солиқ тўловчилар томонидан маҳсулотларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш қоидаларига риоя этилиши бўйича масофавий солиқ текширувлари солиқ органларининг ахборот тизимида ташкил этилади.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

Ўтказилган масофавий солиқ текширувлари тўғрисидаги маълумотлар Солиқ қўмитасининг ахборотларни қайта ишлаш маркази тизимида жойлаштирилади.

2-§. Масофавий солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш

241[9]. Агар масофавий солиқ текшируви пайтида солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227[1]-моддасига мувофиқ жавобгарлик белгиланган мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолати аниқланса, текширувни ўтказган мансабдор шахс томонидан ушбу Низомга 25-иловага мувофиқ шаклда мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузилганлиги ҳолатларини қайд этувчи масофавий солиқ текшируви далолатномаси тузилади.

Далолатнома масофавий солиқ текшируви бошланган кундан эътиборан уч иш куни ичида, бироқ масофавий солиқ текшируви муддати тугаши кунидан кечиктирмай планшет ёки компьютер техникаси ёрдамида электрон рақамли имзодан (бармоқ изи ёки график имзо) фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузилади.

241[10]. Масофавий солиқ текшируви далолатномасининг электрон нусхаси барча илова қилинадиган ҳужжатлар билан бирга солиқ тўловчига унинг шахсий кабинети орқали масофавий солиқ текшируви далолатномаси тузилган кундан кейинги кун, бироқ масофавий солиқ текшируви муддати тугаш кунидан кечиктирмай юборилади.

Агар электрон шаклдаги солиқ текшируви ҳужжатларида махсус QR-код мавжуд бўлса, бу ҳужжатлар қоғоз шаклидаги ҳужжатларга тенглаштирилади.

241[11]. Солиқ тўловчи масофавий солиқ текшируви далолатномасининг электрон шаклини олган кундан эътиборан беш кун ичида масофавий солиқ текшируви далолатномаси юзасидан ўз муносабатини шахсий кабинети орқали розилик ёки рад этиш тугмасини босиш орқали билдириши лозим.

241[12]. Солиқ тўловчи томонидан масофавий солиқ текшируви далолатномаси юзасидан муносабат белгиланган муддатларда билдирилмаган тақдирда, ушбу далолатнома бўйича розилиги ифодаланган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчи шахсий кабинетининг ҳолати фаол бўлмаган тақдирда, далолатнома қоғоз кўринишида почта орқали юборилади. Бунда солиқ тўловчи ушбу далолатномани олган кунидан эътиборан беш иш куни ичида мазкур далолатнома юзасидан ўз муносабатини солиқ текширувини ўтказган солиқ органига почта орқали тақдим этиши лозим.

241[13]. Масофавий солиқ текшируви далолатномасининг электрон шакли солиқ тўловчига унинг шахсий кабинети орқали юборилган (агар солиқ тўловчининг шахсий кабинетининг ҳолати фаол бўлмаган тақдирда, далолатнома қоғоз кўринишида почта орқали юборилган) кун солиқ текшируви якунланган кун ҳисобланади.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

241[14]. Масофавий солиқ текшируви пайтида солиқ тўловчи томонидан мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда иш юритилади.

241[15]. Масофавий солиқ текшируви бўйича тузилган далолатнома асосида солиқ текширувини ўтказган солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор ушбу солиқ текшируви далолатномаси тузилган кундан эътиборан уч иш куни ўтгач, бироқ беш иш кунидан кечиртирмай қабул қилинади.

241[16]. Мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан кейинги кун солиқ тўловчига унинг шахсий кабинети орқали юборилади.

241[17]. Солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарори солиқ тўловчи томонидан солиқ органининг қарори олинган санадан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирилмасдан бажарилади.

241[18]. Солиқ тўловчи масофавий солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарорни ихтиёрий бажармаган тақдирда, солиқ қарзи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 120–124-моддаларида назарда тутилган тартибда солиқ органи томонидан мустақил равишда ундирилади.

241[19]. Солиқ органлари томонидан ўтказилган масофавий солиқ текшируви натижасида мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун қўлланилган молиявий жазо чоралари суммаларининг 80 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, 20 фоизи Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига йўналтирилади.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларда ўтказилган масофавий солиқ текшируви натижасида мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун қўлланилган молиявий жазо чоралари суммаларининг 60 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, 40 фоизи Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига йўналтирилади.

241[20]. Солиқ органининг масофавий солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилган қарори устидан белгиланган тартибда юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Солиқ қўмитасининг қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

241[21]. Юқори турувчи солиқ органига тушган шикоятлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилади”;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

қуйидаги мазмундаги 25-илова билан тўлдирилсин:

“Солиқ текширувларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
25-илова

Масофавий солиқ текширувида аниқланган мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларининг бузилиши тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА
_____-сон

20__ йил “____” _____ _____
(вилоят, туман, шаҳар)

1. Ўтказилган масофавий солиқ текшируви тўғрисида маълумотлар:

1.	Солиқ тўловчининг номи	
2.	СТИР	
3.	Раҳбарнинг Ф.И.О.	
4.	Жойлашган манзили	
5.	Текширувни ўтказган солиқ органи номи	
6.	Текширувчи мансабдор шахснинг лавозими, Ф.И.О.	
7.	Масофавий солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқнинг мақсади, санаси, рақами ҳамда текширув бошланган ва тугатилган сана	

2. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари

1.	Маҳсулотларни маркировкалаш қоидаларининг бузилиши юзасидан аниқлаштирилган ҳолатлар *(юборилган огоҳлантириш хатлари санаси)*	
2.	Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик	

3. Масофавий солиқ текшируви далолатномаси бўйича хулоса

Масофавий солиқ текширувида аниқланган мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларининг бузилиши _____ _____ _____ _____

Агар солиқ тўловчи далолатномада баён қилинган ҳолатларга ёки далолатнома бўйича хулосага рози бўлмаса, далолатнома электрон шаклда олинган кундан эътиборан 3 иш куни *(қоғоз кўринишда почта орқали олинган кундан эътиборан 5 иш куни)* ичида тегишли солиқ органига эътирозларини тақдим этишга ҳақли.

_____ _____ _____
солиқ органи номи ва далолатнома тузган масъул ходим лавозими *(имзо)* *Ф.И.О.*

Розиман:

_____
солиқ тўловчининг номи ва раҳбари Ф.И.О.

Рад этилди.
(рад этиш сабаби)

_____
солиқ тўловчининг номи ва раҳбари Ф.И.О.

Солиқ тўловчи томонидан масофавий солиқ текшируви далолатномаси юзасидан муносабат белгиланган муддатларда билдирилмаган тақдирда, ушбу далолатнома бўйича розилиги ифодаланган деб ҳисобланади”.

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий рақамли маркировкалаш жорий этиладиган ҳамда тажриба лойиҳалари амалга ошириладиган айрим турдаги маҳсулотлар рўйхатида:

2-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

2.	Дори воситалари ва тиббий буюмлар	2026 йил 1 июль	2026 йил 31 декабрь	2027 йил 1 июль	3002, 3006 10, 3006 60, 9021 90 900 1

”;

қуйидаги мазмундаги 6-позиция билан тўлдирилсин:

“

6.	Ўсимлик ёғи	2026 йил 1 июль	2026 йил 31 декабрь	2027 йил 1 июль	1507, 1508, 1509, 1510, 1511, 1512, 1513, 1514, 1515

”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 2 апрелдаги 149-сон қарорида:

а) 2-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари (дори моддалари (субстанциялар) бундан мустасно) ва тиббий буюмларни (дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар бундан мустасно) гуруҳларга бўлинишини назарга тутган ҳолда, идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини 2022 – 2025 йиллар давомида босқичма-босқич жорий қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин”;

олтинчи хатбошида:

“тиббий буюмлар” сўзларидан олдин “дори воситалари ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

“2025 йил 1 февралдан бошлаб” сўзлари “2027 йил 1 июлдан бошлаб” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

б) 5-бандда:

“а” кичик банднинг биринчи хатбошиси “солиқ тўловчининг идентификация рақами берилган” сўзларидан кейин “(солиқ мажбуриятларига эга бўлмаган)” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) 2026 йил 1 июлдан бошлаб Давлат бюджети ҳисобидан сотиб олинадиган (етказиб бериладиган) дори воситалари мажбурий рақамли маркировкаланган ҳолда амалга оширилади.

Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги оператор билан биргаликда барча тиббиёт ташкилотларига рақамли маркировкаланган дори воситалари ва тиббий буюмларни айланмадан чиқаришни таъминловчи махсус дастурий маҳсулотлар тақдим этилишини таъминлайди”;

г) 2 – 5 иловалардаги “тўртинчи гуруҳ” устуни чиқариб ташлансин;

д) 3-иловадаги 2.3-позиция чиқариб ташлансин;

е) 4-илова қуйидаги мазмундаги 10-позиция билан тўлдирилсин:

“

10.	Импорт қилинадиган рақамли маркировкаланган маҳсулотлар партияси бўйича агрегацияланган божхона коди божхона юк декларациясида акс эттирилишини йўлга қўйиш.	2026 йил 1 апрелдан бошлаб	2026 йил 1 июлдан бошлаб	2026 йил 1 апрелдан бошлаб	2026 йил 1 июлдан бошлаб	2026 йил 1 апрелдан бошлаб	2026 йил 1 июлдан бошлаб

”;

ж) 6-иловада:

2-бандда:

ўн учинчи хатбошидаги “шикастламасдан” сўзи “қайта ишлатиш, нусхалаш ва шикастламасдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Истеъмол қадоғига стикерни қўллаш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

а) стикер ишлаб чиқарилган пайтдан бошлаб якуний истеъмолчига сотилишига қадар рақамли идентификация воситаси ва унда чоп этилган бошқа маълумотларнинг сақланиши ва ўқилиши таъминланган усулда тайёрланади;

б) стикер тўғридан-тўғри қадоққа (қадоқнинг ташқи томонига) бундай қадоқнинг дизайн схемасида уни қўллаш учун назарда тутилган жойда қўлланади;

в) стикер қадоққа фақат мазкур қадоққа ва стикернинг ўзига зарар етказмасдан ажратишга имкон бермайдиган ҳолда ҳамда уларни қайта ишлатиш мумкин бўлмаган усул билан қўлланади;

г) стикер қўлланилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ қадоққа қўлланадиган маълумотларнинг яхлитлиги ва мавжудлигини бузмаслиги керак;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

д) стикерда мазкур Низом талабларига жавоб берадиган рақамли идентификация воситаси, шунингдек, ўқиладиган босма матн кўринишидаги рақамли маркировкаланадиган дори воситасининг номи (ишлаб чиқарувчининг ихтиёрига кўра), маҳсулот коди ва қадоқнинг индивидуал серия рақами (мажбурий) бўлиши керак;

е) стикер устига стикер юзасини қоплайдиган ва (ёки) рақамли идентификация воситаларини ўқишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ёзувлар, чизмалар ва ўраш элементларини қўллашга йўл қўйилмайди;

ж) дори воситасини истеъмол қадоғини стикерлаш жараёнида ишлаб чиқарувчи томонидан аввал қўлланган дори воситасини серия рақами, яроқлилик муддати ҳамда ишлаб чиқарилган санаси юзасидан маълумотлар ёпилган тақдирда (истеъмол қадоғи кичик ўлчамда бўлганлиги сабабли), фақатгина ушбу маълумотларни мажбурий равишда стикерда такрорланган ҳолда дори воситасини истеъмол қадоғини стикерлашга рухсат берилади";

27-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

бешинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича учинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 31^1-банд билан тўлдирилсин:

"31^1. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган (етказиб бериладиган) дори воситаларини муомалага киритиш, муомалада бўлиши ва муомаладан чиқарилиши мажбурий рақамли маркировкаланган ҳолда амалга оширилади".

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 июлдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари орқали электрон рақамли имзо бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Агар чет давлат юридик шахсининг вакили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашиб фаолият кўрсатаётган бўлса, ЭРИ калити сертификатлари Ўзбекистон Республикасига тегишли давлат ташкилотининг расмий сўрови ва Солиқ қўмитасининг рухсати асосида ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда консуллик муассасаларига бормаган ҳолда республика ҳудудида берилади".

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 ноябрдаги 631-сон қарори билан тасдиқланган Сув ва салқин ичимликларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш хусусиятлари тўғрисидаги низомда:

2-бандда:

саккизинчи хатбошидаги "Asl belgisi" МАТ оператори томонидан тақдим этиладиган" сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбоши "гуруҳланган қадоққа маҳкамланувчи, идентификация воситасини" сўзларидан кейин "қайта ишлатиш, нусхалаш ва" сўзлари билан тўлдирилсин;

QMMB: 09/26/23/0070-son
23.01.2026-y.

3-банд “10 литрдан ортиқ флекси-танклар ёки бошқа турдаги қадоқлардаги концентратлар” сўзларидан кейин “таркибида 95 фоиздан ортиқ сут бўлган сутли ичимликлар (коктейллар)” сўзлари билан тўлдирилсин;

11-бандниng иккинчи хатбошисидаги “10х10 миллиметр” сўзлари “7х7 миллиметр (гуруҳланган қадоқларида – 10х10 миллиметр)” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда:

учинчи хатбошидаги “(камида 10*10 миллиметр ўлчамида)” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда ушбу стикер металл, шу жумладан, алюмин идишнинг истеъмолчига халақит бермайдиган қисмига ва инсон организмига салбий таъсир этмайдиган тартибда елимланиши лозим”;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

15-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Рақамли идентификация воситаларини қўллайдиган (чоп этадиган) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар операторга рақамли идентификация воситаларини қўллаш (чоп этиш) сифати тўғрисида мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган талабларга мувофиқ ҳисобот тақдим этади”;

34-бандниng иккинчи хатбошисидаги “ёки транспорт” сўзлари чиқариб ташлансин.

Изоҳ. *Ушбу илованинг 9-бандидаги масофавий солиқ текширувлари ҳамда уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган сўнг кучга киради”.*

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

3 (1231)-son
49-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 23 » yanvar № 26 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотларга хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотларнинг республикада бўлиш ва фаолият юритиш шароитларини янада яхшилаш, уларнинг ходимлари ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига **унитар корхона шаклини тугатиш** билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик сервис хизмати” давлат унитар корхонаси негизида Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги **“Дипломатик сервис хизмати” давлат муассасаси** (кейинги ўринларда – Дипсервис хизмати) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Дипсервис хизматининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – дипломатик ваколатхоналар) Ўзбекистон Республикасида фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга комплекс сервис хизматлари кўрсатиш, дипломатик ваколатхоналарнинг тегишли равишда фаолият кўрсатишини таъминлашга доир масалаларни ҳал этиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларда назарда тутилган дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш ва уларни жойлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

дипломатик ваколатхоналар ва уларнинг ходимларини жойлаштириш учун ажратилган бино ҳамда хоналарни ижарага бериш, кўчмас мулкнинг ижара ва олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришда кўмаклашиш (воситачилик қилиш), шунингдек, ушбу бино ва хоналардан фойдаланишни таъминлаш;

Ташқи ишлар вазирлигига хорижий давлатлар расмий делегацияларининг Ўзбекистонда бўлиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, Ҳукумат ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро тадбирларни Ҳукумат даражасида, шу жумладан, хорижий давлатларда ўтказишга, хорижий давлатларга хизмат сафарига борадиган ходимларга авиачипталар харид қилиш, шунингдек, автотранспорт хизматларини кўрсатишда кўмаклашиш;

Дипсервис хизмати вазифаларига тааллуқли масалаларда давлат органлари ва ташкилотларида дипломатик ваколатхоналарнинг манфаатларини ифода этиш, шунингдек, дипломатик ваколатхоналарда ишлайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

дипломатик ваколатхоналар ходимларининг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш, туризм, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хизматлар кўрсатиш;

дипломатик ваколатхоналар, халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, уларнинг ваколатхона ва филиаллари, мухбирлари, мухбирлик пунктлари (бюро, офислари), савдо ваколатхоналари, хорижий банклар ва бошқа тижорат ташкилотлари ваколатхоналари, доимий муассасалар, шунингдек чет эл инвестицияси ва капитали иштирокидаги корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикасида шахсий, хизмат ишлари бўйича, ўқиш ёки туризм мақсадида доимий яшайдиган ёки вақтинча бўладиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш), рўйхатдан чиқариш, техник кўрикдан ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномаларининг эквивалентларини бериш (алмаштириш) ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш;

божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, дипломатик ваколатхоналар номига келадиган юкларни декларациялаш, божхонада ишлов бериш;

дипломатик ваколатхоналарнинг радиоэлектрон алоқа воситалари ва радиоузатувчи қурилмаларни сотиб олиш, ўрнатиш, олиб кириш ва улардан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш;

дипломатик ваколатхоналар меҳмонларини рўйхатга олиш, уларнинг кириш визаларини расмийлаштириш ва уларга виза берилишида кўмаклашиш, дипломатик ваколатхоналарда ишлайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш;

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини дипломатик ваколатхоналарга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарига тегишли мурожаатга мувофиқ муддатли меҳнат шартномалари асосида уларнинг маҳаллий ходимларини ишга жойлаштиришни, ишга қабул қилиш ёки бўшатиш тўғрисида тегишли буйруқларни расмийлаштириш, иш стажи ҳисобини юритиш, меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритишни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали техник жиҳатдан амалга оширишда кўмаклашиш.

4. Белгилансинки:

а) Дипсервис хизмати:

Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик сервис хизмати” давлат унитар корхонасининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

фаолиятини ўзини ўзи молиялаштириш (хўжалик ҳисобида фаолият юритиш) асосида, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган пуллик хизматлар кўрсатиш орқали амалга оширади;

дипломатик ваколатхоналар ҳамда Ўзбекистондан харид қилинадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қисмида Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дипломатик ваколатхоналар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари учун мўлжалланган объектлар ва уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича ягона буюртмачи ҳисобланади;

б) Дипсервис хизматининг устави, тузилмаси ва штатлар жадвали Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади;

в) Дипсервис хизмати Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Лабзак кўчаси 1а-уй манзилида ушбу бино ва иншоот белгиланган тартибда сотилгунга қадар оператив бошқариш ҳуқуқи билан жойлаштирилади.

5. Дипсервис хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Дипсервис хизматининг оператив бошқарувида бўлган бўш бинолар (бинолар қисмлари) ва хоналарни хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарига, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахсларга тўғридан-тўғри кўчмас мулк ижараси шартномасини тузиш (электрон онлайн аукцион ўтказмасдан) орқали ижарага бериш, шунингдек ижара тўловларини мустақил тасарруф этиш;

хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхона ва филиалларига, юридик ва жисмоний, шу жумладан, чет эллик шахсларга ўз хизматларини (ишларини) кўрсатиш;

Дипсервис хизмати фаолиятидан олинган даромадлардан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган солиқлар ва йиғимлар тўланганидан сўнг ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиш.

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

6. Давлат активларини бошқариш агентлиги Ташқи ишлар вазирлигининг буюртманомалари бўйича янги очиладиган дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш учун қўшимча зарур бинолар ва хизмат хоналари ажратиб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотларига бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини тақдим этиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги **бир ой муддатда** Дипсервис хизматининг устави, тузилмаси ва штатлар жадвалини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **2-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Б.О. Саидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 23 январдаги “ 26 ”-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотларига бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини тақдим этиш (сотиш) тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотларига (кейинги ўринларда дипломатик ваколатхоналар деб аталади) бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини тақдим этиш (ижарага бериш, сотиш) тартибини белгилайди.

2. Дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш, уларнинг раҳбарлари ва чет эллик ходимлари яшаши учун ажратиладиган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва уларга туташ ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг “Дипломатик сервис хизмати” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Дипсервис хизмати) томонидан ҳисобга олинади.

Дипломатик ваколатхоналар ва уларнинг чет эллик ходимларини жойлаштириш учун ажратилган бинолар (бинолар қисми) ва хоналарни ижарага бериш ҳуқуқи Дипсервис хизматига тегишлидир.

Дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш, уларнинг раҳбарлари ва чет эллик ходимлари яшаши учун ажратиладиган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва уларга туташ ер участкалари, қоида тариқасида, Тошкент шаҳри ҳудудидан ажратилади.

3. Бинолар, хоналар ва ер участкаларини ижарага ва ўзгага бериш бўйича битимларни расмийлаштириш, шунингдек, уларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчилик ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. Бинолар (бинолар қисми) ва хоналарни ижарага бериш тартиби

4. Дипломатик ваколатхоналар дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш, уларнинг раҳбарлари ва ходимлари яшаши учун бинолар (бинолар қисми) ва хоналарни мустақил равишда танлаш ёки зарур биноларни танлашда кўмаклашиш учун Дипсервис хизматига улардан фойдаланиш мақсади, майдони, хоналари сони, жойлашган жойи ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

5. Дипломатик ваколатхонадан бинолар (бинолар қисми) ва хоналарни ижарага бериш тўғрисида мурожаат келиб тушганда, Дипсервис хизмати ўз оператив бошқарувида бўлган бўш бинолар (бинолар қисми) ва хоналарни кўриб чиқишни таклиф этади.

6. Келишувга эришилган тақдирда, Дипсервис хизмати дипломатик ваколатхона билан бинолар (бинолар қисми) ва хоналар ижараси бўйича икки томонлама кўчмас мулк ижара шартномасини тўғридан-тўғри (электрон онлайн аукцион ўтказмасдан) расмийлаштиради.

7. Ижара шартномаси Дипсервис хизмати билан дипломатик ваколатхона ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади ва унда жумладан, қуйидагилар назарда тутилиши керак:

ижарага бериладиган бино (бинонинг қисми) ва хонанинг таркиби, майдони ва техник тавсифи;

ижара тўлови, шунингдек, коммунал тўловлар миқдори;

бино (бинонинг қисми) ва хонани таъмирлаш ва жорий сақлаш бўйича томонлар мажбуриятларининг тақсимланиши;

ижара муддати, ижара тўлови ва бошқа тегишли тўловларни тўлаш муддатлари;

дипломатик ваколатхона томонидан коммунал хизматлар ва бино (бинонинг қисми), хоналар ва туташ ҳудудларни жорий сақлаш бўйича тўловларни тўлаш шартлари;

ижарага олинган бино (бинонинг қисми) ва хоналарга етказилган зарар учун ижарачининг жавобгарлиги;

томонларнинг шартнома шартларини бажармаганлиги учун жавобгарлик чоралари.

8. Дипсервис хизмати ижара тўлови ставкалари миқдорини мустақил равишда, бироқ давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда белгилайди.

9. Халқаро шартномаларга асосан ижара тўлови бўйича харажатлар қуйидаги шартлар бўйича қопланади:

тўловларни ўзаро ҳисоблаш;

икки томонлама бепул (паритет асосида) асосда.

10. Бино (бинонинг қисми) ва хоналар тузилган ижара шартномаси бўйича томонларнинг ваколатли вакиллари иштирокида икки томонлама далолатномани тузиш орқали топширилади ва қабул қилинади ҳамда унда қуйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган жой ва сана;

иштирокчиларга томонлар манфаатларини ифода этиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг номи ва реквизитлари;

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

бино (бинонинг қисми) ва хоналарни топшириш-қабул қилишда асос бўладиган ижара шартномасининг рақами ва имзоланган санаси;

тақдим этиладиган бино (бинонинг қисми) ва хоналарнинг техник ҳолати;

аниқланган носозликларни бартараф қилиш муддатлари ва тартиби;

томонларнинг муҳрлари билан тасдиқланган вакиллар имзолари.

Топшириш-қабул қилиш далолатномаси икки нусхада, ҳар икки томон учун бир нусхадан тузилади.

11. Дипломатик ваколатхоналар бинолар (бинолар қисми) ва хоналарни мустақил танлашда уни ижарага олиши тўғрисида Дипсервис хизматини олдиндан хабардор қилади ва ушбу бино ҳақидаги батафсил ахборотни (фойдаланиш мақсади, майдони, жойлашган жойи, мулкдор тўғрисида маълумотлар, тузиладиган битим шартлари ва бошқалар ҳақида) тақдим этади.

Бунда, дипломатик ваколатхоналарни давлат мулки ҳисобланган бинолар (бинолар қисми) ва хоналарга жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ Давлат активларини бошқариш агентлиги, дипломатик ваколатхона ҳамда балансда сақловчи билан тузиладиган уч томонлама ижара шартномаси асосида амалга оширилади.

Қўшимча бино (бинонинг қисми) ва хоналарни ижарага олиш зарурати юзага келганда, дипломатик ваколатхона бунинг учун тегишли асос тақдим этади.

12. Дипсервис хизмати дипломатик ваколатхона томонидан бино (бинонинг қисми) ва хоналар тўғрисида тақдим этилган ахборотни хавфсизлик (шу жумладан ёнғин хавфсизлиги) талабларига жавоб бериши, техник ва санитария шартларига мувофиқлиги, дипломатик ваколатхона вазифаларининг тегишли равишда бажарилишини таъминлаш учун объектнинг ҳолати ва яроқлилигини баҳолаш бўйича ўрганади. Дипсервис хизмати ўрганиш якунлари бўйича дипломатик ваколатхонага тегишли тавсияларини юборади.

Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик ваколатхонанинг кўрсатилган бино (бинонинг қисми) ва хоналарда жойлашиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирлик ҳамда идоралари билан келишилган хулосасини Дипсервис хизматига тақдим этади.

13. Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ёки нодавлат юридик шахслари мулки бўлган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва уларга туташ ер участкалари дипломатик ваколатхонани жойлаштириш, уларнинг раҳбарлари ва ходимлари яшаши учун мулкдор томонидан мажбурий равишда Дипсервис хизмати орқали уч томонлама кўчмас мулк ижара шартномаларини тўғридан-тўғри (электрон онлайн аукцион ўтказмасдан) расмийлаштириш йўли билан тақдим этилади. Бунда, уч томонлама ижара шартномалари мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

14. Дипломатик ваколатхоналар, уларнинг раҳбарлари ва ходимлари тақдим этилган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва уларга туташ ер участкаларидан тузилган шартномалар шартларига мувофиқ, фақат мўлжалланган мақсад бўйича фойдаланади ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди.

15. Дипломатик ваколатхоналар ва бинолар (бинолар қисми) ва хоналарнинг мулкдорлари ижара шартномаси шартларининг ҳар қандай ўзгартирилиши, муддати узайтирилиши ёки амал қилишининг бекор қилиниши тўғрисида Дипсервис хизматини олдиндан хабардор қилишлари шарт.

3-боб. Бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини дипломатик ваколатхоналарга мулк қилиб сотиш тартиби

16. Дипломатик ваколатхоналар қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатхоналар биноси, шу жумладан ваколатхона раҳбарининг қароргоҳи сифатида фойдаланиладиган бинолар ёки уларнинг қисмини ваколатхоналар жойлашган ер участкалари билан биргаликда, шунингдек, дипломатик ваколатхоналар биноларини қуриш учун ер участкаларини мулк қилиб сотиб олиш ҳуқуқига эга.

17. Дипломатик ваколатхоналар давлат мулки бўлган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини сотиб олиш учун Дипсервис хизматига улардан фойдаланиш мақсади, майдони, жойлашган жойи ва бошқа шартларини кўрсатган ҳолда мурожаат қилади.

Дипломатик ваколатхоналар қўшимча ва (ёки) мавжудларининг ўрнига бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини сотиб олиш тўғрисида мурожаат қилса, Дипсервис хизматига ушбу бинолар ва ер участкаларининг батафсил тавсифини (фойдаланиш мақсади, майдони, жойлашган жойи) тақдим этади.

18. Дипсервис хизмати давлат мулки бўлган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини мулк қилиб сотиш тўғрисидаги масалани маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирлик ҳамда идоралари билан биргаликда қуйидаги мезонлардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқади:

дипломатик ваколатхона томонидан давлат мулки бўлган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини мулк қилиб сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг хулосалари мавжудлиги;

Ўзбекистон томонининг бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини сотиб олиш эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, уларни мулк қилиб сотиш масалаларида Ўзбекистон Республикаси ва мурожаат қилган дипломатик ваколатхона давлати ўртасидаги ўзаро келишув принципларига риоя этиш;

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

мурожаат қилган дипломатик ваколатхона давлатида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг фаолият юритиши учун яратилган шарт-шароитлар даражаси.

19. Дипломатик ваколатхоналар тақдим этишни сўраган давлат мулки бўлган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларининг мулк қилиб сотилишига тўсқинлик қилувчи асослар мавжуд бўлганда, Дипсервис хизмати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда бошқа муқобил бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини тавсия қилиши мумкин.

20. Дипломатик ваколатхоналарга давлат мулки бўлган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини мулк қилиб сотиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дипломатик ваколатхонага бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини мулк қилиб сотиш тўғрисида таклиф киритади.

21. Агар дипломатик ваколатхонанинг таклифи ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган мезонларга мос келмаса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мурожаат қилган дипломатик ваколатхона давлати билан икки томонлама муносабатларнинг эришилган даражасини ҳисобга олиб, дипломатик ваколатхона томонидан эгаллаб турган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини бўшатиш шарти билан, давлат мулки бўлган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини мулк сифатида тақдим этиш тўғрисида дипломатик ваколатхонанинг мурожаатини қаноатлантириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

22. Давлат кўчмас мулк объекти (бино қисми, хоналар) тегишли ер участкаси билан бирга мурожаат қилган дипломатик ваколатхонага халқаро шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ бозор қийматида реализация қилинади.

23. Дипломатик ваколатхоналарга бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкалари мурожаат қилган дипломатик ваколатхона давлати билан халқаро шартнома тузиш орқали ўзаро келишув (паритет) асосида мулк сифатида тақдим этилади.

24. Дипломатик ваколатхоналар бинолар (бинолар қисми), хоналар ва уларга туташ ер участкаларини Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва нодавлат юридик шахсларидан сотиб олган тақдирда, мазкур бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларининг мулкдори тўғрисида улардан фойдаланиш мақсади, майдони, жойлашган жойи ва бошқа шартлар кўрсатилган маълумотни ўз ичига олган хабарномани Дипсервис хизматига ўз вақтида юборади.

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

25. Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва нодавлат юридик шахсларига тегишли бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини дипломатик ваколатхоналарга мулк сифатида сотиш тўғрисидаги битимлар нотариуслар томонидан Дипсервис хизмати билан келишилгандан сўнг расмийлаштирилади.

4-боб. Якунловчи қоида

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “23” январдаги 26-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги низомнинг 2.6-бандидаги “Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси” сўзлари “Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик сервис хизмати” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 февралдаги 33-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг касб фаолиятини тартибга солувчи асосий қоидаларда:

а) 17-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюросининг” сўзлари “Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик сервис хизмати” давлат муассасасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси” сўзлари ““Дипломатик сервис хизмати” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 24-банддаги “Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси” сўзлари “Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик сервис хизмати” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларига ва уларнинг тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларида:

I типнинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“I тип – рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари юридик шахсларнинг автомобилларига берилади (чет эл инвестицияси ва капитали иштирокидаги корхоналар бундан мустасно)”;

IX типнинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“аккредитация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарининг ва банкларнинг, шунингдек, чет эл инвестицияси ва капитали иштирокидаги корхоналарнинг хизмат эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига берилади”;

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

X типнинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“X тип – “H” серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида Ўзбекистон Республикасида шахсий, хизмат ишлари бўйича, ўқиш ёки туризм мақсадида доимий яшайдиган ёки вақтинча бўладиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган транспорт воситаларига берилади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-банди иккинчи хатбошисидаги “Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси” сўзлари “Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик сервис хизмати” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10^1-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги “Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси” сўзлари тегишли келишикдаги ““Дипломатик сервис хизмати” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/26/0076-son
26.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 23 ” январдаги 26 -сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларга хизмат кўрсатишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги 550-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон Фармони)” 2020 йил 1 апрелдаги 195-сон қарорига илованинг 10-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 654-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарорига 3-илованинг 20-банди.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

3 (1231)-son
50-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 24 » yanvar № 27 Toshkent sh.

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармонига мувофиқ “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармони билан фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда “Ҳаж” ва “Умра” зиёратларига бориши билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш жараёнида ортиқча бюрократик тартибларни бартараф этиш мақсадида **“Ҳаж ва Умра” ягона портали** ишга туширилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, фуқароларга хорижда сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида “Ҳаж ва Умра” ягона портали “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган зиёратчилар қайд этиладиган ягона тизим ҳисобланади.

2. Дин ишлари бўйича қўмита Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Ҳаж” тадбирларига борувчи фуқароларнинг ягона электрон навбати ҳамда “Умра” тадбирларига юбориладиган зиёратчиларнинг электрон рўйхати шакллантириладиган “Ҳаж ва Умра ягона портали”нинг доимий равишда фаолият кўрсатишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **иловага мувофиқ** қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

“Ҳаж ва Умра” ягона порталининг фаолият механизмларини белгилаш;

“Ҳаж” ва “Умра” фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштириш;

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда вазирлик ва идоралар, ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъатлар ва ташкилий гуруҳларнинг вазифаларини аниқ белгилаш.

4. Дин ишлари бўйича қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси С.Д. Тошбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 24 январдаги 27 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 июндаги 364-сон қарорида:

а) 2-банд “фуқаролар рўйхатининг” сўзларидан кейин ““Ҳаж ва Умра” ягона портали (кейинги ўринларда – Портал)” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 2^1 ва 2^2-бандлар билан тўлдирилсин:

“2^1. Белгилансинки, фуқароларга хорижда сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида 2026 йил 1 февралдан бошлаб “Ҳаж” тадбирига, 2026 йил 1 майдан бошлаб “Умра” тадбирига олиб бориш Порталда мажбурий рўйхатга олиш орқали амалга оширилади. Зиёратчилар тўғрисидаги маълумотларни Порталга киритмасдан ушбу тадбирларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

2^2. Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси 2026 йил 1 апрелга қадар “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш лицензиясига эга юридик шахсларни ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасини Порталга уланишини ва ундан фойдаланишини таъминласин. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш лицензиясини олган юридик шахсларни Порталга проактив тарзда уланишини таъминлаб борсин. Бунда:

Порталга киритиладиган маълумотлар ва уларга қўйиладиган талаблар, юбориладиган СМС-хабарномалар шакли Жамоатчилик кенгашининг тавсияси асосида Дин ишлари бўйича қўмита томонидан белгиланади;

Порталдан фойдаланиш ҳамда унга уланиш учун қўйиладиган техник, дастурий ва ахборот хавфсизлиги талаблари Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Жамоатчилик кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади.”;

в) 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, фуқаролар ихтиёрига кўра уларнинг аввалги манзили бўйича навбати сақланиб қолиши ёки янги манзилда янгидан рўйхатга қўйилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ҳаж” тадбирига борадиган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча босқичлари (руҳий-асаб, наркология, тери-таносил, сил касалликлари ҳамда “Ҳаж” мавсумида Саудия Арабистони Подшоҳлигига киришни чекловчи касалликлар юзасидан тиббий кўрик, эмлаш ва бошқаларни) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида, шунингдек, мураккаб ва зиддиятли ҳолатларда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи томонидан белгиланадиган марказий поликлиникаларидан бирида бепул амалга оширишни таъминласин.

“Умра” тадбирига юборишда тиббий кўрикдан ўтиш ихтиёрий бўлиб, фуқаронинг хоҳишига кўра давлат ёки хусусий тиббиёт муассасаларида ўзларининг ҳисобидан амалга оширилади.”;

г) 6-банддаги “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги “Uzbekistan Airways” АЖ ва бошқа авиакомпаниялар билан биргаликда” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

е) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳар йилги “Ҳаж” тадбирига борадиган фуқароларни навбатда турган фуқароларнинг умумий сонидан келиб чиқиб, Портал орқали тақсимланиши ва танлаб олинишини таъминласин.”;

ж) иловада:

2-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “тегишли лицензияга эга юридик шахслар” сўзлари ““Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга юридик шахслар (кейинги ўринларда – тегишли лицензияга эга юридик шахслар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг тўртинчи–ўнинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакилликлари;

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ички ишлар бош бошқармаларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги вакили;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари бошлиқлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари;

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари бошлиқлари;";

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"10. Қуйидагилар ҳайъатларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

"Ҳаж" тадбирига боришга навбати келган номзодларни зиёратга тайёргарлик ишларини Ҳаж мавсумидан камида олти ой аввал бошлашни ташкил этиш;

"Ҳаж" тадбирига боришга номзодларни саралашни ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида ижтимоий адолат тамойилига амал қилган ҳолда, "Ҳаж ва Умра" ягона портали (кейинги ўринларда – Портал) орқали амалга оширилишини таъминлаш;

"Ҳаж" тадбирига борувчи зиёратчиларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш. Бунда "Ҳаж" мавсумида Саудия Арабистонига киришни чекловчи касалликлари мавжуд фуқароларни барвақт аниқлаш ва уларга тушунтиришлар бериш;

жамиятдаги ижтимоий муҳитни янада соғломлаштиришда ҳамда маҳаллалардаги йўлдан адашганларни соғлом эътиқодга қайтаришда алоҳида намуна кўрсатган имом-хатибларнинг имтиёзли равишда Ҳаж сафарига гуруҳ раҳбари сифатида боришига тавсия бериш;

тегишли ҳудудда давлат ва нодавлат ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг "Ҳаж" ва "Умра" тадбирлари билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари талаблари бажарилишини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, мазкур зиёратларни ташкил этиш ва амалга оширишда хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

"Ҳаж" ва "Умра" тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни мониторингини олиб бориш ҳамда таҳлил қилиш;

тегишли ҳудудда “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларининг амалга оширилиш вақти ва тартиби юзасидан тушунтириш бериш ҳамда “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш, аниқланган салбий ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш;

Жамоатчилик кенгашининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига тақдим этиладиган квоталар доирасида Портал орқали танлаб олинган “Ҳаж” тадбирига бориш учун навбати келган зиёратчилардан тегишли маблағлар ундирилишини ташкил этиш, уларнинг ҳисобини юритиш;

зиёратчиларнинг бошқа ҳудудларга келиш-кетиши, яшаши, овқатланиши, транспорт харажатларининг қопланиши учун Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланган ҳар бир зиёратчи учун сафар харажатлари сметасига қўшимча тарзда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича алоҳида смета ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тегишли ҳудудда диний ва конфессияларараро бағрикенгликни тарғиб этиш, исломнинг анъанавий ҳанафий мазҳабига зид бўлган радикал-экстремистик мафкураларнинг ўз моҳияти бўйича бузғунчи эканлигини фош қилишга доир Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни зиёратчиларга етказиш чораларини кўриш.”;

11, 12 ва 13-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакилликлари ҳайъатнинг ишчи органи функциясини бажарадилар.

12. Ишчи орган қуйидаги ишларни ташкил этади:

Портал орқали аниқланган навбати келган зиёратчиларнинг хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилишини таъминлаш;

тўловларни (Саудия Арабистонида ҳар бир “Ҳаж” ва “Умра” зиёратчиси учун шартномага кўра сарфланадиган харажат, авиачипталар, тиббий дори қутичаси учун дори воситалари, “Ҳаж” ва “Умра” қўлланмаси, зиёратчилар камзули, сумка ва бошқалар учун сарфланадиган харажатларни) зиёратчилар томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ҳаж ва Умра тўловлари бўйича банк ҳисобварағига нақд ёки нақд пулсиз тартибда миллий валютада ўтказилишини таъминлаш;

зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, эмлаш, улар билан сафар олди машғулотларини ўтказиш;

“Ҳаж” ва “Умра” мавсумларида зиёратчиларни кузатиш ва кутиб олиш ишларини амалга ошириш.

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

13. Ташкилий гуруҳлар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан 7 кишидан иборат таркибда тузилади.

Ташкилий гуруҳлар таркибига, қоида тариқасида, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари (ташкилий гуруҳ раиси), туман (шаҳар) бош имом-хатиби, туман (шаҳар) ички ишлар органининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси, туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари киритилади.";

14-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Портал орқали танланган ва тегишли йилда "Ҳаж" тадбирига борадиган зиёратчилар рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш ҳамда Ҳайъатларга тақдим этиш;";

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

14^1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"14^1. "Ҳаж" тадбирига боришга навбати келган ва Портал орқали танлаб олинган фуқаролар билан манзилли ишлаш, "Ҳаж" тадбири учун зарур пул маблағларни ундириш ва бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ҳокими томонидан 5 кишидан иборат таркибда ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади) тузилади.

Ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, туман бош имом-хатиби, маҳаллага бириктирилган имом, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли, фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси киритилади";

16-бандда:

тўртинчи хатбошидаги "чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерининг олинишини" сўзлари "хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилишини" сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи–ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

"Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда Портални узлуксиз ишлашини таъминлаш, жараёнларни рақамлаштириш, зарур ҳолларда молиялаштириш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

фуқароларнинг “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига бориши учун Портал орқали ариза бериш имкониятини доимий таъминлаб бориш;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш, ваколатли органлар билан келишиш, ушбу жараёндаги ишларни манзилли ва самарали ташкил этиш.”;

17-бандда:

иккинчи хатбошидаги “ва озиқ-овқат ташкилотлари” сўзлари “озиқ-овқат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи–ўн олтинчи хатбошилар тегишлича учинчи–ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳаж” ва “Умра” мавсумлари бошланишидан камида бир ой олдин зиёратчилар учун камзул ва сумка тайёрлаб берувчи ташкилотларни танлаш учун тендер (танлов) ўтказиш ва тендер (танлов) хулосаларини Жамоатчилик кенгашига киритиб, Жамоатчилик кенгаши қарорига асосан тендер (танлов)да ғолиб чиққан ташкилотлар билан шартномалар тузиш;”;

еттинчи хатбошидаги “Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг депозит ҳисобварағига шартномада кўрсатилган” сўзлари “ва Саудия Арабистонида Ўзбекистон Ҳаж миссияси учун очилган ҳисобварағига белгиланган” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидан “(паспортларнинг араб тилидаги нусхасини тайёрлаш)” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошидаги “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги” сўзлари билан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан тегишли” сўзлари “авиакомпаниялар билан тегишли” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Портал ва унинг мобиль иловасини доимий такомиллаштириб бориш, зарур ҳолларда Портал фаолиятини молиялаштириш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва тўғри ишлашини таъминлаш;

фуқароларни Портал орқали навбатга ёзилиши учун зарур шароитлар яратиш.”;

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

18-банднинг иккинчи хатбошисидаги “чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерини” сўзлари “хорижга чиқиш биометрик паспортини” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи–олтинчи хатбошилар тегишлича иккинчи–бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Саудия Арабистонининг Ҳаж ва умра вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талабларни ва Саудия Арабистонининг иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, “Ҳаж” тадбирига борадиган зиёратчиларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш, ушбу зиёратчиларда “Ҳаж” мавсумида Саудия Арабистонига кириши чекловчи касалликлар мавжуд эмаслигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш. Бунда зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча босқичлари (руҳий-асаб, наркология, тери-таносил, сил касалликлари юзасидан тиббий кўрик, эмлаш ва бошқаларни) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида, шунингдек, мураккаб ва зиддиятли ҳолатларда ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланадиган марказий поликлиникаларидан бирида бепул амалга оширилишини таъминлаш”;

тўртинчи хатбоши “ўқув машғулотларини ўтказиш” сўзларидан кейин “ва уларнинг хизмат сафарини ташкил этиш” сўзлари билан тўлдирилсин;

20-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ҳаж вазирлигининг” сўзлари “Ҳаж ва умра вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки АЖ” сўзлари “АТ Алоқабанк” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

миллий ва Саудия Арабистони авиакомпаниялари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўртасида зиёратчиларни ташиш юзасидан шартномалар тузиш, шунингдек, белгиланган муддатда Саудия Арабистонига зиёратчиларни олиб бориш ва олиб келиш бўйича авиақатновлар жадвалларини Саудия Арабистонининг масъул ташкилотлари билан мувофиқлаштириш

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

ва тасдиқлаш, авиакомпаниялар томонидан ушбу жадвалларга риоя қилинишини ҳамда сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминлаш;";

тўртинчи хатбошидаги "бино ажратиш" сўзлари "жойлар ажратилишини таъминлаш" сўзлари билан алмаштирилсин;

23-бандниng биринчи хатбошисидаги "Давлат божхона қўмитасининг" сўзлари "Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банддаги "Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди" сўзлари "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"26. Ҳар йили "Ҳаж" тадбирига борадиган фуқароларнинг квоталари Жамоатчилик кенгашининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига тақдим этиладиган квоталар доирасида Ҳайъатларнинг тавсияларини кўриб чиққан ҳолда рўйхатда турган фуқароларнинг умумий сонидан келиб чиқиб Портал орқали тақсимланади.

Жамоатчилик кенгаши квоталарни Порталдаги рўйхатга мувофиқ белгилайди";

27 ва 28-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"27. Фуқаролар "Ҳаж" тадбирига бориш учун доимий яшаш манзили бўйича навбатга ёзилади, "Умра" тадбирига бориш учун доимий ёки вақтинча яшаш манзилидан қатъи назар, мурожаат қилиши мумкин.

28. Порталнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, техник қўллаб-қувватлаш ҳамда доимий такомиллаштириб бориш мақсадида фуқароларни Порталда "Ҳаж" ва "Умра" тадбирларига рўйхатга олишда Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган миқдорда бир марталик йиғим ундирилади. Йиғим Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус ҳисобварағига йўналтирилади.";

28^1–28^3, 29, 33, 39 ва 41-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

30–32-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"30. Фуқаро Порталда навбатга ёзилганидан сўнг унга аризаси муваффақиятли қабул қилингани тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан СМС-хабарнома юборилади.

31. Порталда рўйхатга олинган фуқаро ўзининг қайси маҳалла фуқаролар йиғинида рўйхатга олинганлигини кўриш имконияти яратилади.

32. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар йилги "Ҳаж" мавсумида Порталда шаклланган ва ташкилий гуруҳ томонидан тақдим этилган рўйхат асосида фуқаролар билан манзилли ишлайди ҳамда "Ҳаж"

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

тадбири учун тўловлар ундирилишини ташкил этади. Бунда жорий йилги рўйхатга кирган, лекин Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг хабарномасида белгиланган муддатда тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган фуқароларни аниқлаб, улар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудидаги "Ҳаж" тадбири учун тўловларни амалга ошириш имкониятига эга навбатдаги фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни ташкилий гуруҳга тақдим этиб боради";

34–38-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"34. Жорий йилда навбати келган фуқаролар Портал орқали ҳажга навбати келганлиги ҳамда Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган муддатда ва миқдорда тўловларни амалга ошириши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан СМС-хабарнома орқали хабардор қилинади.

35. СМС-хабарнома орқали навбати келгани ҳамда тўловни амалга ошириши тўғрисида хабардор қилинган фуқаро унда белгиланган муддатда ва миқдорда тўловларни тўлиқ амалга ошириши ёки "Ҳаж" тадбирига боришга имкони бўлмаган тақдирда, мазкур бандда ҳамда ушбу Низомнинг 36 ва 37-бандларида белгиланган тартибда "Ҳаж" тадбирига бориш навбатини бир йил муддатга кейинга қолдириши мумкин.

Бунда фуқаро Портал орқали ўзининг навбатини кейинги йилга қолдириш тўғрисида электрон ариза берган ҳолда ёки Ташкилий гуруҳга ёзма ариза бериш орқали навбатини кейинги йилга қолдириши мумкин.

36. Фуқаро навбатини кейинги йилга қолдириш тўғрисида ариза берган ҳолларда, Порталда унинг навбати бир маротаба автоматик тарзда кейинги Ҳаж мавсумига қолдирилади ҳамда ушбу фуқародан кейинги навбатда турган фуқарога (агар ушбу маҳаллада навбатда турганлар мавжуд бўлмаса, бошқа маҳаллага, бошқа маҳаллада ҳам навбат мавжуд бўлмаса, бошқа туман(шаҳар)даги маҳаллада энг аввал рўйхатга ёзилганларга) навбати келганлиги ва тўловни амалга ошириши лозимлиги тўғрисида СМС-хабарнома юборилади.

Агарда фуқаро Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган муддатда ёки миқдордаги тўловларни тўлиқ амалга оширмаса ҳамда Портал орқали ёки ўзи мустақил равишда навбатини кейинга қолдириш тўғрисида ариза бермаса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан юборилган СМС-хабарномада белгиланган муддат тугагандан сўнг, ушбу фуқаронинг розилигисиз Портал орқали унинг навбати кейинги йилга кўчирилади.

Бунда мазкур фуқародан кейин навбатда турган фуқарога (агар ушбу маҳаллада навбатда турганлар мавжуд бўлмаса, бошқа маҳаллага, бошқа маҳаллада ҳам навбат мавжуд бўлмаса, бошқа туман/шаҳардаги маҳаллада энг

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

аввал рўйхатга ёзилганлардан танлаб) навбати келганлиги ва тўловни амалга ошириши лозимлиги тўғрисида СМС-хабарнома юборилади.

37. “Ҳаж” тадбирига бориш имкони бўлмаган ёки бормаётган фуқаронинг навбати фақат бир маротаба кейинги йилга кўчирилиши мумкин.

Навбати кейинги йилга кўчирилган фуқаро кейинги йилда ҳам Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган муддатда тўловларни тўлиқ амалга оширмаса ёки бошқа сабабларга кўра “Ҳаж” тадбирига бормаса, ўзининг аризасига асосан, ариза ёзиб бермаган тақдирда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан юборилган СМС-хабарномада белгиланган муддат тугагандан сўнг, фуқаронинг розилигисиз унинг навбати бекор қилинади.

Ушбу фуқаро умумий тартибда қайта рўйхатга туриши мумкин.

38. “Ҳаж” тадбирига бир нафар ҳамроҳи (отаси, онаси, акаси, укаси, опаси, синглиси, турмуш ўртоғи, фарзанди ва бошқа) билан бориш истагида бўлган фуқаролар, қоида тариқасида, биргаликда ариза беришлари лозим.

“Ҳаж” тадбирига борувчи шахс билан унинг ҳамроҳи (бир ҳудудда) турли саналарда навбатга ёзилган бўлса, олдинроқ навбатда турган шахснинг навбати ўзидан кейинроқ турган ҳамроҳи билан ёнма-ён ўринга кўчирилиши мумкин.

Порталда ҳамроҳи билан биргаликда рўйхатдан ўтган талабгорларнинг никоҳи қонуний бекор бўлган ёки “Ҳаж” зиёратини бажариш лаёқатини йўқотган тақдирда, ҳамроҳни танлаган шахс Порталда ариза бериш орқали ўзининг навбатда турган яқин қариндоши бўлган ҳамроҳини (бир ҳудудда бўлса) алмаштириши мумкин. Бунда дастлабки ҳамроҳининг навбати бекор қилиниб, унинг ўрнига янги ҳамроҳ киритилади.

Порталда навбатда турган фуқаро вафот этган тақдирда, унинг навбати бекор бўлади.

Навбатда турган фуқаро исталган вақтда ариза бериш орқали навбатини бекор қилиши мумкин, бунда навбат ундан кейин турган фуқарога ўтади.”;

40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“40. “Ҳаж” тадбирига бориш учун навбат фақат доимий яшаш ҳудуди бўйича шакллантирилади.

“Ҳаж” тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчининг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, унинг ихтиёрига кўра аввалги манзили бўйича навбати сақланиб қолади. Фуқаро навбатини янги доимий яшаш ҳудудига ўзгартирмоқчи бўлса, унинг эски навбати бекор қилиниб, янги манзилда янгидан навбатга қўйилади.

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

“Ҳаж” тадбирига бориш учун рўйхатдан ўтишда доимий яшаш манзили тўғрисида маълумот олиш имкони бўлмаган тақдирда, Порталда талабгор бу ҳақида огоҳлантирилади.

Фуқаро яшаш манзили бўйича ноаниқликка туман (шаҳар) ички ишлар бўлимидан аниқлик киритгандан сўнг рўйхатдан ўтиш бўйича ариза бериши мумкин бўлади.”;

42 ва 43-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“42. Ташкилий гуруҳлар тегишли йилда туман (шаҳар) миқёсида “Ҳаж” тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхати квота асосида Порталда тасдиқлангандан кейин ўн кун мобайнида умумлаштиради. Умумлаштирилган рўйхат икки нусхада тайёрланади ва тасдиқланади. Мазкур рўйхатнинг биринчи нусхаси электрон варианти билан бирга ҳайъатларга тақдим этилади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси ташкилий гуруҳда сақланади.

43. Ҳайъатлар Жамоатчилик кенгашидан ва (ёки) Порталдан олинган рўйхатлар асосида тегишли йилда ўзининг ҳудудидан “Ҳаж” тадбирига борадиган зиёратчилар рўйхатини умумлаштиради, уларнинг хорижга чиқиш биометрик паспорти мавжудлигини ва амал қилиш муддатини, чет элга чиқишга тақиқ йўқлигини текширади, зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини амалга оширади.

Умумлаштирилган рўйхат бир нусхада тасдиқланиб, ҳайъатларда сақланади.”;

44-банддаги “ҳайъатлардан” сўзи “Порталдан” сўзи билан алмаштирилсин;

46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

“46. Тегишли йилда “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган фуқаролар рўйхатини шакллантиришда қуйидаги қўшимча шартлар инобатга олинади:

“Ҳаж” тадбирига бормоқчи бўлган фуқаро навбатга ёзилиши учун сўнгги беш йилда “Ҳаж” тадбирига бормаган бўлиши (зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳи вакиллари ва гуруҳ раҳбарлари бундан мустасно);

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига бормоқчи бўлган фуқаролар вояга етган бўлиши.”;

қуйидаги мазмундаги 4^1-боб билан тўлдирилсин:

“4^1-боб. “Умра” хизматларини Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва тегишли лицензияга эга юридик шахслар томонидан ташкил этиш

46^1. Дин ишлари бўйича қўмита, Рақамли технологиялар вазирлиги:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда тегишли лицензияга эга юридик шахслар билан биргаликда улар тўғрисидаги маълумотларни,

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

шунингдек, “Умра” хизматларини амалга ошириш учун тавсия этилаётган “Умра” пакетлари ва нархлари, тадбирлар амалга ошириладиган кунлар тўғрисидаги маълумотларни Порталда жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминлайди;

аҳолини “Умра” тадбирига олиб бориш билан боғлиқ шартномаларни Порталда электрон шаклда расмийлаштириш имкониятини яратади (Портал техник сабабларга кўра ишламаганда, Дин ишлари бўйича қўмита томонидан расмий веб-сайтда эълон қилинган талаблар асосида “Умра” тадбирига олиб бориш билан боғлиқ шартномалар бошқа шаклда ҳам тузилиши мумкин).

46^2. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда тегишли лицензияга эга юридик шахслар:

“Умра” тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни Порталда мажбурий қайд этиб боради;

Порталдаги фаолиятни шахсий кабинетлари орқали амалга оширади.

Порталга кириш ва шахсий кабинетларидан фойдаланиш ҳуқуқи Дин ишлари бўйича қўмита томонидан таъминланади.

Порталга киритилиши лозим бўлган маълумотлар Жамоатчилик кенгашининг тавсиялари асосида белгиланади.

46^3. Фуқароларни, шу жумладан фуқаролиги бўлмаган шахсларни ёки хорижий давлатлар фуқароларини (кейинги ўринларда – “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс) “Умра” тадбирига олиб бориш билан боғлиқ маълумотлари Порталга қуйидаги усулларда киритилади:

а) “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс Портал орқали Ўзбекистон мусулмонлари идорасини (фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) ёки тегишли лицензияга эга юридик шахсни ихтиёрий равишда танлаб шартнома тузиши мумкин. Бунда шартномани расмийлаштириш “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахслар томонидан Порталга киритилган телефон рақамига юборилган СМС-кодни Порталга киритиш орқали амалга оширилади.

Портал орқали юборилган мурожаатлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси ёки тегишли лицензияга эга юридик шахс томонидан кўриб чиқилиб, танланган пакетдаги хизматлар мавжуд бўлганда раҳбар ёки ваколат берилган шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш орқали шартнома расмийлаштирилади.

Портал орқали келиб тушган мурожаатлар бўйича шартнома расмийлаштирилганда, хизматлар унда келишилган муддат ва шартларда бажарилади.

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

Танланган пакетдаги хизматлар мавжуд бўлмаганда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ёки тегишли лицензияга эга юридик шахс томонидан мурожаат шартнома расмийлаштирмасдан рад этилиши мумкин.

Шартнома тузиш рад этилганда бу ҳақда “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахснинг Порталга киритилган телефон рақамига СМС-хабар юборилади. Мурожаати рад этилган шахс тегишли лицензиясига эга бошқа юридик шахсни танлаши мумкин;

б) “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс тегишли лицензияга эга юридик шахсга ёки Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ҳаж ва Умра марказига (фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) шахсан мурожаат қилишлари мумкин. Бунда тегишли лицензияга эга юридик шахс ёки Ҳаж ва Умра маркази “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахсга оид маълумотларни Порталга мустақил равишда киритади.

Маълумотлар Порталга киритилгандан сўнг “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахснинг телефон рақамига СМС-код юборилади ва ушбу кодни Порталга киритиш орқали шартнома расмийлаштирилади. Шартнома тегишли лицензияга эга юридик шахс раҳбари ёки Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ҳаж ва Умра маркази раҳбари ёхуд улар ваколат берган шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

46[4]. “Умра” тадбирлари шартномаси Порталда расмийлаштирилгандан сўнг, тўлов учун инвойс шаклланади ҳамда “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс(лар)нинг Порталга киритилган телефон рақамига тўлов суммаси кўрсатилган СМС-хабарнома юборилади.

Тўловлар амалга оширилгандан сўнг бу тўғрисида “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс(лар)га тасдиқловчи СМС-хабар юборилади. Ушбу тўловларни Портал орқали кўриш имконияти яратилади.

46[5]. Тегишли лицензияга эга юридик шахсларга қуйидаги ҳолларда Порталдан фойдаланиш имконияти тўлиқ ёки қисман тўхтатилади:

Порталдан фойдаланиш талаблари ва шартларига риоя қилинмаганда;

тегишли лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

тегишли лицензияга эга юридик шахс вакилининг ёзма аризаси мавжуд бўлганда;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Порталдан фойдаланиш имкониятини тўлиқ ёки қисман тўхтатиш Дин ишлари бўйича қўмитанинг қарорига асосан амалга оширилади.”;

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

50-банддаги “Давлат божхона қўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси” сўзлари билан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси” сўзлари “Транспорт вазирлиги ҳамда миллий ва хорижий авиакомпаниялар” сўзлари билан алмаштирилсин;

51-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 53-банддаги “Қорақалпоғистон Республикасидаги қозиёти” сўзлари “Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти” сўзлари билан алмаштирилсин;

55-банднинг биринчи хатбошиси “бора олмайдиган фуқарога шахсан” сўзларидан кейин “Портал орқали” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:


QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

“Ҳаж” тадбирларини ташкил этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгор (“Ҳаж” тадбирига бормоқчи бўлган жисмоний шахс)	1. “Ҳаж” тадбирига борувчи талабгор “Ҳаж”га боришга сўровнома юбориш учун “Ҳаж ва Умра” ягона порталига киради. 2. Талабгор “Ҳаж” тадбирига бориш сўровномасини тўлдиради ва тасдиқлаб юборади. 3. Талабгорнинг паспорт маълумотлари ва рўйхатда турган жойи ва бошқа маълумотлари электрон тизим орқали текшириб олинади. 4. “Ҳаж” тадбирига навбатга ёзилиш учун белгиланган миқдорда тўловни амалга оширади.	Ўз хоҳишига кўра йил давомида
2-босқич	“Ҳаж ва Умра” ягона портали	1. Тўлов амалга оширилгандан сўнг талабгор сўровномада кўрсатган доимий рўйхатда турган жойидаги маҳалласида навбат бўйича рўйхатга олинади. Бу ҳақида сўровномадаги телефон рақамига СМС-хабарнома юборилади. 2. Навбатга қўйилган талабгор тўғрисидаги маълумотлар “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги ташкилий гуруҳда, Ҳайъатда ва Жамоатчилик кенгашида кўринади.	Автоматик тарзда, йил давомида
3-босқич	“Ҳаж ва Умра” ягона портали	Талабгор “Ҳаж” тадбирига бориш учун рўйхатга олингандан кейин унинг доимий рўйхатда турган манзили ўзгарса ва у ушбу маҳаллада доимий рўйхатда турган бўлса, талабгор аввалги маҳалладаги навбатини сақлаб қолади ёки янги манзили бўйича қайтадан (проактив шаклда) навбатга туриш учун сўровнома юборади.	Талабгорнинг хоҳишига кўра, йил давомида

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.



QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

8-босқич	Ташкилий гуруҳ	1. Ҳайъат томонидан тақдим этилган тегишли йилда зиёратга борувчилар рўйхатини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида уларга етказади. 2. Квотага мувофиқ тегишли йилда туман (шаҳар) миқёсида зиёратга борадиган фуқаролар рўйхатини умумлаштиради, уларнинг боришини аниқлаштиради, тўловларнинг ўз вақтида тўланишини ташкиллаштиради. 3. Квота бўйича рўйхатга кирган, лекин жорий йилда зиёратга бора олмайдиган шахсларни аниқлаб, бу тўғрисидаги таклифларни ҳайъатга тақдим этади. 4. Ҳайъат билан биргаликда зиёратга бора олмайдиган шахслар ўрнига навбатдаги фуқароларнинг рўйхатга киритилишини таъминлайди ҳамда якуний рўйхатни шакллантириб, Ҳайъатга тақдим қилади.	Квота аниқланганидан кейин беш кун муддатда Ҳайъатлар квотани тасдиқлаганидан кейин қирқ беш кун мобайнида
9-босқич	Ҳайъатлар	1. Квотага мувофиқ зиёратчиларнинг ҳужжатларини текширади. Ўз ҳудудидан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) тегишли йилда зиёратга борадиган фуқароларнинг рўйхатини умумлаштиради. 2. Квота бўйича рўйхатга кирган, лекин жорий йилда зиёратга бора олмайдиган шахслар аниқланганда, ташкилий гуруҳ билан ишлаб, уларнинг ўрнига навбатдаги фуқароларни рўйхатга киритиш масаласини Жамоатчилик кенгаши билан келишади. 3. Зиёратга борадиган фуқароларнинг якуний рўйхатини шакллантиради, тасдиқлайди ва Жамоатчилик кенгашига тақдим қилади. 4. Зиёратга бориб-келиш учун белгиланган тўловлар тўланишини, зиёратчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини, эмлаш, улар билан сафаролди машғулотлари ўтказилишини ташкил этади.	Жамоатчилик кенгаши квотани тасдиқлаганидан кейин олтмиш кун мобайнида Зиёратга юборишдан бир ой олдин
10-босқич	Жамоатчилик кенгаши	1. Зиёратга борадиган талабгорлар рўйхатини умумлаштиради, зиёратчиларни гуруҳларга ажратади, зиёратчиларнинг гуруҳ раҳбарларини тайинлайди, зиёратчиларнинг гуруҳларини тегишли авиақатновлар бўйича тақсимлайди. 2. Зиёратчиларни Саудия Арабистони Подшоҳлигига олиб бориш ва у ердан олиб келиш билан боғлиқ барча ишларни амалга оширади.	Зиёратга юборишдан камида ўн кун олдин Зиёратлар давомида

QMMB: 09/26/27/0077-son
26.01.2026-y.

2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 5-илованинг 9-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“о) фуқароларни Саудия Арабистони Подшоҳлигига “Умра” зиёратини бажариш учун юбормаслик.*”;

ўн иккинчи–йигирманчи хатбошилар тегишлича ўн учинчи–йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги йигирма иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ж) фуқароларни Саудия Арабистони Подшоҳлигига “Умра” зиёратини бажариш учун юбормаслик.*”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 октябрдаги 668-сон қарори билан тасдиқланган “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 22-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда танлов ғолиблари томонидан тақдим этилаётган қўшимча таклифлар танловнинг қўшимча талаб ва шартлари сифатида белгиланади.”;

б) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Агар танлов ғолиби танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун давомида лицензия учун давлат божини тўламаса ёки Танлов комиссияси томонидан танлов ғолиби тақдим этган ҳужжатларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, Танлов комиссияси уни четлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Танловнинг асосий ғолиби четлаштирилган тақдирда, танловнинг захирадаги ғолиби танлов ғолиби сифатида эътироф этилади.

Захирадаги ғолиб томонидан 30 календарь кун давомида ижобий жавоб берилмаса, Танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий танлов эълон қилади.”;

в) 28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) илованинг 9-позицияси учинчи устунидаги “ж” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умра” тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни Портал орқали амалга ошириш, шу жумладан “Умра” тадбирига бораётган зиёратчилар тўғрисидаги маълумотларни сафардан олдин Порталга тўлиқ киритиб бориш;*”.

Изоҳ. *3-бандниng “г” кичик банди 2026 йил 1 майдан эътиборан кучга киради.*



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

3 (1231)-сон
51-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1733-3
2026 - yil 19 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi aviatsiya qoidalari “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi bortkuzatuvchilarining ishlarini tashkil etish qoidalari”ga (O‘zR AQ-95) o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining Havo kodeksi va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 14-iyundagi PF–94-son “Ma’muriy islohotlar doirasida transport sohasida davlat boshqaruvini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2007-yil 20-sentabrdagi 145-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1733, 2007-yil 26-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 43-son, 439-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi aviatsiya qoidalari “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi bortkuzatuvchilarining ishlarini tashkil etish qoidalari”ga (O‘zR AQ-95) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor o'rinbosari
05-Yanvar 2026-yil
7-н son

LIM OLEG NIKOLAYEVICH

Kelishildi:

Vazir
28-Noyabr 2025-yil

MAXKAMOV ILXOM RUSTAMOVICH

Rais
19-Noyabr 2025-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Vakil o'rinbosari
18-Noyabr 2025-yil

URUNOV JAMSHID OLIMOVICH

QMMB: 10/26/1733-3/0060-son
21.01.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi
Fuqaro aviatsiyasi agentligi direktorining 2025-yil 5-
yanvardagi 7-N-son buyrugʻiga ILOVA

Oʻzbekiston Respublikasi aviatsiya qoidalari “Oʻzbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi bortkuzatuvchilarining ishlarini tashkil etish qoidalari”ga (OʻzR AQ-95) kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. Muqaddimaning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ushbu Aviatsiya qoidalari Oʻzbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi havo kemalari bortkuzatuvchilarining ishlarini tashkil etish tartibini belgilaydi”.

2. 11 va 30-bandlardagi “Oʻzbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi xodimlariga guvohnomalar berish va ularni tasniflash” Aviatsiya qoidalari (OʻzR AQ-61) (2004-yil 7-may, roʻyxat raqami 1349)” degan soʻzlar “Fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimi guvohnomasini berish” Oʻzbekiston Respublikasining aviatsiya qoidalari (OʻZR AQ-61) (roʻyxat raqami 3609, 2025-yil 24-fevral)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2156-7
2026 - yil 19 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGINING

QARORI

Bojxona chegarasidan olib oʻtilayotgan avtotransport vositalarini bojxona rasmiylashtiruvidan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar kiritish haqida

Oʻzbekiston Respublikasining “Oʻzbekiston Respublikasi fuqarolarini, chet el fuqarolarini hamda fuqaroligi boʻlmagan shaxslarni yashash joyi va turgan joyi boʻyicha roʻyxatdan oʻtkazish toʻgʻrisida”gi Qonuniga muvofiq Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Ichki ishlar vazirligi qaror qiladi:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Davlat bojxona qoʻmitasi va Ichki ishlar vazirligining 2010-yil 28-oktabrdagi 01-02/12-8 va 20-son qarori (roʻyxat raqami 2156, 2010-yil 19- noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 47-son, 439- modda) bilan tasdiqlangan Bojxona chegarasidan olib oʻtilayotgan avtotransport vositalarini bojxona rasmiylashtiruvidan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga ilovaga muvofiq oʻzgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
14-Yanvar 2026-yil
320 son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Vazir
12-Yanvar 2026-yil
2-son

TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2026-yil 14-yanvardagi 320-son hamda Ichki ishlar vazirligining 2026-yil 12-yanvardagi 2-son qaroriga ILOVA

Bojxona chegarasidan olib oʻtilayotgan avtotransport vositalarini bojxona rasmiylashtiruvidan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. 2-bandning beshinchi va oʻn toʻrtinchi xatboshilaridan “doimiy” degan soʻz chiqarib tashlansin.

2. 2^1-bandning beshinchi xatboshisidan “doimiy” degan soʻz chiqarib tashlansin.

3. 5-ilovaning matnidagi “doimiy yashash manzili” degan soʻzlar “yashash joyining manzili” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2175-9
2026 - yil 19 - Yanvar

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUGʻI

“Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga oʻzgartirish va qoʻshimchalarni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 18-avgustdagi 518-son “Pensiya va kompensatsiya toʻlovlarini tayinlash tartibi takomillashtirilishi munosabati bilan Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 13-oktabrdagi 592-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat pensiyalarini tayinlash va toʻlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish haqida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi hamda Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
12-Yanvar 2026-yil
319 son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Kelishildi:

QMMB: 10/26/2175-9/0055-son
20.01.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори
05-Yanvar 2026-yil

OLLOYOROV MANSURBEK POLVONZODA

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining o'rinbosari - Departament boshlig'i
23-Dekabr 2025-yil

XATAMOV JAXONGIR JURAYEVICH

QMMB: 10/26/2175-9/0055-son
20.01.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya
vazirining 2026-yil 12-yanvardagi 319-son buyrugʻiga
ILOVA

Oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar
ROʻYXATI

1. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 30-noyabrdagi 102-son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2175, 2010-yil 30-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 52- son, 531-modda).

2. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2011-yil 31-oktabrdagi 67- son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirish kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2175-1, 2011-yil 17-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2011-y., 45-46-son, 485-modda).

3. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 30-dekabrdagi 88-son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar va qoʻshimcha kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2175-2, 2015-yil 9-yanvar) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2015-y., 1-son, 20-modda).

4. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2015-yil 4-maydagi 38-son “Uy- joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar va qoʻshimcha kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2175-3, 2015-yil 7-may) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2015-y., 18-son, 231-modda).

5. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2017-yil 29-dekabrdagi 188-son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomning 14-bandiga oʻzgartirish kiritish haqida”gi buyrugʻi

QMMB: 10/26/2175-9/0055-son
20.01.2026-y.

(roʻyxat raqami 2175-4, 2018-yil 22-yanvar) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 22.01.2018-y., 10/18/2175-4/0601-son).

6. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2019-yil 1-iyuldagi 81-son “Uy- joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2175-5, 2019-yil 12-iyul) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 12.07.2019-y., 10/19/2175-5/3412-son).

7. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2020-yil 15-oktabrdagi 45-son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2175-6, 2020-yil 6-noyabr) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 06.11.2020-y., 10/20/2175-6/1478-son).

8. Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil 10-iyundagi 30-son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa oʻzgartirishlar va qoʻshimcha kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2175-7, 2023-yil 26-iyun) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 27.06.2023-y., 10/23/2175-7/0427-son).

9. Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 17-maydagi 121-son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomga qoʻshimcha va oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2175-8, 2024-yil 19-iyun) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 25.06.2024-y., 10/24/2175-8/0442-son).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3103-2
2026 - yil 19 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING BUYRUG‘I

Tabiiy suv havzalari mahsuldorligini oshirishda baliqlantirish me’yorlari va texnologiyasining 9-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 18-noyabrdagi PF–217-son “Ekologiya va turizm sohalarida aholi talablariga tezkor javob bera oladigan boshqaruv tizimini yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2018-yil 16-noyabrdagi 54-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3103, 2018-yil 20-dekabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 21.12.2018-y., 10/18/3103/2355-son) bilan tasdiqlangan Tabiiy suv havzalari mahsuldorligini oshirishda baliqlantirish me’yorlari va texnologiyasining 9-bandidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir

2026-yil 13-yanvar
44-son

ABDURAXMONOV IBROXIM YULCHIYEVICH

QMMB: 10/26/3472-1/0054-son
20.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3472-1
2026 - yil 19 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING BUYRUG‘I

Shaxslarni ishsiz deb e’tirof etish va ularga ishsizlik nafaqasini tayinlash bo‘yicha elektron davlat xizmatini ko‘rsatish to‘g‘risidagi reglamentga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarini, chet el fuqarolarini hamda fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarni yashash joyi va turgan joyi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 6-oktabrdagi 75/2023-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3472, 2023-yil 31-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.11.2023-y., 10/23/3472/0820-son) bilan tasdiqlangan Shaxslarni ishsiz deb e’tirof etish va ularga ishsizlik nafaqasini tayinlash bo‘yicha elektron davlat xizmatini ko‘rsatish to‘g‘risidagi reglamentga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir

25-Dekabr 2025-yil

32-2025/B son

ZAXIDOV BOTIR
ERKINOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi kambagʻallikni qisqartirish
va bandlik vazirining 2025-yil 25-dekabrdagi
32-2025/B-son buyrugʻiga
ILOVA

Shaxslarni ishsiz deb eʼtirof etish va ularga ishsizlik nafaqasini tayinlash boʻyicha elektron davlat xizmatini koʻrsatish toʻgʻrisidagi reglamentga kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. 5-bandning ikkinchi xatboshisidagi “doimiy yashash joyi yoki vaqtincha turgan joyidagi” degan soʻzlar “yashash joyi yoki turgan joyidagi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

2. 7-bandning ikkinchi xatboshisidan “doimiy” degan soʻz chiqarib tashlansin.

3. 2-ilovaning matnidagi “professional” degan soʻz “kasbiy” degan soʻz bilan almashtirilsin.

4. 3 va 4-ilovaning matnlaridagi “doimiy yashash yoki vaqtincha turgan joyingizdagi” degan soʻzlar “yashash joyi yoki turgan joyingizdagi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3756
2026 - yil 19 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING

BUYRUG‘I

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Notariat to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi va 2025-yil 9-sentabrdagi PQ–280-son “Notariat institutini yanada rivojlantirish hamda sohaga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq buyuraman:

1. Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Notarial palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq 2026-yil 1-apreldan boshlab kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 13-yanvar
1-mh-son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

Kelishildi:

Rais
2025-yil 15-dekabr

ASHUROV DILSHOD
RUSTAMOVICH

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining
2026-yil 13-yanvardagi 1-mh-son
buyrug‘iga
ILOVA

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda (bundan buyon matnda notarial okrug deb yuritiladi) davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat (bundan buyon matnda suhbat deb yuritiladi) asosida tayinlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Suhbat O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Oliy malaka komissiyasi (bundan buyon matnda komissiya deb yuritiladi) tomonidan o‘tkaziladi.

2. Suhbat o‘tkazishni tashkiliy-texnik jihatdan ta’minlash maqsadida komissiyaning ishchi organi faoliyat yuritadi.

Ishchi organning shaxsiy tarkibi O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) Inson resurslari boshqarmasi hamda Notariat, advokatura va mediatsiya boshqarmasining soha bo‘yicha mas’ul xodimlari orasidan shakllantiriladi va komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

Ishchi organ o‘z faoliyatini komissiya raisining rahbarligida amalga oshiradi.

3. Suhbat O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 9-sentabrdagi PQ–280-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga yagona tanlovda ishtirok etmagan holda suhbat asosida notariuslar tayinlanishi mumkin bo‘lgan olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)lar ro‘yxatida (bundan buyon matnda Ro‘yxat deb yuritiladi) keltirilgan notarial okruglar uchun o‘tkaziladi.

4. Suhbat Ro‘yxatdagi notarial okruglarda davlat notarial idorasi notariusi lavozimi ta’sis etilganda yoki shunday notarius lavozimi bo‘sh bo‘lgan taqdirda ushbu notarius lavozimini to‘ldirish maqsadida o‘tkaziladi.

5. Suhbat jarayoni audio va videoyozuvlarda qayd etib boriladi.

2-bob. Suhbatni tashkil etish

6. Talabgorlar Qoraqalpog‘iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalari (bundan buyon matnda hududiy adliya organlari deb yuritiladi) huzuridagi hududiy komissiyaning xulosasi asosida suhbatda ishtirok etishi mumkin.

Hududiy adliya organlari huzuridagi hududiy komissiya (bundan buyon matnda hududiy komissiya deb yuritiladi) hududiy adliya organi birinchi rahbarining buyrug‘i bilan O‘zbekiston Respublikasi Notarial palatasining tegishli hududiy boshqarmasi vakillari, notariuslar hamda adliya organlarining xodimlari orasidan besh nafardan to‘qqiz nafar kishigacha bo‘lgan tarkibda uch yil muddatga toq miqdorda tuziladi.

7. Hududiy komissiya raisining taqdimnomasiga ko‘ra, hududiy adliya organi birinchi rahbarining buyrug‘i bilan komissiya tarkibi o‘zgartirilishi yoki qayta tasdiqlanishi mumkin.

8. Hududiy adliya organi birinchi rahbarining notariat sohasiga rahbarlik qiluvchi o‘rinbosari qoida tariqasida hududiy komissiya raisi hisoblanadi.

Hududiy adliya organi notariat, advokatura va mediatsiya bo‘limining (sho‘basining) notariat sohasi bo‘yicha mas’ul xodimi hududiy komissiya kotibi etib tayinlanadi.

9. Hududiy komissiya talabgorlar tomonidan taqdim etilgan hujjatlar yuzasidan qarorlar qabul qilishda mustaqil hisoblanadi va uning faoliyatiga aralashishga yo‘l qo‘yilmaydi.

10. Hududiy komissiya o‘z faoliyatini mazkur Nizom hamda boshqa qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiradi.

11. Ro‘yxatdagi notarial okruglarga suhbat o‘tkazish uchun Vazirlik tomonidan quyidagi holatlarda “Inson va qonun” gazetasida va vazirlikning rasmiy veb-saytida e’lon beriladi:

yagona tanlovda ishtirok etish uchun birorta ham talabgor bo‘lmasa;

yagona tanlovdan birorta ham talabgor muvaffaqiyatli o‘ta olmagan taqdirda.

Suhbat o‘tkazish to‘g‘risidagi e’lon qo‘shimcha ravishda boshqa ommaviy axborot vositalarida hamda hududiy adliya organlari ijtimoiy tarmoqlaridagi sahifalarida ham berilishi mumkin.

12. Suhbat o‘tkazish to‘g‘risidagi e’londa quyidagilar ko‘rsatilishi lozim:

notarius lavozimiga suhbat o‘tkazilayotgan davlat notarial idorasining nomi;

suhbatda ishtirok etuvchilarga qo‘yiladigan talablar;

suhbatda ishtirok etish uchun taqdim etiladigan hujjatlar va ularni taqdim etishning oxirgi sanasi. Bunda, hujjatlarni taqdim etish muddati e’lon berilgandan boshlab kamida 15 kun etib belgilanadi;

bog‘lanish uchun telefon raqami va elektron pochta manzili;

suhbat o‘tkaziladigan joy.

13. Suhbatda yigirma besh yoshdan kichik bo‘lmagan va oltmish besh yoshdan katta bo‘lmagan, oliy yuridik ma’lumotga, yuridik mutaxassislik bo‘yicha kamida uch yillik ish stajiga ega bo‘lgan, shu jumladan notarial idorada kamida bir yil stajirovka o‘tagan O‘zbekiston Respublikasi fuqarosi ishtirok etishi mumkin. Bunda, sudyalik lavozimida kamida besh yil ishlagan yoki notarius yordamchisi yoxud adliya organlarining notarial faoliyatga rahbarlik qilish va ushbu faoliyatni nazorat qilish bilan bog‘liq lavozimlarida kamida uch yil ishlagan shaxslar uchun stajirovkadan o‘tish talab qilinmaydi.

Surishtiruvchi, tergovchi, prokuror, adliya organlarining ishi notariat faoliyati bilan bog‘liq bo‘lmagan boshqaruv xodimi yoki advokat sifatida kamida uch yil ishlagan shaxslar, agar ularning vakolatlari tugatilgan paytdan e’tiboran besh yil o‘tmagan bo‘lsa, olti oy muddat stajirovka o‘taydi.

Quyidagilar tanlovda ishtirok etishi mumkin emas:

muomalaga layoqatsiz yoki muomala layoqati cheklangan deb topilgan shaxs;

qasddan sodir etgan jinoyati uchun sudlanganlik holati tugallanmagan yoki sudlanganligi olib tashlanmagan shaxs;

notarius, advokat, tergovchi, surishtiruvchi, prokuror, sudya yoki huquqni muhofaza qiluvchi organlarning boshqa xodimi sifatidagi vakolatlari o‘z kasbiy faoliyatiga mos kelmaydigan qilmishlar sodir etganligi uchun tugatilgan shaxs – uch yil mobaynida.

14. Suhbatda ishtirok etish uchun talabgorlar e’longa asosan hududiy adliya organlariga quyidagi hujjatlarni elektron yoki yozma shaklda taqdim etgan holda murojaat qiladi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shaklda ariza;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq to‘ldirilgan so‘rovnoma;

Notariuslikka talabgorlar uchun Adliya vazirligi huzuridagi Yuridik kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutida majburiy o‘quv kurslarini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3721, 2025-yil 9-dekabr) muvofiq berilgan sertifikat.

Talabgor muqaddam notarius, advokat, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror, sudya yoki huquqni muhofaza qiluvchi organlarning boshqa xodimi sifatida ishlagan bo‘lsa,

uning ushbu lavozimlarda o‘z kasbiy faoliyatiga mos kelmaydigan qilmishlar sodir etmaganligini aniqlash maqsadida tegishli tashkilotlardan ma’lumotlar olinishi mumkin.

Talabgordan mazkur Nizomda nazarda tutilmagan hujjatlarni taqdim etilishini talab qilishga yo‘l qo‘yilmaydi.

15. Talabgorning murojaati kelib tushgan kundan boshlab hududiy komissiya tomonidan 15 kun ichida ko‘rib chiqiladi.

Kelib tushgan murojaatlar bo‘yicha ish hujjatlarini yuritilishiga hududiy komissiyaning kotibi mas’ul hisoblanadi.

16. Talabgor tomonidan taqdim qilingan hujjatlari mazkur Nizomning 14-bandida nazarda tutilgan talablarga muvofiq bo‘lmaganda hududiy komissiya tomonidan kamchiliklarni bartaf etish uchun qaytarib yuboradi.

Talabgorning hujjatlarini boshqa asoslarga ko‘ra qaytarib yuborishga yo‘l qo‘yilmaydi.

17. Mazkur Nizomning 16-bandida ko‘rsatib o‘tilgan asos mavjud bo‘lganda hududiy komissiyaning kotibi tomonidan murojaat kelib tushgan kundan boshlab uch ish kuni ichida talabgorning arizasida ko‘rsatilgan elektron pochta yoki yashash manzili bo‘yicha mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq shaklda xabarnoma yuboriladi.

18. Hujjatlari qaytarib yuborilgan talabgor hujjatlarni qaytarib yuborishga asos bo‘lgan kamchiliklarni bartaraf etgandan keyin, mazkur e’lon bo‘yicha hujjatlarni taqdim etishning oxirgi sanasi o‘tguniga qadar hujjatlarini qayta topshirishi mumkin.

Hujjatlarni qayta topshirmagan talabgor hujjat topshirmagan deb hisoblanadi, bundan qayta topshirmaganlik sababi uzrli deb topilgan holatlar mustasno.

19. Hududiy komissiya tomonidan o‘rganish natijalariga ko‘ra, talabgorning hujjatlari mazkur Nizomning 14-bandida nazarda tutilgan talablarga muvofiq deb topilgan taqdirda, talabgorning hujjatlarini komissiyaga taqdim etilishi yuzasidan xulosa hududiy komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

20. Xulosa tasdiqlangandan so‘ng, bir ish kuni ichida hududiy komissiya kotibi tomonidan talabgorlarning hujjatlari va xulosa komissiyaga yuboriladi hamda bu haqda talabgorlarning elektron pochta yoki yashash manzili bo‘yicha xabarnoma yuboriladi.

21. Hududiy komissiyaning faoliyatidan norozi bo‘lgan talabgorlar xabarnoma olgan kundan boshlab 10 kun muddat ichida komissiyaga shikoyat qilishi mumkin.

Bunda, talabgor shikoyat arizasi bilan birgalikda mazkur Nizomning 14-bandida nazarda tutilgan hujjatlarni komissiyaga taqdim etadi.

22. Talabgorning Vazirlikka kelib tushgan hujjatlari ishchi organ tomonidan hududiy komissiyaning tegishli xulosasi kelib tushgan kundan boshlab 20 ish kuni ichida o‘rganib chiqiladi.

Talabgorning suhbatda ishtirok etishini rad etishga asoslar mavjud bo‘lsa, ishchi organ tomonidan bu haqda xulosa tuziladi. Mazkur xulosa komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

23. Quyidagi asoslarga ko‘ra talabgorning suhbatda ishtirok etishi rad etiladi:

talabgor mazkur Nizomning 13-bandi talablariga javob bermaganda;

hujjatlarda yolg‘on yoki noto‘g‘ri ma’lumotlar aniqlanganda;

Talabgorning boshqa asoslarga ko‘ra suhbatda ishtirok etishini rad etishga yo‘l qo‘yilmaydi.

24. Talabgorlarning hujjatlarini o‘rganish natijalariga ko‘ra, ishchi organ tomonidan tegishli ravishda suhbat o‘tkazish to‘g‘risida yoki suhbat o‘tkazishga qayta e’lon berish to‘g‘risida xulosa tuziladi va u komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

Suhbat o‘tkazish to‘g‘risidagi xulosada suhbat o‘tkaziladigan sana ko‘rsatiladi.

25. Quyidagi hollarda ishchi organ tomonidan suhbat o‘tkazishga qayta e’lon berish to‘g‘risida xulosa tuziladi:

suhbatda ishtirok etish uchun birorta ham talabgor bo‘lmasa;

suhbatda ishtirok etish uchun taqdim etilgan hujjatlarni ko‘rib chiqish natijalariga ko‘ra barcha talabgorlarning suhbatda ishtirok etishi rad etilgan bo‘lsa.

Suhbat o‘tkazishga qayta e’lon tegishli xulosa komissiya raisi tomonidan tasdiqlangan kundan boshlab yetti ish kuni ichida berilishi lozim.

Suhbatdan birorta ham talabgor muvaffaqiyatli o‘ta olmagan taqdirda suhbat o‘tkazishga qayta e’lon berish komissiya qarorida ko‘rsatilgan muddatda amalga oshiriladi.

26. Suhbatda ishtirok etishi rad etilgan har bir talabgorga komissiya raisining tegishli xulosasi tasdiqlanganidan keyin bir ish kuni ichida komissiya mas’ul kotibi tomonidan arizada ko‘rsatilgan elektron pochta yoki yashash manzili bo‘yicha mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq shaklda xabarnoma yuboriladi.

27. Suhbatni o‘tkazish bo‘yicha tegishli xulosa tasdiqlangan kundan boshlab bir haftadan so‘ng, lekin o‘n besh kundan kechiktirmay o‘tkaziladi.

Suhbat o‘tkaziladigan kun, vaqt va joy haqida u o‘tkaziladigan kundan kamida bir hafta oldin suhbat bo‘yicha talabgorga uning arizasida ko‘rsatilgan elektron pochta yoki yashash manzili bo‘yicha mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq shakldagi xabarnoma yuboriladi hamda Vazirlikning rasmiy veb-saytida e’lon qilinadi.

3-bob. Suhbat o‘tkazish tartibi

28. Komissiyaning bitta majlisida bir nechta talabgorlar ishtirok etishi mumkin.

Talabgorlar suhbatga shaxsini tasdiqlovchi hujjatini ko‘rsatgan holda qo‘yiladi.

Komissiyaning bitta majlisida yagona tanlov yoki suhbat o‘tkazilganda talabgorlar yagona tanlov yoki suhbatga navbat bo‘yicha kiritiladi.

29. Suhbat komissiya raisi va komissiya a’zolari tomonidan talabgorga notariat sohasidagi nazariy va amaliy bilimlarini aniqlash maqsadida savollar berish tarzida o‘tkaziladi.

30. Suhbat bo‘yicha talabgor komissiyaning bitta majlisi davomida faqat bitta notarial okrug uchun suhbatda ishtirok etishi mumkin.

31. Suhbatni o‘tkazish jarayonida talabgorlarga quyidagilar taqiqlanadi:

aloqa va telekommunikatsiya vositalari (telefon, kompyuter, planshet va boshqalar), kitob hamda shpargalkalardan foydalanish;

boshqa talabgorlar bilan suhbatlashish;

suhbat tugamasdan xonadan tashqariga chiqish.

Talabgor mazkur bandning ikkinchi–to‘rtinchi xatboshilaridagi talablarga amal qilmasligi uni suhbatda qatnashishdan chetlashtirish uchun asos bo‘ladi. Ushbu holatda mas’ul kotib tomonidan mazkur Nizomning 6-ilovasiga muvofiq shakldagi dalolatnoma rasmiylashtiriladi va komissiya a’zolarining kamida uch nafari tomonidan imzolanadi.

32. Talabgor savollarga javob berib bo‘lganidan so‘ng xonadan chiqishiga ruxsat beriladi.

33. Suhbat yakuni bo‘yicha talabgor suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan yoki muvaffaqiyatli o‘tmaganligi komissiya a’zolarining umumiy ovoziga ko‘ra aniqlanadi.

Suhbatda komissiya a’zolari talabgorlarni berilgan savollarga to‘liq va aniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bog‘liq tizimli bilimlarga ega bo‘lishi, ulardan o‘z kasb faoliyatida mustaqil foydalanishni bilishi, ijtimoiy muammolar va jarayonlarni mustaqil tahlil qila olishiga qarab baholaydi.

Ovoz berish natijasiga ko‘ra komissiya a’zolarining uchdan ikki qismi yoki undan ko‘pi talabgorni muvaffaqiyatli o‘tgan deb hisoblagan taqdirda u suhbatdan o‘tgan deb topiladi.

Komissiya a’zolarining uchdan ikki qismidan kam ovoz olgan talabgor suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tmagan deb topiladi.

Ro‘yxatdagi bitta notarial okrug uchun o‘tkazilgan suhbatda ikki yoki undan ortiq talabgor ishtirok etgan holda komissiya a’zolari ovozining eng ko‘p qismiga ega bo‘lgan talabgor suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan deb topiladi. Komissiya a’zolari ovozlari teng bo‘lib qolsa, komissiya raisining ovozi hal qiluvchi bo‘lib hisoblanadi.

So‘nggi olti oy davomida suhbatda ketma-ket ikki marta muvaffaqiyatli o‘tolmagan talabgor uni takroran topshirishga keyingi suhbat o‘tkazilgan kundan boshlab kamida olti oydan keyin yo‘l qo‘yiladi.

34. Suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tmagan va komissiya a’zolarining yetarli ovoziga ega bo‘lmagan talabgorlarga ularning roziligi bilan komissiyaning ushbu majlisi davomida suhbat o‘tkazilgan, biroq undan muvaffaqiyatli o‘tmagan, shuningdek mazkur Nizomda belgilangan tartibda ikki marta e’lon berilgan, lekin ushbu bo‘sh o‘ringa birorta ham talabgor suhbatda ishtirok etmagan boshqa bo‘sh notarius o‘rnida ishlash taklif etilishi mumkin.

35. Suhbat yakunlari bo‘yicha komissiya qaror qabul qiladi.

Qarorda quyidagilar ko‘rsatiladi:

raqami va qabul qilingan sanasi;

ishtirok etgan komissiya a’zolari ro‘yxati;

suhbat natijalari;

suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan deb topilgan, shuningdek suhbatdan muvaffaqiyatli o‘ta olmagan talabgorlar ro‘yxati;

suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan deb topilgan talabgorlar tomonidan qasamyod qabul qilinganligi;

komissiya qarori ustidan shikoyat qilish tartibi.

Komissiya qarori rais tomonidan tasdiqlanadi.

36. Talabgorlarga komissiyaning ovoz berish natijalari hamda komissiya qarori suhbat o‘tkazilgan kunning o‘zida talabgorlarga o‘qib eshittiriladi.

37. Suhbat natijasiga ko‘ra bir nusxada komissiya qarori tuziladi.

Suhbatdan so‘ng uch ish kuni ichida suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan talabgorni davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash to‘g‘risida Adliya vazirining buyrug‘i chiqariladi.

Buyruq imzolangandan so‘ng bir ish kuni ichida buyruq va qarordan ko‘chirma suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan talabgor bilan mehnat shartnomasi tuzish uchun hududiy adliya organiga yuboriladi.

4-bob. Talabgordan notarius qasamyodini qabul qilish

38. Suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan deb topilgan talabgor komissiya majlisida O‘zbekiston Respublikasi “Notariat to‘g‘risida”gi Qonunining 3-moddasiga asosan quyidagi mazmunda qasamyod qabul qiladi:

“Notarius vazifasini halol va vijdonan bajarishga, O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlariga qat’iy rioya etishga tantanali qasamyod qilaman”.

39. Talabgor notarius qasamyodi matnini ovoz chiqarib o‘qiydi va talabgor to‘g‘risidagi ma’lumotlar, qasamyod qabul qilingan sana va joy bayon etilgan tegishli hujjatni imzolaydi.

Mazkur hujjat ham komissiya qaroriga ilova qilinadi.

40. Suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan deb topilgan talabgorning notarius qasamyodini qabul qilishdan bosh tortishi uning notarius lavozimiga tayinlanishdan voz kechishi deb hisoblanadi.

5-bob. Davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash

41. Suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan talabgor bilan mehnat shartnomasini tuzish va uni davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlashga Adliya vazirining buyrug‘iga asosan hududiy adliya organi mas’ul hisoblanadi.

Suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan talabgor bilan mehnat shartnomasini tuzish va uni davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash haqidagi hududiy adliya organi buyrug‘i Adliya vazirining buyrug‘i va komissiya qaroridan ko‘chirma olingan kundan boshlab besh kundan kechiktirmay chiqariladi.

42. Davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlangan, biroq oxirgi uch yilda notarius, notarius yordamchisi, notarius stajyori yoki notarius kotibi lavozimida ishlamagan shaxslar O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan tasdiqlanadigan dastur bo‘yicha bir oylik amaliyotni o‘taydilar.

Amaliyot o‘tash davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash to‘g‘risidagi buyruqda nazarda tutiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Notarial palatasining tegishli hududiy boshqarmasi hamda tegishli hududiy adliya organining kelishuviga asosan soha bo‘yicha yetarli tajriba va ko‘nikmalarga ega bo‘lgan hamda notarius lavozimida kamida uch yil ishlayotgan notarius amaliyot murabbiyi etib belgilanadi.

43. Ro‘yxatdagi notarial okruglarda kamida uch yil davomida notariuslik faoliyatini amalga oshirgan notarius o‘z xohishiga ko‘ra respublikaning istalgan boshqa hududida xususiy amaliyot bilan shug‘ullanuvchi notarius sifatida faoliyatini davom ettirish uchun komissiyaga ariza topshirishi mumkin.

44. Ariza komissiyaning navbatdagi majlisida ko‘rib chiqiladi.

Notarius tomonidan arizada ko‘rsatilgan notarial okrugdagi notariuslar soni belgilangan eng ko‘p miqdorga teng bo‘lgan taqdirda, komissiya tomonidan ariza bergan notariusga xususiy amaliyot bilan shug‘ullanuvchi notarius lavozimi bo‘sh bo‘lgan boshqa notarial okruglar ro‘yxati taqdim etiladi.

Bunda, taqdim etilgan ro‘yxatdagi notarial okruglardan biri notarius tomonidan tanlanadi va komissiya tomonidan ushbu notarius tomonidan tanlangan notarial okrugda xususiy amaliyot bilan shug‘ullanishi faoliyatini yuritishi mumkinligi yuzasidan qaror qabul qilinadi.

45. Notariusga komissiya qaroridan ko‘chirma bir ish kuni ichida yuboriladi.

46. Notarius qarordan ko‘chirmani olgandan so‘ng xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini beruvchi litsenziya olish uchun Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-iyuldagi 369-son qarori bilan tasdiqlangan Xususiy notarial faoliyatni litsenziyalash tartibi to‘g‘risida nizomda belgilangan tartibda litsenziyalovchi organga ariza bilan murojaat qiladi.

6-bob. Suhbatda ishtirok etishdan yoxud davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlanishdan voz kechish

47. Talabgor suhbatning har qanday bosqichida, shuningdek davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash to‘g‘risidagi buyruq qabul qilingunga qadar voz kechishga haqli. Buning uchun talabgor bevosita Vazirlikka yoki tegishli hududiy adliya organiga ariza bilan murojaat etishi lozim.

Agar suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan deb topilgan talabgor suhbat o‘tkazilgan kundan boshlab besh kun ichida tegishli hududiy adliya organiga mehnat shartnomasini tuzish va davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlanish uchun murojaat qilmasa, bu holat davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlanishdan voz kechish deb hisoblanadi, kelmaganlik sababi uzrli deb topilgan hollar bundan mustasno.

48. Agar suhbatdan muvaffaqiyatli o‘tgan deb topilgan talabgor notarius lavozimiga tayinlash to‘g‘risidagi buyruq qabul qilingunga qadar notarius lavozimiga tayinlanishdan voz kechsa, suhbatda mazkur talabgordan so‘ng eng ko‘p ovoz olgan talabgor komissiya qarori asosida notarius lavozimiga tayinlanadi.

7-bob. Suhbat bo‘yicha hujjatlarni yuritish

49. O‘tkazilgan har bir suhbat bo‘yicha materiallar, shu jumladan suhbat o‘tkazish jarayoni qayd etilgan audio va videoyozuvlar elektron shaklda saqlanadi.

50. Suhbatni o‘tkazish bilan bog‘liq bo‘lgan barcha hujjatlar har bir suhbat bo‘yicha elektron shaklda O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligida doimiy saqlanadi.

8-bob. Yakuniy qoidalar

51. Komissiya qarorlari ustidan sudga shikoyat qilinishi mumkin.

52. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Qoraqalpog‘iston Respublikasi Adliya vazirligi,
viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalari
huzuridagi hududiy komissiyasiga
_____
_____
(talabgorning yashash manzili va F.I.O.)

ARIZA

Menga “Inson va qonun” gazetasi (Adliya vazirligining rasmiy veb-sayti)ning 20___ yil “____” _____ da berilgan e’loniga muvofiq _____ notariusi lavozimiga tayinlash bo‘yicha_____
(davlat notarial idorasining nomi)

suhbatda ishtirok etishga ruxsat berishingizni so‘rayman.
Avval notarius lavozimiga tayinlash bo‘yicha suhbatda (tanlov yoki malaka imtihonida)
20____ yil “_____” _____ da
(suhbatda, tanlov yoki malaka imtihonida ishtirok etganda ko‘rsatiladi)

ishtirok _____
(etmaganman yoki etganman)

Telefon raqamim: _____
Elektron pochta manzilim: _____
Pasport (identifikatsiya ID-karta) ma’lumotlarim:

_____ _____ _____
(seriyasi) *(raqami)* *(JSHSHIR)*

_____ _____
(sana) *(imzo)*

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

So‘rovnoma

1. Familiyasi: _____
Ismi: _____
Otasining ismi: _____

rasm

2. Tug‘ilgan sanasi: _____yil “_____” _____.

3. Ma’lumoti: _____ Tamomlagan: _____
(sana)

_____
(oliy ta’lim tashkiloti nomi)

Diplom bo‘yicha mutaxassisligi: _____

Ilmiy darajasi, ilmiy unvoni (agar mavjud bo‘lsa): _____

4. Mehnat daftarchasidan ish staji haqida ma’lumotlar:

T/r	Ishga kirish sanasi	Ishdan ketish sanasi	Ish joyi va lavozimi
1.			
2.			
...			

5. O‘ziga nisbatan muomala layoqatini cheklash yoki muomalaga layoqatsiz deb topish to‘g‘risida sudning qarori mavjudligi: _____

6. Sudlanganlik holati: _____

7. So‘rovnomadagi ma’lumotlarning haqiqiyligi va to‘g‘riligini tasdiqlayman.

So‘rovnoma to‘ldirilgan sana: 20____yil “_____” _____.

Shaxsiy imzo _____

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

20___ yil “____” _____ _____-son

Talabgor_____ga
(F.I.O)

_____

_____
(yashash joyi)

XABARNOMA

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan _____
_____ notarius
(notarius lavozimiga suhbat o‘tkazilayotgan davlat notarial idorasining nomi)
lavozimiga o‘tkaziladigan suhbatda ishtirok etish uchun taqdim etgan hujjatlaringiz ko‘rib chiqildi.

_____
(hujjatlarni qaytarib yuborish asoslarini ko‘rsatgan holda sanab o‘tiladi)

sababli Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 17-bandiga muvofiq Sizning hujjatlaringiz qaytarib yuborilmoqda.

Mazkur Nizomning 18-bandiga muvofiq ushbu suhbat uchun berilgan e’lon bo‘yicha hujjatlarni taqdim etishning oxirgi sanasi o‘tguniga qadar hujjatlaringizni qayta topshirishingiz mumkin.

Hududiy komissiya kotibi _____ _____
(imzo) *(F.I.O)*

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

20___ yil “____” _____ _____-son

Talabgor_____ga
(F.I.O)

_____

_____
(yashash joyi)

XABARNOMA

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan _____ _____
_____ notarius
(notarius lavozimiga suhbat o‘tkazilayotgan davlat notarial idorasining nomi)
lavozimiga o‘tkaziladigan suhbatda ishtirok etish uchun taqdim etgan hujjatlaringiz ko‘rib chiqildi.

_____
(suhbatda ishtirok etishni rad etish sabablari)

sababli Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 26-bandiga muvofiq Sizning suhbatda ishtirok etishingiz rad etildi.

Komissiya mas’ul kotibi _____ _____
(imzo) *(F.I.O)*

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga
5-ILOVA

20___ yil “____” _____ _____-son

Talabgor_____ga
(F.I.O)

_____

_____
(yashash joyi)

XABARNOMA

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan _____
_____ notarius
(notarius lavozimiga suhbat o‘tkazilayotgan davlat notarial idorasining nomi)
lavozimiga o‘tkaziladigan suhbatda ishtirok etish uchun taqdim etgan hujjatlaringiz ko‘rib chiqildi va Siz suhbatda ishtirok etishingiz mumkin.

Suhbat 20____ yil “_____” _____ kuni soat ___:___ da O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi binosida o‘tkaziladi.

Komissiya mas’ul kotibi _____ _____
(imzo) *(F.I.O)*

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori
bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda
davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga
talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi
tomonidan suhbat asosida tayinlash
tartibi to‘g‘risidagi nizomga
6-ILOVA

Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash bo‘yicha suhbatdan chetlashtirish haqida
DALOLATNOMA

Toshkent shahri 20__ yil “_____” _____

Biz, quyida imzo chekuvchilar shuni tasdiqlaymizki, Olis (chekka) va notarius lavozimiga talab yuqori bo‘lmagan hudud (notarial okrug)larda davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga talabgorlarni Oliy malaka komissiyasi tomonidan suhbat asosida tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 31-bandi talablariga asosan talabgor _____ quyidagi sabablarga ko‘ra
(F.I.O)

suhbatdan soat _____:_____ da chetlatildi:

☐ uyali telefon, boshqa aloqa va telekommunikatsiya vositalari, kitob hamda shpargalkalardan foydalandi;

☐ boshqa talabgorlar bilan suhbatlashdi;

☐ suhbat tugamasidan xonadan tashqariga chiqdi.

Komissiya a’zosi _____ _____
(imzo) *(F.I.O)*

Komissiya a’zosi _____ _____
(imzo) *(F.I.O)*

Komissiya a’zosi _____ _____
(imzo) *(F.I.O)*

QMMB: 10/26/3757/0058-son
20.01.2026-y

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3757
2026 - yil 19 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

Notariuslar tomonidan ijro xatlarini yozish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Notariat to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi va 2025-yil 9-sentabrdagi PQ–280-son “Notariat institutini yanada rivojlantirish hamda sohaga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. Notariuslar tomonidan ijro xatlarini yozish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Notarial palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq 2026-yil 1-martdan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
13-Yanvar 2026-yil
2-mh son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

Kelishildi:

Rais

25-Dekabr 2025-yil

ASHUROV DILSHOD
RUSTAMOVICH

QMMB: 10/26/3757/0058-son
20.01.2026-y

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining
2026-yil 13-yanvardagi 34-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Notariuslar tomonidan ijro xatlarini yozish tartibi to‘g‘risidagi
NIZOM

Ushbu Nizom notariuslar tomonidan ijro xatlarini yozish va uni bekor qilish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Notarius tomonidan ijro xati notarial idora binosida, videokonferensaloqa orqali, elektron shaklda yoki murojaat qiluvchilarning xohishiga koʻra notarial idora binosidan tashqarida (sayyor tartibda) yoziladi.

Ijro xati videokonferensaloqa orqali yozilganda, uning tasdiqlovchi yozuvida bu haqida koʻrsatiladi hamda yozish jarayoni notarius tomonidan majburiy audio va videoda qayd etiladi.

Ijro xati sayyor tartibda yozilganda, uning tasdiqlovchi yozuvida u yozilgan joyning manzili koʻrsatiladi va yozish hamda imzolash jarayoni notarius tomonidan majburiy audio va videoda qayd etiladi.

Ijro xati notarius tomonidan faqat yuridik shaxslar foydasiga qarzdorlikni undirishni nazarda tutuvchi hujjatlar bo‘yicha elektron shaklda yozilishi mumkin. Bunda, ijro xatini yozish va tasdiqlash jarayonida murojaat qiluvchi ishtirok etishi talab etilmaydi.

Ijro xatini yozish jarayonining audio va videoda qayd etilishi talab etiladigan hollarda notarius va notarial harakatni amalga oshirishda ishtirok etuvchi shaxs tasvirga toʻliq tushirilishi shart.

Bunda notarius tomonidan qanday turdagi notarial harakat amalga oshirilayotganligi, notarial harakat mazmuni va ahamiyati notarius tomonidan ovoz chiqarib tarafga tushuntirib berilishi, hujjat matni murojaat qiluvchiga toʻliq tanishtirilishi, uning asl maqsadiga muvofiqligi tasdiqlanishi hamda toʻliq audio va videoda qayd etilishi lozim.

Agar ijro xati notarial idora binosida yoki sayyor tartibda yozilsa, murojaat qiluvchining barmoq izlari “Notarius” avtomatlashtirilgan axborot tizimida (bundan buyon matnda Tizim deb yuritiladi) skaner qilinadi. Bunda murojaat etuvchining jismoniy nuqsoni (barmoqlarning yoʻqligi, barmoq izlari yoʻqolganligi va boshqa) sababli maxsus moslamalarda ularning barmoq izlarini skaner qilish imkoniyati mavjud boʻlmasa, Face-ID bilan tasdiqlanadi.

Agar ijro xati videokonferensaloqa orqali yoki elektron shaklda yozilsa, ijro xati murojaat qiluvchi tomonidan Face-ID bilan tasdiqlanadi.

2. Oʻzbekiston Respublikasining “Notariat toʻgʻrisida”gi Qonuniga (bundan buyon matnda Qonun deb yuritiladi) asosan Oʻzbekiston Respublikasida notarial harakatlar davlat tilida amalga oshiriladi.

Rasmiylashtiriladigan hujjat matni fuqaroning talabiga binoan notarius tomonidan rus tilida yoki imkon boʻlsa, boshqa maqbul tilda beriladi.

3. Agar ijro xati taraf tushunmagan yoki yaxshi bilmagan tilda bajarilsa, unda hujjat matni notarius yoki taraf taklif etgan tarjimon tomonidan ogʻzaki tarjima qilinishi mumkin. Bu haqida hujjat matnida va tasdiqlovchi yozuvida kim tomonidan tarjima qilinganligi, shaxsini tasdiqlaydigan hujjatning nomi, uning raqami, berilgan sanasi va shu hujjatni bergan organning nomi hamda matn mazmuni tushuntirilganligi koʻrsatilishi kerak.

Tarjimon hujjat tarjimasini notoʻgʻri yoki yolgʻon tarjima qilganligi uchun qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgarlikka tortilishi haqida notarius tomonidan ogohlantiriladi va bu haqda hujjat matnida koʻrsatiladi.

4. Murojaat qiluvchi notarial xizmatdan foydalanishdan uni koʻrsatishning har qanday bosqichida bosh tortish huquqiga ega. Murojaat qiluvchi notarial xizmatdan foydalanishdan bosh tortgan taqdirda, uning murojaati koʻrmasdan qoldiriladi. Bunda, ijro xatini yozish uchun toʻlangan toʻlovlar qaytariladi.

5. Murojaat qiluvchi ijro xatini yozish va bekor qilish uchun o‘zi tomonidan taqdim etilgan hujjatlarning to‘liqligi, to‘g‘riligi va haqqoniyligi uchun shaxsan javobgar hisoblanadi.

QMMB: 10/26/3757/0058-son
20.01.2026-y

6. Notarius va uning xodimlari hamda amalga oshirilayotgan notarial harakatlar toʻgʻrisida oʻz xizmat vazifalarini bajarishi munosabati bilan xabardor boʻlib qolgan shaxslar oʻz faoliyatini amalga oshirishi natijasida olingan maʼlumotlarning maxfiy saqlanishini taʼminlashi kerak.

2-bob. Murojaat qilish tartibi

7. Murojaat qiluvchi ijro xatini yozish uchun notarial idoraga oʻzi kelib murojaat qiladi yoki notarius xizmatidan elektron tarzda foydalanish uchun Oʻzbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali yoxud “E-notarius.uz” axborot portali orqali (bundan buyon matnda elektron tarmoq deb yuritiladi) roʻyxatdan oʻtadi.

8. Notarius Tizim orqali kelib tushgan murojaatlarni bir ish kuni ichida koʻrib chiqishi yoki murojaat qiluvchini qabul qilishi shart.

9. Murojaat qiluvchi elektron tarmoq orqali notarius qabuliga navbatga yozilishni, shuningdek ijro xatini yozish uchun zarur boʻlgan maʼlumotlarni joʻnatgan holda tegishli ijro xati loyihasining oldindan tayyorlab qoʻyilishini soʻrab murojaat qilishi mumkin.

10. Murojaat qiluvchi(lar)ning elektron tarmoq orqali notarius qabuliga yozilish boʻyicha yoʻllagan murojaat(lar)i Tizimda avtomatik tarzda qayd qilinadi.

11. Murojaat qiluvchi(lar) elektron tarmoq orqali ijro xatini yozish uchun zarur boʻlgan maʼlumotlarni oldindan joʻnatgan holda, tegishli hujjatlarning tayyorlab qoʻyilishi boʻyicha yoʻllagan murojaatlari ularning elektron raqamli imzosi yoki Face-ID bilan tasdiqlanadi.

Ijro xati loyihasi murojaat qiluvchi va notarius tomonidan kelishilgan vaqtda oldindan tayyorlab qoʻyiladi.

12. Murojaat qiluvchi ijro xatini yozish uchun notariusga nizosiz talablar boʻyicha mazkur Nizomning ilovasida koʻrsatilgan tegishli hujjatlarni taqdim etadi.

3-bob. Murojaat qiluvchini qabul qilish, uning shaxsini, muomala va huquq layoqatini aniqlash tartibi

QMMB: 10/26/3757/0058-son
20.01.2026-y

13. Murojaat qiluvchi notarial idoraga bevosita oʻzi kelganda uni notarius yordamchisi, notarius yordamchisi mavjud boʻlmaganda kotib yoki notarius stajyori yoxud notarius qabul qiladi va uning maqsadiga aniqlik kiritadi.

Bunda notarius yordamchisi (kotib yoki notarius stajyori) murojaat qiluvchini notarius qabuliga elektron navbatga yozib qoʻyishi va bu haqda notariusni xabardor qilishi yoki bevosita notarius qabuliga yoʻnaltirishi mumkin, bundan notarius qabuliga navbatga yozilgan murojaat qiluvchi mavjud boʻlmagan hollar mustasno.

14. Notarius murojaat qiluvchining shaxsini aniqlaydi.

Murojaat qiluvchining shaxsi quyidagi hujjatlarga asosan aniqlanadi:

Oʻzbekiston Respublikasi fuqarolari – Oʻzbekiston Respublikasi fuqarosining pasporti, haydovchilik guvohnomasi, ID-kartasi;

harbiy xizmatchilar – harbiy qismlar va harbiy muassasalar qoʻmondonligi tomonidan beriladigan shaxsiy guvohnomalar yoki harbiy biletlar yoxud ID-kartalar (harbiy xizmatga majbur fuqarolarning harbiy bileti bundan mustasno);

chet el fuqarolari – ularning milliy pasporti (qonunchilik hujjatlariga muvofiq chet el fuqarolari tegishli ichki ishlar organlari tomonidan roʻyxatga olinishi lozim) yoki Oʻzbekiston Respublikasida yashash guvohnomasi, ID-kartasi yoxud diplomatik pasporti yoki Oʻzbekiston Respublikasida akkreditatsiya qilinganligini tasdiqlovchi akkreditatsiya kartochkasi;

xorijdagi doimiy yashovchi va konsullik roʻyxatida turgan Oʻzbekiston Respublikasi fuqarolari – Oʻzbekiston Respublikasi fuqarosining xorijga chiqish biometrik pasporti;

fuqaroligi boʻlmagan shaxslar – Oʻzbekiston Respublikasida yashash guvohnomasi yoki ID-karta.

Oʻzbekiston Respublikasi fuqarolari uchun shaxsini tasdiqlovchi hujjatlarning aslini taqdim etish talab etilmaydi. Bunda murojaat qiluvchining shaxsi uning shaxsini tasdiqlovchi hujjat rekvizitlari orqali zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda identifikatsiya qilinadi hamda biometrik maʼlumotlar (barmoq izi va Face-ID) orqali verifikatsiya qilinadi yoki Oʻzbekiston

Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va (yoki) “Ijtimoiy karta” mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shakli asosida tasdiqlanadi.

15. Notarius murojaat qiluvchining muomala layoqatini u bilan shaxsiy muloqot davomida aniqlaydi.

16. Notariusda murojaat qiluvchining ruhiy holati buzilganligi yoki aqli zaifligi oqibatida oʻz xatti-harakatlarining ahamiyatini tushuna olmaydi yoki shu harakatlarni boshqara olmaydi deb yoxud spirtli ichimliklarni yoki giyohvandlik va psixotrop moddalarni isteʼmol qilishi oqibatida oʻz oilasini ogʻir moddiy ahvolga solib qoʻyadi deb hisoblash uchun asos boʻlsa (shubha tugʻdirsa), ammo shu shaxsning muomalaga layoqatsiz yoki muomala layoqati cheklanganligi toʻgʻrisida maʼlumotlar boʻlmasa, notarius notarial harakatni amalga oshirishni kechiktiradi va sudning shu shaxsni muomalaga layoqatsiz yoki muomala layoqati cheklangan deb topganligi toʻgʻrisidagi qarori mavjud yoki mavjud emasligini Tizim orqali tekshiradi.

17. Notarius ijro xatini yozishda ishtirok etuvchi shaxsning bosim yoki kuchli ruhiy hayajonlanish ostida deb hisoblash uchun asosi boʻlsa (shubha tugʻdirsa) notarial harakatni amalga oshirishni kechiktiradi va zarur hollarda huquqni muhofaza qiluvchi organlarga xabar beradi.

Agar mazkur shaxs sud tomonidan muomalaga layoqatsiz deb topilgan boʻlsa, notarius notarial harakatni amalga oshirishni rad etish haqida qaror chiqaradi. Notarius ushbu qarordan norozi tarafning sudga murojaat qilish huquqini tushuntirishi lozim.

Agar mazkur shaxs sud tomonidan muomala layoqati cheklangan deb topilgan boʻlsa, notarius notarial harakatni amalga oshirishda muomala layoqati cheklangan shaxs homiysining yozma roziligini talab etadi. Bunda homiyning roziligi alohida ariza taqdim etish koʻrinishida boʻladi.

18. Yuridik shaxslar ishtirokidagi ijro xatlarini yozishda notarius tomonidan ularning huquq layoqati tekshiriladi. Yuridik shaxslarning huquq layoqatini tekshirish paytida notarius yuridik shaxsning taʼsis hujjatlari bilan tanishib chiqishi, shuningdek u qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda davlat roʻyxatidan

oʻtkazilganligini hamda amalga oshirilayotgan notarial harakatlar ularning taʼsis hujjatlariga muvofiq yoki muvofiq emasligini Tizim orqali tekshirishi shart.

19. Ijro xati vakilning murojaatiga asosan rasmiylashtirilgan taqdirda, uning vakolati tekshiriladi.

Vakilning vakolati uning nomiga berilgan ishonchnoma va (yoki) vakolatini tasdiqlovchi boshqa hujjatlar (qaror, umumiy majlis bayonnomasi, kuzatuv kengashining qarori, buyruq va boshqalar) bilan tasdiqlanadi. Bunda, vakolat beruvchi jismoniy shaxs boʻlsa, uning oʻlim haqidagi dalolatnoma yozuvi qayd etilmaganligi Tizim orqali “FHDYning yagona elektron arxivi” axborot tizimida tekshiriladi va olingan maʼlumotnoma Tizimda saqlanadi.

Notarius taʼsis hujjati boʻyicha notarial harakatni amalga oshirish huquqiga ega boʻlgan yuridik shaxslarning rahbarlaridan notarial harakatlarni bajarish uchun ishonchnoma talab qilmaydi. Bunday hollarda ularning mansab mavqeyini tasdiqlovchi hujjat talab qilinadi.

Vakil tomonidan taqdim etilgan ishonchnoma shubha tugʻdirgan taqdirda, notarius uni tasdiqlagan mansabdor shaxs (tashkilot) orqali tegishli ravishda tekshirishi lozim. Notarial tasdiqlangan ishonchnomaning bekor boʻlgan yoki boʻlmaganligi haqidagi maʼlumot Tizim orqali tekshiriladi.

4-bob. Kar-soqovlik nuqsoni va koʻzi ojiz boʻlgan shaxslar ishtirokida ijro xatini yozish

20. Ijro xatini yozishni soʻrab kar-soqovlik nuqsoni (kar-soqov, kar, qulogʻi ogʻir, zaif eshituvchi), koʻzi ojiz (koʻr, zaif koʻruvchi) boʻlgan shaxs(lar) murojaat qilsa (elektron shaklda va videokonferensaloqa shaklida qilingan murojaatlar bundan mustasno) hamda u(lar) savodsiz boʻlsa, ijro xatini tasdiqlash paytida u(lar) bilan muomala qila oladigan va hujjatning mazmunini u(lar)ning xohish-irodasiga muvofiq ekanligini tasdiqlovchi surdo yoki tiflo tarjimon hozir boʻlishi shart.

Agarda notarius kar-soqovlik nuqsoni (kar-soqov, kar, qulogʻi ogʻir, zaif eshituvchi) boʻlgan fuqarolar bilan muloqot qila olsa va koʻzi ojiz (koʻr, zaif koʻruvchi) fuqaro uchun moʻljallangan moslama bilan ishlay olsa, unda surdo yoki tiflo tarjimonning ishtiroki talab etilmaydi. Bu holatda notarius oʻzi tomonidan

jismoniy nuqsoni mavjud boʻlgan fuqarolar bilan shaxsan muloqot qilganligi haqida hujjat matni va tasdiqlovchi yozuvida yozib qoʻyadi.

21. Notarius mazkur harakatlarni amalga oshirishda shaxsning surdo yoki tiflo tarjimonning imzosi haqiqiyligini shahodatlashni alohida notarial harakat sifatida roʻyxatga olmaydi.

Surdo tarjimonning vakolati unga Oʻzbekiston Karlar jamiyati tomonidan va tiflo tarjimonning vakolati unga Oʻzbekiston koʻzi ojizlar jamiyati tomonidan berilgan ishonchnoma va xizmat guvohnomasi orqali aniqlanadi.

22. Kar-soqovlik nuqsoni (kar-soqov, kar, qulogʻi ogʻir, zaif eshituvchi) boʻlgan hamda muomala layoqatiga ega boʻlgan savodli shaxs notarial harakatlarni amalga oshirishni soʻrab murojaat qilsa, hujjat uning oʻzi tomonidan shaxsan yoki notarius tomonidan oʻqib chiqiladi.

Kar-soqovlik nuqsoni (kar-soqov, kar, qulogʻi ogʻir, zaif eshituvchi) boʻlgan, muomala layoqatiga ega boʻlgan, biroq surdo tarjimon bilan muloqot qila olmaydigan savodli shaxs oʻz imzosi bilan hujjat mazmuni oʻzining xohish-irodasiga muvofiq ekanligini notarius bilan yozma ravishda bildiradigan boʻlsa, notarial harakatlarni amalga oshirishda surdo tarjimonning ishtiroki shart emas. Ushbu yozishmalar hujjat bilan birga tikib qoʻyiladi.

23. Mazkur Nizomning 20–22-bandlarida belgilangan tartibda ijro xatini yozish jarayoni audio va videoyozuv vositalaridan foydalanilgan holda amalga oshiriladi.

24. Surdo tarjimon yoxud tiflo tarjimon hujjat tarjimasini notoʻgʻri yoki yolgʻon tarjima qilganligi uchun qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgarlikka tortilishlari haqida notarius tomonidan ogohlantiriladi va bu haqda hujjat matnida koʻrsatiladi.

5-bob. Ijro xatini yozishga qoʻyiladigan umumiy talablar

25. Ijro xati quyidagi hollarda yoziladi:

taqdim etilgan hujjatlar qarzdorning undirib oluvchidan qarzdor ekanligi yoki boshqa majburiyatini shubhasiz tasdiqlasa;

majburiyat bajarilmagan yoki lozim darajada bajarilmaganda daʼvo qilish huquqi vujudga kelgan kundan boshlab uch yildan ortiq vaqt oʻtgan boʻlmasa.

Agar ijro xati berish haqidagi talab uchun qonunchilikda boshqa muddat belgilangan boʻlsa, ijro xati shu muddat ichida beriladi.

26. Notariuslar tomonidan bazaviy hisoblash miqdorining bir ming baravarigacha boʻlgan quyidagi fuqarolik-huquqiy nizosiz talablar boʻyicha ijro xati yoziladi:

notarial tasdiqlangan bitimlarga asoslangan talab;

yozma va notarial tasdiqlangan bitim mavjud boʻlgan taqdirda, undiruvni qarzdorning majburiyatlari bajarilishining taʼminoti boʻlgan koʻchar mol-mulkka qaratish toʻgʻrisida talab;

ijara toʻlovlari, koʻp kvartirali uylardagi joylarning mulkdorlaridan majburiy badallar va toʻlovlar, kommunal va aloqa xizmatlari boʻyicha qarzdorlikni undirish toʻgʻrisida talablar.

27. Ijro xatida quyidagilar koʻrsatilgan boʻlishi lozim:

ijro xatini yozayotgan notariusning ismi va otasining ismini bosh harflari, familiyasi, lavozimi;

undiruvchi va qarzdorning nomi, ularning manzillari, jismoniy shaxslar uchun tugʻilgan sanasi, shaxsiy identifikatsiya raqami, shuningdek yuridik shaxsning soliq toʻlovchi identifikatsiya raqami;

undirib olish amalga oshiriladigan muddat;

undirib olinishi kerak boʻlgan summalar yoki talab qilib olinishi kerak boʻlgan narsalar (koʻchar mulklar), shu jumladan toʻlanishi kerak boʻlgan penya, foizlar;

undirib oluvchi toʻlagan yoki qarzdordan undirilishi kerak boʻlgan davlat boji hamda huquqiy va texnik tusdagi qoʻshimcha harakatlar amalga oshirilganligi uchun toʻlovlar summalari;

QMMB: 10/26/3757/0058-son
20.01.2026-y

qarzdor ijro xatiga qarshi asoslantirilgan eʼtirozlarini bildirib, xususan tasdiqlovchi hujjatlarni taqdim etish orqali ijro xatini yozgan notariusga ijro xati nusxasini yuborgan kundan eʼtiboran oʻn kunlik muddatda ijro xatini bekor qilishni soʻrab murojaat qilish huquqi tushuntirilishi;

ijro xati yozilgan sana (yil, oy, kun);

ijro xatining elektron reyestrda qayd etilgan tartib raqami;

ijro xatini yozgan notariusning imzosi, muhri va (yoki) QR-kodli (matrik shtrixli kodli) imzosi.

28. Ijro xati, agar qonunchilikda boshqa muddat belgilangan boʻlmasa, u yozilgan kundan boshlab uch yil muddat ichida majburiy ijro uchun taqdim etilishi mumkin.

Ijro xatini taqdim etishning oʻtkazib yuborilgan muddatini, shuningdek ijro xati boʻyicha undirishni tiklash qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiriladi.

29. Notarius ijro xatini yozgandan soʻng uni undiruvchi va qarzdorga (uning oila a’zolaridan biriga) topshirishi yoki ularga pochta yoxud boshqa aloqa vositalari orqali, shu jumladan ijro xati joʻnatilganligi va qabul qilib olinganligi faktini qayd etish imkonini beruvchi vositalardan foydalangan holda elektron pochtaga yoki mobil telefonga (mavjud boʻlganda) yuboradi.

30. Undiruvchining iltimosiga koʻra, qarzdor tomonidan oʻn kun ichida ijro xatini yozgan notariusga shikoyat kelib tushmagan taqdirda ijro xati Tizimda notariusning QR-kodli (matrik shtrixli kodli) imzosi bilan tasdiqlangan elektron hujjat tarzida qarzdorning yashash joyidagi, agar qarzdor yuridik shaxs boʻlsa, uning joylashgan yeridagi Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Majburiy ijro byurosining tegishli boʻlinmasiga mazkur muddat o'tgandan so'ng ijro uchun yuboriladi.

6-bob. Ijro xati loyihasini tayyorlash tartibi

31. Tegishli hujjatlar talab qilib olingan va maʼlumotlar tekshirilganidan soʻng notarius, notarius yordamchisi, stajyori yoki kotibi tomonidan ijro xati loyihasi tayyorlanadi.

32. Ijro xati matni aniq va ravshan yozilgan boʻlishi lozim, hujjatning mazmuniga taalluqli sana va muddatlar hech boʻlmaganda bir marta soʻz bilan, hujjatning matnida baholar koʻrsatilsa, raqam hamda soʻz bilan yozilishi, yuridik shaxslarning nomlari esa ularning organlari joylashgan yerni koʻrsatgan holda qisqartirishlarsiz yozilishi, soliq toʻlovchining shaxsiy identifikatsiya raqami koʻrsatilishi lozim. Fuqarolarning familiyasi, ismi, otasining ismi, yashash joyi yoki turgan joyi boʻyicha roʻyxatga olingan manzili, jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami toʻliq koʻrsatilgan holda yozilishi, notarial harakatlarni amalga oshirishda chet el fuqarolari qatnashayotgan boʻlsa, ularning fuqaroligi ham koʻrsatib oʻtilishi kerak.

Bunda ijro xatining mazmuni Tizimga aniq va toʻliq kiritilishi lozim.

33. Bir xil shakldagi hujjatlar boʻyicha (masalan, bank kreditlari, kommunal xizmatlar uchun toʻlanadigan toʻlovlar hamda shu kabilar) bir qancha ijro xatlari berishni amalga oshirish paytida notarial idorada qarzdorlarning roʻyxatlari olinadi. Bunda undiruvchi va qarzdorlarning toʻliq nomi va manzili, toʻlov muddatlari, ijro xati boʻyicha qarz undirish summasi, zarur hollarda esa boshqa maʼlumotlar ham koʻrsatiladi.

Notarius ijro xatlari yozishda roʻyxatda koʻrsatilgan qarzdorlarning qarzdorligini tasdiqlovchi hujjatning bir nusxasini notarial idorada qoldiradi.

34. Ijro xati toʻgʻrisidagi maʼlumotlar Tizimga kiritiladi va har bir ijro xati alohida tartib raqami bilan roʻyxatga olinadi. Bunda ijro xatining tasdiqlangan elektron shakli Tizimda saqlanadi.

7-bob. Ijro xatini yozish uchun toʻlovlarni amalga oshirish tartibi

35. Ijro xatini yozishda notarius tomonidan Oʻzbekiston Respublikasining “Davlat boji toʻgʻrisida”gi Qonuni bilan tasdiqlangan Davlat boji stavkalarining miqdorlariga asosan davlat boji va Notariuslar tomonidan amalga oshiriladigan huquqiy va texnik tusdagi qoʻshimcha harakatlar uchun undiriladigan toʻlovlarning maksimal miqdorlariga (roʻyxat raqami 3235, 2020-yil 29-may) muvofiq huquqiy va texnik tusdagi qoʻshimcha harakatlar amalga oshirilganligi uchun haq undiriladi.

36. Murojaat qiluvchi toʻgʻrisidagi maʼlumotlar Tizimga toʻliq kiritilganidan soʻng notarial harakat uchun undiriladigan toʻlovlar miqdori Tizimda avtomatik

ravishda hisoblanadi, toʻlov kvitansiyalari (invoys) murojaat qiluvchiga beriladi va uning Tizimga kiritilgan mobil telefoni raqamiga toʻlovlarning miqdori, notarial harakatni tasdiqlash kodi hamda Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligining “ishonch telefoni” raqami koʻrsatilgan SMS xabar yoʻllanadi.

Murojaat qiluvchining mobil telefoni mavjud boʻlmaganda, istisno tariqasida, Tizimga u tomonidan koʻrsatilgan, notarial idoraga birga kelgan boshqa shaxsning mobil telefoni raqamini, agar faqat oʻzi kelgan boʻlsa, notariusning mobil telefoni raqamini kiritishga ruxsat etiladi.

37. Toʻlovlar amalga oshirilganligi haqidagi maʼlumotlar Tizimga kelib tushgandan hamda notarial harakatni amalga oshirish uchun murojaat qiluvchi notarial harakatni tasdiqlash kodini notariusga berganidan soʻng tasdiqlanadi.

38. Bir xil shakldagi hujjatlar yuzasidan bir qancha ijro xatlari berilganda, roʻyxatda koʻrsatilgan qarzdorlarning har biri boʻyicha alohida toʻlov kvitansiyalari (invoys) beriladi.

Toʻlovlar amalga oshirilganligi haqidagi maʼlumot toʻlov kvitansiyalari (invoys) Tizimda saqlanadi.

8-bob. Ijro xatiga tuzatish kiritish yoki uni bekor qilish tartibi

39. Notarius oʻz tashabbusi bilan yoki manfaatdor shaxslarning iltimosiga koʻra ijro xatining barcha nusxalariga uning mohiyatini oʻzgartirmaydigan tuzatishlarni kiritishi yoki uning aniq arifmetik xatolarinigina tuzatishi mumkin.

Ijro xatidagi tuzatishlar tegishli matnning oxirida notariusning imzosidan oldin izohlanishi, notariusning imzosi va muhri bilan tasdiqlanishi kerak. Bunda, tuzatishlar shunday qilinishi kerakki, oʻchirilgan barcha soʻzlar va raqamlarni boshlangʻich matnda oʻqish imkoni boʻlishi lozim.

Ijro xatiga kiritilgan tuzatishlar tegishli tartibda Tizimga kiritiladi.

40. Notarius yoʻl qoʻygan xatosi natijasida oʻzi rasmiylashtirgan ijro xatining notoʻgʻriligini bilib qolgan taqdirda, u ana shu ijro xatini belgilangan tartibda bekor qilish choralarini koʻrish uchun bu haqda prokurorga xabar qilishga majbur. Notarius prokurorga xabar qilganligi toʻgʻrisida tegishli hududiy adliya organlarini xabardor qiladi.

QMMB: 10/26/3757/0058-son
20.01.2026-y

41. Qarzdor ijro xatiga qarshi asoslantirilgan eʼtirozlarini bildirib, xususan tasdiqlovchi hujjatlarni taqdim etish orqali ijro xatini yozgan notariusga ijro xati nusxasini yuborgan kundan eʼtiboran oʻn kunlik muddatda ijro xatini bekor qilishni soʻrab murojaat qilishga haqli.

Bunday holda notarius ijro xatini bekor qilib, bu haqda qaror chiqaradi. Ijro xatini bekor qilish toʻgʻrisidagi qarorda notarius undiruvchi bildirgan talab daʼvo ishini yuritish tartibida taqdim etilishi mumkinligi haqida tushuntiradi.

Ijro xatini bekor qilish toʻgʻrisidagi qaror nusxasi undiruvchi va qarzdorga (uning oila a'zolaridan biriga) topshirilishi yoki ularga pochta yoxud boshqa aloqa vositalari orqali, shu jumladan qaror joʻnatilganligi va qabul qilib olinganligi faktini qayd etish imkonini beruvchi vositalardan foydalangan holda elektron pochtaga yoki mobil telefonga (mavjud boʻlganda) yuboriladi.

9-bob. Ijro xati yozishni rad qilish tartibi

42. Notarius quyidagi hollarda ijro xati yozishni rad etadi, agar:

bunday ijro xatini yozish qonunga zid boʻlsa;

muomalaga layoqatsiz fuqaro yoki zarur vakolatlari boʻlmagan vakil ijro xati yozishni soʻrab murojaat qilgan boʻlsa;

yuridik shaxs manfaatida yozilgan ijro xati uning ustavida yoki nizomida koʻrsatilgan maqsadlarga zid boʻlsa;

ijro xati yozish qonun talablariga muvofiq boʻlmasa;

ijro xati yozish uchun taqdim etilayotgan hujjatlar qonunchilik talablariga muvofiq boʻlmasa;

qarzdor jismoniy shaxs vafot etgan boʻlsa;

murojaat qiluvchi ijro xatini yozish uchun toʻlovni amalga oshirmasa;

undiruvchi qarzdorlikni haqiqatda mavjudligini isbotlab bera olmasa.

Ijro xatini yozish rad etilgan taqdirda, notarius ijro xati yozishni rad etish haqida murojaat qilingan kundan boshlab uch ish kunidan kechiktirmasdan qaror

chiqaradi.

Notarius ijro xatini yozish toʻgʻrisidagi murojaati rad etilgan shaxsning iltimosiga binoan rad etish sababini yozma ravishda bayon etishi va rad etish ustidan shikoyat qilish tartibini tushuntirib berishi lozim.

43. Notarius ijro xati yozishni rad etganda toʻlangan davlat boji hamda huquqiy va texnik tusdagi qoʻshimcha harakatlar amalga oshirilganligi uchun toʻlovlar qaytariladi.

10-bob. Yakuniy qoida

44. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

QMMB: 10/26/3757/0058-son
20.01.2026-y

Notariuslar tomonidan ijro xatlarini yozish
tartibi to‘g‘risidagi nizomga
ILOVA

Ijro xatini yozish uchun taqdim etiladigan hujjatlar
RO‘YXATI

1. Notarial tasdiqlangan bitimlar bo‘yicha ijro xatini olish uchun quyidagilar taqdim etiladi:

a) notarial tasdiqlangan bitimning nusxasi;

b) undiruvchi tomonidan qarzdorga to‘lov muddatini o‘tkazib yuborganligi to‘g‘risida yuborilgan bildirishnoma;

v) qarzdorlik faktini tasdiqlovchi hujjat nusxasi (elektron yoki yozma).

Bunda 2020-yil 1-yanvardan keyin rasmiylashtirilgan bitimlar Tizim orqali notarius tomonidan tekshiriladi hamda undiruvchidan talab etilmaydi.

2. O‘zaro tuzilgan oddiy yozma shakldagi bitimlar bo‘yicha ijro xatini olish uchun quyidagilar taqdim etiladi:

a) o‘zaro tuzilgan bitimning nusxasi;

b) undiruvchi tomonidan qarzdorga to‘lov muddatini o‘tkazib yuborganligi to‘g‘risida yuborilgan bildirishnoma;

v) qarzdorlik faktini tasdiqlovchi hujjat nusxasi (elektron yoki yozma).

3. Ijara to‘lovlari, ko‘p kvartirali uylardagi joylarning mulkdorlaridan majburiy badallar va to‘lovlar, kommunal va aloqa xizmatlari bo‘yicha ijro xatini olish uchun quyidagilar taqdim etiladi:

a) hisobvaraqning undirib oluvchi tomonidan tasdiqlangan nusxasi;

b) undiruvchi tomonidan qarzdorga to‘lov muddatini o‘tkazib yuborganligi to‘g‘risida yuborilgan bildirishnoma;

v) qarzdorlik faktini tasdiqlovchi hujjat nusxasi (elektron yoki yozma);

d) qarzdorlik koʻchmas mulk bilan bogʻliq boʻlsa, uning kadastr raqami.

Bunda koʻp kvartirali uylardagi joylarning mulkdorlaridan majburiy badallar va toʻlovlar, kommunal va aloqa xizmatlari boʻyicha qarzdorlik Tizim orqali notarius tomonidan tekshiriladi.

Mazkur hujjatlar idoralararo elektron axborot almashuvi orqali olinishi mumkin.

QMMB: 10/26/3758/0059-son
20.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3758
2026 - yil 19 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Elektron sog‘liqni saqlash” axborot tizimida yaratilgan “Elektron poliklinika”, “Elektron shifoxona”, “Elektron tibbiy karta” va “Elektron retsept” modullaridan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 8-sentabrdagi 570-son “Sog‘liqni saqlash tizimini raqamlashtirish jarayonlarini yanada jadallashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Elektron sog‘liqni saqlash” axborot tizimida yaratilgan “Elektron poliklinika”, “Elektron shifoxona”, “Elektron tibbiy karta” va “Elektron retsept” modullaridan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil va O‘zbekiston Savdo sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Vazir
2025-yil 24-dekabr
19-son

XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH

Kelishildi:

Vazirning birinchi o'rinbosari
2025-yil 17-dekabr

UMAROV OLIMJON MUXAMADJANOVICH

Vakil o'rinbosari
2025-yil 10-dekabr

URUNOV JAMSHID OLIMOVICH

Rais
2025-yil 9-dekabr

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3758/0059-son
20.01.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi sogʻliqni saqlash vazirining
2025-yil 24-dekabrdagi 19-son buyrugʻiga
ILOVA

Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligining “Elektron sogʻliqni saqlash” axborot tizimida yaratilgan “Elektron poliklinika”, “Elektron shifoxona”, “Elektron tibbiy karta” va “Elektron retsept” modullaridan foydalanish tartibi toʻgʻrisidagi YOʻRIQNOMA

Ushbu Yoʻriqnoma barcha tibbiyot tashkilotlari va dorixonalarda Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligining “Elektron sogʻliqni saqlash” axborot tizimida yaratilgan “Elektron poliklinika”, “Elektron shifoxona”, “Elektron tibbiy karta” va “Elektron retsept” modullaridan (bundan buyon matnda modullar deb yuritiladi) foydalanish hamda ushbu modullarga tegishli maʼlumotlarni uzatish tartibini belgilaydi.

1-bob Umumiy qoidalar

1. Mazkur Yoʻriqnomada quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

avtorizatsiya – maʼlum shaxsga yoki shaxslar guruhiga muayyan harakatlarni amalga oshirish huquqini berish;

identifikatsiya – foydalanuvchilarning shaxsini aniqlash maqsadida ularga identifikator (noyob nomlar) tayinlash yoki tayinlangan identifikatorlarni (noyob nomlar) identifikatorlar roʻyxati bilan solishtirish;

“Elektron poliklinika” moduli – ambulator sharoitda koʻrsatiladigan barcha tibbiy xizmatlar bilan bogʻliq jarayonlarni (harakatlar) jamlash, maʼlumot almashish, tegishli hisobotlarni shakllantirish kabi funksiyalarni amalga oshiruvchi axborot dasturi;

“Elektron shifoxona” moduli – statsionar sharoitda koʻrsatiladigan barcha tibbiy xizmatlar bilan bogʻliq jarayonlarni (harakatlar) jamlash, maʼlumot almashish, tegishli hisobotlarni shakllantirish kabi funksiyalarni amalga oshiruvchi axborot dasturi;

“Elektron retsept” moduli – elektron retsept bilan bogʻliq barcha jarayonlarni (harakatlar) jamlash, maʼlumot almashish, tegishli hisobotlarni shakllantirish kabi funksiyalarni amalga oshiruvchi axborot dasturi;

“Elektron tibbiy karta” moduli – ambulator va statsionar sharoitda bemor salomatligiga oid ma’lumotlar shakllantiriladigan, tashxislar, tashriflar, muolajalar, tahlillar, kasallik tarixi va tibbiyot xodimi tomonidan kiritilgan ma’lumotlarni raqamli formatda jamlab turadigan axborot dasturi.

2. Tibbiyot tashkilotlari yoki dorixonalar tomonidan modullarni oʻrnatish uchun Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligiga soʻrovnoma taqdim etiladi. Soʻrovnomada modulga kirish huquqi berilgan shaxslarning quyidagi ma’lumotlari koʻrsatilishi lozim:

familiyasi, ismi va otasining ismi;

lavozimi va ular faoliyat yurituvchi boʻlinmaning nomi;

pasport (ID-karta) seriyasi va raqami;

jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JSHSHIR);

elektron pochta manzili.

3. Tibbiyot tashkilotlari yoki dorixonalarda modullarni oʻrnatish soʻrovnoma taqdim etilgan kundan boshlab 15 ish kuni ichida Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi hamda “Davlat axborot tizimlarini yaratish va qoʻllab-quvvatlash boʻyicha yagona integrator – “UZINFOCOM” tomonidan bepul amalga oshiriladi.

4. Modullarda shaxsga doir ma’lumotlarni qayd etish, uzatish (almashish) va saqlash Oʻzbekiston Respublikasining “Shaxsga doir maʼlumotlar toʻgʻrisida”gi, “Kiberxavfsizlik toʻgʻrisida”gi va “Fuqarolarning sogʻligʻini saqlash toʻgʻrisida”gi

QMMB: 10/26/3758/0059-son
20.01.2026-y.

qonunlari hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga muvofiq amalga oshiriladi.

5. Tibbiyot tashkiloti yoki dorixonalar modullarda maʼlumotlarning to‘liq va aniq kiritib borilishi hamda yangilanishi uchun mas’ul hisoblanadi.

2-bob. Modullardan foydalanish va ulardagi ma’lumotlarni uzatishga qo‘yiladigan talablar

6. Tibbiyot tashkilotlari va dorixonalardagi modullarga kirish huquqi faqat shifokor, dorixonaning farmatsevt maʼlumotiga ega xodimi, hamshira, ro‘yxatga oluvchi xodimlarga (bundan buyon matnda foydalanuvchilar deb yuritiladi) beriladi.

7. Foydalanuvchilar Yagona identifikatsiya tizimi (OneID) orqali modullarda avtorizatsiya va identifikatsiyadan o‘tadi hamda ularga shaxsiy kabinet ochiladi.

8. Shaxsiy kabinetda quyidagi ma’lumotlar saqlanishi shart:

foydalanuvchining identifikatori (ID-raqami);

shaxsiy kabinetning yaratilgan sanasi va vaqti;

foydalanuvchining lavozimi va shaxsini tasdiqlovchi hujjat ma’lumotlari.

9. Foydalanuvchilar shaxsiy kabinetga Yagona identifikatsiya tizimi (OneID) yoki elektron raqamli imzo orqali kirish huquqiga ega bo‘ladi, bunda dasturga o‘ziga tegishli bo‘lmagan Yagona identifikatsiya tizimi (OneID) yoki elektron raqamli imzo orqali kirish taqiqlanadi.

10. Tibbiyot tashkiloti yoki dorixonalar foydalanuvchilar bilan mehnat shartnomasi bekor qilingan yoki boshqa lavozimga o‘tkazilgan vaqtdan boshlab uch ish kuni ichida O‘zbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligini yozma xabardor qilishi kerak.

Bunda, uch ish kuni ichida O‘zbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi tomonidan foydalanuvchilarning modullarga kirish huquqlari yangilanadi yoki ularning shaxsiy kabineti bloklanadi hamda arxivga ko‘chiriladi va kamida bir yil davomida saqlanadi.

QMMB: 10/26/3758/0059-son
20.01.2026-y.

11. Foydalanuvchi tomonidan quyidagi ma’lumotlar “Elektron tibbiy karta” moduliga real vaqt rejimida kiritiladi va bir vaqtning o‘zida ushbu maʼlumotlar tegishli ravishda qolgan modullarga avtomatik ravishda uzatiladi:

bemorning jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JSHSHIR), familiyasi, ismi va otasining ismi, tug‘ilgan sanasi;

bemorning tashxis va tibbiy koʻrsatkichlari;

laborator va instrumental tahlil natijalari;

dori vositalari bo‘yicha elektron retseptlar;

ambulator va (yoki) statsionar davolanish yozuvlari.

12. “Elektron retsept moduli”ga ma’lumotlarni uzatish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 8-sentabrdagi 570-son qarori bilan tasdiqlangan Tibbiyot tashkilotlarida retsept bilan beriladigan dori vositalarini elektron retsept asosida tayinlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga asosan amalga oshiriladi.

13. Modullarda foydalanuvchilar tomonidan quyidagi asosiy vazifalar amalga oshiriladi:

bemor haqidagi ma’lumotlarni modulga kiritish (roʻyxatdan oʻtkazish);

tashxis va tibbiy koʻrsatkichlarni kiritish va mavjud maʼlumotlarni yangilash;

laborator va instrumental tahlil natijalarini shakllantirish;

dori vositalari bo‘yicha elektron retseptlarni shakllantirish;

ambulator va statsionar davolanish yozuvlarini elektron yuritish;

davolanish jarayonlarini elektron yuritish;

elektron tibbiy xizmatlar to‘g‘risidagi ma’lumotlar uzatish;

boshqa modullar bilan axborot va ma’lumotlar almashish.

QMMB: 10/26/3758/0059-son
20.01.2026-y.

14. “Davlat axborot tizimlarini yaratish va qoʻllab-quvvatlash boʻyicha yagona integrator – “UZINFOCOM”:

foydalanuvchilarni har yili kamida bir marotaba xatlovdan (inventarizatsiyadan) oʻtkazadi va modullarga kirish huquqlarini qayta koʻrib chiqadi;

modullarning ishlashi va sinovdan oʻtkazilishi davrida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni taʼminlaydi hamda berilgan modullarda ishlash toʻgʻriligini nazorat qiladi.

15. Bemorlar modullarga kiritilgan oʻzlari haqidagi maʼlumotlar, elektron tibbiy kartasi, kasallik tarixi yoki unga tayinlangan elektron retseptlarni “DMED” mobil ilovasi orqali koʻrishlari va yuklab olishlari mumkin.

16. Foydalanuvchilar quyidagi huquqlarga ega:

modullardagi bemorning maʼlumotlariga kirish;

modullarga bemor haqidagi maʼlumotlarni kiritish va mavjud maʼlumotlarni yangilash;

zarur hollarda elektron shaklda boshqa maʼlumotlarni uzatish.

17. Foydalanuvchilar:

modullardagi shaxsga doir maʼlumotlarni maxfiy saqlashi;

modullarga kirish huquqini (shu jumladan, modullarga kirish uchun Yagona identifikatsiya tizimi (OneID) login va paroli yoki elektron raqamli imzo kodlarini) boshqa shaxslarga bermasligi;

har bir tibbiy yozuvni real vaqtda kiritishi;

notoʻgʻri yoki soxta maʼlumot kiritish holatlariga yoʻl qoʻymasligi lozim.

3-bob. Yakuniy qoida

18. Mazkur Yoʻriqnoma talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar boʻladilar.

QMMB: 10/26/2000-13/0061-son
21.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2000-13
2026 - yil 20 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING

BUYRUG‘I

Qimmatli qog‘ozlar emissiyasi va emissiyaviy qimmatli qog‘ozlar chiqarilishlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 18-dekabrdagi PF–254-son “Kapital bozorida investitsiya muhitini yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2009-yil 16-iyuldagi 2009-40-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2000, 2009-yil 30-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 36-son, 394-modda) bilan tasdiqlangan Qimmatli qog‘ozlar emissiyasi va emissiyaviy qimmatli qog‘ozlar chiqarilishlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor

LI DMITRIY ROMANOVICH

2026-yil 9-yanvar

22-son

Kelishildi:

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki raisi
2025-yil 29-dekabr

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

QMMB: 10/26/2000-13/0061-son
21.01.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi
direktorining 2026-yil 9-yanvardagi 22-son buyrugʻiga
ILOVA

Qimmatli qogʻozlar emissiyasi va emissiyaviy qimmatli qogʻozlar chiqarilishlarini davlat roʻyxatidan oʻtkazish qoidalariga kiritilayotgan oʻzgartirish va qoʻshimcha

1. 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Davlat roʻyxatidan oʻtkazishda hujjatlarni koʻrib chiqqanlik uchun qimmatli qogʻozlar emitentlari tomonidan roʻyxatdan oʻtkazuvchi organga quyidagi miqdorda yigʻim toʻlanadi:

a) korporativ obligatsiyalar boʻyicha – bazaviy hisoblash miqdorining 50 baravari;

b) korporativ obligatsiyalardan tashqari boshqa qimmatli qogʻozlarning chiqarilishi boʻyicha – bazaviy hisoblash miqdorining 20 baravari;

v) korporativ obligatsiyalardan tashqari ilgari roʻyxatdan oʻtkazilgan qimmatli qogʻozlar chiqarilishiga oʻzgartirishlar va (yoki) qoʻshimchalar kiritish boʻyicha – bazaviy hisoblash miqdorining 5 baravari;

g) ilgari roʻyxatdan oʻtkazilgan korporativ obligatsiyalar chiqarilishiga oʻzgartirishlar va (yoki) qoʻshimchalar kiritish boʻyicha – bazaviy hisoblash miqdorining 10 baravari.”.

2. 95-band quyidagi mazmundagi “g^1” kichik band bilan toʻldirilsin:

“g^1) qimmatli qogʻozlar bozori toʻgʻrisidagi qonunchilikda nazarda tutilgan axborot va hisobotlar bir yil ichida ikki va undan ortiq marotaba oʻz vaqtida oshkor etilmagan taqdirda (bartaraf etilguniga qadar);”.

QMMB: 10/26/2721-3/0062-son
21.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2721-3
2026 - yil 21 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI URBANIZATSIYA VA UY-JOY BOZORINI BARQAROR RIVOJLANTIRISH MILLIY QO‘MITASI HUZURIDAGI KADASTR AGENTLIGI DIREKTORINING

BUYRUG‘I

“O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi tomonidan bajariladigan geodeziya va kartografiya ish turlarining ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 19-noyabrdagi PF–219-son “O‘zbekiston Respublikasida uy-joy va ipoteka bozorini barqaror rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda 2025-yil 19-noyabrdagi PQ–347-son “O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri davlat qo‘mitasining 2015-yil 14-sentabrdagi 32-son “O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi tomonidan bajariladigan geodeziya va kartografiya ish turlarining ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2721, 2015-yil 21-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 42-son, 547-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor o'rinbosari
2026-yil 15-yanvar
4-10-son

MIRMAKSUDOV MIRSAID
SADIKOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini
barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi
direktorining 2026-yil 15-yanvardagi 4-10-son buyrug‘iga
ILOVA

“Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi tomonidan bajariladigan geodeziya va kartografiya ish turlarining roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Qarorning nomi va 1-bandidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so‘zlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Ilovaning nomi, 1-bandining birinchi xatboshisi va 2-bandidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so‘zlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/3191-4/0065-son
21.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3191-4
2026 - yil 21 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING

BUYRUG‘I

Karantin ostidagi mahsulotni olib qo‘yish, qaytarib yuborish va yo‘q qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 18-noyabrdagi PF–217-son “Ekologiya va turizm sohalarida aholi talablariga tezkor javob bera oladigan boshqaruv tizimini yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘simliklar karantini davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2019-yil 14-oktabrdagi 8-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3191, 2019-yil 31-oktabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 31.10.2019-y., 10/19/3191/3985-son) bilan tasdiqlangan Karantin ostidagi mahsulotni olib qo‘yish, qaytarib yuborish va yo‘q qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 13-yanvar
43-son

ABDURAXMONOV IBROXIM
YULCHIYEVICH

QMMB: 10/26/3191-4/0065-son
21.01.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining
2026-yil 13-yanvardagi 43-son buyrug‘iga

ILOVA

Karantin ostidagi mahsulotni olib qo‘yish, qaytarib yuborish va yo‘q qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 15-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 24-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligining” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3 (1231)-son
62-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3759
2026 - yil 21 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

Kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari tomonidan jismoniy shaxslarga masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha minimal talablar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari tomonidan jismoniy shaxslarga masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha minimal talablar to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Davlat xavfsizlik xizmati, Raqamli texnologiyalar vazirligi va Ichki ishlar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi

23-Dekabr 2025-yil
35/14 son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

QMMB: 10/26/3759/0064-son
21.01.2026-y.

Kelishildi:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurori 01-Dekabr 2025-yil		YO‘LDOSHEV NIG‘MATILLA TO‘LQINOVICH
Vazir 29-Noyabr 2025-yil		SHERMATOV SHERZOD XOTAMOVICH
Vazir 27-Noyabr 2025-yil		TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH
O`zbekiston Respublikasi DXX Raisi 20-Noyabr 2025-yil		KURBANOV BAXODIR NIZAMOVICH

QMMB: 10/26/3759/0064-son
21.01.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
23-dekabrdagi 35/14-son qaroriga
ILOVA

Kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari tomonidan jismoniy shaxslarga masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha minimal talablar to‘g‘risidagi

NIZOM

Mazkur Nizom kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari tomonidan jismoniy shaxslarga masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha minimal talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda belgilangan talablar minimal hisoblanib, kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari o‘zining ichki qoidalariga asosan o‘z mijozlarini frod holatlaridan himoya qilish bo‘yicha qo‘shimcha tashkiliy va texnik chora-tadbirlarni amalga oshirishi mumkin.

2. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

axborot xavfsizligi – axborot sohasida shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarining himoyalanganlik holati;

autentifikatsiya – foydalanuvchi, dastur, qurilma yoki ma’lumotlarning haqiqiyligini tasdiqlash tartib-taomili;

biometrik identifikatsiya – bitta jismoniy shaxs bilan bog‘langan biometrik identifikator(lar)ni topish va qaytarish uchun biometrik ro‘yxatga olishlar ma’lumotlar bazasidan qidirish jarayoni;

frod holatlari – axborot texnologiyalaridan foydalanib sodir etilgan firibgarlik va (yoki) o‘g‘rilik holatlari;

hisobga olish yozuvi (akkaunt) – foydalanuvchining axborot tizimidagi shaxsiy qaydnomasi. U foydalanuvchiga tizimdagi ma’lum resurslar va xizmatlardan foydalanish

imkoniyatini beradi;

identifikator – obyektni tavsiflovchi va uni boshqa ko‘plab obyektlar orasida ajratib ko‘rsatish imkonini beruvchi kod yoki ramziy nom;

identifikatsiya – foydalanuvchilarning shaxsini aniqlash maqsadida ularga identifikator (noyob nomlar) tayinlash yoki tayinlangan identifikatorlarni (noyob nomlar) identifikatorlar ro‘yxati bilan solishtirish;

kiberxavfsizlik – kibermakonda shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarining tashqi va ichki tahdidlardan himoyalanganlik holati;

onlayn kredit (mikroqarz) – kredit tashkilotlari tomonidan jismoniy shaxs bo‘lgan qarz oluvchiga to‘lovlilik, muddatlilik va qaytarish shartlari asosida masofadan moliyaviy xizmatlarni ko‘rsatuvchi axborot tizimlari orqali beriladigan pul mablag‘lari;

OTP kod (One-Time Password) – bu foydalanuvchining shaxsini identifikatsiya qilish yoki autentifikatsiyadan o‘tkazish jarayonida qo‘llaniladigan, faqat bitta autentifikatsiya sessiyasi yoki amaliy operatsiya uchun mo‘ljallangan, avtomatik tarzda yaratiladigan bir martalik tasdiqlash kodi;

PUSH-xabar – foydalanuvchining mobil ilovasiga avtomatik ravishda to‘g‘ridan to‘g‘ri yuboriladigan xabar;

sessiya – foydalanuvchining tizim, dastur yoki veb-sayt bilan o‘zaro aloqada bo‘lgan vaqt oralig‘i;

SDK (Software Development Kit) – bu muayyan operatsion tizim, dasturiy muhit yoki xizmat bilan integratsiyalashgan holda yangi dasturiy mahsulotlar (ilovalar, funksiyalar yoki modullar)ni ishlab chiqish, test qilish va integratsiyalash imkonini beruvchi dasturiy vositalar, kutubxonalar, interfeyslar (API), hujjatlar, namunaviy kodlar va boshqa yordamchi resurslar majmuasidan iborat to‘plam;

masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatish – kredit va to‘lov tashkilotlari tomonidan jismoniy shaxslarga masofadan moliyaviy xizmatlarni ko‘rsatuvchi axborot tizimlari (mobil ilovalar, veb-resurs va boshqalar) orqali naqd pulsiz shaklda moliyaviy xizmatlarni taqdim etish jarayoni.

3. Kredit va to‘lov tashkilotlari masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha qonunchilikda belgilangan talablarning buzilish holatlari to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankiga (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) zudlik bilan yozma yoki elektron shaklda ma’lumot berishi lozim.

4. Kredit va to‘lov tashkilotlari yangi masofadan moliyaviy xizmatlarni ko‘rsatuvchi axborot tizimini kiberxavfsizlik talablariga muvofiqligi yuzasidan qonunchilikda belgilangan tartibda ekspertizadan o‘tkazishi lozim.

Kredit va to‘lov tashkilotlarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash xizmati olingan ekspertiza xulosasi asosida masofadan moliyaviy xizmatlarni ko‘rsatuvchi axborot tizimining kiberxavfsizlikni ta’minlashga doir tavakkalchiliklarni baholashi hamda ijobiy natijaga erishganidan keyin amaliyotga joriy etishi shart.

2-bob. Foydalanuvchini identifikatsiya va autentifikatsiya qilish

5. Kredit va to‘lov tashkilotlari masofadan moliyaviy xizmatlarni ko‘rsatuvchi axborot tizimlari, veb-resurslar va mobil ilovalarida foydalanuvchilarni ro‘yxatdan o‘tkazish jarayonida quyidagi talablarga rioya etishlari shart:

foydalanuvchini ro‘yxatdan o‘tkazish va bank kartasini mobil ilovaga biriktirish jarayonlarini alohida autentifikatsiya orqali amalga oshirish;

foydalanuvchining telefon raqami va jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (bundan buyon matnda JSHSHIR deb yuritiladi) mos kelishini tekshirish, moslik aniqlanmagan taqdirda mobil ilovada ro‘yxatdan o‘tkazish va (yoki) bank kartasini biriktirishga yo‘l qo‘ymaslik hamda bu haqda foydalanuvchiga SMS-xabarnoma orqali xabar yuborish;

foydalanuvchi tizimda ro‘yxatdan o‘tgandan so‘ng mobil ilovadagi hisobga olish yozuviga (akkauntga) login va parolni qaytadan terib, telefon raqamiga yuborilgan OTP kodni kiritgan holda autentifikatsiyadan o‘tishini ta’minlash;

foydalanuvchining hisobga olish yozuvi (akkaunti) tizimda ro‘yxatdan o‘tgandan so‘ng, foydalanuvchining faol sessiyasi hisobga olish yozuvidan (akkauntdan) chiqarib yuborilishi va foydalanuvchi mobil ilovaga bank kartasini alohida OTP-kodni kiritib, biometrik identifikatsiyadan o‘tgan holda biriktirishini ta’minlash;

foydalanuvchining telefon raqami va u biriktirmoqchi bo‘lgan bank kartasining SMS-xabarnoma xizmatiga ulangan telefon raqami bir-biridan farq qilganda bank kartasini biriktirish jarayonini to‘xtatish va mobil ilovada foydalanuvchiga mazkur holat to‘g‘risida PUSH-xabar yuborish;

OTP kodining belgilari soni 6 tadan kam bo‘lmasligi, raqamlar va lotin alifbosidagi xarflar birikmasidan iborat bo‘lishi (A–Z, a–z, 0–9), amal qilish muddati 59 soniyadan oshmasligi hamda u 3 marotaba noto‘g‘ri kiritilganda avtomatik tarzda o‘z kuchini yo‘qotishini ta’minlash;

OTP kodni 3 marotaba noto‘g‘ri kiritgan foydalanuvchining tizimdagi harakatlarini 15 daqiqa davomida vaqtincha cheklash, keyingi cheklovlarni ichki qoidalardan kelib chiqib belgilash hamda holat haqida foydalanuvchiga SMS-xabarnoma orqali xabar berish.

6. Kredit va to‘lov tashkilotlari foydalanuvchilarni masofadan biometrik identifikatsiyadan o‘tkazishda hayotiylik faktorlarini (liveness detection) aniqlash funksiyasiga ega hamda ushbu funksiyasi real vaqt rejimida faol ishlaydigan biometrik identifikatsiya tizimidan foydalanishlari shart.

Kredit va to‘lov tashkilotlari masofadan moliyaviy xizmatlarni ko‘rsatuvchi axborot tizimlariga kirish uchun foydalanuvchilarni masofadan biometrik identifikatsiyadan o‘tkazish vazifasini mazkur faoliyat bilan shug‘ullanuvchi tashkilotlarga topshirgan taqdirda ular bilan tuziladigan shartnomalarga ushbu tashkilotlarning axborot tizimida yuzaga kelgan zaiflik yoki nosozliklar oqibatida foydalanuvchilarga yetkazilgan moddiy zararlar ularning hisobidan qoplanishiga doir talablarni kiritishi lozim.

7. Mobil ilovada ro‘yxatdan o‘tgan foydalanuvchi hisobga olish yozuviga (akkauntga) faqat ushbu shaxsga (yaqin qarindoshlarni istisno qilgan holda) tegishli bo‘lgan bank hisobvarag‘i, bank kartasi va elektron hamyonlarni biriktirishga hamda ushbu hisobga olish yozuvi (akkaunt) orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida naqd pulsiz o‘tkazmalarni (bundan buyon matnda P2P o‘tkazmalar deb yuritiladi) amalga oshirishga ruxsat beriladi.

Bunda, yaqin qarindoshlarga qarindosh yoki quda tomondan qarindosh bo‘lgan shaxslar, ya’ni ota-ona, tug‘ishgan va o‘gay aka-uka va opa-singillar, er-xotin, farzand, shu jumladan farzandlikka olinganlar, bobo, buvi, nevaralar, shuningdek er-xotinning ota-onasi, tug‘ishgan va o‘gay aka-uka va opa-singillari kiradi.

8. Barcha P2P o‘tkazmalari OTP kod bilan tasdiqlangan holda amalga oshirilishi lozim. Veb-saytlar orqali P2P o‘tkazmalarni amalga oshirish mumkin emas.

9. Onlayn kredit (mikroqarz) va omonatlar bilan bog‘liq operatsiyalar hamda P2P o‘tkazmalarini tasdiqlash uchun yuboriladigan OTP kodlar foydalanuvchining ro‘yxatdan (autenfikatsiyadan) o‘tgan, OTP kod kelib tushgan qurilmasida amal qilishi va boshqa qurilmalarda qo‘llanishining oldi olinishi lozim.

10. Mavjud hisobga olish yozuviga (akkauntga) kirish, parolini tiklash yoki boshqa qurilmadan kirish, ro‘yxatdan o‘tish va bank kartasini biriktirish jarayonlari faqatgina biometrik identifikatsiyadan o‘tgan holda amalga oshirilishi lozim.

11. Mavjud hisobga olish yozuviga (akkauntga) boshqa qurilmadan kirish yoki uning parolini qayta tiklash jarayonida ushbu akkauntga bog‘langan barcha bank kartalari mobil ilovadan avtomatik tarzda chiqarib yuborilishi hamda ushbu qurilmada bank kartalari bo‘yicha moliyaviy operatsiyalar tarixi o‘chirib yuborilishi lozim.

Bunda mavjud hisobga olish yozuviga (akkauntga) boshqa qurilmadan kirgan foydalanuvchi mazkur Nizomning 10-bandida belgilangan tartibda bank kartalarini biriktirishi mumkin.

3-bob. Qurilmalar va sessiyalarni boshqarish

12. Kredit va to‘lov tashkilotlari masofadan moliyaviy xizmatlarni ko‘rsatuvchi axborot tizimlari, mobil ilovalar va ularning veb-talqinidan foydalanuvchilarning qurilmalarini ro‘yxatdan o‘tkazish va monitoring qilishda quyidagi talablarga rioya etishlari shart:

mobil qurilmaning texnik identifikatsiya va dasturiy parametrlari avtomatik tarzda aniqlanishi va ma’lumotlar bazasida saqlanishini ta’minlash;

foydalanuvchining hisobga olish yozuviga (akkauntga) ro‘yxatdan o‘tmagan qurilmadan kirishga urinish holati aniqlanganda u to‘g‘risida akkaunt egasiga qurilmaning texnik parametrlarini (qurilma nomi, modeli, operatsion tizimi, IP-manzili) ko‘rsatgan holda SMS-xabarnoma orqali ogohlantirish yuborish;

SMS-xabarnomada ushbu harakatlar hisobga olish yozuvi (akkaunt) egasi tomonidan bajarilmagan bo‘lsa zudlik bilan akkauntga kirish parolini o‘zgartirish lozimligi haqida ma’lumot mavjud bo‘lishi;

yangi qurilmadan mavjud akkauntga kirishga faqatgina autentifikatsiya jarayoni yakunlanib, foydalanuvchi biometrik identifikatsiyadan o‘tganidan so‘ng ruxsat berish.

13. Foydalanuvchi mobil ilova yoki uning veb-talqinida hech qanday harakatni amalga oshirmaganda ushbu sessiyaning amal qilish vaqti 3 daqiqadan oshmasligi kerak. Bunda belgilangan vaqt tugaganidan keyin sessiya avtomatik tarzda tugatilishi va qayta autentifikatsiya talab qilinishi lozim.

14. Foydalanuvchining hisobga olish yozuviga (akkauntga) ruxsatsiz kirishga urinish yoki uning autentifikatsiya ma’lumotlari uchinchi shaxslarga oshkor bo‘lgan holatlar aniqlanganda kredit va to‘lov tashkilotlari tizimga kirish imkoniyatini to‘xtatishi va ushbu hisobga olish yozuviga (akkauntga) faqat biometrik identifikatsiyadan o‘tgan holda qayta kirishga ruxsat berishi lozim. Bunda foydalanuvchiga mazkur holat haqida SMS-xabarnoma orqali darhol xabar berilishi lozim.

Foydalanuvchining mobil qurilmasida zararli dasturlar borligi yoki masofadan boshqarilayotganligi aniqlanganda kredit va to‘lov tashkilotlari mijozga ushbu holat haqida zudlik bilan SMS-xabarnoma orqali xabar berishi lozim. SMS-xabarnomada foydalanuvchiga holatni aniqlashtirish maqsadida kredit va to‘lov tashkiloti bilan bog‘lanishi zarurligi qayd etilishi shart.

15. Kredit va to‘lov tashkilotlari mobil ilovasi o‘rnatilgan qurilmada audio/video qo‘ng‘iroqlar (shu jumladan, messenjerlar orqali audio/video qo‘ng‘iroqlar) amalga oshirilayotgan vaqtda hamda masofadan boshqarish holatida mobil ilovadan foydalanish imkoniyatini cheklashlari shart.

16. Mobil ilova va uning veb-talqinida foydalanuvchining hisobga olish yozuvi (akkaunti) doirasida “Aktiv sessiyalar” (Active Sessions) nomli alohida bo‘lim joriy etilishi va u quyidagi funksional imkoniyatlarga ega bo‘lishi lozim:

qanday qurilma(lar), brauzer(lar) va IP manzil(lar) orqali faol sessiya(lar) mavjud ekanligi to‘liq ko‘rsatilgan bo‘lishi;

har bir sessiya uchun qurilma nomi va operatsion tizim, brauzer nomi va versiyasi, IP manzili, sessiya boshlangan vaqti, joriy faol sessiya belgisi (agar ushbu sessiya foydalanuvchining hozirgi faol brauzerida ochilgan bo‘lsa) to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan bo‘lishi;

har bir sessiya yonida “Sessiyani tugatish” (Log out/Terminate) tugmasi mavjud bo‘lishi va foydalanuvchi istalgan vaqtda sessiyani tugata olishi.

17. Kredit va to‘lov tashkilotlari mobil ilova orqali amalga oshiriladigan har bir moliyaviy amaliyot (bank hisobvaraqlari bo‘yicha pul o‘tkazmalari, P2P o‘tkazmalari, xizmatlar uchun to‘lovlar va boshqa operatsiyalar) foydalanuvchi tomonidan tasdiqlanishidan oldin, foydalanuvchiga ushbu amaliyot aynan mijozning o‘zi tomonidan, firibgarlar aralashuvisiz bajarilayotganligini mustaqil ravishda tasdiqlovchi ogohlantirish xabarini ko‘rsatishi shart.

Ogohlantirish xabari foydalanuvchi tomonidan tasdiqlangandan so‘ng moliyaviy amaliyotning bajarilishi davom ettirilishi lozim.

4-bob. Onlayn kredit (mikroqarz) ajratishda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha talablar

18. Onlayn kredit (mikroqarz) olish bo‘yicha ariza kelib tushgandan so‘ng, kredit tashkiloti dastlab foydalanuvchi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni kredit byurolari tomonidan yuritiladigan Kredit bitimini tuzish taqiqlangan shaxslar reyestridan (bundan buyon matnda reyestr deb yuritiladi) tekshirishi shart.

Foydalanuvchi to‘g‘risidagi ma’lumotlar reyestrda mavjudligi aniqlansa, onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirish jarayoni to‘xtatiladi va foydalanuvchining telefon raqamiga arizaning rad etish sababi ko‘rsatilgan holda SMS-xabarnoma yuboriladi.

Foydalanuvchi to‘g‘risidagi ma’lumotlar reyestrda mavjudligi aniqlanmasa, onlayn kredit (mikroqarz) ajratish jarayoni davom ettiriladi.

19. Kredit tashkiloti onlayn kredit (mikroqarz) ajratishda foydalanuvchining qarz yuki ko‘rsatkichi va to‘lov qobiliyatini baholash maqsadida kredit byurolariga quyidagi ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan so‘rov yuboradi:

ariza berilgan vaqt;

arizachining rozilik bergan vaqti;

arizachining JSHSHIRi;

kreditning foiz stavkasi;

kredit muddati;

kredit summasi;

kredit turi;

valyuta turi;

kredit tarixini o‘rganish maqsadi.

20. Kredit byurolari bir JSHSHIR bo‘yicha bir vaqtning o‘zida bir nechta kredit tashkilotlaridan so‘rov kelib tushganda faqat birinchi so‘rov yuborgan kredit tashkilotining so‘roviga javob berishi shart.

Birinchi bo‘lib so‘rov yuborgan kredit tashkiloti ushbu JSHSHIR bo‘yicha onlayn kredit (mikroqarz) ajratmaslik to‘g‘risida kredit byurolariga ma’lum qilgan taqdirda kredit byurolari ushbu JSHSHIR bo‘yicha keyingi so‘rov yuborgan kredit tashkilotining so‘roviga javob berishi kerak.

Agar birinchi so‘rov yuborgan kredit tashkiloti ushbu JSHSHIR bo‘yicha onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirilganligini ma’lum qilsa, kredit byurolari mazkur JSHSHIR bo‘yicha boshqa kredit tashkilotlariga 24 soat davomida so‘rov qabul qilinmasligi to‘g‘risida ma’lumot beradi.

21. Kredit tashkiloti olingan ma’lumotlar asosida o‘zining ichki qoidalaridan kelib chiqib, onlayn kredit (mikroqarz) ajratish yoki ajratmaslik to‘g‘risida qaror qabul qiladi.

22. Kredit tashkiloti onlayn kredit (mikroqarz) ajratish to‘g‘risida qaror qabul qilsa, ariza yuborgan foydalanuvchiga uning mavjud qarzdorliklarining umumiy miqdori (agar mavjud bo‘lsa) hamda taqdim etiladigan onlayn kredit (mikroqarz)ning to‘liq qiymatini ko‘rsatgan holda mobil ilovada PUSH-xabar va telefon raqamiga SMS-xabarnoma yuborish orqali xabar beradi.

Bunda foydalanuvchiga unga yuborilgan xabardan kelib chiqib, onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirish jarayonini davom ettirish yoki bergan arizasini bekor qilish imkoniyati taqdim etilishi, shuningdek foydalanuvchi arizani bekor qilgan taqdirda unga qisqa vaqt ichida onlayn kredit (mikroqarz) olish bo‘yicha qayta ariza yuborish imkoniyati berilishi lozim.

23. Kredit tashkilotlari onlayn kredit (mikroqarz) ajratish bo‘yicha shartnoma rasmiylashtirilganidan so‘ng, pul mablag‘larini foydalanuvchiga o‘tkazib berishdan oldin foydalanuvchini masofaviy biometrik identifikatsiyadan o‘tkazishi shart.

24. Kredit tashkilotlari tomonidan onlayn kredit (mikroqarz) ajratish natijalari (onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirilgan yoki rad etilganligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar real vaqt rejimida kredit byurolariga taqdim etilishi shart.

25. Onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirish jarayonida qarz yuki ko‘rsatkichi va kredit qobiliyatini baholash (skoring) uchun yuboriladigan so‘rovlar monitoring qilish uchun yuboriladigan so‘rovlardan alohida belgilar (identifikatorlar) bilan farq qilishi lozim.

26. Kredit tashkilotlari o‘zining ichki qoidalaridan kelib chiqib, onlayn kredit (mikroqarz) ajratish jarayonida sodir etiladigan frod holatlarining oldini olish bo‘yicha qo‘shimcha choralarni ko‘radi.

27. Kredit va to‘lov tashkilotlari o‘z mobil ilovasida foydalanuvchining hisobga olish yozuvi (akkaunti) doirasida “Firibgarlik haqida xabar berish” nomli alohida bo‘limni joriy etishi shart. Mazkur bo‘lim bosilganda alohida oyna (forma) ochilishi va unda quyidagi ma’lumotlarni kiritish uchun maydonlar taqdim etilishi lozim:

foydalanuvchining F.I.O.;

pasport yoki identifikatsiya ID-karta raqami va seriyasi;

tug‘ilgan kuni;

hisobga olish yozuvida (akkauntda) ro‘yxatdan o‘tgan telefon raqami;

firibgarlik holatining qisqacha tavsifi;

yo‘qotilgan pul mablag‘ining miqdori;

holat sodir etilgan vaqt.

5-bob. Onlayn kredit (mikroqarz) ajratishda sodir etilgan frod holatlari natijasida yetkazilgan moddiy zararni qoplash tartibi

28. Masofadan turib onlayn kredit (mikroqarz) ajratish jarayonida sodir etilgan frod holati natijasida foydalanuvchi nomiga onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirilgan taqdirda foydalanuvchi mazkur holat bo‘yicha ichki ishlar organlariga ariza bilan murojaat qiladi.

29. Ichki ishlar organlari fuqaro (foydalanuvchi) tomonidan berilgan ariza asosida sodir etilgan frod holati yuzasidan tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, dastlabki tergov harakatlarini

amalga oshiradi.

Tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, dastlabki tergov harakatlarida onlayn kredit (mikroqarz) frod holati natijasida rasmiylashtirilganligi aniqlanganda fuqaroning jabrlanuvchi deb e’tirof etilganligi to‘g‘risidagi surishtiruvchi, tergovchi, prokuror qarori yoki sudning ajrimi onlayn kredit (mikroqarz)ni rasmiylashtirgan axborot tizimi (mobil ilova, veb-talqin va boshqalar) egasi bo‘lgan kredit tashkilotiga yuboriladi.

30. Kredit tashkiloti frod holati natijasida nomiga onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirilgan fuqaroning jabrlanuvchi deb e’tirof etilganligi to‘g‘risidagi surishtiruvchi, tergovchi, prokurorning qarori yoki sudning ajrimi kelib tushgan kundan boshlab mazkur onlayn kredit (mikroqarz) va u bilan bog‘liq foizlar, neustoyka, jarimalarni hisoblashni hamda jabrlanuvchi deb e’tirof etilgan shaxsdan undirishni to‘xtatadi.

31. Kredit tashkiloti tomonidan onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirilishi va u bilan bog‘liq boshqa to‘lovlar jabrlanuvchidan undirilgan holatlarda ushbu to‘lovlar kredit tashkiloti tomonidan jabrlanuvchining bank kartasiga yoki u ko‘rsatgan hisobvarag‘iga sudning qarori yoki ajrimi asosida qaytariladi.

Mazkur to‘lovlar sudning qarori yoki ajrimi qonuniy kuchga kirgan kundan boshlab o‘n besh kun muddatda amalga oshiriladi.

32. Kredit tashkiloti onlayn kredit (mikroqarz) ajratish bilan bog‘liq frod holatini sodir etgan shaxsdan yetkazilgan moddiy zararni regress tartibida undirish maqsadida:

dastlabki tergov va sudda fuqaroviy da’vogar sifatida ishtirok etadi;

ishda ayblanuvchi tariqasida jalb etilishi lozim bo‘lgan shaxs aniqlanganda moddiy zararni undan o‘z hisobiga undirish bo‘yicha talablarni kiritadi;

qonunchilikda belgilangan tartibda boshqa harakatlarni amalga oshiradi.

33. Kredit tashkiloti frod holatiga shubha qilganda holat va dalillarni qayta tekshirish bo‘yicha tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, dastlabki tergov harakatlari yoki sudning qarori ustidan qonunchilikda belgilangan tartibda shikoyat qilishi mumkin.

34. Surishtiruv, dastlabki tergov natijalari yoki sudning qaroriga asosan frod holati yuz bermaganligi aniqlanganda kredit tashkiloti onlayn kredit (mikroqarz) va u bilan bog‘liq foizlar, neustoyka, jarimalarni hisoblashni hamda jabrlanuvchi deb e’tirof etilgan shaxsdan undirishni davom ettiradi.

35. Kredit tashkiloti onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirish bilan bog‘liq frod holatlari bo‘yicha kelib tushgan murojaatlar, o‘tkazilgan tekshiruv natijalari hamda qoplangan zararlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni har chorakda Markaziy bankka elektron shaklda taqdim etadi.

6-bob. Frod holatlarini aniqlash va oldini olish bo‘yicha talablar

36. Kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari bank kartalari, hisobvaraqlar, mobil ilovadagi hisobga olish yozuvlari (akkauntlar) hamda elektron hamyonlar bilan bog‘liq frod holatlarni aniqlash va oldini olish maqsadida session, tranzaksion antifrod va uyali aloqa darajasida axborot xavfsizligini ta’minlash tizimlarini joriy etishlari lozim.

37. Shubhali faoliyat va frod holatlarini aniqlash hamda oldini olish bo‘yicha kredit va to‘lov tashkilotlarida joriy qilingan tranzaksion antifrod tizimlari quyidagi umumiy talablarga javob berishi kerak:

foydalanuvchilarning to‘lovlarini (bank hisobvaraqlari bo‘yicha pul o‘tkazmalari, P2P o‘tkazmalar, xizmatlar uchun to‘lovlar) amalga oshirishdan oldin tahlil qilishi va frod holatlarining belgilarini aniqlashi;

frod holati belgilariga ega bo‘lgan to‘lov amaliyotlari aniqlangan taqdirda ularni to‘xtatish to‘g‘risida qaror qabul qilishi;

to‘lovni amalga oshirish bo‘yicha qaror qabul qilishdan oldin nafaqat to‘lov ma’lumotlarini balki ushbu to‘lovni amalga oshiruvchi va qabul qiluvchiga oid ma’lumotlarni (mobil ilovaning ish faoliyati jurnallari hamda session antifrod tizimlaridan olingan ma’lumotlar) tahlil qila olishi;

mobil ilova, internet-banking, avtomatlashtirilgan bank tizimi va karta protsessingi (mavjud bo‘lsa) bilan integratsiya qilish imkoniyatiga ega bo‘lishi;

foydalanuvchining harakatlarini qayd etish imkoniyatiga ega bo‘lishi;

antifrod tizimi va unda belgilangan qoidalarning samaradorligini ko‘rsatuvchi hisobotlarni sozlash imkoniyatiga ega bo‘lishi;

amaldagi axborot tizimlari va xizmatlarning uzluksiz faoliyatiga salbiy ta’sir ko‘rsatmasligi;

ma’lumotlar yaxlitligi nazorat qilingan va shifrlangan holda uzatilishi;

tashqi axborot tizimlariga (shu jumladan, tranzaksion tahlil platformalariga) qo‘shimcha tahliliy ma’lumotlarni taqdim etishi;

belgilangan ichki qoidalar asosida shubhali yoki zararli faoliyatni aniqlash va uni avtomatik bloklash imkoniyatini ta’minlashi;

proksi-server, TOR-tarmog‘i, VPN tarmog‘i va boshqa anonimlashtiruvchi vositalar orqali tizimga kirishga urinish holatlarini aniqlashi;

xosting va kolokatsiya xizmatlarini taqdim etuvchi tashkilotlarning xavf ostidagi serverlari va qurilmalaridan kirish holatlarini aniqlashi;

foydalanuvchining qurilmasiga har qanday usullardan foydalanib masofadan ruxsatsiz ulanish va boshqarish holatlarini aniqlashi.

38. Session antifrod tizimlari quyidagi talablarga javob berishi kerak:

foydalanuvchining qurilmasi va undagi xatti-harakatlari haqidagi ma’lumotlarni yig‘ish uchun mobil ilova o‘rnatiladigan iOS va Android mobil operatsion tizimlari uchun SDK (Software Development Kit), shuningdek, internet banking sahifasida joylashtiriladigan Java skriptiga ega bo‘lishi;

qurilmalar yoki SIM-kartalarning almashtirilishini aniqlashi va tahlil qilishi;

foydalanuvchi qurilmasining texnik xususiyatlari haqida ma’lumotlarni to‘plash va ular asosida qurilmaning noyob identifikatorini (qurilma barmoq izi) shakllantirishi;

mobil ilovadan foydalanish vaqtida qo‘ng‘iroqlarni (GSM/messenjerlar orqali) aniqlashi;

foydalanuvchining qurilmasini masofadan boshqarish belgilarini aniqlashi;

mobil qurilma emulyatoriga xos bo‘lgan belgilarni aniqlashi;

root/jailbreak belgilari va nosozliklarni tuzatish rejimi (debugger) yoqilganligini aniqlashi;

VPN tarmog‘idan foydalanish belgilarini aniqlashi;

sessiya ma’lumotlarini tahlil qilishi va shubhali faoliyat belgilarini aniqlashi;

tranzaksion antifrod tizimiga sessiya ma’lumotlarini yuborishi;

foydalanuvchi qurilmasini uning texnik xususiyatlari (device fingerprinting) asosida identifikatsiya qilishi;

foydalanuvchi qurilmasini global (cross-client) darajasida identifikatsiya qilishi;

foydalanuvchining hisobga olish yozuvi (akkaunti)dan ruxsatsiz foydalanish holatlarini aniqlashi;

himoyalangan veb-ilovaga uchinchi tomon kodi kiritilgan (ineksiya) holatlarni aniqlashi;

server tomondagi veb qismga frod yo‘li bilan kiritilgan (veb-ineksiya) kodlarni aniqlashi;

fishing holatlarini aniqlashi;

xavf darajasini baholash maqsadida har bir foydalanuvchi ishlatayotgan brauzerlarni monitoring qilishi;

qurilma identifikatorlarini o‘zgartirish yoki yashirish imkonini beruvchi maxsus brauzerlar (antidetect) orqali kirish holatlarini aniqlashi;

foydalanuvchi xatti-harakatlari (navigatsiya, kursor harakati, tugmalarni bosish tezligi, tanaffuslar va forma bilan o‘zaro ta’sir) asosida asl foydalanuvchi va firibgarlik faoliyatini farqlash mexanizmlarini joriy etishi;

avtomatik kirishga urinishlar (bruteforce) va boshqa manbalardan olingan buzilgan autentifikatsiya ma’lumotlarini qo‘llab (credential stuffing) tizimga kirishga urinish holatlarini aniqlashi va bloklashi;

tashqi tizimlarga kirishga urinish holatlari bo‘yicha ma’lumot taqdim etishi;

mobil ilovadan foydalanish vaqtida foydalanuvchining harakatlari haqida ma’lumot yuborishi;

brauzerlardan ma’lumot olishi (shuningdek, Chromium 26, Microsoft Edge 13, Mozilla Firefox 4, Safari 8 va undan past bo‘lgan versiyalar ishlatilganda bloklashi);

foydalanuvchi tomonidan bir nechta qurilma yoki SIM-karta almashinuvini aniqlashi va tahlil qilishi;

mobil ilovadagi xatti-harakatlar (teginishlar, surishlar, matn terish tezligi, sensor ma’lumotlari) asosida foydalanuvchi yoki firibgar faoliyatini aniqlashi;

GPS va Wi-Fi tarmog‘i ma’lumotlari orqali joylashuvga oid shubhali faoliyatni aniqlashi;

foydalanuvchi va dasturiy ta’minotning zararli faoliyatini tashkilot tomonidan tanlangan qoidalar asosida bloklashi;

foydalanuvchi sessiyasida mobil ilovaning nosozliklarini topish vositasi (debugger) yoqilgan holatlarni aniqlashi va foydalanuvchi harakatlarini tahlil qilishda inobatga olishi;

mobil ilova va server (yoki boshqa xizmatlar) o‘rtasida ma’lumot almashish uchun mo‘ljallangan dasturiy interfeys (Application Programming Interface)ni botlar yoki tashqi tizimlar foydalanishidan himoyalashi.

39. Kredit va to‘lov tashkilotlari shubhali va bloklangan operatsiyalar yuzasidan quyidagi ma’lumotlarni to‘plab, elektron tarzda hujjatlashtirishi lozim:

operatsiya sanasi va vaqti;

foydalanuvchining identifikatori va qurilma ma’lumotlari;

operatsiya turi va miqdori;

xavfni aniqlash sabablari;

ko‘rilgan choralar (bloklash, xabar yuborish, aloqaga chiqish, tahlil qilish va h.k.);

yakuniy qaror.

Ushbu ma’lumotlar kredit tashkilotlarida kamida 3 yil davomida saqlanishi shart.

40. Mobil ilovalar yoki veb-resurslar orqali bank kartasining SMS-xabarnoma xizmatini yoqish, o‘chirish yoki o‘zgartirish taqiqlanadi.

41. Mobil ilovada bank kartasi egasining ismi to‘liq shaklda, familiyasining esa faqat birinchi harfi aks ettirilishi, pul o‘tkazmalari amalga oshirilganda mazkur telefon raqamga ulangan bank kartalari egasining ma’lumotlari qisman berkitilgan tarzda aks ettirilishi lozim.

42. Tashqi tizimlar yoki xorijiy tashkilotlarning mobil ilovalaridan xalqaro o‘tkazmalar telefon raqami orqali amalga oshirilganda bank kartasi egasining ismi to‘liq shaklda,

familiyasining birinchi harfi aks ettirilishi hamda bank kartasining birinchi va oxirgi to‘rtta raqamlari jo‘natuvchi interfeysida aks ettirilishi lozim.

43. Kredit tashkilotida onlayn kredit (mikroqarz) ajratish va omonat operatsiyalarini real vaqt rejimida kuzatib borish imkonini beradigan tranzaksion monitoring tizimi joriy etilishi lozim.

Elektron hamyonlar bilan ishlovchi kredit va to‘lov tashkilotlarida shubhali tranzaksiyalarni aniqlash va oldini olish bo‘yicha tranzaksion antifrod tizimi joriy etilishi lozim.

44. Kredit tashkilotlari axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash va frod holatlariga tezkor javob qaytarish maqsadida foydalanuvchilarni quyidagi holatlar yuz berganda SMS-xabarnoma va mobil ilovada PUSH-xabar orqali zudlik bilan xabardor qilishi hamda jarayonni to‘xtatishi va foydalanuvchining qo‘shimcha tasdiqdan o‘tishini ta’minlashi shart:

foydalanuvchi nomidan yangi qurilma orqali tizimga kirishga urinishda;

foydalanuvchi nomidan onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirish, omonat joylashtirish hamda omonatdan pul mablag‘larini yechib olish bo‘yicha so‘rov yuborilganda;

tizimda frod alomatlari qayd etilganda (qisqa vaqt ichida bir nechta operatsiyalarning amalga oshirilishi, shubhali IP-manzillardan kirish, noodatiy geolokatsiyadan harakatlar va boshqalar).

45. Masofadan moliyaviy xizmatlarni taqdim etuvchi axborot tizimlari, shuningdek, mobil ilovalarga nisbatan amalga oshiriladigan kibertahdidlar maxsus platformalar orqali monitoring va tahlil (threat intelligence) qilish jarayonida aniqlangan vaqtda tizim orqali zudlik bilan Markaziy bankka xabar berilishi lozim.

7-bob. Ma’lumotlarni saqlash va muhofaza qilish

46. Kredit va to‘lov tashkilotlari jismoniy shaxslarning shaxsiga doir, identifikatsiya va to‘lov bilan bog‘liq barcha turdagi ma’lumotlarning xavfsizligini ta’minlash maqsadida ularni o‘z axborot tizimlarida shifrlangan holda saqlashi shart.

Axborot tizimlaridagi ma’lumotlarning ruxsatsiz tarqalishining oldini olish maqsadida ma’lumotlarni ruxsatsiz tarqalishidan himoyalash tizimi DLP (Data Loss Prevention) joriy etilishi lozim.

47. Axborot tizimida foydalanuvchi va tizimning o‘zi tomonidan amalga oshirilgan barcha harakatlar avtomatik tarzda jurnallashtirilishi shart. Jurnallar soxtalashtirish va o‘zgartirishdan himoyalangan formatda saqlanishi lozim. Jurnal ma’lumotlarining yaxlitligini ta’minlash maqsadida WORM (Write Once Read Many) texnologiyasidan foydalanish tavsiya etiladi.

48. Imtiyozli funksiyalar va yuqori darajadagi tizim huquqlari orqali amalga oshirilgan barcha harakatlarga faqat cheklangan doiradagi xodimlar tomonidan kirishga ruxsat berilishi shart. Bunday huquqlardan foydalanish jarayonlari majburiy tarzda ko‘p omilli autentifikatsiya MFA (Multi-Factor Authentication) orqali himoyalanishi lozim.

Imtiyozli funksiyalar va yuqori darajadagi tizim huquqlari doirasida amalga oshiriladigan faoliyatning to‘liq nazorati va jurnallashtirilishi PAM (Privileged Access Management) tizimi orqali amalga oshirilishi kerak.

49. Kredit va to‘lov tashkilotlari axborot tizimlaridagi ma’lumotlarni himoya qilish uchun kriptografik himoya vositalaridan foydalanishda quyidagi talablarni bajarishlari shart:

aloqa kanallari orqali axborot almashinuvini faqat himoyalangan Transport Layer Security (TLS) protokolidan (1.3 yoki undan yuqori versiya) foydalangan holda amalga oshirish;

ma’lumotlarni shifrlashda AES-256/GCM algoritmidan foydalanish;

kriptografik kalitlarning aylanish (rotatsiya) siyosatini kiberxavfsizlik sohasidagi vakolatli davlat organi tomonidan belgilangan talablar doirasida amalga oshirish;

kriptografik kalitlar kamida yilda bir marotaba yangilanib borilishini ta’minlash;

kriptografik kalitlar bilan bog‘liq barcha yozuvlar (loglar), shu jumladan kalit yaratish, aylantirish, bekor qilish va foydalanish holatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni kamida 3 yil davomida saqlash;

kriptografik kalitlarning muddati o‘tganidan keyin ularni belgilangan tartibda yo‘q qilish yoki arxiv holatiga o‘tkazish hamda bu jarayonni tegishli dalolatnoma bilan rasmiylashtirish.

50. Kredit va to‘lov tashkilotlari kriptografik kalitlarni boshqarishda kalitlarni boshqarish tizimi (KMS) yoki apparat xavfsizlik moduli (HSM)dan foydalanishlari mumkin.

51. Mazkur Nizomda qayd etilgan kriptografik algoritmlar yoki protokollarning versiyalari (jumladan, TLS, AES va boshqalar) eskirgan yoki zaif deb topilsa, kredit va to‘lov

tashkilotlari ma’lumotlarni himoya qilishda yangilangan, ekvivalent yoki undan yuqori darajadagi xavfsizlikni ta’minlaydigan kriptografik algoritmlar va protokollardan foydalanishlari lozim.

52. Kredit va to‘lov tashkilotlari axborot tizimlari doirasida amalga oshirilgan barcha texnik jarayonlar, foydalanuvchi faoliyati, xavfsizlik bilan bog‘liq holatlar, operatsiya jurnallari va tegishli dasturiy yozuvlarni kamida 3 yil mobaynida xavfsiz va ishonchli shaklda saqlashi lozim.

8-bob. Mobil ilovalar va ularning veb-talqinida xavfsizlikni ta’minlash

53. Kredit va to‘lov tashkilotlari tomonidan joriy etilgan mobil ilovalar va ularning veb-talqini axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash talablariga to‘liq javob berishi lozim.

54. Mobil ilovaga texnik xavf tug‘diruvchi qurilmalarda ishlashini avtomatik tarzda aniqlash va bloklash mexanizmlari joriy etilishi lozim.

55. Kredit va to‘lov tashkilotlari quyidagi holatlarda mobil ilovaning ishlashini cheklashi lozim:

android operatsion tizimida ishlovchi qurilmaning tizim huquqlariga noqonuniy kirish orqali xavfsizlik siyosati buzilganda (root);

iOS operatsion tizimida ishlovchi qurilmada ishlab chiqaruvchi tomonidan o‘rnatilgan xavfsizlik cheklovlari o‘chirilib, tizimga chuqur kirish imkoniyati yaratilganda (jailbreak).

56. Mobil ilova ishga tushirilganda qurilmaning xavfsizlik holati tahlil qilinishi (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection kabi vositalar) va salbiy holat aniqlanganda mobil ilovaning ish faoliyati to‘xtatilib, foydalanuvchiga SMS-xabarnoma yuborilishi shart. Ushbu holat bayonnoma (loglar) bazasiga avtomatik tarzda qayd etilishi lozim.

57. Mobil ilova dastur kodiga ruxsatsiz kirish, tahrirlash, teskari muhandislik (reverse engineering) va dekompilyatsiya orqali tahlil qilish imkoniyatini cheklovchi maxsus texnologiyalar bilan himoya qilinishi shart.

58. Kredit va to‘lov tashkilotlari mobil ilova orqali tarqalishi mumkin bo‘lgan zararli kodlar, dasturlar va frodga oid tahdidlarni aniqlash va ularning oldini olish maqsadida mobil SDK (Software Development Kit) orqali antivirus va antifrod funksiyalari bilan ta’minlangan xavfsizlik modullarini integratsiya qilishi kerak.

59. Kredit va to‘lov tashkilotlari mobil ilovani real vaqt rejimida tahdidlardan himoya qilish uchun RASP (Runtime Application Self-Protection) texnologiyalarini joriy qilishi lozim.

60. Kredit va to‘lov tashkilotlari o‘z veb-talqinlarida quyidagi axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash choralarini ko‘rishlari shart:

ma’lumot almashinuvi HTTPS protokoli orqali amalga oshirilishi va HSTS (Strict Transport Security) siyosati faollashtirilishi;

veb-talqinga yuklanadigan JavaScript kodlarining yaxlitligini ta’minlash uchun SRI (Subresource Integrity) yoki shunga mos mexanizmlar qo‘llanishi;

brauzer muhitida anomal faollikni (bot faolligi, avtokliker, virtual muhit) aniqlash uchun tegishli kiberxavfsizlik vositalarini joriy qilishi.

61. Kredit va to‘lov tashkilotlari mobil ilovalar va ularning veb-talqinida sessiya boshqaruvi hamda autentifikatsiya xavfsizligini o‘zining antifrod tizimlarida belgilangan talab va qoidalarga asosan ta’minlaydi.

62. Foydalanuvchining faoliyati, sessiyalari, anomal harakat va tahdidlar bilan bog‘liq barcha ma’lumotlar bayonnomalashtirilishi (loglash) hamda markazlashgan monitoring (SIEM) tizimiga integratsiya qilingan holda real vaqt rejimida kuzatilishi va qayd etilishi shart.

63. Kredit va to‘lov tashkilotlarining mobil ilovalariga qisqa vaqt oralig‘ida noodatiy darajada ko‘p so‘rovlar kelib tushganda axborot tizimining barqarorligi va xavfsizligini ta’minlash maqsadida bunday so‘rovlarga nisbatan cheklovlar joriy etishi, vaqtinchalik bloklash yoki boshqa himoya choralarini mustaqil ravishda qo‘llashlari lozim.

64. Mobil ilovadagi akkauntga 1 daqiqa mobaynida 1 ta IP manzildan 2 va undan ortiq qurilmadan urinish holatlari kuzatilsa, ushbu akkaunt 10 daqiqaga bloklanishi lozim.

9-bob. Foydalanuvchilarni o‘qitish va ma’lumot berish

65. Kredit va to‘lov tashkilotlari o‘z axborot tizimlari, mobil ilovalari va veb-resurslarida ro‘yxatdan o‘tgan foydalanuvchilarini axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha asosiy qoidalar bilan tanishtirishi shart.

66. Axborot tizimlari, mobil ilovalar va veb-resurslarda foydalanuvchiga frodning turlari, eng ko‘p uchraydigan sxema va usullari hamda ulardan himoyalanish bo‘yicha amaliy tavsiyalar berib borilishi lozim.

67. Kredit tashkilotlari frod holatlari to‘g‘risida foydalanuvchilar tezkor murojaat qilishlari uchun bank kartasining orqa tomonida 24/7 rejimda ishlovchi aloqa raqamini ko‘rinib turadigan va o‘qish uchun oson shaklda joylashtirishi shart.

68. Kredit va to‘lov tashkilotlari bank kartasini rasmiylashtirish yoki boshqa turdagi xizmatlarni taqdim etish jarayonida tuziladigan shartnomalar va ommaviy ofertalarda quyidagi talablarni belgilashi shart:

foydalanuvchiga kredit va to‘lov tashkilotlari tomonidan yuboriladigan xabarlar, jumladan mobil ilovadagi bildirishnomalar, SMS va PUSH-xabarlarni diqqat bilan o‘rganib chiqishi shartligi;

kredit va to‘lov tashkilotlari tomonidan foydalanuvchiga firibgarlik belgilari aniqlanganligi to‘g‘risida ma’lumot berilishi;

foydalanuvchi kredit yoki to‘lov tashkilotidan shu kabi xabarlarni olganidan keyin har qanday to‘lov amaliyotlarini tasdiqlashda ehtiyotkor bo‘lishi;

foydalanuvchining qurilmasi yo‘qolganligi yoki uchinchi shaxslar tomonidan qurilmani boshqarishga nazorat o‘rnatilganligini aniqlagan paytdan boshlab zudlik bilan biroq 1 kundan kechiktirmay kredit yoki to‘lov tashkilotini xabardor qilishi;

foydalanuvchi o‘z roziligisiz amalga oshirilgan operatsiya faktini aniqlagan paytdan boshlab 1 kun ichida bu haqda kredit va to‘lov tashkilotini xabardor qilishi;

foydalanuvchi kredit va to‘lov tashkilotiga o‘zining aloqa ma’lumotlarini taqdim etishi shartligi, ushbu ma’lumotlar kredit va to‘lov tashkilotining foydalanuvchi bilan bog‘lanishi uchun zarurligi, agar ushbu ma’lumotlar o‘zgarsa, foydalanuvchi o‘zgarishlar sodir bo‘lgan kundan boshlab 3 kun ichida bu haqda kredit yoki to‘lov tashkilotiga xabar berishi.

Kredit va to‘lov tashkilotining so‘roviga ko‘ra foydalanuvchi operatsiyani o‘zi mustaqil ravishda amalga oshirganligi yoki uni foydalanuvchining topshirig‘i yoxud ixtiyoriy roziligi bilan uchinchi shaxs bajarganligi haqidagi ma’lumotlarni taqdim etishi shart. Shuningdek, foydalanuvchi firibgarlik holatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ham taqdim etishi lozim.

69. Bank kartasini rasmiylashtirish jarayonida foydalanuvchilarga bank kartasining amal qilish muddati, himoya parollari va telefon raqamiga SMS orqali yuboriladigan bir martalik tasdiqlovchi kodlarni begona shaxslarga taqdim etmaslik to‘g‘risida tushuntirish hamda yozma ravishda ma’lumot berilishi lozim.

70. Foydalanuvchi SMS-xabarnoma xizmatiga ulangan telefon raqamini o‘zgartirgan taqdirda kredit va to‘lov tashkiloti uning avvalgi telefon raqamiga xizmatning o‘chirilganligi va

yangi telefon raqamiga xizmatning ulanganligi haqida SMS-xabarnoma orqali xabar berishi shart.

10-bob. Yakuniy qoidalar

71. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

72. Mazkur Nizomning 5-bobida belgilangan talablar Nizom kuchga kirgandan keyin sodir etilgan onlayn kredit (mikroqarz) ajratish bilan bog‘liq frod holatlariga nisbatan qo‘llaniladi.

73. Mazkur Nizomda belgilangan talablarning agent va subagentlar tomonidan bajarilishi ularga tegishli asosiy tashkilot (kredit yoki to‘lov tashkiloti) tomonidan nazorat qilinadi.

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3760
2026 - yil 22 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI UCHUN KONTENT TAYYORLASH MARKAZI DIREKTORINING BUYRUG‘I

Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarlarini attestatsiyadan o‘tkazish hamda ularning faoliyat samaradorligini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-iyuldagi PF–111-son “Davlat boshqaruvi tizimida samaradorlik, proaktivlik va natijadorlikni oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarlarini attestatsiyadan o‘tkazish hamda ularning faoliyat samaradorligini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda O‘zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi bilan kelishilgan.

4. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor
13-Yanvar 2026-yil
70-son

AXMEDOV QOBULJON
XOLIQOVICH

Kelishildi:

Vazir 17-Dekabr 2025-yil		ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH
Rais 15-Dekabr 2025-yil		RAFIKOV KUDRATULLA MIRSAGATOVICH

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ommaviy axborot vositalari uchun kontent tayyorlash markazi direktorining 2026-yil 13-yanvardagi 70-son buyrugʻiga
1-ILOVA

Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarlarini attestatsiyadan oʻtkazish hamda ularning faoliyat samaradorligini baholash tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom respublika va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, boshqa davlat organlari, davlat muassasalari, davlat ulushi 50 foizdan yuqori tashkilotlar (bundan buyon matnda davlat organlari va tashkilotlari deb yuritiladi) axborot xizmati rahbarlarini (bundan buyon matnda talabgorlar deb yuritiladi) Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ommaviy axborot vositalari uchun kontent tayyorlash markazida attestatsiyadan oʻtkazish hamda ularning faoliyat samaradorligini baholash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

davlat organlari va tashkilotlari – respublika va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, boshqa davlat organlari, davlat muassasalari, davlat ulushi 50 foizdan yuqori tashkilotlar;

talabgor – davlat organlari va tashkilotlarining attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisida guvohnomaga ega boʻlmagan yoxud bunday guvohnomasining amal qilish muddati tugayotgan axborot xizmati rahbari.

2. Talabgorni attestatsiyadan oʻtkazish uning kasbiga munosibligi darajasini xolisona baholash, tegishli malaka talablariga muvofiqligini aniqlash, uning zimmasiga yuklangan vazifalar va funksiyalarni bajarish yuzasidan masʼuliyatini oshirish maqsadida amalga oshiriladi.

2-bob. Talabgorni attestatsiyadan oʻtkazish

3. Talabgor Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ommaviy axborot vositalari uchun kontent tayyorlash markazida

(bundan buyon matnda Markaz deb yuritiladi) har uch yilda bir marotaba attestatsiyadan oʻtishi shart.

Talabgorlar ular ishlayotgan davlat organlari va tashkilotlari tomonidan boshqa turdagi attestatsiyalardan oʻtkazilishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

4. Birinchi marta lavozimga tayinlangan talabgor ishga qabul qilingan kundan boshlab kamida uch oy ishlaganidan keyin attestatsiyadan oʻtkazilishi kerak.

Attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnomaga ega boʻlgan shaxslar mazkur guvohnomaning amal qilish muddati tugashiga qadar ikki oy mobaynida attestatsiyadan oʻtishi kerak.

5. Talabgorlarni attestatsiyadan oʻtkazish uchun Markaz mutaxassislari orasidan Markaz direktorining buyrugʻi bilan kamida yetti kishidan iborat tarkibda Attestatsiya komissiyasi (bundan buyon matnda Komissiya deb yuritiladi) tuziladi.

Komissiya tarkibiga davlat organlari va tashkilotlari, shuningdek ilmiy va oliy taʼlim tashkilotlari vakillari ham kiritilishi mumkin.

Bunda:

Markaz direktorining soha boʻyicha masʼul oʻrinbosari Komissiya raisi;

Markazning tegishli tarkibiy boʻlinmasi Komissiya ishchi organi hisoblanadi.

6. Komissiya raisi:

Komissiya majlislarida raislik qiladi;

attestatsiyani oʻtkazish joyi va muddatlarini belgilaydi;

talabgorlarning roʻyxat boʻyicha tarkibini belgilaydi;

attestatsiyani oʻtkazish boʻyicha boshqa tashkiliy masalalarni hal qiladi.

7. Komissiyaning ishchi organi:

attestatsiyani oʻtkazish jadvalini tuzadi va uni tasdiqlash uchun Komissiya raisiga taqdim etadi;

attestatsiyani oʻtkazish sanasi, vaqti va joyi toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni Komissiya aʼzolari hamda talabgorlarga yetkazadi.

8. Attestatsiyada beriladigan savollar roʻyxati Markaz tomonidan ishlab chiqilib, attestatsiya oʻtkazish sanasidan kamida ikki oy oldin uning rasmiy veb-saytida eʼlon qilinadi.

3-bob. Talabgorlarning hujjatlarini koʻrib chiqish

9. Komissiya attestatsiyadan oʻtish muddati kelgan talabgorlarning roʻyxatini taqdim etish boʻyicha davlat organlari va tashkilotlariga attestatsiyani oʻtkazish joyini koʻrsatgan holda yozma yoki elektron shaklda murojaat qiladi.

10. Davlat organlari va tashkilotlari Komissiya murojaat qilgan kundan eʼtiboran oʻn besh kun ichida unga mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shakldagi talabgorlarning anketasini taqdim etadi.

11. Komissiya tomonidan talabgorlarning anketasi taqdim etilgan kundan boshlab oʻn kun ichida ushbu hujjatlar atroflicha oʻrganib chiqilib, attestatsiyadan oʻtadigan talabgorlar roʻyxati tasdiqlanadi hamda attestatsiya ikki oy ichida oʻtkaziladi.

12. Komissiya ishchi organi har bir talabgor haqidagi materiallarni attestatsiya oʻtkazish sanasidan kamida bir hafta oldin Komissiyaga taqdim etadi.

13. Attestatsiyaga uzrli sabablarga koʻra (kasalligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, mehnat taʼtili, Oʻzbekiston Respublikasidan tashqarida boʻlishi sababli) kelmagan talabgor attestatsiya boshlangunga qadar Markazni yozma yoki elektron ravishda xabardor qilishi lozim. Bunda talabgor attestatsiya komissiyasining keyingi navbatdagi majlisida attestatsiyadan oʻtkaziladi.

14. Attestatsiyaga uzrsiz sababga koʻra kelmagan talabgorlar boʻyicha ular ishlayotgan davlat organi yoki tashkiloti rahbarlariga xabarnoma yuboriladi.

Attestatsiyaga uzrsiz sababga koʻra kelmagan talabgorlar boʻyicha Komissiya tomonidan talabgorni attestatsiyadan oʻtmagan deb hisoblash va unga

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisida guvohnoma berishni rad etish haqida qaror chiqariladi.

4-bob. Attestatsiyani oʻtkazish

15. Komissiya ishida aʼzolarning kamida uchdan ikki qismi ishtirok etgan taqdirda vakolatli hisoblanadi.

16. Komissiya majlisi uning aʼzolarini talabgorlarning hujjatlari bilan tanishtirish, shuningdek talabgorlarga attestatsiyani oʻtkazish tartibini tushuntirishdan boshlanadi.

17. Attestatsiya 5 ta savoldan va amaliy sinovlardan iborat ogʻzaki suhbat shaklida oʻtkaziladi.

18. Attestatsiya oʻtkazilayotgan xonaga talabgorlar tomonidan mobil aloqa vositasi, kompyuter yoki boshqa aloqa va telekommunikatsiya vositalari, kitob, shpargalka va boshqa materiallar olib kirish hamda foydalanish taqiqlanadi.

Bunda ushbu taqiqlangan materiallarni olib kirgan yoki foydalangan talabgor attestatsiyani oʻtkazish tartibini buzgan deb hisoblanadi hamda dalolatnoma asosida attestatsiyadan chetlashtiriladi.

19. Attestatsiya shaffofligi va xolisligini taʼminlash maqsadida uni oʻtkazish jarayoni uzluksiz ravishda videoyozuvga (ovozli) tushiriladi, videotasvir Markazda uch yil mobaynida saqlanadi.

20. Komissiya attestatsiyani oʻtkazish davomida:

talabgor toʻgʻrisida qisqa maʼlumotni tinglaydi;

savollar roʻyxatiga muvofiq talabgor bilan suhbat oʻtkazadi;

attestatsiya natijalariga koʻra talabgorga baho beradi;

Komissiya ishchi organiga attestatsiya natijalarini taqdim etadi.

21. Talabgor bilan uning kasbiy faoliyatiga bogʻliq boʻlgan qonunchilik sohasi, shu jumladan axborot xizmatlari faoliyati sohasiga doir suhbat oʻtkaziladi.

Suhbat jarayonida berilgan savollar va talabgorning javoblari, suhbat natijalari mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq shakldagi suhbat oʻtkazish varaqasida aks ettiriladi.

22. Attestatsiya oʻtkazish vaqtida talabgorning natijalari (suhbat natijalari) 5 ballik tizimda baholanadi.

Bunda Komissiyaning har bir aʼzosi nomzodni quyidagi mezonlarga asosan baholaydi:

berilgan savollarga toʻliq va aniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bogʻliq tizimli bilimlarga ega boʻlishi, ulardan oʻz kasb faoliyatida mustaqil foydalanishni bilishi, axborot-kommunikatsiya sohasidagi muammolar va jarayonlarni mustaqil tahlil qila olishi — 5 ball;

berilgan savollarga aniq, biroq toʻliq javob berolmasligi, faoliyat sohasi bilan bogʻliq bilimlarga ega boʻlishi, ulardan oʻz kasb faoliyatida foydalanishni bilishi, axborot-kommunikatsiya sohasidagi muammolar va jarayonlarni tahlil qila olishi — 4 ball;

berilgan savollarga toʻliq javob berolmasligi, faoliyat sohasi bilan bogʻliq bilimlarga yetarli darajada ega boʻlishi, ulardan oʻz kasb faoliyatida foydalanishni bilishi — 3 ball;

berilgan savollarga noaniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bogʻliq bilimlarga ega boʻlishi, ulardan oʻz kasb faoliyatida foydalanishni bilmasligi — 2 ball;

berilgan savollarga noaniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bogʻliq bilimlarga yetarli darajada ega emasligi — 1 ball;

berilgan savollarga umuman javob bera olmasligi — 0 ball.

23. Komissiya talabgorning bilimlari va ish tajribasini hisobga olib:

talabgorni attestatsiyadan oʻtgan deb topish va unga attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnomani berish haqida;

talabgorni attestatsiyadan oʻtmagan deb topish va unga attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnomani berishni rad etish haqida qaror qabul qiladi.

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

Bunda suhbat natijalariga koʻra kamida 4 ball bilan baholangan talabgor attestatsiyadan oʻtgan deb topiladi va unga attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnoma beriladi.

24. Komissiyaning qarorlari oddiy koʻpchilik ovoz bilan qabul qilinadi. Ovozlar teng boʻlib qolgan taqdirda Komissiya raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi.

Komissiyaning qarorlari bayonnoma bilan rasmiylashtiriladi va suhbat oʻtkazish varaqasiga kiritiladi. Bayonnoma qarori va suhbat oʻtkazish varaqasi ushbu attestatsiyada ishtirok etgan rais hamda Komissiya aʼzolari tomonidan imzolanadi.

25. Komissiyaning qarorlari ovoz berish tugaganidan keyin shu vaqtning oʻzida talabgorlar uchun eʼlon qilinishi kerak.

26. Attestatsiyadan oʻtgan deb topilgan talabgorga attestatsiyadan oʻtgandan keyin besh kun muddatda mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq shaklda attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisida guvohnoma beriladi.

Guvohnomaning amal qilish muddati — uch yil.

27. Attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisida guvohnoma blankalari qatʼiy hisobot beriladigan hujjatlar hisoblanadi, himoyalanganlik darajasiga, hisobga olish seriyasiga va tartib raqamiga ega boʻladi.

28. Attestatsiyadan oʻta olmagan talabgor boʻyicha Komissiya ishchi organi Komissiyaning qarorlari e’lon qilingan kundan e’tiboran besh kun muddatda xulosani rasmiylashtiradi hamda uni davlat organi yoki tashkilotiga yozma yoki elektron shaklda yuboradi.

Talabgor attestatsiyadan oʻta olmagan taqdirda davlat organi va tashkiloti mazkur xodimni takroran attestatsiyadan oʻtkazish uchun attestatsiya oʻtkazilgan kundan kamida uch oy oʻtgach, biroq olti oydan kechikmay murojaat qilishi mumkin.

29. Talabgor takroran attestatsiyadan oʻta olmasa yoki koʻrsatilgan muddatda takroran attestatsiyadan oʻtish uchun murojaat qilmasa, Komissiya uning ish joyiga

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

bu haqda xabarnoma yuboradi.

Davlat organi yoki tashkiloti xabarnoma olingan kundan keyin oʻn kun mobaynida mazkur xabarnomani koʻrib chiqishi va mehnat qonunchiligiga muvofiq tegishli choralar toʻgʻrisida besh kun muddatda Markazni yozma yoki elektron shaklda xabardor qilishi kerak.

5-bob. Talabgorlarning apellyatsiya shikoyatlarini koʻrib chiqish

30. Talabgorlarning apellyatsiya shikoyatlarini koʻrib chiqish uchun Markaz direktorining buyrugʻi bilan Markazning kamida besh nafar mutaxassislaridan iborat tarkibda apellyatsiya komissiyasi (bundan buyon matnda Apellyatsiya komissiyasi deb yuritiladi) tashkil etiladi.

Bunda Markaz direktorining buyrugʻiga asosan Apellyatsiya komissiyasi tarkibiga boshqa davlat organlari va tashkilotlaridan ham mutaxassislar jalb etilishi mumkin.

31. Attestatsiya natijalaridan norozi boʻlgan talabgorlar mazkur attestatsiya natijalari eʼlon qilingan kundan boshlab bir oy ichida Apellyatsiya komissiyasiga yozma yoki elektron shaklda apellyatsiya shikoyati berishlari mumkin.

Bunda Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan talabgorni shikoyat koʻrib chiqilishidan 2 kun oldin uni koʻrib chiqish vaqti va joyi haqida ogohlantiradi.

32. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyatini, u kelib tushgan kundan boshlab 3 kun muddat ichida koʻrib chiqadi. Bunda apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan talabgor mazkur shikoyatni koʻrib chiqishda ishtirok etish huquqiga ega.

33. Apellyatsiya komissiyasi unda aʼzolarning kamida uchdan ikki qismi ishtirok etganda vakolatli hisoblanadi. Apellyatsiya komissiyasining qarori oddiy koʻpchilik ovoz bilan qabul qilinadi va majlisda ishtirok etgan barcha aʼzolar tomonidan tasdiqlanadigan bayonnoma bilan rasmiylashtiriladi.

34. Apellyatsiya komissiyasi tomonidan apellyatsiya shikoyatini koʻrib chiqish davomida talabgorga uni qayta baholashga qaratilgan savollar berilishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

35. Apellyatsiya shikoyatini koʻrib chiqish natijalari boʻyicha Apellyatsiya komissiyasi tomonidan quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

attestatsiya natijalarini oʻzgarishsiz qoldirish;

attestatsiya natijalariga oʻzgartirish kiritish.

36. Apellyatsiya shikoyatini koʻrishda talabgorning attestatsiya natijasida olgan balini pasaytirishga yoʻl qoʻyilmaydi.

37. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan talabgorga oʻz qarorini u qabul qilingan kunning oʻzida maʼlum qilishi kerak.

38. Apellyatsiya komissiyasining attestatsiya natijalariga oʻzgartirish kiritish toʻgʻrisidagi qarori asosida talabgorga attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisida guvohnoma beriladi.

39. Apellyatsiya komissiyasining qarorlari yuzasidan yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilinishi mumkin.

6-bob. Attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnomalarni qayta rasmiylashtirish

40. Attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnomani qayta rasmiylashtirish Markaz tomonidan talabgorning familiyasi, ismi yoki otasining ismi oʻzgargan taqdirda uning arizasi asosida bepul amalga oshiriladi.

Attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnoma qayta rasmiylashtirilgunga qadar talabgor oʻz faoliyatini ilgari berilgan guvohnoma asosida amalga oshiradi.

41. Markaz tomonidan qayta rasmiylashtirish paytida attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi yangi guvohnoma beriladi, ushbu guvohnomada oldingi guvohnomada koʻrsatilgan amal qilish muddati qayd etilgan boʻlishi lozim, bunda attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisida oldin berilgan guvohnoma bekor qilinadi.

42. Attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnoma yoʻqolgan yoki yaroqsiz holga kelgan taqdirda talabgorning arizasiga koʻra, ushbu ariza berilgan kundan boshlab oʻn kun ichida uning dublikati bepul beriladi.

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

43. Dublikatni berishda talabgorga Markaz tomonidan “DUBLIKAT” belgisi qoʻyilgan attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi yangi guvohnoma beriladi, ushbu guvohnomada oldingi guvohnomada koʻrsatilgan amal qilish muddati qayd etilgan boʻlishi kerak.

44. Attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnoma qayta rasmiylashtirilishi va dublikati berilishi uchun attestatsiyadan oʻtish talab qilinmaydi.

45. Talabgor boshqa davlat organi yoki tashkilotiga oʻtgan taqdirda agar uning attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnomasi amal qilish muddati tugamagan boʻlsa, u qayta attestatsiyadan oʻtmasdan faoliyatini davom ettirishi mumkin.

46. Talabgorning faoliyat samaradorligini baholash O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 14-iyundagi PF–154-son “Davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining ochiqlik darajasini oshirish va baholash tizimini joriy etish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoniga asosan amalga oshiriladi.

7-bob. Yakuniy qoida

47. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarlarini attestatsiyadan oʻtkazish hamda ularning faoliyat samaradorligini baholash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga 1-ILOVA

Attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnomani olish uchun talabgorning

ANKETASI

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

1. Familiyasi, ismi
otasining ismi
2. Tug‘ilgan sanasi
(yil, kun va oy)
3. Pasport (ID-karta)ning seriyasi, tartib raqami, berilgan sanasi:

4. Yashash joyi:

viloyat_____ shahar (tuman)_____
ko‘cha_____ uy, kvartira raqami_____
telefon el. pochta manzili
5. Ma’lumoti _____
Ta’lim tashkilotining nomi _____
Mutaxassisligi
6 Mehnat faoliyati

T/r	Oy va yil		Tashkilot va lavozimi	Tashkilot joylashgan joy
	ishga kirgan vaqti	ishdan bo‘shagan vaqti		
1.				
2.				

7. Axborot xizmati rahbari sifatidagi mehnat faoliyati

T/p	Oy va yil		Tashkilot va lavozimi	Tashkilot joylashgan joy
	tayinlandi	ozod qilindi		
1.				
2.				

To‘ldirilgan sana Imzo

Komissiya a’zolari:

1. *(F.I.O., imzo)*
2. *(F.I.O., imzo)*
3. *(F.I.O., imzo)*

Ishchi organ mas’ul xodimi *(F.I.O., imzo)*

Suhbat varaqasi bilan tanishdim: *(sana va nomzodning imzosi)*

Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarlarini attestatsiyadan o‘tkazish hamda ularning faoliyat samaradorligini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomga 2-ILOVA

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

SUHBAT O‘TKAZISH VARAQASI

1. Familiyasi, ismi, otasining ismi _____
2. Tug‘ilgan yili (sanasi) _____
3. Ma’lumoti _____
4. Mutaxassisligi _____
5. Umumiy ish staji ____, shu jumladan jurnalistika, axborot xizmatida _____
6. Boshqa ma’lumotlar: _____

7. Nomzodga berilgan savollar va ularning javoblari:
1) savol: _____
javob: _____
2) savol: _____
javob: _____
3) savol: _____
javob: _____
4) savol: _____
javob: _____
5) savol: _____
javob: _____
6) amaliy sinov natijasi: _____
8. Nomzodning e’tirozlari va takliflari: _____
_____
_____
9. Ovoz berish natijalari:
yoqlaganlar _____
qarshilar _____
10. Suhbat o‘tkazilgan sana: _____
11. O‘tkazilgan suhbat natijalari bo‘yicha xulosa: _____
_____

Komissiya raisi _____
(F.I.O., imzo)

Komissiya raisining o‘rinbosari _____
(F.I.O., imzo)

Komissiya a’zolari:

1. _____
(F.I.O., imzo)
2. _____
(F.I.O., imzo)
3. _____
(F.I.O., imzo)

Ishchi organ mas’ul xodimi _____
(F.I.O., imzo)

Suhbat varaqasi bilan tanishdim: _____
(nomzodning F.I.O., sana va imzosi)

Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarlarini attestatsiyadan o‘tkazish hamda ularning faoliyat samaradorligini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomga 3-ILOVA

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

Axborot xizmat rahbari attestatsiyadan o‘tganligi haqida
GUVOHNOMA

_____
(seriyasi)

Ushbu bilan _____
(familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____
(attestatsiyani o‘tkazgan tashkilot nomi)

_____ da attestatsiyadan o‘tganligi tasdiqlanadi va u davlat organlari va tashkilo
axborot xizmati rahbari bo‘lib ishlashi mumkin

Guvohnoma _____ gacha amal qiladi.
(yil, kun va oy)

Attestatsiya komissiyasi raisi: _____ _____
(imzo) *(familiyasi, ismi, otasining ismi)*

M.O‘.

QMMB: 10/26/3760/0068-son
23.01.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ommaviy axborot vositalari uchun kontent tayyorlash markazi direktorining 2026-yil 13-yanvardagi 70-son buyrugʻiga 2-ILOVA

Oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi direktorining 2019-yil 26-avgustdagi 324-son “Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarini lavozimga tayinlashni Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi yoki uning hududiy boshqarmalari bilan kelishish, ularni attestatsiyadan oʻtkazish hamda ish samaradorligini baholash tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi (roʻyxati raqami 3187, 2019-yil 3-oktabr) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 03.10.2019-y., 10/19/3187/3846-son).

2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi direktorining 2019-yil 17-dekabrdagi 445-son “Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarini lavozimga tayinlashni Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi yoki uning hududiy boshqarmalari bilan kelishish, ularni attestatsiyadan oʻtkazish hamda ish samaradorligini baholash tartibi toʻgʻrisidagi nizomning 1-bandiga oʻzgartirish kiritish haqida”gi buyrugʻi (roʻyxati raqami 3187-1, 2020-yil 16-yanvar) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 16.01.2020-y., 10/20/3187-1/0057-son).

3. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi direktorining 2025-yil 14-yanvardagi 252-son “Davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmati rahbarini lavozimga tayinlashni Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi yoki uning hududiy boshqarmalari bilan kelishish, ularni attestatsiyadan oʻtkazish hamda ish samaradorligini baholash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga qoʻshimcha va oʻzgartirishlar kiritish toʻgʻrisida”gi buyrugʻi (roʻyxati raqami 3187-2, 2025-yil 6-fevral) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 07.02.2025-y., 10/25/3187-2/0110-son).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2634-9
2026 - yil 24 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI

IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUG‘I

Budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 25-dekabrdagi O‘RQ–1107-son “Budjet jarayoni takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 14-noyabrdagi 74-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2634, 2014-yil 15-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 51-son, 612-modda) bilan tasdiqlangan Budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir

2026-yil 12-yanvar

318-son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining
2026-yil 12-yanvardagi
318-son buyrug‘iga
ILOVA

Budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar va qo‘shimcha

1. Muqaddimadan “vaqtinchalik xarajatlar smetalarini,” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

2. 1^1-bandning to‘rtinchi xatboshisi va 4-bandning ikkinchi xatboshisi chiqarib tashlansin.

3. 5-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“barcha tashkilotlar (mavsumiy yoki moliya yili mobaynida yangidan tuzilayotgan tashkilotlardan tashqari) bo‘yicha – mazkur smetalar tuzilayotgan joriy moliya yilining 1-dekabrida amalda bo‘lgan shartlarda;”.

4. 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi, jamlanma xarajatlar smetasi, jamlanma daromadlar va xarajatlar smetasi, shuningdek shtat jadvallari va jamlanma shtat jadvallari so‘mda tuziladi.

O‘zbekiston Respublikasining xorijdagi har bir diplomatik vakolatxonasi va konsullik muassasasi hamda vazirlik va idoralarning vakolatxonalari bo‘yicha xarajatlar smetalari O‘zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonalari va konsullik muassasalari hamda vazirlik va idoralar vakolatxonalarining O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan yillik jamlanma xarajatlar smetalari asosida xorijiy va milliy valyutada tuziladi.”.

5. 7^1-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilaridan hamda 7^3-banddan “vaqtinchalik xarajatlar smetalari,” va “, jamlanma vaqtinchalik xarajatlar smetalari” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

6. 7^2-bandning yigirmanchi xatboshisidagi “Toshkent shahar hokimliklarining Iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmalari, tumanlar va shaharlar hokimliklarining iqtisodiyot va moliya bo‘limlari” degan so‘zlar “Toshkent shahar iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmalari, tumanlar va shaharlar iqtisodiyot va moliya bo‘limlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 8-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi hamda vazirlik va idoralarning har bir diplomatik muassasalari va vakolatxonalari bo‘yicha xarajatlar smetasi xorijiy va milliy valyutalarda har bir diplomatik muassasa va vakolatxonalar bo‘yicha alohida mazkur Nizomning 1a-ilovasiga muvofiq shaklda tuziladi.”.

8. 9-bandning beshinchi xatboshisidagi “joriy” degan so‘z “kelgusi” degan so‘z bilan almashtirilsin.

9. 20-bandning uchinchi va to‘rtinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonalari va konsullik muassasalari, vazirlik va idoralar vakolatxonalarining yillik jamlanma xarajatlar smetasi O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi hamda vazirlik va idoralar tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan holda joriy yilning 20-dekabriga qadar O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirining hamda vazirlik va idoralar rahbarining ERIsi bilan tasdiqlanadi.

Dasturiy majmuaga ulanmagan O‘zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonalari va konsullik muassasalari, vazirlik va idoralar vakolatxonalarining xarajatlar smetasi O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vaziri hamda vazirlik va idoralar rahbari tomonidan tasdiqlanadi, tasdiqlangan kuni ko‘rsatilgan holda ularning imzolari hamda mazkur smetaning barcha nusxalari tashkilot muhri izini aks ettirish bilan rasmiylashtiriladi.”.

10. 22-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Xarajatlar smetalarini tasdiqlash joriy moliya yilining 20-dekabridan kechiktirmay amalga oshiriladi. Bunda, budjet mablag‘larini taqsimlovchi bo‘ysunuvidagi budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilar xarajatlar smetasini budjet mablag‘larini taqsimlovchi tomonidan belgilangan muddatlarda, biroq joriy moliya yilining 20-dekabridan kechiktirmay tasdiqlaydi.”.

11. 24-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“qonunchilik hujjatlariga muvofiq shakllantiriladigan Budjet tashkilotlari xodimlarini moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi (tibbiyot muassasalari, barcha tipdagi umumta’lim maktablari va o‘rta maxsus, kasbiy ta’lim tashkilotlari bundan mustasno);”.

12. 25-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“25. Budjet tashkilotining shtat jadvalini va markazlashtirilgan moliya-buxgalteriya xizmatining jamlanma shtat jadvalini tasdiqlash joriy moliya

yilining 20-dekabridan kechiktirmay amalga oshiriladi. Budjet mablag‘larini taqsimlovchi bo‘ysunuvidagi budjet tashkilotlari shtat jadvallarini budjet mablag‘larini taqsimlovchi tomonidan belgilangan, biroq joriy moliya yilining 20-dekabridan kechiktirmay tasdiqlaydi.”.

13. 3-bob o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

14. 30-bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“budjet tashkilotlariga undiriladigan ota-onalar to‘lovlari hisobidan shakllantiriladigan budjetdan tashqari mablag‘lar, shu jumladan o‘quvchilar va tarbiyalanuvchilar davlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida, umumta’lim maktablarining kuni uzaytirilgan guruhlarida, maktab-internatlarda, olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlari va boshqa ta’lim tashkilotlarida tarbiyalanayotganligi uchun, o‘quvchilar bolalar musiqa va san’at maktablari hamda qo‘shimcha ta’lim tashkilotlarida ta’lim olganligi uchun, oliy, o‘rta maxsus va kasbiy ta’lim tashkilotlarida ta’lim olganlik uchun, statsionar davolash-profilaktika muassasalarida davolanayotganlar tarkibi ovqatlanishi uchun hamda qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa turdagi to‘lovlar;”.

15. 35-bandning oltinchi va yettinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Budjet tashkilotlari xodimlarini moddiy rag‘batlantirish maxsus fondining to‘g‘ri tashkil qilinganligini;

Umumta’lim, o‘rta-maxsus, kasbiy ta’lim tashkilotlarining direktor jamg‘armasining to‘g‘ri tashkil qilinganligini;”.

16. 39-banddagi “moliya yilining 1-apreliga” degan so‘zlar “joriy moliya yilining 25-dekabriga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

17. 51-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“51. Xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi, shtat jadvallari, shuningdek jamlanma xarajatlar smetasi, jamlanma daromadlar va xarajatlar smetasi va jamlanma shtat jadvallarini ro‘yxatdan o‘tkazish:

budjet mablag‘larini taqsimlovchilarning jamlanma xarajatlar smetasi, jamlanma daromadlar va xarajatlar smetasi va jamlanma shtat jadvallari – O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan (bunda bo‘ysunuvida budjet tashkilotlari hamda budjet mablag‘lari oluvchilari bo‘lmagan budjet mablag‘larini taqsimlovchilar bo‘yicha xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi hamda shtat jadvallari ro‘yxatdan o‘tkaziladi);

Qoraqalpog‘iston Respublikasining respublika budjetidan, viloyatlarning viloyat budjetlaridan va Toshkent shahrining shahar budjetidan moliyalashtiriladigan budjet tashkilotlari hamda budjet mablag‘lari oluvchilar

xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi, shtat jadvallari – Qoraqalpog‘iston Respublikasining Iqtisodiyot va moliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmalari tomonidan;

shahar va tuman budjetlaridan moliyalashtiriladigan budjet tashkilotlari, markazlashtirilgan moliya-buxgalteriya xizmatlari hamda budjet mablag‘lari oluvchilarning (jamlanma) xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi, shtat jadvallari – tegishli tumanlar va shaharlar iqtisodiyot va moliya bo‘limlari tomonidan amalga oshiriladi.

Bunda, Qoraqalpog‘iston Respublikasining Iqtisodiyot va moliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar iqtisodiyot va moliya boshqarmalari kasbiy ta’lim tashkilotlarining xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini, ular uchun O‘zbekiston Respublikasi respublika budjeti shaxsiy g‘azna hisobvaraqlarini ochib, ro‘yxatdan o‘tkazadi va Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri bo‘yicha kasbiy ta’lim tashkilotlarining jamlanma xarajatlar smetasi va jamlanma shtat jadvallarini O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga belgilangan muddatlarda ro‘yxatdan o‘tkazish uchun taqdim etadi.”.

18. 52-band “diplomatik muassasalarini” degan so‘zlardan so‘ng “hamda vazirlik va idoralar vakolatxonalarini” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

19. 6-bobning 2-paragrafi nomidan “, vaqtinchalik xarajatlar smetasi” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

20. 69-bandda:

birinchi xatboshidan “, vaqtinchalik xarajatlar smetasi” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

uchinchi va to‘rtinchi xatboshilardan “hokimliklarining” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

21. 70-bandning birinchi xatboshisidagi “o‘n” degan so‘z “uch” degan so‘z bilan almashtirilsin.

22. 75-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasining respublika budjetidan moliyalashtiriladigan budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilar, O‘zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonasi va konsullik muassasasi hamda vazirlik va idoralarning vakolatxonalari, shuningdek, ikkinchi darajali budjet mablag‘lari taqsimlovchilar bo‘yicha birinchi darajali budjet mablag‘larini taqsimlovchi tomonidan. Bunda, budjet mablag‘larini taqsimlovchilar tomonidan tasarrufidagi tizim tashkilotlariga budjetdan

ajratiladigan mablag‘lari doirasida faqat guruhlar bo‘yicha o‘zgartirishlar kiritilishi mumkin;”;

to‘rtinchi va beshinchi xatboshilardan “hokimliklarining” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

23. 83-bandning birinchi xatboshisidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

24. 86-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“86. Har yili iqtisodiyot va moliya organlari kelgusi moliya yilining birinchi choragida barcha budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi (daromadlar va xarajatlar smetasi), budjet mablag‘larini taqsimlovchining va markazlashtirilgan moliya-buxgalteriya xizmatlarining jamlanma xarajatlar smetasi tuzilishi, tasdiqlanishining to‘g‘riligini va o‘z vaqtida yetkazilishini tekshirishdan o‘tkazishi, hududiy iqtisodiyot va moliya organlari tomonidan mazkur ishlarning o‘z vaqtida va sifatli olib borilganligini tizimli nazorat qilishi, tekshiruvlarni tashkillashtirishda va o‘tkazishda ularga zarur yordamni ko‘rsatishi lozim.”.

25. 1 va 8-ilovalardan “_____ ga bajarildi (haqiqiy xarajat)” ustuni chiqarib tashlansin.

26. 1a-ilova mazkur o‘zgartirishlar va qo‘shimchaning ilovasiga muvofiq tahrirda bayon etilsin.

27. 4, 4a va 14a-ilovalar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

Budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar va qo‘shimchaga
ILOVA

“Budjet tashkilotlari va budjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1a-ILOVA

“TASDIQLAYMAN”
Budjet mablag‘larini taqsimlovchi rahbari
_____
(imzo)
M.O‘.
20 y. “ ”

_____ **miqdorida tasdiqlangan**
(summa yozuv va raqam bilan)
Jumladan ish haqi _____
(summa yozuv va raqam bilan)

_____ yil uchun xarajatlar
SMETASI
_____
(dilomatik muassasa, konsullik idora, vakolatxona nomi)

Moddalar nomi	**Toifa**	**Modda va kichik modda**	**Element**	___ yil kiritilgan o‘zgartirishlar bilan tasdiqlangan	___ yil tashkilot tomonidan hisoblangan	_____ yil tasdiqlangan hammasi	shu jumladan, choraklar bo‘yicha														
							I chorak bo‘yicha jami	jumladan, oylar bo‘yicha			II chorak bo‘yicha jami	jumladan, oylar bo‘yicha			III chorak bo‘yicha jami	jumladan, oylar bo‘yicha			IV chorak bo‘yicha jami	jumladan, oylar bo‘yicha	
								Yanvar	fevral	mart		Aprel	may	iyun		Iyul	avgust	sentyabr		oktyabr	noyabr
I guruh xarajatlari — ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar																					
I guruh xarajatlari bo‘yicha jami																					
II guruh xarajatlari — ish beruvchining ajratmalari																					
II guruh xarajatlari bo‘yicha jami																					
IV guruh xarajatlari — boshqa xarajatlar																					
IV guruh xarajatlari bo‘yicha jami																					
Jami:																					
Xarajatlar qoplanadi:																					
Konsullik tushumlari hamda qoldiq mablag‘lar hisobidan																					
Respublika budjeti hisobidan																					

Vazirlik va idora rahbari o‘rinbosari _____

Vazirlik va idoraning moliya-iqtisod boshqarmasi boshlig‘i _____

**) Aviachiptalarni sotib olish uchun O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan xarid kunida belgilangan kurs bo‘yicha milliy valyutada ajratiladigan mablag‘lar.*

***) Mazkur shakl bo‘yicha jamlanma xarajatlar smetasi (“Boshqa xarajatlar” bo‘yicha IV guruh xarajatlari yoyilmasi ilova qilingan holda) O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan holda tasdiqlanadi.*

(imzo) (imzo)

Vazirlik va idoraning bosh hisobchisi

_____
(imzo)

Xarajatlar smetasiga
ILOVA

“Boshqa xarajatlar” bo‘yicha IV guruh xarajatlari
YOYILMASI

Moddalar nomi	**Toifa**	**Modda va kichik modda**	**Element**	_____ yil																
				tasdiqlangan																
				hammasi	shu jumladan, choraklar bo‘yicha															
					I chorak bo‘yicha jami	jumladan, oylar bo‘yicha			II chorak bo‘yicha jami	jumladan, oylar bo‘yicha			III chorak bo‘yicha jami	jumladan, oylar bo‘yicha			IV chorak bo‘yicha jami	jumladan, oylar bo‘yicha		
						Yanvar	fevral	mart		Aprel	may	iyun		Iyul	avgust	sentyabr		oktyabr	noyabr	dekabr
IV guruh xarajatlari — boshqa xarajatlar																				
Boshqa xarajatlar — jami jumladan:																				
....																				

Vazirlik va idora rahbari o‘rinbosari Vazirlik va idoraning moliya-iqtisod boshqarmasi boshlig‘i

_____ _____
(imzo) (imzo)

Vazirlik va idoraning bosh hisobchisi

_____
(imzo)

**) Aviachiptalarni sotib olish uchun O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan xarid kunida belgilangan kurs bo‘yicha milliy valyutada ajratiladigan mablag‘lar.*

***) Mazkur shakl bo‘yicha jamlanma xarajatlar smetasi (Boshqa xarajatlar” bo‘yicha IV guruh xarajatlari yoyilmasi ilova qilingan holda) O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan holda tasdiqlanadi.* ”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2877-1
2026 - yil 24 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT
VA MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

“Davlat buyurtmasi boʻyicha xarid qilinadigan meva-sabzavot, kartoshka, poliz va uzum mahsulotlari yetishtiruvchi qishloq xoʻjaligi tovar ishlab chiqaruvchilarining xarajatlarini boʻnaklash tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida

O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-avgustdagi PF–111-son “Ijtimoiy munosabatlarni huquqiy tartibga solishning barqarorligini ta’minlash, sifati va samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligi, Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligining 2017-yil 5-apreldagi 32, 129 va 35-son “Davlat buyurtmasi boʻyicha xarid qilinadigan meva-sabzavot, kartoshka, poliz va uzum mahsulotlari yetishtiruvchi qishloq xoʻjaligi tovar ishlab chiqaruvchilarining xarajatlarini boʻnaklash tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2877, 2017-yil 24-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 17-son, 307-modda) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki, O‘zbekiston fermerlari kengashi va “O‘zkimyosanoat” aksiyadorlik jamiyati bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 15-yanvar
40-son

ABDURAXMONOV IBROXIM YULCHIYEVICH

Vazir
2026-yil 14-yanvar
321-son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Kelishildi:

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Raisi
2025-yil 25-dekabr

ISHMETOV TIMUR AMINDJANOVICH

Boshqaruv raisi
2025-yil 27-noyabr

TEMIROV ODIL SHUKUROVICH

Kengash raisi
2025-yil 2-noyabr

XAITOV AKTAM AXMADOVICH

3 (1231)-сон
66-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3080-2
2026 - yil 24 - Yanvar

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING

QARORI

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki obligatsiyalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 2-sentabrdagi PQ–291-son “Kapital bozorini rivojlantirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 22-sentabrdagi 30/14-son qarori (ro‘yxat raqami 3080, 2018-yil 25-oktabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 27.10.2018-y., 10/18/3080/2114-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki obligatsiyalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Raisining birinchi o‘rinbosari

2026-yil 5-yanvar

37/4- son

SAYDULLAYEV NODIRBEK
NARZULLAYEVICH

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining
2026-yil 5-yanvardagi 37/4-son qaroriga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki obligatsiyalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan bank tizimi likvidligini tartibga solish hamda pul-kredit siyosati foiz instrumentlari samaradorligini oshirish maqsadida Markaziy bank obligatsiyalarini muomalaga chiqarish, joylashtirish va so‘ndirish tartibini belgilaydi.”.

2. 1-bandda:

to‘rtinchi va beshinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“valyuta birjasi – chet el valyutasi, davlat qimmatli qog‘ozlari, moliyaviy hosila instrumentlari (derivativlar) oldi-sotdisi hamda ular bilan bog‘liq boshqa birja bitimlari bo‘yicha birja savdolarini, shuningdek banklararo pul bozorini hamda Markaziy bankning tijorat banklari, shu jumladan, mikromoliya banklari (bundan buyon matnda banklar deb yuritiladi) bilan amalga oshiriladigan kredit va depozit auksionlarini tashkil etuvchi yuridik shaxs;

savdo tizimi – obligatsiyalar bo‘yicha elektron savdolar tashkillashtirilishini ta’minlovchi valyuta birjasining avtomatlashtirilgan elektron tizimi;”;

quyidagi mazmundagi oltinchi va yettinchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“Milliy kliring markazi – obligatsiyalar bo‘yicha kliring, markazlashgan kliringni amalga oshiruvchi va markaziy kontragent sifatida faoliyat yurituvchi tashkilot;

Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi (bundan buyon matnda Markaziy depozitariy deb yuritiladi) – depo hisobvaraqlari bo‘yicha qimmatli qog‘ozlarni

saqlashning, bunday qimmatli qogʻozlarga boʻlgan huquqlarni hisobga olishning va qimmatli qogʻozlar harakatining yagona tizimini taʼminlovchi tashkilot;”;

oltinchi – oʻn ikkinchi xatboshilar tegishli ravishda sakkizinchi – oʻn toʻrtinchi xatboshilar deb hisoblansin;

sakkizinchi va toʻqqizinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bosh bitim – Markaziy bank bilan banklar, shuningdek banklar bilan valyuta birjasi, Markaziy depozitariy va Milliy kliring markazi oʻrtasida tuziladigan, obligatsiyalar boʻyicha amalga oshiriladigan operatsiyalarning umumiy shartlari va tartibini belgilovchi oʻzaro harakat;

diler – Bosh bitim asosida obligatsiyalar bilan bogʻliq operatsiyalarni amalga oshiruvchi banklar;”;

oʻninchi – oʻn ikkinchi xatboshilardagi “tijorat banklari” degan soʻzlar “banklar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

oʻn uchinchi xatboshidagi “tijorat banklarining” degan soʻzlar “banklarning” degan soʻz bilan almashtirilsin;

oʻn toʻrtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“REPO bitimi – bitim shartlari bilan belgilangan muddat va bahoda obligatsiyalarni qayta sotib olish (sotish) (REPO bitimining ikkinchi qismi) sharti bilan sotish (sotib olish) (REPO bitimining birinchi qismi) boʻyicha ikki tomonlama bitim.”.

3. 3-band “garov taʼminoti va” degan soʻzlardan keyin “dilerlar oʻrtasida tuziladigan” degan soʻzlar bilan toʻldirilsin.

4. 5-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan toʻldirilsin:

“Global sertifikat ikkita asl nusxada rasmiylashtiriladi, bir nusxasi Markaziy bankda, ikkinchi nusxasi Markaziy depozitariyda saqlanadi.

Global sertifikat rasmiylashtirilgandan soʻng Markaziy bank Markaziy depozitariyga obligatsiyalarni joylashtirish uchun moʻljallangan emissiyaviy depo

hisobvarag‘iga muomalaga chiqarilayotgan obligatsiyalarning to‘liq hajmini joylashtirish bo‘yicha topshiriq beradi.”.

5. 6-bandning to‘rtinchi – yettinchi xatboshilaridagi “muddatga” degan so‘z “muddatgacha” degan so‘z bilan almashtirilsin.

6. 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Obligatsiyalar bo‘yicha barcha operatsiyalar valyuta birjasi tomonidan ishlab chiqilgan birja savdolarini o‘tkazish qoidalariga muvofiq savdo tizimi orqali amalga oshiriladi, bundan mazkur Nizomning 10^1-bandida belgilangan operatsiya mustasno.”.

7. 10-bandning birinchi xatboshisidagi va 22-banddagi “tijorat banklari” degan so‘zlar “banklar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

8. Quyidagi mazmundagi 10^1-band bilan to‘ldirilsin:

“10^1. Markaziy bank obligatsiyalarni ikkilamchi savdolarda oldi-sotdi qilish uchun o‘zining emissiyaviy depo hisobvarag‘idan depo hisobvarag‘iga o‘tkazish orqali joylashtiradi.”.

9. 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Obligatsiyalarni joylashtirish bo‘yicha auksion savdolari shartlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar auksion savdosi o‘tkaziladigan kundan kamida 1 ish kuni oldin Markaziy bankning rasmiy veb-saytida e’lon qilinadi, bundan banklardagi kutilmagan likvidlik tebranishlarini barqarorlashtirish maqsadida o‘tkaziladigan auksion savdolari mustasno.”.

10. 18-banddagi “tijorat banklari” va “tijorat bankidan” degan so‘zlar tegishli ravishda “banklar” va “bankdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11. 23-banddagi va 25-bandning birinchi xatboshisidagi “tijorat banklarining” degan so‘zlar “banklarning” degan so‘z bilan almashtirilsin.

12. 28-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“28. Obligatsiyalarning ikkilamchi bozorida auksion savdolari natijalariga ko‘ra xarid qilingan va mazkur Nizomning 10^1-bandida belgilangan qoidaga

muvofiq joylashtirilgan obligatsiyalar boʻyicha dilerlar oʻrtasida oldi-sotdi operatsiyalari amalga oshiriladi.”.

13. 30-band “qoidalariga muvofiq” degan soʻzlardan keyin “markaziy kontragent ishtirokida yoki markaziy kontragent ishtirokisiz” degan soʻzlar bilan toʻldirilsin.

14. 36-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Har bir birja bitimi tuzilganda savdo tizimi uni roʻyxatga oladi, unga roʻyxatga olish raqamini biriktiradi va savdo ishtirokchilariga birja bitimlari reyestridan koʻchirma taqdim etadi. Shuningdek, savdo tizimi birja bitimlari reyestrini Milliy kliring markaziga savdo ishtirokchilarining talab va majburiyatlarini aniqlashtirish maqsadida taqdim qiladi.”.

15. 39-banddagi “valyuta birjasida” degan soʻzlar “Markaziy depozitariyda” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

16. 40 – 42-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“40. Obligatsiyalar boʻyicha hisob-kitoblar birja bitimlari reyestri asosida shakllantirilgan kliring topshiriqnomasiga muvofiq quyidagilar tomonidan amalga oshiriladi:

markaziy kontragent ishtirokida tuzilgan bitimlar boʻyicha Milliy kliring markazi tomonidan;

markaziy kontragent ishtirokisiz tuzilgan bitimlar boʻyicha Markaziy depozitariy yoki Markaziy bank tomonidan.

41. Obligatsiyalarning sotib oluvchining depo hisobvaragʻiga oʻtkazilishi va pul mablagʻlarining sotuvchining hisobvaragʻiga oʻtkazib berilishi “yetkazib berishga nisbatan toʻlov” (delivery versus payment – DVP) tamoyillari asosida amalga oshiriladi, bundan mazkur Nizomning 10^1-bandida belgilangan operatsiya mustasno.

Mazkur Nizomning 10^1-bandida belgilangan qoidaga muvofiq obligatsiyalarni Markaziy bankning emissiyaviy depo hisobvaragʻidan oʻzining

depo hisobvarag‘iga o‘tkazish orqali joylashtirish pul mablag‘larini o‘tkazmagan holda (free of payment – FOP) amalga oshiriladi.

42. Obligatsiyalarni sotib oluvchiga uning depo hisobvarag‘iga tegishli kirim yozuvi amalga oshirilgandan so‘ng egalik huquqi beriladi va depo hisobvarag‘idan ko‘chirma bilan tasdiqlanadi.”.

17. 46-banddagi “Valyuta birjasi” va “depo” hisobvarag‘idagi” degan so‘zlar “Markaziy depozitariy” va “depo hisobvarag‘idagi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

18. 47-banddagi “valyuta birjasining Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi Hisob-kitob kassa markazidagi alohida” degan so‘zlar “Markaziy depozitariyning Markaziy bankda ochilgan vakillik” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

19. 48 va 49-bandlardagi “Valyuta birjasi” degan so‘zlar “Markaziy depozitariy” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

20. 50-band “keyingi ish kunida” degan so‘zlardan keyin “yoki muddatidan oldin” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

21. 51 va 52-bandlar quyida tahrirda bayon etilsin:

“51. Markaziy bank obligatsiyalarni so‘ndirish uchun ularning to‘liq hajmini nominal qiymatda sotib olish bo‘yicha savdo tizimiga buyurtma kiritadi yoki Markaziy depozitariyga so‘ndirilishi lozim bo‘lgan obligatsiyalarni hisobga olish uchun topshiriq beradi.

52. Markaziy bankning so‘ndirilgan obligatsiyalari Markaziy depozitariy tomonidan Markaziy bankning emissiyaviy depo hisobvarag‘iga o‘tkazib beriladi.”.